

**Б.Э.Матрасулов, Ғ.И.Бердиев**



**ЛОЙИХА ТАҲЛИЛИ**

**Гулистон-2012**

**Б.Э.Матрасулов., Г.И.Бердиев.** “Лойиха таҳлили” фанидан ўқув услубий мажмуя. Гулистон 2011. \_\_б.

Ушбу ўқув кўлланма амалдаги дастурлар асосида тайёрланиб, 5340100-иктисодиёт таълим йўналишларида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Унда замонавий педагогик технология тизимиға суюнган холда ўқув мақсадлари, мавзу бўйича кўриб чиқилиши зарур муаммолар, назорат саволлари, талабалар мустақил бажариши зарур бўлган топшириклар келтирилган.

Ўқув қўлланмада лойиха таҳлили фанини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Ҳар бир мавзуда мавзуга оид муаммолар келтирилган. Ушбу ўқув қўлланма университет талабалари учун дастлабки йўналтирувчи ўқув адабиёти сифатида мўлжалланган.

Ўқув қўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгashi томонидан (10 октябр 2011 йил, 1 - баённома) нашрга тавсия қилинган.

**Масъул муҳаррир: И. ф.н., доц. А.Мухаметов**

**Тақризчилар: И.ф. н., доц. О.Р.Райимбердиева**

**И.ф.н., доц. О.Саттторқулов**

**Матрасулов Б.Э., Бердиев Г.И.** Текст лекций по предмету “Проектный анализ”. Гулистон. 2011. \_\_стр.

Данное пособие подготовлено на основе действующих программ и предназначен для студентов, обучающихся по направлению 5340100-экономика. В сборнике приведены иденфицируемые учебные цели, научные проблемы, контрольные вопросы и самостоятельные работы для студентов на основе новых педагогических технологий.

В учебном пособие раскрыты особенности изучения предметов бухгалтерского учета, экономического анализа и аудита. Данное учебное пособие предназначено для студентов университета в качестве вводной учебной литературы.

Учебное пособие рекомендована к публикации Координационным советом министерства Высшего и среднего специального образования (протокол №1, 10 октября 2011 год).

**Matrasulov B. E., Berdiev G.I. Educational-allowance on accounting.** Gulistan 2011. p.

The present allowance is prepared on the base of functioning program and is intended for the students studying on the 5340100 branch of economics. The identical educational scientific problems, questions and self-independent works are given on the base of new pedagogical technologies.

The peculiarities of studying accounting are opened in educational-allowance. This collection is intended for the students of the university as an introductory educational literature.

Educational-allowance is recommended for publication by coordination commission and by the ministry of Higher and secondary special education.

# МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
Лойиха таҳлили фани бўйича таълим технологияларини ишлаб чиқишининг концептуал асослари .....	11
I-модул .....	13
<b>1-МАВЗУ. ЛОЙИХА ТАҲЛИЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР .....</b>	<b>4</b>
1.1.Инвестицияларнинг моҳияти, асосий турлари ва тузилиши.....	4
1.2.Макроиктисодий назарияда инвестицияларнинг талқини.....	6
1.3.Инвестициялар таҳлилида асосланиладиган асосий иқтисодий концепциялар.....	7
1.4.Инвестиция сиёсатининг моҳияти ва йўналишлари.....	9
1.5.Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишлари....	11
1 амалий машғулотлар.....	13
<b>2-МАВЗУ.ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>16</b>
2.1. Инвестиция лойиҳаларини танлашда молиявий-иктисодий баҳолашнинг роли .....	16
2.2. Дисконтлаш ҳақида тушунча.....	17
2.3.Аннуитетнинг келгуси қиймати.....	18
2.4. Аннуитетнинг жорий қиймати.....	20
2.5. Рента қиймати.....	21
2 амалий машғулотлар .....	22
<b>3-мавзу. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ.....</b>	<b>26</b>
3.1. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг моҳияти ва услублари .....	26
3.2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосаланган услублари .....	27
3.3. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услублари.....	30
амалий машғулот .....	32
<b>4-МАВЗУ. ЛОЙИХА ТАҲЛИЛИ КОНЦЕПЦИЯСИ.....</b>	<b>36</b>
4.1. «Лойиҳа» тушунчаси, лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари.....	36
4.2. Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичлари.....	37
4.3. Лойиҳа таҳлилиниң моҳияти ва вазифалари.....	38
4.4. Лойиҳа таҳлили тузилмаси.....	39
4.5. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестиция лойиҳалари .....	40
4 амалий машғулот .....	41
<b>5-МАВЗУ . ЛОЙИХАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ.....</b>	<b>45</b>
5.1. «Лойиҳаларни тайёрлаш» тушунчаси.....	45
5.2. Инвестиция лойиҳалари хужжатларини тайёрлаш босқичлари .....	45
5.3. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш .....	47
5.4. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш масалалари.....	48
5.5. Лойиҳаларнинг охирги шаклланган варианти ва уни техник- иктисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқулиги .....	49
5 амалий машғулот.....	51
<b>6-МАВЗУ. ТЕХНИК ТАҲЛИЛ.....</b>	<b>55</b>
6.1. Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифалари ва таркиби .....	55

6.2. Лойиҳаларни ишлаб чиқишининг техник муаммолари. Мулк шакли.	56
Лойиҳа кўлами .....	56
6.3. Лойиҳаларни жойлаштириш ўрни.....	58
6.4. Харажатлардаги ўзгаришлар.....	59
6.5. Лойиҳани амалга ошириш ишлари графиги.....	60
6 амалий машғулот.....	61
<b>7-МАВЗУ. ЭКОЛОГИК ТАҲЛИЛ.....</b>	<b>64</b>
7.1. Экологик таҳлилнинг моҳияти.....	64
7.2. Экология бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёrlаш .....	65
7.3. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлили .....	66
7.4. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш	
манбалари .....	67
7 амалий машғулот.....	68
<b>8-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ ТАҲЛИЛ .....</b>	<b>72</b>
8.1. Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари .....	72
8.2. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари .....	73
8.3. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талаблари.....	74
8.4. Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш масалалари .....	74
8.5. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда хотин-қизлар роли .....	75
8.6. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласи .....	76
8 амалий машғулот.....	77
<b>9-МАВЗУ. ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ.....</b>	<b>80</b>
9.1. Институционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадлари .....	80
9.2. Институционал таҳлил тузилмаси.....	82
9.3. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммолар .....	82
9.4. Зарурый институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар .....	83
9.5. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига	
эътиборсизлик .....	85
<b>10-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ.....</b>	<b>90</b>
10.1. Молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турлари .....	90
10.2. Молиявий рентабеллий таҳлили.....	91
10.3. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили.....	92
10.4. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили	93
10.5. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида	
аниқлашнинг оддий усули .....	96
<b>11-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ.....</b>	<b>101</b>
11.1. Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсади.....	101
11.2. Иқтисодий таҳлил вазифалари. Лойиҳа мақсадларини ва таҳлил	
чизмасини аниқлаш .....	102
11.3. Иқтисодий таҳлилда яширин баҳолар.....	103
11.4. Манбаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари ва муаммолари ..	105
11 амалий машғулот .....	107
<b>12-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИДА ТАВАККАЛ ХАВФИ</b>	
<b>ТАҲЛИЛИ .....</b>	<b>111</b>
12.1. Инвестицияларда таваккал хавфи даражаси.....	111
12.2. Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич	
баҳолаш .....	114
1-модул бўйича амалий машғулотларини бажариш юзасидан кўрсатмалар	
ва мустақил иш топшириқлари .....	104
1-модул бўйича якуний хулосалар .....	108
Информацион – услугбий таъминот .....	114
Глоссарий .....	115

## **КИРИШ**

Президентимиз И.А.Каримов ишлаб чиқилган беш тамойил бозор иқтисодиётига босқичма-боскич ўтиб ижтимоий ҳимоялаш сингари омиллар Республикада танланган йўлни тўғрилигини кўрсатиб бермокда.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, уларни чуқурлаштириш тармоқни сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш ўз навбатида иқтисодий маданиятни тўғри шакллантиришга, иқтисодий тежамкорликка риоя қилиш, иқтисодиёт илмига, кадрларга бўлган муносабат Республикамизда мустақилликдан кейингина ижобий томонга ўзгарди.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ёки авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор беришни, уларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда. Республикамиз иқтисодиётини таркибий қайта қуриш, иқтисодий ўсишнинг барқарор, юқори суръатларини таъминлаш вазифалари иқтисодиётилизга жалб этилаётган инвестициялар хажмини тўхтовсиз ўстиришни, ҳар бир сўмлик инвестиция энг зарур, энг кўп самара берадиган обьектларга сарфланишини талаб этади.

Ички инвестиция манбаларининг чекланганлиги хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳам катта куч-гайратни талаб этмоқда. Афсуски қулай инвестиция муҳити яратилиши, давлат томонидан инвестиция фаолияти қонун йўли билан қўллаб-кувватланишига қарамасдан, инвестиция жараёнларида бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатнинг сабаблари қаторида ваколатли идораларда техник-иқтисодий асосланган лойиҳаларни экспертиздан ўтказиш муддатлари чўзиб юборилаётганлиги ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича ишловчи тизимни малакали кадрлар билан таъминлашда сусткашликка йўл қўйилаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Етарли даражада ва чукур илмий таҳлил қилинмай амалга оширилган қўргина инвестиция лойиҳалари оқибат-натижасида кўзда тутилган самарага эришиш имконини беради.

Лойиҳа таҳлилини чукур биладиган, унинг барча жиҳатларини тушунадиган, зарур бўлса, малакали мутахассисларни жамлаб, лойиҳа таҳлили бўйича фаолиятни уюштира оладиган мутахассисларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, мақсадга «Лойиҳа таҳлили» фанини пухта ўрганиш, бу жараёнда тавсия қилинаётган адабиётлар устида тинимсиз ишлаш орқалигина эришиш мумкин. Шу ҳаётий зарурат маҳсули бўлган ушбу қўлланмада лойиҳа таҳлилининг энг муҳим жиҳатлари баён қилинган, иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабалар ва лойиҳа таҳлили билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Мамлактимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиликларни танқидий кўз билан баҳолаш шуни кўрсатмоқдаки, бошқарув ва хисобот тизимида эскича қараш илдизлари мавжуд. Инвестиция лойиҳалар таҳлилини халқаро андозаларга олиб чиқиш бугунги куннинг вазифасидир.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда муаллифлар сиз азиз ўқувчиларга “Лойиҳа таҳлили” дарслигини тақдим қилмоқдалар. Маъruzалар матни “Иқтисодиёт” мутахассислигига таълим олаётган бакалаврларга мўлжалланган бўлиб, улар учун тасдиқланган ўқув режаси асосида ёзилган.

**Манзилимиз: 707012. Гулистон шаҳри, IV мавзе.  
Университет, «Умумий иқтисодиёт» кафедраси.**

## I. “ЛОЙИХА ТАҲЛИЛИ” ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**I.I. Фаннинг мақсади:** 5340100-иктисодиёт таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ушбу фанни мукаммал ўргатиш асосида унинг тамойиллари ва усуллари ҳамда амалиётда мавжуд бўлган масалаларни бартараф этишда талабаларнинг ўқиш жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш даражасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун яқиндан ёрдам беришдан иборатdir.

### I.2. Фаннинг вазифалари:

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, мазкур фанни ўрганишда қуйидаги асосий вазифаларни билиш лозим:

- лойиҳаларни тузишдан кўзда тутилган мақсадни тушунтириш, лойиҳанинг моҳияти ва турларини ўргатиш;
- глобал, миллий иқтисодиёт ва корхона кўламида лойиҳаларни молиялаштирувчи институтлар билан таништириш;
- лойиҳа ғоясининг келиб чиқиш асосларини, лойиҳа олди босқичи ҳамда лойиҳа тузиш жараёнлари билан таништириш;
- талабаларни лойиҳани таҳлил қилиш усулларидан фойдаланишга ўргатиш;
- лойиҳа самарадорлигини ҳисоблаш усулларини амалий машқлар воситасида кўрсатиш;
- молиявий таҳлил маҳоратига ўргатиш;
- лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда техник, ижтимоий, экологик, институционал, иқтисодий ва тижорат аспектлари бўйича таҳлил қилишга ўргатиш;
- лойиҳаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида хulosса ва тавсиялар ёзишга ўргатиш.

**1.3. Фан бўйича** талабалар лойиҳа таҳлилини аҳамияти, молиявий ижтимоий баҳолаш услублар ва усуллари, техник таҳлил, экологик, молиявий иқтисодий, ижтимоий таҳлил каби билим ва кўникмаларни эгаллашлари лозим.

**1.4. Фанни ўрганишда** талабалар иқтисод назарияси, статистика, корхона иқтисодиёти, бухгалтерия ҳислби, иқтисодий таҳлил, аудит, молиявий ва бошқарув таҳлили каби фанларидан олган билимлари асосида иш кўрадилар.

**II. ФАННИНГ МАЗМУНИ:**  
**Лекция мавзулари, кўриладиган масалалар ва вақт.**  
**2.1. “Лойиҳа таҳлили” фанидан лекция мавзулари:**

№	Маъруза мавзулари	Кўриладиган масалалар	Вақт, соат
1	Лойиҳа таҳлили билан боғлиқ иқтисодий концепциялар	Инвестицияларнинг моҳияти, асосий турлари ва тузилиши. Макроиктисодий назарияда инвестицияларнинг талқини. Инвестициялар таҳлилида асосланадиган асосий иқтисодий концепциялар. Инвестиция сиёсатининг моҳияти ва йўналишлари. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишлари.	2
2	Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолаш-нинг услубий асослари	Инвестиция лойиҳаларини танлашда молиявий иқтисодий баҳолашнинг роли. Дисконтлаш ҳақида тушунча. Аннуитетнинг келгуси қиймати. Аннуитетнинг жорий қиймати. Рента қиймати.	4
3	Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг асосий усуллари	Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг моҳияти ва усуллари. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган услублари. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услублари.	4
4	Лойиҳа таҳлили концепцияси	«Лойиҳа тушунчаси, лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари. Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичлари. Лойиҳа таҳлилиниң моҳияти ва вазифалари. Лойиҳа таҳлили тузилмаси. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестиция лойиҳалари.	2
5	Лойиҳаларни тайёрлаш	«Лойиҳаларни тайёрлаш» тушунчаси. Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини тайёрлаш босқичлари. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш масалалари. Лойиҳаларнинг охирги шаклланган варианти ва уни техник-иктисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллиги.	2

6	Техник таҳлил	Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифалари ва таркиби. Лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг техник муаммолари. Мулк шакли. Лойиҳа кўлами. Лойиҳаларни жойлаштириш ўрни. Харажатлардаги ўзгаришлар. Лойиҳани амалга ошириш ишлари графиги.	2
7	Экологик таҳлил	Экологик таҳлилнинг моҳияти. Экология бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлили. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш манбалари.	2
8	Ижтимоий таҳлил	Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талаблари. Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш масалалари. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда хотин-қизлар роли. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласи.	2
9	Институционал таҳлил	Институционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадлари. Институционал таҳлил тузилмаси. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммолар. Зарурый институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичга эътиборсизлик.	2
10	Молиявий таҳлил	Молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турлари. Молиявий рентабеллилик таҳлили. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усули.	2
11	Иқтисодий таҳлил	Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсади. Иқтисодий таҳлил вазифалари. Лойиҳа мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаш. Иқтисодий	2

		тахлилда яширин баҳолар. Манфаатлар ва ҳаражатларни ўлчаш услублари ва муаммолари.	
12	Инвестиция лойиҳаларида таваккал хавфи таҳлили	Инвестицияларда таваккал хавфи даражаси. Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолаш.	2
<b>Жами</b>			<b>30</b>

## 2.2. “Лойиҳи таҳлили” фанидан амалий машғулотлар мавзулари:

№	Маъруза мавзулари	Кўриладиган масалалар	Вақт, соат
1	Лойиҳа таҳлили билан боғлиқ иқтисодий концепциялар	Инвестицияларнинг моҳияти, асосий турлари ва тузилиши. Макроиктисодий назарияда инвестицияларнинг талқини. Инвестициялар таҳлилида асосланадиган асосий иқтисодий концепциялар. Инвестиция сиёсатининг моҳияти ва йўналишлари. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишлари.	2
2	Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг услугбий асослари	Инвестиция лойиҳаларини танлашда молиявий иқтисодий баҳолашнинг роли. Дисконтлаш ҳақида тушунча. Аннуитетнинг келгуси қиймати. Аннуитетнинг жорий қиймати. Рента қиймати.	4
3	Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг асосий усуллари	Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг моҳияти ва усуллари. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган услублари. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услублари.	4
4	Лойиҳа таҳлили концепцияси	«Лойиҳа тушунчаси, лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари. Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичлари. Лойиҳа таҳлилиниң моҳияти ва вазифалари. Лойиҳа таҳлили тузилмаси. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестиция лойиҳалари.	2
5	Лойиҳаларни тайёрлаш	«Лойиҳаларни тайёрлаш» тушунчаси. Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини	

		тайёрлаш босқичлари. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш масалалари. Лойиҳаларнинг охирги шаклланган варианти ва уни техник-иктисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллиги.	2
6	Техник таҳлил	Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифалари ва таркиби. Лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг техник муаммолари. Мулк шакли. Лойиҳа кўлами. Лойиҳаларни жойлаштириш ўрни. Харажатлардаги ўзгаришлар. Лойиҳани амалга ошириш ишлари графиги.	2
7	Экологик таҳлил	Экологик таҳлилнинг моҳияти. Экология бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлили. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш манбалари.	2
8	Ижтимоий таҳлил	Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талаблари. Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш масалалари. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда хотин-қизлар роли. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласи.	2
9	Институционал таҳлил	Институционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадлари. Институционал таҳлил тузилмаси. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммолар. Зарурӣ институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичга эътиборсизлик.	2
10	Молиявий таҳлил	Молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турлари. Молиявий рентабеллийлик таҳлили. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий	4

		таҳлили. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усули.	
11	Иқтисодий таҳлил	Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсади. Иқтисодий таҳлил вазифалари. Лойиҳа мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаш. Иқтисодий таҳлилда яширин баҳолар. Манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари ва муаммолари.	2
12	Инвестиция лойиҳаларида таваккал хавфи таҳлили	Инвестицияларда таваккал хавфи даражаси. Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолаш.	2
<b>Жами</b>			<b>34</b>

### 2.3. Талабалар мустақил иши

Т/р	Топшириқ мавзулари	Вақт, соат
1	Инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилишни такомиллаштириш мавзусида реферат тайёрлаш	
2	Мавзулар бўйича тегишли мустақил иш топширикларини бажариш*	

\* Эслатма: Мустақил иш топшириклари тегишли мавзулар бўйича мажмуанинг охирида келтирилган.

### 3.1. Рейтинг ишланмаси

Т/р	Назорат турлари	Сони	Балл	Жами балл
I.	ЖБ 1.1. Амалий маш\уотни бажариш 1.2. ТМИ (танланган мавзуни урганиб ва мавзу буйича та=димот тайёрлаш)	17 1	2 14	34 16
	<b>Жами</b>			<b>50</b>
II.	ОБ 2.1. Ёзма иш 2.2. Коллоквиум топшириш 2.3. Реферат тайёрлаш	2 1 1	3 8 6	6 8 6
	<b>Жами</b>			<b>20</b>
III.	ЯБ 3.1. Якуний баҳолаш 3.1.1. Ёзма иш (3 та савол) 3.1.2. Тест (30 та савол)	1	30 (10x3=30) (30x1=30)	30
<b>Жами</b>				<b>100</b>

### **3.2. «Лойиха таҳлили» курсидан баҳолаш мезони**

- 1.1.** Амалий маш\\уотда =атнашиб, унинг топшири=ларини тула сифатли бажарган талабага 1- 2 баллгача берилади, агар тула булмаса бажариш даражасига =араб 0,2-0,9 баллгача берилади.
- 1.2.** Коллоквиум саволларига тули= жавоб берган ва амалий мисоллар келтира олган талабага балл, тули= жавоб бераолмаган талабага жавоби сифатига =араб 8 баллгача берилади.
- 1.3.** Талабанинг муста=ил иши-танланган мавзуни урганиш ва таҳлил =илишга ба\\ишланган булиб, берилган мавзу буйича та=тдимот тайёрланади. Танланган мавзу урганилиб ёритиб берилса 4 балл; мавзу ёритилиб о\\изаки химоя =илинса 8 балл; мавзу тули= ёритилиб мавзу буйича куникма хосил булган булса 12 балл ва мавзу тулии= ёритилиб та=тдимот шаклида химоя =илинса 16 балл билан баҳоланади.
- 1.4.** Тайёрланган реферат =үйидагича баҳоланади:
  - рефератда мавзу тули= очилган, ту\\ри хulosи чи=арилган ва ижодий фикрлари булса – 6 балл
  - мавзу мохияти очилган, фа=ат хulosаси бор булса – 3-5 балл
  - мавзу мохияти ёритилган, аммо айrim камчиликлари бор булса – 2 балл берилади.
- 2.1.** Орали= баҳолаш ёзма тарзда утказалиб, ундан 3 та саволга жавоб бериши суралади. Хар бир савол 1 баллгача баҳоланади.
  - агар савол мохияти тула очилган булса, жавоблари тули= ва ани= хамда ижодий фикрлари булса-0,9-1 балл
  - саволнинг мохияти умумий очилган асосий фактлар ту\\ри баён этилган булса-0,8-0,7 балл
  - саволга умумий тарзда жавоб берилган, аммо айrim камчиликлари булса 0,6-0,5 балл
  - саволга умумий жавоб берилган, аммо айrim фактлар тули= ёритилмаган булса 0,4-0,3 балл
  - саволга жавоб беришга харакат =илинган, аммо чалкашликлар булса – 0,2 – 0,1 балл берилади.
- 3.1.** Якуний баҳолашда талаба 3 та саволга ёзма ёки 30 та тест саволига жавоб бериши лозим. Хар бир ёзма саволга 10 балл ажратилади.

Узлаштириш курсаткичлари

**Максимал балл-100,0,**  
**«+они=арли»"-56-70-балл,**  
**"Яхши"-71-85-балл,**  
**"Аъло"-86-100-балл.**

## **ЛОЙИХА ТАҲЛИЛИ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илгор педагогик технологиялардан ва мультимедиа кўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил фикрлашга ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка йўналтириш, эркин мулоқотга киришишга, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Таълим самарадорлигини орттиришда фанлар бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқишининг концепцияси аниқ белгиланиш ва унга амал қилиши ижобий натижа беради. Фанни ўқитишининг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар куйидагилардан иборат.

**Фанинг мақсади.** 5340100-Иқтисодиёт таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга лойиҳа таҳлилини ташкил этиш жараёнини очиб беришdir.

Фанни ўқитишининг вазифалари. Лойиҳаларни тузишдан кўзда тутилган мақсадни тушунтириш, лойиҳанинг моҳияти ва турларини ўргатиш, глобал, миллӣ иқтисодиёт ва корхона кўламида лойиҳаларни молиялаштирувчи институтлар билан таништириш, лойиҳа ғоясининг келиб чиқиши асосларини, лойиҳа олди босқичи ҳамда лойиҳа тузиш жараёнлари билан таништириш

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндошишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи кўйилади.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукаммал бўлишига ҳисса кўшади.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

**Диалогик ёндошув.** Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиши.** Демократлиқ, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

**Муаммли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда кўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

**Ахборотни тақдим қилишининг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш** - ҳозирги ахборот коммуникация технология васиталари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўнгилмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

**Ўқитишишнинг методлари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид визуаллаш, тақдимот, баҳс) муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, лойиха ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзунинг мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

**Ўқитишишнинг методлари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид визуаллаш, тақдимот, баҳс) муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, лойиха ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзунинг мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

**Коммуникация усуллари:** тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитишиш диагностикаси амалга оширилади. Таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш таъминланади.

**Бошқарииш усуллари ва тартиби:** ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати ҳам тартибли йўлга қўйилади.

**Мониторинг ва баҳолаши:** ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишишнинг наитижаларини режа асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма, оғзаки ёки тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади. Баҳоларнинг ҳақконий бўлишига, ошкоралигига алоҳида эътибор қаратилади.

## I МОДУЛ

Модулда лойиха таҳлили билан боғлиқ иқтисодий концепциялар, инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари, лойиха таҳлили концепцияси, лойиҳаларни тайёrlаш, техник таҳлил тўғрисида энг сўнги маълумотлар келтирилган.

Модулда б 6 та амалий машғулот бажариш мўлжалланган. Талабалар амалий машғулот якунида лойиҳа таҳлили билан боғлиқ иқтисодий концепциялар, инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари, лойиҳа таҳлили концепцияси, лойиҳаларни тайёrlаш, техник таҳлилга тавсифнома бериш талаб қилинади.

## **1-мавзу: ЛОЙИҲА ТАҲЛИЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР**

**Фанни ўқитиш технологияси:**  
**“ЛОЙИҲА ТАҲЛИЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР”**  
**мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

T/r	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.1. Дарс мақсади:</b> Талабаларда инвестицияларнинг моҳияти, асосий турлари ва тузилиши тўғрисида тушунча ҳосил қилидириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1. Инвестиция тушунчасини таърифлаб бера олади.</p> <p>1.2.2. Портфел ва реал инвестициялар фарқига бора олади.</p> <p>1.2.3. Инвестицияларни макроиқтисодий талқинини тушунтира олади.</p> <p>1.2.4. Инвестиция ҳажмини белгиловчи омилларни аниқлаб олади.</p> <p>1.2.5.. Инвестициялар таҳлилида асосланиладиган асосий иқтисодий концепцияларни тушунтира олади.</p> <p>1.2.6. Якуний молиявий натижа бўйича молиячи ва иқтисодчи ёндашувлари фарқига бора олади</p> <p>1.2.7. Инвестиция сиёсатининг моҳиятини била олади.</p> <p>1.2.8. Инвестиция йўналишларининг аниқлаб бера олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> «инвестиция» тушунчаси, физик активларга қилинган инвестициялар, пул активларга қилинган инвестициялар, номоддий активларга қилинган инвестициялар, портфел инвестициялар, реал инвестициялар, фоиз ставкаси, ўртача фойда меъёри, фирма бойлиги, пул тушумлари, амортизация, концессия, компенсация, лицензия импорти.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1. Мавзу эълон қилинади.</b></p>	Ўқитувчи, 20 минут

	<b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	
3	<p><b>Гурухда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хулосага келинади.</p>	<b>Ўқитувчи-талаба.</b> <b>40 минут</b>
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Инвестицияларнинг моҳияти нимада?</li> <li>• Инвестицияларни турлича таснифлаш мезонлари деганда нимани тушунасиз?</li> <li>• Инвестициялар тузилишини турли мезонларга кўра изоҳланг ва аҳамиятини тушунтиринг.</li> <li>• Фирма бойлиги нима ва унинг инвестициялар самарадорлигини баҳоловчи бошқа кўрсаткичлардан афзаллиги нимада?</li> <li>• Пул оқимларининг мазмунини ва таркибини тушунтириб беринг.</li> <li>• Фирма фаолиятининг якуний натижасига молиячи ва иқтисодчи ёндашувидати фарқ нимадан иборат?</li> <li>• Жамғариш ва инвестиция тенглиги айниятни нимани англатади ва унга қандай эришилади?</li> <li>• Ўзбекистонда ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг йўналишлари ва тамойиллари нималардан иборат?</li> <li>• Хорижий инвестицияларни жалб қилиш услублари ва йўналишларини изоҳлаб беринг.</li> <li>• Концессия, компенсация ва лицензия импорти қандай усуллар?</li> </ul> <p><b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	<b>Ўқитувчи,</b> <b>10 минут</b>
5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<b>Ўқитувчи,</b> <b>10 минут</b>

### Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Инвестицияларнинг моҳияти, асосий турлари ва тузилиши.
2. Макроиқтисодий назарияда инвестицияларнинг талқини.
3. Инвестициялар таҳлилида асосланадиган асосий иқтисодий концепциялар.
4. Инвестиция сиёсатининг моҳияти ва йўналишлари.
5. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишлари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** «инвестиция» тушунчаси, физик активларга қилинган инвестициялар, пул активларга қилинган инвестициялар, номоддий активларга қилинган инвестициялар, портфел инвестициялар, реал инвестициялар, фоиз ставкаси, ўртача фойда меъёри, фирма бойлиги, пул тушумлари, амортизация, концессия, компенсация, лицензия импорти.

## **Мавзуга оид муаммолар:**

1. Иқтисодий моҳиятига кўра, инвестициялар — асосий ва айланма капитални яратиш, кенгайтириш ёки реконструкция қилиш ва қайта куроллантириш учун қилинадиган харажатлардир. Бу фикрга сиз розимисиз?
2. Инвестиция мухитини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири мамлакатда инвесторлар учун яратилган имтиёзлар ва кафолатлардир. Бу қарашга сиз қандай баҳо берасиз?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестицияларнинг моҳияти, асосий турлари ва тузилиши ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Инвестиция тушунчасини таърифлаб бера олади.
- 1.2. Портфел ва реал инвестициялар фарқига бора олади.

**1-савол баёни:** Ҳар қандай корхона ўз фаолиятини бошлиши, кенгайтириши ва янгилаши учун инвестицияларга зарурат сезади. Инвестициялар корхоналарни ривожлантириш, мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилларидан биридир. Инвестициялар деганда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб ўтишни қувватларни сақлаб туриш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш, фойда олиш ҳамда (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий каби) бошқа якуний натижаларга эришиш мақсадида турли дастурлар ёки алоҳида тадбирга (лойиха)ларга сарфланадиган маблағ тушунилади. Инвестициялар ўз ичига фойда (даромад) олиш ва ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига сарфланган пул маблағлари, шунингдек, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар, бошқа қимматбаҳо қоғозлар, технологиялар, машина ва ускуналар, лицензиялар (шу жумладан, товар белгилари), кредитлар, ҳар қандай бошқа мулк ва мулк хуқуқларини ҳамда интелектуал бойликларни олади.

Демак, инвестиция тушунчаси «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистан Республикаси қонунида таъриф берилганидек, иқтисодий ёки бошқа фаолият обьектига сарф қилинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларни тасарруф қилиш хуқуқини ифодалайди. Молиявий моҳиятига кўра, инвестициялар даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланадиган барча турдаги актив (восита)лардир.

Иқтисодий моҳиятига кўра, инвестициялар — асосий ва айланма капитални яратиш, кенгайтириш ёки реконструкция қилиш ва қайта куроллантириш учун қилинадиган харажатлардир.

Тижорат амалиётида инвестицияларнинг қуидаги уч шакли ўзаро фарқланади:

- физик активларга қилинган инвестициялар;
- пул активларига қилинган инвестициялар;
- номоддий активларга қилинган инвестициялар.

Физик активлар деганда асосий ишлаб чиқариш воситалари, яъни ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган ҳар қандай машина ва ускуналар тушунилади.

Пул активлари деганда бошқа жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларини олиш хуқуқи, масалан, банкдаги депозитлар, акциялар, облигациялар ва бошқалар англашилади.

Номоддий активлар — ходимларни қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, лицензиялар сотиб олиш, савдо белгиларини ишлаб чиқариш натижасида фирма эга бўладиган бойликлардир.

Қимматбаҳо қоғозларга қилинадиган инвестициялар портфель инвестициялари, физик активларига қилинадиган инвестициялар эса реал инвестициялар, деб аталади.

Инвестицияларнинг ҳар икки тури ҳам корхоналар барқарор ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга. Портфелли инвестициялар муаммолари молиявий менежмент соҳасида чукур ўрганилишини таъкидлаган ҳолда, бу ўқув қўлланмамиизда кўпроқ реал активларга қилинадиган инвестицияларга тўхталашиб.

Реал активларга қилинаётган инвестицияларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш асосан фирманинг мақсадларига, яъни инвестиция ёрдамида фирмамага эришмоқчилигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан инвестицияларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

I. Иқтисодий самарадорликни ошириш учун қилинадиган инвестициялар. Бундай инвестициялардан асосий мақсад ускуналарини алмаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини самарали ҳудудларга кўчириш асосида фирмаларнинг ҳаражатларини камайтириш учун шароит яратишдан иборат.

II. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қилинадиган инвестициялар. Бундай инвестициялардан мақсад мавжуд қувватлар ҳисобига олдиндан шаклланган бозорлар учун товарлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

III. Янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш учун қилинадиган инвестициялар. Бундай инвестициялар илгари ишлаб чиқарилмаган товарлар ва кўрсатилмаган хизматлар турларини вужудга келтириш ёки илгари ишлаб чиқарилган товарлар билан янги бозорларга чиқиш имконини беради.

IV. Давлат бошқарув идоралари талабларини бажариш учун қилинадиган инвестициялар. Масалан, экология ва маҳсулот стандартлари талабларини бажариш учун сарфланадиган инвестициялар. Инвестицияларни бундай таснифлашда таваккалчилик даражаси ҳар хил бўлиши асос қилиб олинган.

Юқорида келтирилганлардан биринчи ва тўртинчи тур инвестицияларида таваккал хавфи даражаси паст, қолган иккитасида эса юқори хисобланади. Бозорда аввал маълум бўлмаган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва янги бозорларни эгаллаш учун инвестиция сарфи катта таваккалчиликни талаб қиласди. Шу сабабли ҳам учинчи гуруҳ инвестициялари таваккал хавфи энг юқори бўлган инвестициялардир.

Инвестициялар, шунингдек, манбаларига кўра, ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади. Ички инвестициялар манбалари давлат бюджети, корхоналар ва аҳоли маблағлари, банк кредитлари ҳамда нобюджет жамғармалари маблағлари, ташқи инвестициялар манбалари бўлиб, хорижий давлатлар ва фирмаларнинг, шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг маблағлари хисобланади. Инвестицияларни манбаларига кўра бундай гурухлаш уларнинг манбалари бўйича тузилишини ҳам белгилаш имконини беради. Иқтисодий таҳлил мақсадларида ва амалиётда инвестицияларнинг манбаларига кўра тузилиши билан бирга уларнинг тармоқ тузилиши, худудий тузилиши, мулкчилик шаклларига кўра тузилиши, такрор ишлаб чиқариш тузилиши ва технологик тузилиши фарқланади.

Инвестицияларнинг тармоқ (худудий) тузилиши алоҳида тармоқ (худуд)нинг маълум даврда қилинган инвестиция сарфларидаги улушкини кўрсатса, мулкчилик шаклларига кўра тузилиши жами инвестициялар манбаи ва сарфидаги давлат ва нодавлат мулки объектларининг ҳиссасини қўрсатади.

Такрор ишлаб чиқариш тузилиши янги қурилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш мақсадларида сарфланган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуси кўринишида аниқланади.

Инвестицияларнинг технологик тузилиши қурилиш-монтаж ишлари, ускуна ва инвентарлар ҳамда бошқа харажатлар (лойиҳа-қидирув ишлари, бошқарув харажатлари ва х.к.)га қилинган харажатларнинг жами инвестиция харажатларидаги улушкини кўрсатади.

Инвестициялар тузилишини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига боғлиқ.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 1.1. Инвестиция таърифини беринг.
- 1.2. Иқтисодий моҳиятига кўра инвестицияларни харажат йўналишларини айтиб беринг.
- 1.3. Портфел ва реал инвестицияларни изоҳлаб беринг.
- 1.4. Реал инвестициялар қандай турларга бўлинади ва ҳар бирини тавсифлаб беринг.
- 1.5. Ички ва ташқи инвестициялар фарқини тушунтириб беринг.

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Макроиктисодий назарияда инвестицияларнинг талқини тўғрисида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 2.1. Инвестицияларни макроиктисодий талқинини тушунтира олади.
- 2.2. Инвестиция ҳажмини белгиловчи омилларни аниқлаб олади.

**2-савол баёни:** Макроиктисодий назарияда инвестициялар - I, уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари - C, ҳукумат харажатлари - G, ҳамда соғ экспорт харажатлари - Xn билан бирга жами харажатларни (жами талаб) ташкил этади ёки унинг бир қисми деб қаралади. Яъни:

$$\text{ЯММ} = \mathbf{C} + \mathbf{I} + \mathbf{G} + \mathbf{Xn}$$

Инвестиция маблағларининг асосий манбаи бўлиб ёпиқ иқтисодиёт шароитида мамлакатдаги уй хўжаликлири жамғармалари — Sp ҳамда ҳукумат жамғармалари -Sg ҳисобланади.

$$S = Sp + Sg$$

Очиқ иқтисодиёт шароитида бунга хорижга чиқариладиган мамлакат ички жамғармалари билан хориждан (инвестициялар ва кредитлар кўринишида кириб келадиган жамғармалар ўртасидаги фарқ - Sxn ҳам қўшилади):

$$S = Sp + Sg + Sxn$$

Инвестициялар ҳажмидаги у ёки бу манба улуси мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, мамлакатдаги даромадлар даражасига, ижтимоий тузилмага, амалга оширилаётган иқтисодий вазифалар, иқтисодий сиёсат стратегиясига боғлиқ.


Маълумки, миллий иқтисодиётда яратилган ялпи даромаднинг бир қисми турли шаклларда истеъмол қилинади, бир қисми эса юқорида кўрсатилган шаклларда жамғарилади. Миллий иқтисодиётга қилинган жами инвестиция

(харажатлари билан ялпи жамғармалар ўртасида тенгликка эришиш, яъни  $I = S$  айниятнинг таъминланиши макроиктисодий мувозанатга эришишнинг муҳим шартларидан биридир.

Бу айниятга ўз-ўзидан эришилмайди, чунки уй хўжаликлари нафақат сармоя сифатида фойдаланиш мақсадида, балки кутилмаган харажатлар, қимматроқ буюмлар харид қилиш учун ҳам маблағ жамғарадилар. Яъни жамғармаларнинг бир қисми инвестицияларга келиб қўшилмайди. Бундай вазиятда ҳукумат инвестиция харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олиши ёки хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали юқоридаги айниятни таъминлаши, бу учун эса мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиши лозим. Самарали бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва ташқи савдо сиёсати, инвесторларга яратилган кафолатлар ва имтиёзлар ҳамда макроиктисодий барқарорлик бу муҳитни белгиловчи шартлардир. Айниқса инфляция суръатларининг юкори бўлиши жамиятда инфляцион психоз ҳолатини юзага келтириб, истеъмолга чекланган мойилликнинг ортишига, жамғармалар ва охир-оқибат инвестициялар ҳажмининг пасайишига олиб келади.

Инвестициялар ҳажмини белгиловчи асосий омиллар фоиз ставкаси ва кутилаётган ўртача фойда меъёри ҳисобланади.

Иқтисодиётга қилинадиган инвестициялар ҳажми фоиз ставкасиiga тескари пропорционал катталиқ ҳисобланади.



1.1 –расм. Инвестицияга талаб графиги

Инвестицияга талаб функцияси қўйидаги кўринишга эга:

$$I_{\text{талаб}} = E - dR + nY$$

Бу ерда:  $I_{\text{талаб}}$ - иқтисодиётда инвестицияларга талаб ҳажми;

$E$  — фоиз ставкаси нолга тенг бўлгандағи инвестицияларга максимал талаб ҳажми;

$d$  — фоиз ставкаси ўзгаришига инвестициялар ҳажми ўзгариши боғлиқлигини кўрсатувчи эмпирик коэффициент;

$R$  — банк фоиз ставкаси;

$n$  - инвестициялашга чекланган мойиллик;

$Y$  — жами даромад (ялпи миллий маҳсулот).

Инвестициялашга чекланган мойиллик инвестиция харажатларидағи ўзгариш миқдорининг ( $\Delta I$ ) жами даромадлар ўзгаришидаги ( $\Delta Y$ ) улушкини ксрсатади.

$$n = \Delta I / \Delta Y$$

Келтирилган формула ва графикдан кўриниб турибдики, фоиз ставкаси нолга тенг бўлганда ҳам инвестициялар ҳажми маълум миқдор билан чегараланар экан. Чунки мамлакатдаги даромад даражаси чекланганлиги, бошқа ресурсларнинг миқдори ва сифати, мамлакатдаги қурилиш индустрияси, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражалари чексиз ҳажмдаги инвестицияларни ўзлаштириш имкониятини бермайди.

Капитал эгалари фоиз ставкасидан юқори ёки ҳеч бўлмаганда унга тенг бўлган соф фойда меъёрини таъминлаган лойиҳаларгагина сармоя қўядилар. Бундан хулоса шуки, ҳукумат фоиз ставкаларини туширишга эришса ёки кутилаётган соф фойда меъёрининг ошиши учун шарт-шароит яратса, иқисодиётга қилинган инвестициялар миқдори орта боради.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 2.1. Макроиктисодий назарияда инвестицияларга қандай баҳо беради?
- 2.2. Ёпик ва очик иқтисодиётда инвестициялар манбалари нима билан фарқ қиласиди?
- 2.3. Макроиктисодий мувозанатга эришишнинг муҳим шартларидан бири ҳақида гапириб беринг.
- 2.4. Инвестициялар ҳажмини белигиловчи асосий омиллар ҳақида нима биласиз?
- 2.5. Капитал эгалари қандай лойиҳаларга сармоя қўядилар?

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестициялар таҳлилида асосланиладиган асосий иқтисодий концепциялар тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1. Инвестициялар таҳлилида асосланиладиган асосий иқтисодий концепцияларни тушунтира олади.
- 3.2. Якуний молиявий натижа бўйича молиячи ва иқтисодчи ёндашувлари фарқига бора олади

**3-савол баёни:** Инвестицияларни таҳлил қилиш, уларнинг самарадорлиги даражасини аниқлаш бир қанча иқтисодий концепцияларга таяниб амалга оширилади.

### **1. Инвестицияларнинг фирма бойлигини оширишдаги роли.**

Ҳар қандай фирма инвестиция қиласар экан, аввало, ўз бойликларини оширишни мақсад қилиб қўяди. Бу мақсад фирманинг фойдани кўпайтириш каби кўпинча асосий деб қараладиган бошқа бир мақсадидан анча кенгроқдир. Чунки фирманинг асосий мақсади фойдани кўпайтиришдан иборат дейилганда фойда ва рентабеллий даражасини дарҳол кўпайтиришни эмас, балки бозордаги ўз секторини кенгайтириш ёки номоддий активларини оширишга қаратилган тижорат стратегияларини тушуниш қийин бўлар эди. Демак, фирма бойлигини ошириш инвестициялашга ундовчи анчагина универсал бўлган сабабдир.

Фирма бойлиги ўз ичига фирма ўз капиталининг бозор қийматини (ЎҚБҚ) ҳамда фирма мажбуриятларининг бозор қийматини (МБҚ) олади. Яъни:

### **Фирма бойлиги = ЎҚБҚ + МБҚ**

**Фирма бойлиги** — фирма эгалари (хоҳ улар ягона хўжайин, хоҳ минглаб акциядорлардан бири бўлсинлар) ихтиёрида бўлган (ёки улар хоҳласалар ва ўз мулкларини сотсалар, пул кўринишида олишлари мумкин бўлган) реал бойликдир. Шу нарса равшанки, фирманинг реал бойлиги унинг капитали (юқори ликвидли активлар кўринишида турган капитални истисно қилган ҳолда) қанчалик кўплиги билан эмас, балки бу капитал товарлар ва хизматлар бозорида фирмага қандай ҳолатни таъминлаб бериши билан белгиланади. Шу сабабга қўра, инвестициялар фирмаларнинг рақобатбардошлигини яхшиласа ва улар капиталининг даромадлилигини оширса, уларнинг бойлиги кўпаяди ҳамда эгалари янада бойийдилар. Акс ҳолда инвестициялар фирма баланси

пассивларини кўпайтиргани ҳолда унинг рақобатбардошлигини оширмаса, фирманинг рентабеллилиги пасайиб кетиши, бунинг оқибатида эса унинг бойлиги камайиши мумкин.

Айтилганлардан хулоса шуки, инвестициялар, шу жумладан, реал активларга қилинадиган инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашнинг асосий мезони бўлиб, уларнинг фирма бойлигига қандай таъсир этиши ҳисобланади.

## **2. Пул тушумлари хақида тушунча.**

Пул тушумлари (пул объект оқимларининг, cash flow) иқтисодий адабиётларимизда яқиндан буён қўлланилаётган атама бўлиб, фирма тижорат фаолияти натижасида олинган соф тушумларни, яъни пул киримлари ва чиқимларини кўрсатади.

Пул тушумлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

### 1. Асосий фаолият бўйича:

- нақд пул эвазига сотишдан олинган пул тушуми;
- пул ўтказиш йўли билан сотишдан олинган пул тушумлари.

### 2. Инвестициялар бўйича:

- қимматли қофозларга қилинган инвестициялардан даромадлар;
- шуъба корхоналар ва хориждан тушумлар;
- активларни сотишдан келадиган тушумлар.

### 3. Молиявий операциялар бўйича:

- қимматли қофозларни сотишдан олинган тушумлар;
- қарзлар.

Фирманинг пул чиқимлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

### 1. Асосий фаолият бўйича:

- хом ашё ва материаллар учун тўловлар;
- иш ҳақи тўловлари;
- солик тўловлари;
- суғурта тўловлари.

### 2. Инвестициялар бўйича:

- асосий капитални сотиб олишга;
- асосий капитални монтаж қилишга.

### 3. Молиявий операциялар бўйича:

- фоизлар ва дивиденклар тўлашга;
- (ссудалар ва облигациялар бўйича мажбуриятларни сўндиришга.

Пул тушумлари ва чиқимлари ўртасидаги фарқ, яъни соф пул тушумлари фирма бойлиги ошишини таъминловчи соф пул қолдигидир. Аммо фирма фаолиятининг якуний натижасини баҳолашда бухгалтер ёндашуви билан молиячи ёки иқтисодчи ёндашуви ўртасида фарқ бор.

Бухгалтер ёндашуvigiga кўра, фирма фаолиятининг якуний натижасини солиқлар тўлагандан кейин фирма ихтиёрида қолган соф даромад ташкил этади. Молиячи ва иқтисодчи ёндашуvigiga кўра, якуний натижага нафақат фирма ихтиёрида қолган соф даромад, балки фойдаланилиши меъёрий ҳужжатлар билан чеклаб қўйилган, аммо пировардида фирманинг умумий бойлигига қўшилиб, уни кўпайтирадиган пул маблағлари ҳам киради. Бундай маблағларга амортизация ажратмалари ҳамда ҳисобланган, аммо тўланмаган солиқлар киради.

Амортизация ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, асосий капиталнинг маънавий ва жисмоний эскиришини қорлаш учун маблағ жамғаришни таъминлайдиган мақсадли ажратмадир. Бу ажратмалар миқдори уч омилга боғлик:

- асосий капитал таркибиға кирган ускунанинг баланс қийматига;
- ускунанинг хизмат муддатига;

- ускуна учун белгиланган амортизацияни ҳисоблаш услугига.

Амортизация ажратмалари мақсадли пул жамғармасини ташкил этиш манбай бўлгани ҳолда, шунингдек, фирма фойдасидан бошқа харажатлар сингари айириб ташлансада, фирма мулки бўлиб қолаверади. Фирма асосий капитални янгилашга киришганда амортизация жамғармасидан соғ фойда каби фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан амортизация жамғармасини шакллантириш фирманинг инвестиция захирасини жамғаришни англаатади.

Шу сабабга кўра, ҳисобланган амортизацияни фирма тижорат фаолиятининг якуний натижасига, яъни (соғ) пул тушумларига киритиш мантиқан тўғри бўлади.

Бухгалтерия ҳисобининг Америка стандартлари GAAP (Generally Accepted Accounting Principles) атамаларидан фойдалансак, пул тушумларини аниқлаш тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\text{ПТ} = \text{МРТ} - (\text{ЖХ-А}) - \text{ФТ-Стўл}.$$

Бу ерда: ПТ — пул тушумлари;  
МРТ - маҳсулот реализациисидан тушум;  
ЖХ - жами харажатлар;  
А - амортизация;  
ФТ - фоиз тўловлари;  
С тўл.- тўланган солиқлар.

Иқтисодий назария нуқтаи назаридан қараганда ҳар қачон фирманинг бойлиги келажакда бўладиган барча пул тушумларининг ҳозирги қийматига тенг. Инвестициялар мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун барча пул тушумлари ва чиқимлари тўғри баҳоланиб, улар фирма бойлигини қанчага кўпайтириши аниқлаб олинади. Олинган натижа эса якуний қарор қабул қилиш учун асос бўлади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 3.1. Инвестицияларни таҳлил қилишда қандай иқтисодий концепцияларга таяниб амалга оширилади?
- 3.2. Фирма бойлиги ҳақида маълумот беринг.
- 3.3. Пул тушумлари ҳақида тушунча беринг.
- 3.4. Якуний натижа бўйича бухгалтер, молиячи ва иқтисодичи ёндашувларига баҳо беринг.
- 3.5. GAAP бўйича пул тушумларини аниқлаш тенгламасини тарифланг.

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестиция сиёсатининг моҳияти ва йўналишлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 4.1. Инвестиция сиёсатининг моҳиятини била олади.
- 4.2. Инвестиция йўналишларининг аниқлаб бера олади.

**4-савол баёни:** Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёқилғи, энергетика ва дон мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун устувор соҳаларни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун очик эшиклар сиёсатини олиб боришиларга қаратилди. Инвестиция сиёсатини олиб боришида қуйидаги тамойилларга асосланилди:

- белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқлар ва фаолият соҳаларини танлаб қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий аҳамиятли тармоқларни (соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва ҳ.к.), аҳоли турмуш даражасини яхшилиш, умрини узайтириш, ижтимоий жиҳатдан кескин табақаланишнинг олдини олиш, истеъмол талабининг фаоллашувини таъминлаш мақсадида етарли даражада қўллаб-қувватлаш;
- чет эл инвестицияларини ўзаро манфаатдорлик асосида устувор соҳаларга жалб қилиш;
- потенциал инвестиция ресурсларини савдо соҳаси ва пул бозоридан саноат соҳасига қайта тақсимлаш;
- илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлаш, хориждан янги техникалар учун лицензиялар сотиб олиш, катта лабораторияларни сақлаб туришга қуввати етадиган йирик корпорациялар тузиш орқали ишлаб чиқариш капиталини жамлаш ҳисобига интелектуал капитал ва илмий-техник потенциални ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва уларни ташқи бозорда рақобатбардош бўладиган даражага олиб чиқишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;
- аҳолининг озиқ-овқат ва истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган ишлаб чиқариш қувватларини жадал ривожлантиришни инвестициялар билан таъминлаш;
- инвестиция жараёнлари иштирокчиларининг ўзаро алоқаларини тартибга солиб турувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш.

Инвестиция манбаларини шакллантириш борасида давлат кўрадиган чора-тадбирлар инвестицияларнинг ички манбаларига тегишли бўлиб, асосан солик-бюджет сиёсати ва пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида, аҳоли, корхона, банк ва давлат бюджети маблағларини шакллантириш, қайта тақсимлаш ва улар ўртасида маълум пропорцияларни юзага келтиришга қаратилган. Масалан, солик ставкаларининг пасайтирилиши аҳоли ва корхоналар даромадларининг ошишига, инвестициялар манбайи бўлган аҳоли жамғармалари ва корхоналарнинг соф фойдаси миқдорларининг кўпайишига олиб келади. Айни пайтда инвестицияларнинг манбаларига кўра тузилишида бу икки гурухнинг улуши ошади. Жами инвестициялар ҳажмида банк кредитлари, корхона ва аҳоли маблағлари ҳиссасининг юкори бўлиши бозор иқтисодиёти шароитида ижобий ҳодиса ҳисобланади.

Бир қатор давлатларда қўлланиладиган жадаллаштирилган амортизация усули ҳам корхоналарда инвестиция маблағларининг тезроқ жамланишига олиб келади ва инвестиция жараёнларини тезлаштиради. Инвестиция сиёсатининг энг муҳим бўғини инвестиция маблағларини энг устувор ва аҳамиятли тармоқлар ва ҳудудларга жалб қилиш борасидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бу мақсадда, умуман, мамлакат иқтисодиётида, хусусан эса, устувор деб белгиланган тармоқлар ва ҳудудларда қулай инвестиция муҳитини яратиш зарур. Инвестиция муҳити бир қатор шарт-шароитларга қараб баҳоланади. Бу шарт-шароитларга сиёсий барқарорлик, инфляция ва ишсизлик даражалари, бюджетнинг тўлдирилиш даражаси, давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки ва хусусий секторнинг ривожланиш даражаси, иқтисодиётнинг, хусусан, ташқи савдо, валюта бозорларининг эркинлиги, бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, табиий ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдалана олиш имкониятлари, ишчи кучининг малакаси, солик тизимининг хусусиятлари, банк фоиз ставкалари, бозор сифими ва бошқалар киради.

Инвестиция мұхитини белгиловчи әнг мұхим омиллардан бири мамлакатда инвесторлар учун яратылған имтиёзлар ва кафолатлардир. Инвесторлар учун солиқ имтиёзларини бериш амалиётта кенг қўлланиладиган тадбирдир. Масалан, республикамизда корхоналар фойдасининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, реконструкция қилиш ва қайта қуроллантиришга сарфланган қисми солиққа тортилмайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари, болалар ассортиментидаги ҳамда экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш каби бир қатор соҳаларда янги очилган корхоналар солиқлардан вақтинча озод этилиши, умумий солиқ ставкаларига нисбатан пастроқ солиқ ставкалари қўлланилиши каби имтиёзларга эга бўладилар.

Ички инвестиция манбалари чекланган бир шароитда, айниқса, ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар учун чет эл инвестииндяларини жалб қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Республикаизда мустақиллик йилларида 13 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ миқдордаги чет эл инвестициялари ўзлаштирилди. Хорижий инвесторлар учун, улар оладиган якуний молиявий натижаларга бевосита ва билвосита таъсир этадиган бир қатор имтиёзлар ва кафолатлар тизими яратылған. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида чет эл инвестициялари иштирокида бунёд этилган әнг йирик саноат обьектлари республикамизнинг экспорт салоҳиятини ошириди, экспорт ва импортнинг товар тузилишида ижобий силжишларга эришиш, мамлакатнинг тўлиқ ёқилги-энергетика мустақиллигини таъминлаш имконини берди.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 4.1. Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати ҳақида гапиринг.
- 4.2. Инвестиция сиёсатини олиб боришда қандай тамойилларга асосланади?
- 4.3. Инвестиция манбаларини шакллантириш бўйича давлат кўрадиган чоратадбирлар ҳақида маълумот беринг.
- 4.4. Инвестиция мұхитини белгиловчи әнг мұхим омиллар нималар ҳисобланади?
- 4.5. Ички инвестиция манбалари чекланган бир шароитда чет эл инвестииндяларини жалб қилиш қандай аҳамиятга эга бўлади?

**5-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 5.1. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шаклларини тушунтира олади.
- 5.2. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишларини била олади.

**5-савол баёни:** Чет эл инвестицияларини дунёнинг ҳамма мамлакатлари жалб этади. Бундан ривожланган мамлакатлар ҳам холи эмас. Ҳар йили дунё хўжалигига 2,0 — 2,5 трлн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция сарфланади. Асосий инвесторлар ўта ривожланган еттита давлат ёки Рамбуйс клубига аъзо бўлган давлатлар ҳисобланади. Булар АҚШ, Франция, Германия, Англия, Италия, Япония ва Канададир.

Рамбуйс клубининг асосий мақсади мураккаб иқтисодий масалаларни ечишда аъзо давлатларнинг умумий стратегиясини аниқлаб олишдан иборат. Унда жаҳон иқтисодиётининг истиқболлари, молиявий, савдо ва инвестиция муаммолари чуқур ўрганилади. АҚШ — бир томондан, әнг нуфузли инвестор, иккинчи томондан эса инвестиция талаб қилувчи мамлакатдир. Масалан, АҚШ

чет давлатларга 600 млрд. доллар миқдорида инвестиция чиқарса, 500 млрд. доллар четдан инвестиция киритади. Японияда 18 млрд. доллар инвестиция чиқарылса, четдан бор-йўғи 1 млрд. доллар инвестиция киритилади. 1994 йил маълумотларига кўра, ривожланаётган давлатларга 150 млрд. доллар инвестиция чиқарилган. Шундан Шарқий Осиёга — 40, Лотин Америкасига — 37, Европа ва Марказий Осиёга — 18, Жанубий Осиёга — 3,5, Яқин Шарқ ва Африкага — 1,0% и тўғри келади.

Бу маблағларнинг асосий қисми иқтисодиётни ислоҳ қилиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш лойихаларига сарф этилади.

Инвестиция жараёнида бир томондан инвестор (кредит берувчи), иккинчи томондан қарз оловчи (дебитор) туради. Ҳар иккала томон ҳам ўз манфаатларини ўйлаб иш кўради. Масалан, инвестор бор маблағини катта фойда келтирадиган лойихага сарфлашни хоҳлайди ва шу сабабли ҳам қарз оловчига шубҳа билан қарайди. Чунки қарз оловчи инвесторнинг маблағидан нотўғри фойдаланиб, уни беҳудага сарф қилиб юбориши мумкин. Қарз оловчига лойиха жуда самарали эканлиги ва икки томон учун ҳам катта фойдани келтиришга тўлиқ ишониши керак. Ҳар қандай ҳолда ҳам у маркетинг қонуниятлари асосида, яъни маҳсулотни реализация қилиш бозорини, унинг ҳажмини, сотиб оловчининг талаби ва хоҳиши, таваккалчилик даражасини, рақобатчиларнинг келгусидаги харакатларини чуқур билиш асосида иш юритиши керак. Икки томон бир қарорга келганидан кейингина лойиха амалга ошиши мумкин. Инвестиция бозорида маблағ етарли бўлмагани ёки етишмаганлиги учун асосан кредитор ҳар доим имтиёзли ҳолатда бўлади.

Ички ва ташқи инвестицияга бўлган талаб дунёда жуда юқори бўлганлиги учун инвестициялаштиришни амалга ошириш шакллари ва воситаларга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Бунда даставвал ички имкониятларни ҳисобга олиб, ички ва ташқи инвестицияларнинг оптималь вариантини вужудга келтириш керак. Инвестиция натижасида вужудга келган маҳсулот ёки хизматларни жаҳон бозорида сотиш жуда катта муаммодир. Бу ерда рақобатга бардош бериш жуда мушкул; давлат томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳимоя қилиш мақсадида, чет эл маҳсулотларини мамлакатга киритишини камайтирадиган қонунлар қабул қилиниши керак.

Ташқи бозорга чиқиши амалга ошириш узок муддат талаб этадиган жараёндир. Бунинг учун тинимсиз равишда маҳсулот сифатини яхшилаш, маркетинг хизматини юқори поғонага олиб чиқиши ҳисобига маҳсулот чиқарувчининг имиджини оширишга эришиш зарур. Чет эл инвестицияларини ҳар хил усуслар билан иқтисодиётга киритиш мумкин. Бунга концессия усули мисол бўла олади.

Концессия - маълум бир вақтга чет эл хусусий мулк эгасига ёки бошқа юридик шахсга берилган ер участкасидан қазилма бойликларни қазиб олиш, ҳар хил иншоотлар қуриш ва табиий бойликларни ўзлаштириш билан боғлик бўлган шартномадир.

Инвестицияларни жалб қилишнинг иккинчи усули компенсация шартномалари асосида бўладиган инвестициялардир. Бунда чет эллик ҳамкор мамлакатга кредит беради ва шу кредит ҳисобига қуриладиган обьектлар учун лицензия, ускуналар ва машиналар сотиб олади. Бунинг эвазига у кейинчалик етиштирилган маҳсулотнинг бир қисмига эгалик қилиш ҳукуқига эга бўлади. Бу маҳсулотнинг қиймати берилган инвестиция суммаси ва унинг фоизларини қоплаши керак. Бундай шартномалар саноат компенсацияси дейилади. Объект эгаси буюртмачи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бундай шартномалар МДХ давлатларининг ҳаммасида мавжуд. Инвесторлар бундай шартномалар орқали жуда катта буюртмаларга, буюртмачи эса ўз капиталини ишга солмаган ҳолда, янги ишлаб чиқариш қувватларига ва қисман янги технологияларга эга бўлади.

Шу билан бир қаторда, жуда катта қийматларни ўзлаштириш ва вужудга келган объектларнинг тўлиқ эксплуатациясини амалга ошириш катта муддатни талаб этади. Шу сабабли бундай лойиҳаларни инвестициялаштиришда техникиктиносидий кўрсаткичларни чукур ўрганиш керак.

Инвестиция шароитини яхшилашнинг энг прогрессив йўли лицензиялар импортидир.

Бу билан патент орқали ҳимояланган илғор технологияга асосланган лицензиялар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқарилади ва жаҳон бозорига тайёр маҳсулот билан чиқиш амалга оширилади. Лицензия сотиб олувчига лицензияларни импорт қилиш шу ишларни ўзида амалга оширишга нисбатан арzonга тушади. Лицензияларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- оддий лицензиялар — бунда лицензия сотувчи ишлаб чиқаришни ўзи ташкил этади;
- фавқулодда лицензиялар — бунда лицензия сотувчи ўз худудида монопол ҳуқуқка эга бўлади;
- тўлиқ лицензиялар — бунда лицензия сотиб олувчига мулк ҳуқуки тўлиқ ўтади ва лицензия сотувчи ихтиро ёки кашфиётдан умуман воз кечади. Лицензия баҳоси шартнома орқали вужудга келтирилган фойда, маҳсулотнинг қиймати ёки миқдоридан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 5.1. Чет эл инвестициялари ҳақида нималар биласиз?
- 5.2. Инвестиция жараёнида инвестор билан қарз олувчи ўз манфаатларини ўйлаб иш кўради. Буни тушунтириб беринг.
- 5.3. Ички ва ташқи инвестицияларга бўлган талаб дунёда жуда юқори. Бу инвестициялаштиришга қандай таъсир кўрсатади?
- 5.4. Чет эл инвестицияларини усувларини гапиринг.
- 5.5. Лицензия импорти ҳақида нималар биласиз?

### **Назорат саволлари**

1. Инвестицияларнинг моҳияти нимада?
2. Инвестицияларни турлича таснифлаш мезонлари деганда нимани тушунасиз?
3. Инвестициялар тузилишини турли мезонларга кўра изоҳланг ва аҳамиятини тушунтиринг.
4. Фирма бойлиги нима ва унинг инвестициялар самарадорлигини баҳоловчи бошқа кўрсаткичлардан афзаллиги нимада?
5. Пул оқимларининг мазмунини ва таркибини тушунтириб беринг.
6. Фирма фаолиятининг якуний натижасига молиячи ва иқтисодчи ёндашувидати фарқ нимадан иборат?
7. Жамғариш ва инвестиция тенглиги айнияти нимани англатади ва унга қандай эришилади?
8. Ўзбекистонда ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг йўналишлари ва тамойиллари нималардан иборат?
9. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш услублари ва йўналишларини изоҳлаб беринг.
10. Концессия, компенсация ва лицензия импорти қандай усувлар?

### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Инвестиция сиёсати концепциялари ва тамойилларини яратиш.

2. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш услублари ва йўналишларини ишлаб чиқиш.

**Керакли адабиётлар:**

- Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-11-33 б.
- Ишмухамедов А.Э., Қосимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –5-20 б.

**2-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

Фанни ўқитиш технологияси:

**“ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ” мавзусидаги маъруза  
машғулотининг технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.1. Дарс мақсади:</b> Талабаларда инвестициялар лойиҳаларини танлашда молиявий-иқтисодий баҳолашнинг роли ҳақида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1. Реал активларга маблағ сарф қилиш шартларини била олади.</p> <p>1.2.2.Инвестиция лойиҳаларини танлашда молиявий-иқтисодий баҳолашнинг қийин сабабларини ўрганиб олади.</p> <p>1.2.3.Дисконтлаш тушунчасини била олади.</p> <p>1.2.4.Бир сўмни келгуси ва жорий қиймати ҳақида тасаввурга эга бўлади.</p> <p>1.2.5.Аннуитет моҳиятини тушунтира олади.</p> <p>1.2.6.Аннуитетнинг келгуси қиймати билан мисоллар еча олади.</p> <p>1.2.7.Аннуитетнинг жорий қийматини била олади.</p> <p>1.2.8.Аннуитетнинг жорий қийматининг постнумерандо ва пренумерандо схемалари бўйича мисоллар еча олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> инвестицияларни молиявий-иқтисодий баҳолаш, дисконтлаш, инвестицияларнинг келгуси қиймати, аннуитетнинг жорий қиймати, аннуитет, аннуитетнинг жорий қиймати, аннуитетнинг келгуси қиймати, рента қиймати, Горден модели.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуllар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, бахс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	<b>Ўқитувчи, 20 минут</b>

3	<p><b>Гурухда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хulosалар чиқарилади ва түғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хulosага келинади.</p>	<b>Үқитувчи-талаба.</b> <b>40 минут</b>
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳаларни молиявий-иктисодий баҳолашнинг маҳсус усулларини яратиш зарурати пайдо бўлишига сабаб нима?</li> <li>• Дисконтлаш ва дисконт ставкаси атамалари нимани англатади?</li> <li>• Аннуитетнинг келгуси ва жорий қийматлари деганда нимани тушунасиз?</li> <li>• Перпетуитет нима ва перпетуитет кўринишидаги инвестицияларнинг самарадорлиги қандай аниқланади?</li> <li>• Горден формуласи қандай вазиятларда қўлланилади?</li> </ul> <p><b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	<b>Үқитувчи,</b> <b>10 минут</b>
5	<p><b>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<b>Ўқитувчи,</b> <b>10 минут</b>

#### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. Инвестиция лойиҳаларини танлашда молиявий-иктисодий баҳолашнинг роли.
2. Дисконтлаш ҳақида тушунча.
3. Аннуитетнинг келгуси қиймати.
4. Аннуитетнинг жорий қиймати.
5. Рента қиймати.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** инвестицияларни молиявий-иктисодий баҳолаш, дисконтлаш, инвестицияларнинг келгуси қиймати, аннуитетнинг жорий қиймати, аннуитетнинг жорий қиймати, аннуитетнинг келгуси қиймати, рента қиймати, Горден модели.

#### **Мавзуга оид муаммолар:**

1. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг маҳсус услублари вужудга келишига сабаб, пул маблағлари қийматининг вақт давомида ўзгариб туришидир. Сизнингча бу фикр тўғрими?
2. Перпетуитет кўринишидаги инвестицияларнинг муддати чекламагани ҳолда, ҳисобланган фоиз даромадини бирданига олиш имконияти мавжуд бўлади ҳамда асосий сумма даромад келтиришда давом этаверади. Ушбу қарашга баҳо беринг.

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларга инвестициялар лойиҳаларини танлашда молиявий-иктисодий баҳолашнинг роли ҳақида тушунчалар бериш.

## **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Реал активларга маблағ сарф қилиш шартларини била олади.
2. Инвестиция лойиҳаларини танлашда молиявий-иктисодий баҳолашнинг қийин сабабларини ўрганиб олади.

**1-савол баёни:** Реал активларга маблағ сарф қилишнинг мақбул вариантиларини танлаш ва асослаб бериш жараёнида инвестиция лойиҳаларини иктиносидий - молиявий баҳолашнинг аҳамияти жуда катта. Бошқа барча жиҳатлари ижобий бўлгани ҳолда ҳам қуидаги шартларни таъминламаган лойиҳа амалга ошириш учун қабул қилинмайди:

- товарларнинг реализация қилинишидан келган даромадлар сарф этилган харажатларни қопламаса;
- лойиҳани маблағ билан таъминлайдиган инвестор ўртача фойда меъёридан кам бўлмаган рентабеликка эришмаса;
- инвестор учун маъқул келадиган давр ичida харажатлар қопланмаса.

Мана шу шартларнинг бажарилиши реал эканлигини аниқлаш инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай баҳолашни ўтказиш бир қанча сабабларга кўра, анча қийин. Бу сабаблар қуидагилардир:

- биринчидан, инвестиция харажатлари бир марта қилиниши ёки узок муддат ичida бир неча марта тақрорланиши мумкин;
- иккинчидан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан натижа олиш жараёни ҳам узок давом этиши мумкин;
- учинчидан, узок муддатли операцияларни амалга ошириш инвестиция лойиҳаларининг барча жиҳатларини баҳолашда ноаниқлик даражаси ошишига, турли хатоликларга йўл қўйилишига олиб келади.

Айнан ана шу омилларнинг мавжудлиги инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг маҳсус, хатолик даражаси минимал бўлган, етарлича асосланган қарорлар қабул қилиш имконини берадиган услубларини яратишни тақозо этди.

## **Мухокама учун саволлар:**

1. Реал активларга маблағ сарф қилишнинг мақбул вариантиларини аниқланг.
2. Молиявий-иктисодий баҳолашнинг энг муҳим вазифаси нимадан иборат?
3. Молиявий-иктисодий баҳолашни ўтказиш қандай қийинчиликларга дуч келади?
4. Молиявий-иктисодий баҳолашнинг мавжудлигига қандай омиллар таъсир этди?

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда дисконтлаш ҳақида тушунча пайдо қилиш.

## **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 2.1. Дисконтлаш тушунчасини била олади.
- 2.2. Бир сўмни келгуси ва жорий қиймати ҳақида тасаввурга эга бўлади.

**2-савол баёни:** Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг маҳсус услублари вужудга келишига сабаб, пул маблағлари қийматининг вақт давомида ўзгариб туришидир. Яъни бугунги бир сўм қиймати бир йил кейин олинадиган бир сўм қиймати билан бир хил эмас.

Бир хил суммадаги пул турли вақтда ҳар хил қийматларга эга бўлишининг бир қанча сабаблар бор:

биринчидан, бу ҳолат инфляция жараёнлари билан изохланади, яъни баҳолар даражасининг кўтарилиши оқибатида бугун бир сўмга олиш мумкин бўлган товарни бир йилдан сўнг бир ярим ёки икки сўмга сотиб олиш мумкин бўлади;

иккинчидан, ҳар қандай тижорат операциясига (шу жумладан, банк депозитига) қўйилган бир сўм пул унинг ёрдамида олинган даромад ҳисобига бир йилдан кейин каттароқ миқдордаги пулга айланади. Бу ҳолат молиявий операцияларнинг аксиомаси ҳисобланади ва инвестиция лойиҳаларини иқтисодий асослаш ва таҳлил қилиш механизмини белгилаб беради.

Демак, ҳар бир молия мутахассиси ёки инвестицияларни таҳлил этаётган мутахассиснинг асосий шиори қўйидагича бўлмоғи керак:

***Бугунги олинган бир сўм келгусида оладиган бир сўмдан қиймат жиҳатидан каттадир.***

Буни жуда оддий мисолда кўришимиз мумкин. Агар 100 сўм пулни 10% ставка билан банкка қўйсангиз, келгуси йили омонатингиз (уни  $FV$  деб белгилаймиз):

$$FV_1 = 100 + 100 * 0,1 = 110 \text{ сўмга teng бўлади.}$$

Агар пулингизни яна бир йил олмайсиз, деб фараз қиладиган бўлсак, иккинчи йилнинг охирига бориб омонатингиз:

$$FV_2 = [100(1+10)] * (1+0,10) = 100(1+0,10)^2 = 100 * 1,21 = 121 \text{ сўм бўлади.}$$

Жамғармалар кўпайишининг бу модели мураккаб фоизлар модели дейилади ва қўйидагича ёзилиши мумкин (1-формула):

$$FV = PV (1 + k)^n$$

Бу ерда:  $FV$  (инг. future value) — бугун инвестиция қилинаётган сумманинг келгусидаги, яъни маълум давр ўтгандан сўнгги — инвестор эга бўлиши мумкин бўлган қиймати;

$PV$  (инг. present value) — келажакда даромад олиш учун инвестиция қилинаётган сумманинг жорий (буғунги) қиймати;

$k$  - инвестицияларнинг даромадлилик даражаси. Бизнинг мисолимизда у жамғарма омонатлари бўйича банк фоиз ставкасига, умумий ҳолларда эса бир неча муқобил лойиҳалар бўйича энг юкори бўлган, кутилаётган соф фойда меъёрига тенг;

$n$  - инвестициялар ҳаракатда бўлиб, даромад келтириб турадиган муддат; бизнинг мисолимизда омонатларни банкда сақлаш даври (йил, ой, кун). Агар омонатлар бўйича йилига бир марта даромад ҳисобланса,  $n$  йилларнинг тартиб рақамини, ҳар ойда ҳисобланса, бир ойлик даврлар тартиб рақамини кўрсатади.

Амалиётда юкорида келтирилган формула ёрдамида келгуси қийматларни ҳисоблашда маҳсус ҳисоблаш дастурларидан, шунингдек,  $k$  ва  $n$  нинг турли миқдорларида инвестициялар дастлабки миқдорининг ўсиб бориши коэффициентлари киритилган маҳсус жадваллардан фойдаланилади.

Бугун инвестиция қилинаётган маблагларнинг келгусидаги қийматини ҳисоблаш жараёни дисконтлаш деб юритиладиган молиявий ҳисоб-китобларнинг бир кўринишидир. Дисконтлашнинг иккинчи тури келгуси қийматни ҳисоблашга тескари жараён бўлиб, келгусида олинадиган сумманинг жорий даврдаги қийматини ҳисоблаб топиш имконини беради.

Бунда келгусида маълум сумммага эга бўлиш учун бугун қанча миқдорда инвестиция қилиш кераклиги ҳисоблаб топилади. Албатта, келажакда олинадиган сумма бугун биз фойдали ишга сарфлаётган ва биз кутган миқдорда фойда келтирадиган инвестиция суммасидан кўп бўлиши керак эмас. Дисконтлашнинг бу тури жорий қийматни ҳисоблаш ёки келтирилган, дисконтланган қийматни аниқлаш дейилади. Бундай ҳисоб-китобни бажариш

учун келгуси қийматни ҳисоблаш формуласига нисбатан тескари формуладан фойдаланилади (2 -формула):

$$PV_n = FV_n / (1+k)^n = FV_n * 1 / (1+k)^n$$

Бу ерда:  $PV_n$  — n йилдан сўнг олинадиган сумманинг келтирилган, жорий қиймати (дисконтлаш коэффиценти  $k$  га тенг бўлганда n йилдан сўнг  $FV_n$  миқдордаги суммани олиш учун бугун қилиниши керак бўлган инвестиция суммаси);

$FV_n$  — n йилдан сўнг олинадиган сумма.

Агар  $k$  биз маблағимизни ўзимиз учун қулай бўлган инвестиция лойиҳасига сарфлаганимизда ҳақиқатда олишимиз мумкин бўлган даромад даражасини акс эттирасагина, бу формула мазмунга эга бўлади.

Мисол: Айтайлик, инвестор трактор заводининг акцияларини сотиб олмоқчи бўлсин. Заводнинг ҳар бир акцияси 10 минг сўмдан таклиф қилинаётган ва 5 йилдан кейин акцияларнинг баҳоси 2 марта ошиши кутилаётган бўлса, шунингдек, маблағни банк депозитига қўйганда 10% даромад олиш имконияти мавжуд бўлса, акцияларни сотиб олиш мақсадга мувофиқми ёки йўқми?

Демак, акциялар баҳоси 5 йилдан сўнг икки марта ошади ва 20 минг сўмни ташкил этади. Жорий қийматни ҳисоблаш формуласини қўллаб, қўйидагиларни топамиз:

$$PV_5 = 20000 * 1 / (1+0,10)^5 = 20000 * 0,6209 = 12418 \text{ сўм}$$

Демак, 5 йилдан сўнг ҳар бир акциянинг қиймати 20000 сўмни ташкил этса, унинг бугунги қиймати 12418 сўмга teng булар экан. Яъни инвестор ҳар бир акцияни сотиб олиш учун 10000 сўмдан эмас, 12418 сўмдан сарфланада ҳам маблағ сарфлашнинг бу варианти банкка маблағ қўйишдан кўра самаралироқдир. Агар фоиз ставкаси 15% дан ортиқ бўлса, маблағни банк депозитига қўйиш самаралироқ бўлишини худди шу усулда ҳисоблаб топиш мумкин.

Дисконтлаш ставкасини танлашда амалдаги шаклланган ёки кутилаётган ўртача ссуда фоизи даражасига асосланиш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида у бозор конъюнктурасига, мамлакатнинг, тармоқнинг ва фирманинг, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши истиқболларига боғлиқ.

### **Мухокама учун саволлар:**

- 2.1. Пул маблағларини вақт давомида ўзгариб туришининг сабаби нимада?
- 2.2. Бир сўмни келгуси қиймат формуласини ёзинг ва тушунтириб беринг.
- 2.3. Бир сўмни жорий қиймат формуласини ёзинг ва тушунтириб беринг.
- 2.4. Сизда 10 млн. сўм пул бор ва 5 йилдан кейин икки барабар қўпайишини хоҳлайсиз. Бунинг учун фоиз ставкаси қанча бўлиши керак?
- 2.5. Банк йиллик ставкаси 15%. Уч йилдан кейин счёtingизда 5 млн. сўм бўлиш учун дастлабки маблағ қанча бўлиш керак?

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда аннуитетнинг келгуси қиймати тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1. Аннуитет моҳиятини тушунтира олади.
- 3.2. Аннуитетнинг келгуси қиймати билан мисоллар еча олади.

**3-савол баёни:** Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолаш тамойилларини яхшироқ тушуниб олиш учун молиявий операцияларнинг яна

бир, келажакда маълум суммани тўплаш учун ҳар йили пул маблағлари тўлаб борилишини кўзда тутувчи турини таҳлил қилиб кўришимиз зарур. Аннуитет (ингл. Annuite — йиллик тўлов) деб номланадиган бу турдаги операцияларга амортизация фондини жамғариш, яъни аста-секин эскирган асосий фондлар ўрнига янгисини сотиб олишга етарли бўлган пул суммасини жамғариш мисол бўла олади. Асосий воситаларнинг қиймати жуда юқори бўлганлиги сабабли тўлиқ эскириб бўлганида уларни фақат жорий йилда олинган фойда ҳисобигагина янгилаб бўлмайди. Бундай ҳолатдан қутулишнинг бирдан-бир тўғри йўли амортизация фондларини шакллантириб боришдир. Бу механизм шунчалик муҳимки, бутун дунё мамлакатлари томонидан тан олинади ва амортизация суммаси солиқقا тортилмайди.

Аммо амортизация ажратмалари улар учун белгиланган вазифани бажаришлари учун, менежерлар хозирда қилинаётган маълум миқдордаги ажратмалар ҳисобига келажакда қандай суммага эга бўлишларини билишлари керак. Бундай ҳисоб-китобларни 1-формула ёрдамида бажариш мумкин бўлсада, электрон жадваллар ва маҳсус маълумотномалардан фойдаланиш анча қулайроқ усул ҳисобланади.


Мисол: Айтайлик, сиз ҳар йилнинг охирида 1 млн. сўмдан, 3 йил давомида 10% ставка билан банкдаги маҳсус ҳисобварақقا маблағ ўтказиб бордингиз. 3 йилдан сўнг сиз қандай суммага эга бўласиз? Биринчи йил ўтказилган миллион сўм банкда 2 йил туради, иккинчи миллион сўм эса 1 йил туради, учинчи миллион эса учинчи йил охирида ўтказилгани учун ҳам фоиз ишлиши нуқтаи назаридан банкда ҳеч қанча муддат турмайди. Келгуси қийматни ҳисоблаш формуласи ёрдамида ҳар бир ўтказма учинчи йил охирига қадар қандай миқдоргача ўсиб боришини ва уларни қўшиб, шу муддатда қанча миқдордаги маблағга эга бўлишимизни топамиз.

#### 1-жадвал. Инвестицияларнинг келгусидаги қиймати ҳисоб-китоби

Маблағ ўтказилалиганинг йиллари	Фоиз даромади ҳисоб-паналиганинг вакт (йил)	Йиллик ўтказма (ажратма)нинг келгуси қиймати (млн сўм)
1	2	$1,00 * (1+0,10)^2 = 1,21$
2	1	$1,00 * (1+0,10)^1 = 1,10$
3	0	$1,00 * (1+0,10)^0 = 1,00$
Жами	..	3,31

Бу жараён графикда қўйидагича тасвирлаш мумкин:

#### Йиллар



Шундай қилиб, аннуитетнинг якуний суммаси қўйидагича топилди:

$$FV_3 = 1,00 * (1+0,10)^2 + 1,00 * (1+0,10)^1 + 1,00 * (1+0,10)^0 = 3,31$$

Бу ҳисоблаш схемасини универсаль формула кўринишида тасвирлаймиз (3-формула):

n

$$FVA_n = \sum_{t=1}^{n-t} PMT_t * (1+k)^{n-t}$$

бунда,  $FVA_n$ - аннуитетнинг келгуси қиймати (ингл. Future value of annuite);

$PMT_t$  -  $t$ -давр охирида тўланадиган (ажратиладиган, ўтказиладиган) сумма;

$n$ -даромад олинадиган даврлар (ойлар, чораклар, йиллар) сони;  
 $k$ - даромад даражаси.

Агар ҳамма даврлардаги тўловлар миқдори бир хил бўлса, бу тенгламани ҳеч бир қийинчиликсиз қуидаги кўринишда ёзиш мумкин (4-формула):

$$FVA_n = \sum_{t=1}^n PMT_t * (1+k)^{t-1}$$

Формулада биринчи ва охирги йилги тўловлар ўринлари алмасиб қолганлиги туфайли биринчи ( $t=1$ ) йилги тўлов ҳеч қандай даромад келтирганда (чунки,  $(1+k)^{1-1}$  миқдор 0 га тенг бўлади) ва аксинча, охирги ( $t=n$ ) йилги тўлов эса даромадга энг кўп ҳисса қўшгандек бўлиб кўринади. Аммо тўловларнинг мутлақ ҳажми бир хил бўлганлиги туфайли бу «математик адолатсизлик» олинадиган натижаларга таъсир кўрсатмайди. Аксинча бу ҳолат аннуитетни ҳисоблаш формуласини янада соддалаштириш имконини беради. Бундай соддалаштириш натижасида формула қуидаги кўринишни олади (5 - формула):

$$FVA_n = PMT * FVA1_{n,k}$$

$FVA1_{n,k}$  - фоиз даромади ставкаси  $k$  га тенг бўлган шароитда ва  $n$  давр мобайнида 1 сўмлик аннуитетнинг даромад олинадиган ҳар бир давр охиридаги келгуси қиймати. У қуидаги формула ёрдамида аниқланади (6- формула):

$$FVA1_{n,k} = [(1+k)^{n-1}] / k$$

Тўловлар ҳамма даврлар учун бир хил бўлган бундай аннуитет унификация қилинган (стандарт) аннуитет деб аталади.

Аннуитет бўйича сумманинг ўсиб боришини ҳисоблашда махсус жадваллардан фойдаланиш мумкин. Бунда, аввало, фоиз ставкаси  $k$  га тенг бўлган шароитда бир сўмнинг  $n$ - йилдаги келгуси қиймати жадвалдан топилади ва сўнгра топилган коэффициент пул оқимининг йиллик суммаси (PMT) га кўпайтирилади.

### Мухокама учун саволлар:

3.1. Аннуитет нима?

3.2. Аннуитетнинг келгуси қиймати ҳақида мисоллар келтиринг.

3.3. Ҳар йилнинг бошида банкка 1000 сўмдан пул қўйяпсиз. 10 йилдан кейин счёtingизда қанча маблағ бўлади, агар банкнинг йиллик ставкаси 12% бўлиб ҳар икки йилда бир марта фоиз ҳисобланса.

3.4. 100 минг сўмлик ҳар чораклик бадалга пренумерандо схемаси бўйича банк йилига 12% ҳисоблайди: а) йилда бир марта; б) ярим йилда бир марта. Уч йилдан кейин счёtingизда қанча пул бўлади?

3.5. 5 йил давомида, ҳар ярим йилда, банкка 1000 сўмдан пренумерандо схемаси бўйича маблағ қўйяпсиз. Банк ҳар чоракда, йиллик 12% ставкаси бўйича, фоиз ҳисоблаб боради. Муддат охирида счёtingизда қанча пул бўлади?

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда аннуитетнинг жорий қиймати тўғрисида тасаввурот пайдо қилиш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

4.1. Аннуитетнинг жорий қийматини била олади.

4.2. Аннуитетнинг жорий қийматининг постнумерандо ва пренумерандо схемалари бўйича мисоллар еча олади.

**4-савол баёни:** Инвестиция лойиҳаларини асослаб бериш ва таҳлил қилишнинг асосини бугун қилинадиган (жорий) харажатлар билан келгусида олинадиган пул тушумлари (пул оқимлари)ни таққослаш ташкил этади. Бу вазифани бажаришга аннуитетнинг жорий қийматини аниқлашни кўзда тутувчи ёндашув жуда ёрдам беради. Бу ёндашув асосида бугун қўйилган маблағлар келгусидаги тушумлар билан қанчалик қопланишини етарли даражада аниқ ҳисоблаб топиш мумкин.

Мисол: Айтайлик инвестиция лойиҳаси келгуси 3 йилнинг ҳар бир йили охирида 1 миллион сўмдан пул тушумига эга бўлишни кўзда тутсин. Фоиз ставкаси йилига 10% бўлган шароитда 2-формула ва 4-иловадан фойдаланиб, бу пул тушуларининг жорий қийматини аниқлаймиз. Олинган натижалар қўйидаги жадвалда келтирилган.

#### 2-жадвал.Аннуитетнинг жорий қийматини аниқлаш

Йиллар	Пул тушумлари (млн.сўм)	Жорий қиймат
1	1	$1,0 * [1 / (1+0,1)^1] = 0,909$
2	1	$1,0 * [1 / (1+0,1)^2] = 0,826$
3	1	$1,0 * [1 / (1+0,1)^3] = 0,751$
Жами	Жорий қиймат	2,486

Инвестиция натижасида бунёд бўлган обьект неча йил амал қилишига қарамасдан бу ҳисоблаш усулиниң мазмуни ўзгармайди. 2-формулага асосланган ҳолда бу ҳисоб-китоб қўйидагича ўтказилди:

$$PVA_3=1/(1+0,1)^1 + 1/(1+0,1)^2 + 1/(1+0,1)^3 = 2,486$$

Бунга асосланган ҳолда аннуитетни келтирилган қийматини ҳисоблашнинг умумий тенгламасини ёзамиш (7-формула):

$$PVA_n = \sum_{t=1}^n PMT_t / (1+k)^t$$

Бу ерда:  $PMT_t$  - t давр охирида бўладиган келгусидаги тўлов;

$k$ - инвестициялар бўйича зарур даромад меъёри;

$n$ - ҳозирги инвестициялардан даромад келадиган даврлар сони.

Агар аннуитет бўйича ҳамма даврлардаги тўлов миқдори бир хил бўлса, 7-формулани қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин (8-формула):

$$PVA_n = PMT_t * PVA1_{n,k}$$

Бу ерда:  $PVA1_{n,k}$  - даромадлийк ставкаси  $k$  га teng бўлган шароитда n даврнинг ҳар бири охиридаги аннуитетнинг жорий қиймати (9-формула).

$$PVA1_{n,k} = [1 - 1 / (1+k)^n] / k$$

8- ва 9- формулалар ёрдамида зарур миқдорларни топиш учун маҳсус жадваллардан фойдаланиш мумкин. Бунда 1 сўмлик аннуитетнинг келгуси қийматини жорий қийматга келтириш коэффициенти топилади ва сўнг бу коэффициент аннуитетнинг ҳақиқий суммасига кўпайтирилади.

#### Муҳокама учун саволлар:

4.1. Инвестиция лойиҳаларини асослаб беришда дисконтлаш роли нимадан иборат?

4.2. Аннуитетнинг жорий қийматини аниқлаш тартиби формуласини постнумерандо ва пренумерандо схемалари билан кўрсатинг ва мисол келтиринг.

4.3. Пенсияга чиқиш давригача, яъни 8 йилдан кейин жаноб Н. счетида 3000 000 сўм бўлишни хоҳляяпти. Бунинг учун пренумерандо схемаси бўйича ҳар йили пул ўтказмоқчи. Агар банк ставкаси 7% дан бўлса, ҳар йиллик қўйиладиган суммани аниқланг.

4.4. Сиз тўрт йилга \$10 000 қарз олдингиз. Қарзни қолдиқ қисмига 14% йиллик фоиз ҳисобланади. Қарзни ҳар йилнинг охирида тенг миқдорда (фоиз билан биргаликда) қайтариш керак. Йиллик тўлов суммасини аниқланг.

**5-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларга рента қиймати тўғрисида маълумот бериш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

5.1. Рента қийматини тушунтира олади.

5.2. Горден моделини қўлашни била олади.

**5-савол баёни:** Инвестиция лойҳаларини баҳолаш жараёнида, баъзида, энг кўп қанча миқдорда маблағ сарфлаш мумкин, деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Бу саволга жавоб топиш учун муаммога рента типидаги қўйилмалардан олиш мумкин бўлган муқобил даромад нуқтаи назаридан ёндашиш фойдали. Рента типидаги қўйилмаларга банклардаги муддатсиз депозитлар мисол бўла олади.

Бу турдаги инвестициялар аннуитетга қарама-қарши ўлароқ перпетуитет (ингл.repetuity-абадийлик) деб аталади.

Перпетуитет кўринишидаги инвестицияларнинг муддати чекламагани ҳолда, ҳисобланган фоиз даромадини бирданига олиш имконияти мавжуд бўлади ҳамда асосий сумма даромад келтиришда давом этаверади.

Бундай ҳолатда йиллик даромад қўйидаги формула ёрдамида аниқланади (10- формула):

$$PMT = PV * k$$

Бу ерда: PV- банкка қўйилган муддатсиз депозитнинг асосий суммаси;

k- бу турдаги депозитлар учун банк томонидан тўланадиган даромаднинг фоиз ставкаси;

PMT- депозит бўйича йиллик даромад.

Агар формулани бошқа кўринища ёzsак, унда худди шу миқдордаги пул тушумини вужудга келтираётган инвестицияларнинг қийматини англаб етамиз (11-формула).

$$PV = PMT / k$$

Бу формулани қўллаш бизни инвестиция таҳлилиниң жуда оддий мантиғини англаб етишга олиб келади. Унинг моҳиятини қўйидаги мисол ёрдамида кўриб чикамиз:

Айтайлик, банк депозитида бизнинг 1 млн. сўм омонатимиз бор ва банк бу депозит учун йиллик 60% даромад тўлайди. Демак, ҳар йили январ ойининг бошларида ўтган йил учун ҳисобланган 600 минг сўм даромадни банкдан олишимиз мумкин. 11-формуладан фойдаланиб, даромад ставкаси йилига 60 % бўлганда 600 минг сўм даромад олиш учун қанча миқдорда инвестиция қилишимиз зарурлигини топамиз:

$$PV = 600000 / 0,60 = 1000000 \text{ сўм.}$$

Кўрилган мисол асосида қуйидаги хуносага келишимиз мумкин: агар банк депозитига қўйилган 1 миллион сўм йилига 600 минг сўм даромад келтирса, кейинги йилнинг бошида 600 минг сўмга teng (ёки ундан кам) даромад келтирадиган инвестиция лойиҳасига 1 миллион сўмдан кўп маблағ ажратиш мақсадга мувофиқ эмас.

Перпетуитетнинг яна бир кўриниши инвестиция даврининг чекланмаганлиги ва доимо ўсиб борувчи йиллик даромад билан характерланади. Агар бу ўсиш q га teng суръатда рўй берса ва PMT<sub>1</sub> биринчи йилнинг охрида кутилаётган пул тушумлари суммасини акс эттираса, даври чекланмаган инвестицияларнинг жорий қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади (12-формула):

$$PV = PMT_1 / k - q$$

Бу тенглама, одатда, Горден модели деб аталади. Бу формула содда кўринишга эга бўлишига қарамасдан, ундан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак. Горден модели ёрдамида олинган натижалар тўғри бўлиши учун бир неча шартларга амал қилиш зарур.

Биринчидан, формула суръатидаги PMT 0 индекси билан эмас, балки 1 индекси билан турибди. Бундан хуносашуки, формула бўйича хисоб-китоблар инвестицияланган маблағлар бўйича улар ишлатилган биринчи давр охридаги тўловдан бошлаб бажарилади. Агар тўлов инвесторга дарҳол келиб тушса, бу тўлов суммасини Горден модели ёрдамида топилган жорий қиймат суммасига қўшиш керак.

Иккинчидан, бу моделни пул тушумлари оқими узлуксиз ва бир хил суръатда ўсан ҳолдагина ишлатиш мумкин. Учинчидан, бу моделда (q) ўсиш суръати (k) дисконтлаш коэффициентидан кам бўлган ҳолдагина модель ёрдамида олинган натижа ҳақиқатга яқин бўлади. Бу талаб пул бозори хусусиятларидан келиб чиқади ва бажарилиши нореал эмас. Чунки, агар бир тармоқда даромадларнинг ўсиш суръати дисконтлаш коэффициенти (даромаддиликнинг ўртача даражаси)дан юқори бўлса, тезда бу тармоқда инвестиция маблағлари оқиб кела бошлайди ва даромаддилик даражаси q пасайиб кетади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 5.1. Рента нима?
- 5.2. Перпетуитет маъносини ва қўллаш ҳолатларини тушунтириб беринг.
- 5.3. Горден модели билан бирон мисол келтиринг.
- 5.4. Горден модедини қўллашда қандай шартларга амал қилиш зарур бўлади?
- 5.5. Инвестиция даври чекланмаган бўлса қандай формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

### **Керакли адабиётлар:**

1. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-90-109 б.
2. Ишмуҳамедов А.Э., Қосимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –90-109 б.

**Назорат саволлари:**

1. Лойиҳаларни молиявий-иктисодий баҳолашнинг маҳсус усусларини яратиш зарурати пайдо бўлишига сабаб нима?
2. Дисконтлаш ва дисконт ставкаси атамалари нимани англатади?
3. Аннуитетнинг келгуси ва жорий қийматлари деганда нимани тушунасиз?
4. Перпетуитет нима ва перпетуитет кўринишидаги инвестицияларнинг самарадорлиги қандай аниқланади?
5. Горден формуласи қандай вазиятларда қўлланилади?

**Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Келгуси ва жорий қийматларни аниқлаш методикасини яратиш.
2. Рента қийматини аниқлаш учун аниқроқ формулалар ишлаб чиқиш.

**3-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ**

**Фанни ўқитиши технологияси:**

**“ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ” мавзусидаги маъруза  
машғулотининг технологик харитаси**

T/p	<b>Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни</b>	<b>Амалга оширувчи шахс, вақт</b>
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.1. Дарс мақсади:</b> Талабаларда инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг моҳияти ва усуллари ҳақида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1.Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг моҳиятини тушунтира олади.</p> <p>1.2.2.Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг усулларини била олади.</p> <p>1.2.3.Соф жорий қиймат усулини тушунтира олади.</p> <p>1.2.4.Инвестиция рентабеллигини аниқлаб олади.</p> <p>1.2.5.Ички фойда меъёрини қўллашни била олади.</p> <p>1.2.6.Инвестицияларнинг қопланиш даврини била олади.</p> <p>1.2.7.Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллигини хисоблаб олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> молиявий-иқтисодий баҳолаш, соф жорий қиймат (NPV), инвестиция рентабеллиги (PI), ички фойда меъёри (IRR), инвестицияларнинг қопланиш даври (PP), инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги (ROI ёки ARR).</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сұхбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p><b>Гурӯҳда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хуласалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хуласага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба. 40 минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Соф жорий қиймат «узоқ муддатли харажатлар ва узоқ муддатли пул тушумлари» ҳолатида қандай аниқланади?</li> <li>• Инвестицияларнинг рентабеллилиги кўрсаткичи бўйича лойиҳаларнинг мақбуллиги қандай мезонларга</li> </ul>	Ўқитувчи, 10 минут

	<p>кўра аниқланади?</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ички фойда меъёри кўрсаткичининг моҳияти нимада?</li> <li>• Дисконтлашга асосланган услублар бўйича инвестициялар самарадорлигини аниқлаш мезонларини санаб ўтинг.</li> <li>• Инвестицияларнинг қопланиш даври соф жорий қиймат кўрсаткичидан нима билан фарқ қиласди?</li> <li>• Бухгалтерия рентабеллилиги кўрсаткичи инвестициялар рентабеллилиги кўрсаткичидан нима билан фарқ қиласди?</li> <li>• Инвестицияларни баҳолашнинг статик услублари камчилиги ва афзалликлари нимада?</li> </ul> <p><b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	
5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласди ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<p><b>Ўқитувчи, 10 минут</b></p>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг моҳияти ва услублари.
2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган услублари.
3. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услублари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** молиявий-иктисодий баҳолаш, соф жорий қиймат (NPV), инвестиция рентабеллиги (PI), ички фойда меъёри (IRR), инвестицияларнинг қопланиш даври (PP), инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги (ROI ёки ARR).

### **Мавзуга оид муаммолар:**

1. Соф жорий қиймат кўрсаткичи лойиҳа амалга оширилиши натижасида фирма бойлиги қанчага кўпайганини характерлайди. Бу тариф сизнингча тўғрими?
2. Инвестицияларнинг қопланиш даври ҳисоблаб топиш осонлиги, тушуниш учун соддалиги билан бирга лойиҳанинг таваккал хавфи даражаси ҳақида маълумот бериши туфайли ҳам қадрлидир. Бу фикр қарши бирон нарса дея оласизми?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг моҳияти ва усуллари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг моҳиятини тушунтира олади.
2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг усулларини била олади.

**1-савол баёни:** Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолаш мазмунини жуда содда саволга, яъни келгусидаги пул тушумлари ҳозирги қилинган харажатларни қоплайдими ёки йўқми, деган саволга жавоб топиш ташкил этади.

Ривожланган бозор иқтисодиётiga эга мамлакатларда инвестицияларни баҳолашнинг турли лойиҳаларга қўйилган маблағларнинг фойдалилигини таққослашга асосланган усуслари кўп қўлланилади. Бунда у ёки бу лойиҳага инвестиция қилишнинг муқобил варианти бошқа обьектларга маблағ сарфлаш, шунингдек, маблағларни маълум фоиз билан банкка қўйиш ёки уларни қимматли қоғозларга айлантириш имкониятлари ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш услублари деганда харажатларнинг фойдалилиги ва қопланиши нуқтаи назаридан турли обьектларга (loydihalargan, tadbirlar) инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш усуслари тушунилади. Инвестициялар самарадорлигини аниқлашда, уларнинг айрим жиҳатларинигина характерлайдиган алоҳида кўрсаткичлардан фойдаланиш етарли бўлмайди. Шу сабабли инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш учун бир неча услублар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда беш асосий услубдан кенг фойдаланилади. Ўз навбатида бу услубларни икки гурухга ажратиш мумкин:

1. Дисконтлаш концепциясини қўллашга асосланган услублар:

- соф жорий қийматни аниқлаш услуби;
- инвестицияларнинг рентабеллик даражасини аниқлаш услуби;
- ички фойда меъёрини аниқлаш услуби.

2 . Дисконтлаш концепциясини қўллашни кўзда тутмаган услублар:

- инвестиция лойиҳаларига сарфланган маблағларни қоплаш даврини аниқлаш услуби;
- инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллигини аниқлаш услуби.

Ушбу услубларни кўриб чиқишдан олдин шуни таъкидлаш зарурки, ҳар бешала услуб инвестицияларнинг мутлақ самарадорлигини аниқлаш усули сифатида кўриб чиқилади. Яъни ҳар бир инвестиция лойиҳасини амалга ошириш фирманинг бошқа лойиҳаларга инвестиция сарфлаш имкониятларига таъсир этмайди, деган шартга амал қилинади.

Бундай шартнинг киритилишига сабаб шуки, амалда кўпчилик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бошқа лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини пасайтиради ёки мутлақ йўққа чиқаради. Бундай инвестиция лойиҳалари ўзаро конфликтли лойиҳалар дейилади. Ўзаро конфликтли лойиҳалар жумласига шунингдек, фирманинг маълум бир пировард мақсадига эришишнинг турли йўлларини кўзда тутувчи лойиҳалар киради. Турли лойиҳаларнинг конфликтли бўлишига сабаб корхона маблағларининг чекланганлигидир. Фирмалалар лойиҳаларни нафақат мутлақ самарадорлиги мезонига кўра, балки маблағ етмай қолганлиги сабаб бошқа лойиҳаларни амалга ошира олмаслиги туфайли ўзи кўриши мумкин бўлган йўқотишлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳам танлайди. Бошқача айтганда, фирма инвестиция лойиҳаларини нисбий самарадорлик мезонига кўра танлайди.

Инвестициялар самарадорлигини аниқлаш усусларини ўрганишга киришишдан олдин эътиборга олишимиз зарур бўлган яна бир шарт шундан иборатки, бу жараёнда лойиҳа билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ва тушумлар пул кўринишига эга деб қаралади.

#### **Муҳокама учун саволлар:**

1. Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг мазмуни нимадан иборат?
2. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда қандай усуслардан фойдаланилади?

1.3. Дисконтлаш концепциясими қўллашга асосланган услублар ҳақида нималар биласиз?

1.4. Дисконтлаш концепциясими қўллашни кўзда тутмаган услубларга тариф беринг.

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган услублари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Соф жорий қиймат усулини тушунтира олади.

2.2. Инвестиция рентабеллигини аниқлаб олади.

2.3. Ички фойда меъёрини қўллашни била олади.

**2-савол баёни:** Соф жорий қиймат — **NPV** (ингл. net present value). Соф жорий қиймат кўрсаткичи лойиҳа амалга оширилиши натижасида фирма бойлиги қанчага кўпайганини характерлайди. Соф жорий қийматга асосланган ҳолда инвестицияларни таҳлил қилиш усули қўйидаги иккита шартдан келиб чиқади:

- ҳар қандай корхона ёки фирма ўз бойликларини оширишга ҳаракат қиласди;
- ҳар хил вақтда сарфланган маблағлар бир хил қийматга эга бўлмайди.

Соф жорий қиймат бу дисконтланган пул тушумлари билан (албатта инвестиция натижаларида вужудга келган) дисконтланган харажатларнинг фарқидир.

Агар бошлангич инвестиция маблағларини  $I_0$ , t-дavr охиридаги пул тушумларини  $CF_t$  деб белгиласак, у ҳолда соф жорий қийматни аниқлаш формуласи қўйидаги кўринишга эга бўлади (13 -формула):

$$NPV = CF_1/(1+k)^1 + CF_2/(1+k)^2 + \dots + CF_n/(1+k)^n - I_0 = \sum_{t=1}^n CF_t / (1+k)^t - I_0$$

Агар соф жорий қиймат (NPV) мусбат миқдорга эга бўлса бу лойиҳа учун қилинадиган инвестиция самаралидир.

Мисол: Фирма 500 млн. сўмга универсал дўкон учун жой, бино сотиб олди. Бу дўкондан 10 йил давомида ҳар йили 100 млн. сўмдан пул тушумлари бўлади. Уша даврда муқобил фойда меъёри 10% бўлса, шу дўконни сотиб олиш керакми, деган савол туғилади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, фирма 10 йил ичida ўз капиталини 114,6 млн. сўмга кўпайтиради. Лойиҳа самаралидир.

Айрим ҳолларда «узоқ» муддатли инвестиция сарф этилиб, узоқ муддат ичida пул тушумлари вужудга келади. Яъни пул оқими бирданига эмас, бир неча йилга чўзилади. Бунда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин(14-формула):

$$NPV = \sum_{T=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} - \sum_{t=1}^n \frac{I_t}{(1+k)^t}$$

Лойиҳаларнинг ҳаёт даври чекланмаган ҳолатларда NPVни ҳисоблашда Горден формуласидан фойдаланилади (15 -формула) :

$$NPV = CF_t / (k-q) - I_0$$

Бу ерда:  $CF_t$ -пул тушумлари;  
q-пул тушумларининг доимий ўсиш суръатлари.

Мисол: Фирма янги «Моделлар уйи»ни 510 млн. сўмга сотиб олмоқчи.  
Шу даврда муқобил фойда меъёри 15%. Ҳар йили бу корхона 70 млн. сўм пул тушумларини вужудга келтиради. Корхонани сотиб олиш тўғри бўладими?

$$NPV = 70 / (0,15 - 0) - 510 = 466,7 - 510 = - 43,3$$

Бундан кўриб турибмизки, корхонани сотиб олиш фирма учун зиён келтиради.

Фараз қилайлик, пул тушумлари йилига 4% га ошсин ва йил охирида 70 млн. сўм пул тушумига эга бўлинсин, бундай ҳолатда корхонани сотиб олиш фойдали бўлади.

$$NPV = 70 / (0,15 - 0,04) - 510 = 70 / 0,11 - 510 = 636,4 - 510 = 126,4 \text{ млн.сўм}$$

Инвестициялар самарадорлигини NPV асосида аниқлаш усули кенг тарқалганига сабаб бу кўрсаткичнинг дастлабки шарт-шароитлар турли комбинацияларида барқарор ўзгармай туришидир. NPV инвестициялашнинг ушбу варианти фирма бойлиги ўсишига олиб келадими, деган саволга жавоб берсада, бундай ўсишнинг нисбий ўлчамлари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Бундай маълумот эса инвестор учун жуда зарур. Бу камчиликни тўлдириш учун бошқа бир кўрсаткич инвестициялар рентабеллигини ҳисоблаш усулидан фойдаланилади.

**Инвестиция рентабеллиги - PI** (ингл. Profitability index) — қилинган ҳар бир сўм инвестицияга қандай даражада фойда олинганлигини ёки инвестор бойлиги қанчага кўпайганини ифодалайдиган кўрсаткичdir. Кўпинча, фойда меъёри, дейиладиган бу кўрсаткични қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин (16-формула):

$$PI = \frac{\sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t}}{I_0}$$

Бунда:  $I_0$  - дастлабки инвестиция суммаси;

$CF_t$  - пул тушумлари;

$t$  - давр.

Агар «узоқ муддатли харажатлар — узод муддатли тушумлар» ҳолати бўлса, бунда формула қуйидаги шаклга эга бўлади (17-формула):

$$PI = \frac{\sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t}}{\sum_{t=1}^n \frac{I_t}{(1+k)^t}}$$

Олдинги мисолга (модалар уйи) қайтиб, лойиҳанинг рентабеллик даражасини аниқлаймиз:

$$PI = 100 * 6,1446 / 500 = 1,23 = 123\%$$

яъни лойиха учун сарф этилган ҳар бир сўм соф жорий даромад олиб келмоқда.

17-формуладан кўриниб турибдики, унда соф жорий қийматнинг икки томони — даромад ва инвестиция томони узаро таққосланади. Агар дисконтнинг қандайдир даражасида лойиҳанинг рентабеллиги бирга тенг бўлса, у ҳолда келтирилган инвестиция харажатлари келтирилган даромадларга тенг ва лойиҳанинг соф келтирилган дисконтланган даромади нолга тенг бўлади.

Агар NPV мусбат бўлса, PI албатта 1 дан катта бўлади. Демак, PI 1 дан катта бўлса, инвестициялар самарали ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, PI


инвестицияларнинг мутлақ самарадорлиги кўрсаткичи бўлиши билан бирга инвестиция лойиҳаларини яна икки жиҳатдан туриб баҳолаш имконини беради.

Биринчидан, бу кўрсаткич ёрдамида лойиҳанинг барқарорлиги даражасини текшириб кўриш мумкин. Яъни PI қанча катта бўлса, лойиҳанинг мустаҳкамлиги (барқарорлиги даражаси) шунча катта бўлади. Бундай лойиҳа шароитлар ўзгариши таъсирида дархол фойда келтирмайдиган лойиҳага айланиб қолмайди.

Иккинчидан, PI мутахассисларга турли инвестицияларни уларнинг самаралилиги нуқтаи назаридан таққослаш имконини беради.

**Ички фойда меъёри - IRR** (ингл. Internal rate of return - IRR) даромадлиликнинг шундай меъёрики, унда пул тушумларининг дисконтланган қиймати пул чиқимларининг дисконтланган қийматига teng бўлади. Бошқача қилиб айтганда, IRR лойиҳа бўйича инвестициялашдан олинган соф тушумларнинг дисконтланган қиймати инвестицияларнинг дисконтланган қийматига teng бўлишини таъминловчи коэффициентdir. Уни ҳисоблаш учун соф жорий қийматни ҳисоблашда қўлланиладиган формулалар қўлланилади. Аммо бунда берилган минимал фоиз меъёрида (дисконт ставкасида) пул оқимларини дисконтлаш ўрнига фоиз меъёри (дисконт)нинг NPV ни нолга teng бўлишини таъминловчи миқдори топилади. Шундай қилиб, IRR - дисконт коэффициентининг шундай миқдорики, бунда NPV 0 га teng бўлади. Буни графикда қуйидагича тасвирлаш мумкин (3.1 график).

Юқоридаги графикдан кўриниб турибдики, IRR дисконтлаш коэффициентининг шундай миқдорики, унда NPV горизонтал ўқни кесиб ўтади, яъни нолга teng бўлади.



**3.1-график. NPV нинг дисконтлаш коэффициентига боғлиқлиги графиги**

Иқтисодий адабиётда ички фойда меъёрини ички даромад меъёри, қоплаш коэффициенти ёки самараси, баъзида эса капитал қўйилмалар самараси, деб ҳам аталади. IRR ни ҳисоблаш усули NPV ни ҳисоблаш усули сингари дисконтлаш концепциясига асосланади. IRR миқдорини икки усулда топиш мумкин:

Биринчи усулда соф жорий қийматни ҳисоблаш формуласида NPV миқдори нолга tengлаштириб олиниб, дисконлаш коэффициенти ҳисоблаб топилади. Яъни қуйидаги формулалардаги k миқдори топилади (18, 19 - формулалар).

$$0 = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0$$

$$0 = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} - \sum_{t=1}^n \frac{I_t}{(1+k)^t}$$

Бу формулалар ёрдамида аниқ жавоб олиш қийин. Олинган натижалар маълум даражада тақрибий бўлади. Ички фойда меъёрини топиш учун «синов ва хато» усулидан фойдаланилади, яъни формулага дисконтнинг анча катта ва кичик миқдорлари берилиб олинган натижа солиштирилади. Агар олинган натижалардан бири нолга яқинроқ бўлса, бунга сабаб бўлган дисконт ставкасига яқин миқдорлар берилиб, формула, натижа токи нолга максимал даражада яқинлашмагунча ечилади.

Иккинчи усулда IRR миқдорини топиш учун келтириш коэффициентлари жадвалларидан фойдаланилади.

Мисол: Айтайлик, транспорт фирмаси 40 млн. сўмга юк ташиш машинасини сотиб олмоқчи. Уни эксплуатация қилиш 20 йил давомида йилига 3,2 млн. сўм пул тушумларини келтириши кутилмоқда. Пул тушумлари йил охирида бўлади деб хисобласак, аннуитет ҳолатига дуч келамиз:

$$PVA_n = PMT_t * PVA \text{ 1}_{n, k}$$

$$40 = 3,2 * PVA \text{ 1}_{n, k}$$

$$PVA \text{ 1}_{n, k} = 40 : 3,2 = 12,5$$

Аннуитетнинг жорий қийматини ҳисоблаш коэффициентлари жадвалидан 20-қаторда (20 йиллик муддат) олинган натижага энг яқин миқдор 12,462 бўлади. Бу миқдор 5% лик дисконт ставкасига мос келади. Айни шу дисконт ставкасида келгусида машинани эксплуатация қилишдан олинган пул тушумларининг дисконтланган жорий қиймати уни сотиб олиш учун қилинган ҳозирги инвестицияларга teng бўлади, яъни NPV О га teng бўлади. Демак, мазкур лойиҳада IRR 0,05 га teng.

IRR баъзида текширув дисконти деб ҳам аталади, чунки у дисконтлаш коэффициентининг лойиҳаларини самарали ва самарасли турларга ажратиш имконини берувчи даражасидир. Бунинг учун IRR фирмага стандарт сифатида қабул қилинган маблағларнинг қопланиш даражаси билан солиштирилади. Бундай қўйилмалар рентабеллигининг стандарт даражаси баръер коэффициенти HR (ингл. hurdle rate) деб ҳам аталади.

- агар  $IRR > HR$  - бўлса лойиҳа маъқул;
- агар  $IRR < HR$  - бўлса лойиҳа маъқул эмас;
- агар  $IRR = HR$  — бўлса лойиҳа ҳар қандай қарор қабул қилиш мумкин.

$IRR > HR$  бўлган ҳолатда NPV мусбат, инвестициялар рентабеллиги эса бирдан юкори.  $IRR < HR$  бўлса, NPV манфий, PI эса бирдан кичик бўлади.

Шундай қилиб, IRR маъқул бўлмаган лойиҳаларни ажратиб оловчи тур вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари бу кўрсаткич лойиҳа бўйича таваккал хавфи даражаси индикатори ҳисобланади. IRR баръер коэффициентидан қанчалик катта бўлса, лойиҳанинг мустаҳкамлиги заҳираси шунча катта бўлади. Бу эса келгусидаги пул тушумларини баҳолашда йўл қўйиладиган хатолар натижасида кўриладиган зарар хавфи кам бўлишини таъминлайди.

### Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Соф жорий қиймат услубини қўллашини кўрсатиб беринг.
- 2.2. Агар инвестиция харажатлари ва даромадлари бир неча даврга чўзилса NPV формуласи қандай ҳолатда бўлади?
- 2.3. Инвестиция рентабеллиги усулини тушунтириб беринг.
- 2.4. Агар инвестиция харажатлари ва даромадлари бир неча даврга чўзилса PI формуласи қандай ҳолатда бўлади?
- 2.5. Ички фойда меъёри формулаларини тушунтиринг.

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услублари хақида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1. Инвестицияларнинг қопланиш даврини била олади.
- 3.2. Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллигини ҳисоблаб олади.

**3-савол баёни:** Энди инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда (статик) усулларини кўриб чиқамиз. Бу услублар дисконтлаш концепцияси пайдо бўлмасдан олдин ҳам кенг кўлланилган бўлиб, улар ёрдамида, асосан пул киримлари ва чиқимларини таққослаш орқали лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланади.

**Инвестицияларнинг қопланиш даври РР** (ингл. Payback period), бу шундай даврки, бунда дастлабки қилинган инвестициялар миқдори тикланади (20 -формула).

$$PP = I_0 / CF_t^{\Sigma}$$

Бунда:  $I_0$ -дастлабки инвестиция миқдори;

$CF_t^{\Sigma}$  - лойиҳани амалга ошириш натижасида бир йилда тушадиган маблағ. Бунда  $CF_t^{\Sigma}$  даражасидаги сумма белгисига эътибор бериш керак. Бу белги  $CF_t^{\Sigma}$  суммасини икки усулда (томонлама) аниқлаш мумкинлигини кўрсатади. Биринчи усул қачонки, пул тушумлари йил давомида бир хил бўлса қўлланилади. Айтайлик, биз 600 млн. сўм инвестиция сарф қилдик ва 8 йил ичida ҳар йили 150 млн. сўмдан даромад олишни кутаяпмиз. Унда  $600/150=4$  йил ичida сарфланган инвестиция қопланади ва қолган 4 йил давомида инвестор соф фойда олади.

Иккинчи усул инвестиция қилингандан кейин, пул тушумлари бир хил бўлмаса ёки ўсиб борувчи миқдорни ташкил этса қўлланилади. Масалан, юқорида келтирилган мисолимизда пул тушумлари йиллар бўйича бир хил бўлмасдан ортиб борсин:

1-йил	100 млн. сўм;
2-йил	150 млн. сўм;
3-йил	200 млн. сўм;
4-йил	300 млн. сўм;
5-йил	400 млн. сўм.

Бунда 3 йил ичидаги пул тушумлари инвестиция суммасидан кам, 4 йил ичидагиси эса кўп. Бундай ҳолатларда инвестицияларни қоплаш даврини аниқ белгилаб олиш учун қуйидаги ишларни бажариш лозим:

- қайси йиллар орасида инвестиция суммаси қопланишини топиш зарур. Бизнинг мисолда 3-4 йиллар орасида;
- қопланмаган сумма миқдорини аниқлаш керак, бизнинг мисолда бу 150 млн. сўмни ( $600-(100 + 150 + 200)$ );
- аниқланган қопланмаган суммани 4-йилги пул тушумлари миқдорига бўлиш керак, яъни  $150/300=0,5$ . Кўриниб турибдики қопланмаган сумма 4-йилнинг ярмида қопланади. Демак, бунда инвестицияларни қоплаш даври 3,5 йилни ташкил қиласи.

Инвестицияларнинг қопланиш муддати қўрсаткичидан қуйидаги шартлар бажарилгандагина фойдаланиш яхши натижа беришини эътиборда тутиш керак:

- 1) бу қўрсаткич ёрдамида таққосланаётган барча лойиҳалар бир хил хаёт даврига эга бўлиши керак;
- 2) барча лойиҳалар бошланғич инвестицияларнинг бир марталик сарфланишини кўзда тутади;

3) маблағ сарфланиб бўлингандан сўнг барча инвесторлар лойиха ҳаёт даврининг охиригача бир хил пул тушумларига эга бўладилар.

Бу кўрсаткич ҳисоблаб топиш осонлиги, тушуниш учун соддалиги билан бирга лойиҳанинг таваккал хавфи даражаси ҳақида маълумот бериши туфайли ҳам қадрлидир.

Инвестицияларнинг қопланиш муддати қанчалик катта бўлса, дастлабки ҳисобланган натижаларга салбий таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларнинг юзага келиши хавфи шунча юқори бўлади.

Шу билан бирга бу кўрсаткич жиддий камчиликларга ҳам эга. Яъни у икки муҳим ҳолатни инкор қиласди:

- 1) турли муддатларда пулнинг қиймати турлича бўлишини;
- 2) қопланиш муддати тугагандан сўнг ҳам пул тушумларининг давом этишини.

Шу сабабли ҳам РР кўрсаткичини инвестициялар самарадорлигини баҳолашда асосий усул сифатида қўллаб бўлмайди. Шуни таъкидлаш жоизки инвестицияларнинг қопланиш муддатини ҳисоблашдаги кўрсатилган биринчи камчиликни тузатиш мумкин. Бу учун пул оқимлари дисконтлаб олинади, холос.

**Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги ROI** (ингл. return on investment) кўрсаткичи лойиҳаларини баҳолашнинг иккинчи содда (статик) кўрсаткичи бўлиб, адабиётларда инвестицияга ўртacha фойда меъёри (ARR — ингл. average rate of return), ҳисобланган фойда меъёри (ARR — ингл. accounting rate of return), деб ҳам юритилади. Бу кўрсаткич воситасида инвестицияларга пул тушумлари асосида эмас, балки бухгалтерия кўрсаткичи бўлган фирма даромади миқдорига асосланаб, баҳо берилади.

Кўрсаткичининг номидан хулоса қилиш мумкинки, у бухгалтерия ҳисоботи бўйича фирма даромади ўртacha миқдорини инвестицияларнинг ўртacha миқдорига нисбатини ифодалайди.

Бу кўрсаткич қўйидаги формула ёрдамида аниқланади (20-формула):

$$\text{ROI} = \text{EBIT} (1 - C) / [(\text{Қа.й.б.-Қа.й.о}):2]$$

Бу ерда: EBIT (ингл. earnings before interest and tax) - фирманинг фоиз ва солиқлар тўловларини амалга оширгунга қадар (ёки солиқ тўловларидан кейинги, лекин фоиз тўловларигача) бўлган фойдаси миқдори;

C – солиқ ставкаси (коэффициентда берилади);

Қа. й. б., Қа.й.о. - активларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги қиймати. Бу иккала миқдор ўртасидаги фарқ инвестиция харажатлари ҳажминн кўрсатади.

ROI кўрсаткичининг қўлланиши унинг ҳисобланган даражасини ташкилот учун стандарт бўлган рентабеллилик даражалари билан солиширишга асосланган. Агар бу кўрсаткич ташкилот томонидан стандарт деб қабул қилинган кўрсаткичдан катта бўлса, лойиҳа маъқул деб ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳозиргача дунёнинг кўпчилик мамлакатларида кенг қўлланиб келинишига қўйидагилар сабаб:

Биричидан, уни ҳисоблаш осон ва дисконтлаш каби мураккаб ҳисоб-китобларни талаб этмайди. Шу билан бирга айрим шарт-шароитлар мавжуд бўлса, ҳисобланган ROI миқдрри IRR миқдорига жуда яқин бўлади. Бу шарт-шароитлар қўйидагилардир:

- агар инвестициялар перпетуитет кўринишида йиллик пул тушумларининг тенг миқдордаги суммалари сифатида амалга оширилса;
- тўпланган амортизация қўшимча маблағларсиз эскирган ускуналарни янгилаш учун етарли бўлса;
- инвестицияларни амалга ошириш даврида айланма капитал миқдорида ўзгариш рўй бермаса.

Лойиҳаларни баҳолашнинг статик усуллари лойиҳа бўйича қўшимча маълумотлар олиш имконини бериши билан қадрлидир.

Иккинчидан, акциядорлик компанияларида бу кўрсаткич менежерларни инвестициялашнинг акциядорларни энг кўп қизиқтирадиган бухгалтерия рентабеллиги кўрсаткичи билан боғлиқ, бўлган вариантларига йўналтиради.

ROI кўрсаткичи камчиликлари унинг афзалликлари аксини ташкил этади. Яъни бу кўрсаткич воситасида инвестиция лойиҳалари таққосланганда:

- пулнинг турли вактларда қиймати бир хил бўлмаслиги эътиборга олинмайди;
- лойиҳалар турлича муддат хизмат қилиши инкор қилинади, яъни бир хил рентабелликка эга икки лойиҳадан бири 5 йил, иккинчиси 10 йил даромад олишини таъминлаши бу кўрсаткичда акс этмайди.

Шунингдек, инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллилиги фирма бойлигининг реал ўзгаришини характерламасдан, акциядорлар ва «четдаги» бошқа шахсларнинг талабларига мос натижа олишга қаратилган.

Кўриб чиқилган инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг барча усулларини биргаликда қўллашгина лойиҳаларнинг самарали ёки самарасиз эканлиги тўғрисида аниқ хулоса олиш имконини беради.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 3.1. Инвестицияларнинг қопланиш даври таҳлили қандай амалга оширилади?
- 3.2. РР камчилиги ва афзаллиги ҳақида нималар биласиз?
- 3.3. Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги қандай ҳисобланади?
- 3.4. ROI афзалликлари ва камчиликлари ҳақида маълумот беринг.

### **Назорат саволлари**

1. Соф жорий қиймат «узоқ муддатли харажатлар ва узоқ муддатли пул тушумлари» ҳолатида қандай аниқланади?
2. Инвестицияларнинг рентабеллилиги кўрсаткичи бўйича лойиҳаларнинг мақбуллиги қандай мезонларга кўра аниқланади?
3. Ички фойда меъёри кўрсаткичининг моҳияти нимада?
4. Дисконтлашга асосланган услублар бўйича инвестициялар самарадорлигини аниқлаш мезонларини санаб ўтинг.
5. Инвестицияларнинг қопланиш даври соф жорий қиймат кўрсаткичидан нима билан фарқ қиласи?
6. Бухгалтерия рентабеллилиги кўрсаткичи инвестициялар рентабеллилиги кўрсаткичидан нима билан фарқ қиласи?
7. Инвестицияларни баҳолашнинг статик услублари камчилиги ва афзалликлари нимада?

### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иктисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган услубларини кенгайтириши.
2. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услубларидан кенгрок фойдаланиш.

### **Керакли адабиётлар:**

1. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-84-89, 110-132 б.
2. Ишмухamedov A.Э., Қосимов M.C., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –32-43 б.

**4-МАВЗУ. ЛОЙИХА ТАҲЛИЛИ КОНЦЕПЦИЯСИ**  
**Фанни ўқитиши технологияси:**  
**“ЛОЙИХА ТАҲЛИЛИ КОНЦЕПЦИЯСИ” мавзусидаги маъруза**  
**машғулотининг технологик харитаси**

T/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.2. Дарс мақсади:</b> Талабаларда инвестицияларнинг моҳияти, асосий турлари ва тузилиши тўғрисида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1. «Лойиҳа» тушунчасини била олади.</p> <p>1.2.2. Лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари фарқига бора олади.</p> <p>1.2.3.Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичларини била олади.</p> <p>1.2.4.Лойиҳа ҳаёт даврининг характерланадиган кўрсаткичларни аниқлаб олади.</p> <p>1.2.5.Лойиҳа таҳлилиниң моҳиятини тушунтира олади.</p> <p>1.2.6.Лойиҳа таҳлилиниң вазифаларини ажратиб бера олади</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> «лойиҳа» тушунчаси, лойиҳа даври, лойиҳа таҳлили, лойиҳа менежменти, лойиҳани молиялаштириш, ўлчамлилик, вақт бўйича чекланганлиги, алоҳида фаолият турлари билан боғлиқ ҳодисаларнинг аниқ белгиланган кетма-кетлиги, мақсадга йўналтирилганлиги, лойиҳа кўлами (кичик лойиҳа, мегалойиҳа), амалга ошириш муддатлари (қиска муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли лойиҳалар), сифатли (деффектсиз лойиҳа), ресурсларнинг чекланганлиги (мультилойиҳа).</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p><b>Гурухда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба. 40 минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳанинг асосий элементлари нималардан иборат?</li> <li>• Лойиҳаларнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.</li> <li>• Лойиҳа ҳаёт даври босқичларига изоҳ беринг.</li> </ul>	Ўқитувчи, 10 минут

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа таҳлилиниң моҳияти нима ва вазифаларига нималар киради?</li> <li>• Лойиҳа таҳлили жиҳатлари ва тузилмасини тушунтиринг.</li> <li>• Лойиҳаларда давлат иштироки қайси шакл ва йўналишда бўлиши мақсадга мувофиқ?</li> </ul> <p><b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	
5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. “Лойиҳа” тушунчаси, лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари.
2. Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичлари.
3. Лойиҳа таҳлилиниң моҳияти ва вазифалари.
4. Лойиҳа таҳлили тузилмаси.
5. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестиция лойиҳалари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** «лойиҳа» тушунчаси, лойиҳа даври, лойиҳа таҳлили, лойиҳа менежменти, лойиҳани молиялаштириш, ўлчамлилик, вақт бўйича чекланганлиги, алоҳида фаолият турлари билан боғлиқ ҳодисаларнинг аниқ белгиланган кетма-кетлиги, мақсадга йўналтирилганлиги, лойиҳа кўлами (кичик лойиҳа, мегалойиҳа), амалга ошириш муддатлари (қиска муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли лойиҳалар), сифатли (деффектсиз лойиҳа), ресурсларнинг чекланганлиги (мультилойиҳа).

### **Мавзуга оид муаммолар:**

1. 1. Лойиҳа юзага келган вақтдан токи у тугатилгунга қадар ўтган вақт оралиғига лойиҳанинг ҳаёт даври, лойиҳа босиб ўтиши лозим бўлган ҳолатларга эса фазалар, босқичлар дейилади. Сизнингча бу фикр тўғрими?
2. 2. Лойиҳа таҳлили — харажатлар ва даромадлар ҳамда лойиҳа билан боғлиқ бўлган қалтисликни (таваккалчиликни) тизимли баҳолаш ва очиб бериш асосида лойиҳаларни тайёрлаш, баҳолаш ва танлаб олиш усулидир. Бу қарашга сиз қандай баҳо берасиз?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда «Лойиҳа» тушунчаси, лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. «Лойиҳа» тушунчасини била олади.
- 1.2. Лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари фарқига бора олади.

**1-савол баёни:** Лойиҳа таҳлилига адабиётларда турлича тарифлар берилган. Биз улардан энг соддасини келтирамиз. Лойиҳа — чекланган вақт давомида ҳамда белгиланган бюджет билан олдинга қўйилган мақсадларга еришишга хизмат қилувчи ўзаро боғланган тадбирлар мажмуидир.

Тармоқларда яратилаётган обьектлар шу қадар мураккабки, уларни амалга ошириш ишлари лойиҳа эмас, балки дастур доирасида олиб борилади.

Дастурлар узокроқ муддатга, кенгроқ кўламга эга бўлиб, асосий мақсадга хизмат қилувчи бир неча лойиҳани ўз ичига олиши мумкин. Бу лойиҳалар дастурнинг хизмат муддати ва кўлами бўйича бир нечтани ташкил этиб, мақсади, тури бўйича ўзаро фарқ қилиши мумкин.

Фикр ⇒ Амалга ошириш ⇒ Амалга ошириш  
мақсадлари

(муаммо, вазифа) воситалари (кутилаётган натижалар)

Лойиха атамаси билан қуидаги түшүнчалар ўзаро боғланган:

- лойиха даври (босқичи);
  - лойиха таҳлили;
  - лойиха менежменти;
  - лойиҳани молиялаштириш.

Лойиҳаларнинг асосий хусусиятлари қуидагилардир:

1. Ўлчамчилик — лойиҳа бўйича фаолият ва кутилаётган натижаларни миқдорий ифодалаш имкониятларининг мавжудлиги.

2. Вақт бўйича чекланганлиги — лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муддатларининг чекланганлиги.

3. Алоҳида фаолият турлари билан боғлиқ ҳодисаларнинг аниқ белгиланган кетма-кетлиги.

#### 4. Мақсадға йүналтирилгандылык.

Хар бир лойиҳани белгиловчи 4 асосий омил мавжуд:

## 1. Лойиха күлами (кичик лойиха, мегалойиха)

- кичик лойиҳа — кўламига кўра катта бўлмаган содда ва чекланган ҳажмдаги лойиҳа (қиймати 15 млн. АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар);
  - мегалойиҳалар мақсадли дастурлар бўлиб, мақсадлар умумийлиги, ресурслар ва вақт бўйича ўзаро боғланган бир неча лойиҳани ўз ичига олади. Бундай лойиҳанинг қиймати 15 млн. доллардан 1 млрд. гача ёки меҳнат сифими 20 млн. киши-соатидан кўп бўлади.

2. Амалга ошириш муддатлари (қиска муддатли, ўрта муддатли ва узок муддатли лойиҳалар).

### 3. Сифатли (деффектсиз лойиҳа).

#### 4. Ресурсларнинг чекланганлиги (мультилойиҳа).

Шунингдек, модуль лойихалар, халқаро ва инвестиция лойиҳалари фарқланади.

Биз ушбу құлланмада инвестиция лойихаларини қүриб чиқамиз ва Жағон банки томонидан инвестиация лойихаларини баҳолашда құлланыладиган баъзи тартибларга асосланган ҳолда фикр юритамиз.

Инвестиция лойиҳалари тушунчаси икки маънода қўлланилади:

1. Белгиланган мақсадларни амалга оширишга қаратылған хатты-харакаттар мажмунини амалга оширишни күзда тутувчи иш, фоалият, тадбир сифатида.

2. Бу фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-хуқуқий ва ҳисоб-молия ҳужжатлари тизими сифатида.

## **Мұҳокама учун саволлар:**

- 1.1. Лойиҳа таърифини беринг.
  - 1.2. Лойиҳа атамаси билан ўзаро боғлиқ тушунчаларга тариф беринг.
  - 1.3. Лойиҳаларнинг асосий хусусиятлари қанақа?
  - 1.4. Лойиҳани белгиловчи асосий омилларга нималар киради?
  - 1.5. Инвестиция лойиҳалари тушунчаси икки маънода қўлланиши маъносини тушунтириб беринг.

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичлари тўғрисида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичларини била олади.

2.2. Лойиҳа ҳаёт даврининг характерланадиган кўрсаткичларни аниқлаб олади.

**2-савол баёни:** Лойиҳа юзага келган вақтдан токи у тугатилгунга қадар ўтган вақт оралиғига лойиҳанинг ҳаёт даври, лойиҳа босиб ўтиши лозим бўлган ҳолатларга эса фазалар, босқичлар дейилади. Лойиҳалар ҳаёт даври(ЛХД) нинг қўйидаги босқичлари фарқланади:

#### **1. Инвестиция олди босқичи:**

- а) инвестиция имкониятларининг таҳлил;
- б) дастлабки техник-иктисодий асослаш;
- в) техник-иктисодий асослаш;
- г) инвестиция имкониятлари тўғрисида доклад.

#### **2. Инвестиция босқичи:**

- а) музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш;
- б) лойиҳалаштириш;
- в) қуриш(қурилиш ишларини амалга ошириш);
- г) маркетинг;
- д) ходимларни ўқитиши.

#### **3. Эксплуатация босқичи:**

- а) қабул қилиш ва ишга тушириш;
- б) ускуналарни алмаштириш (янгилаш);
- в) кенгайтириш, инновация.

Меҳнат сифимига кўра, ЛХД ни қўйидаги тасаввур қилиш мумкин:

Босқичлар	Концепция	Режалаштирилган	Лойиҳалаштириш	Қурилиш	Якунлаш
Вақт	3 %	5%	20%	60%	12%

Лойиҳанинг концепциясини ишлаб чиқиш лойиҳанинг яқуний мақсадлари ва бу мақсадларга эришиш йўлларини белгилашни ўз ичига олади. Бунда муқобил мақсадлар кўриб чиқилади, ҳажмлар, муддатлар, фойда ҳажми миқдоран солиширилади.

Лойиҳанинг яшовчанлигини баҳолаш дастлабки техник-иктисодий асослаш мазмунини ташкил этади. Бунда бир неча муқобил варианtlар кўриб чиқилади ва қиймати ҳамда фойда бўйича баҳоланади. Лойиҳани режалаштириш босқичида лойиҳа бўйича ишлар режаси тузилади. Бу режада ишларнинг таркибий ва вақт бўйича босқичлари, ижрочилари аниқланади. Биз фақат инвестиция олди босқичини ўрганамиз, холос. ЛХДни характерлаган ҳолда қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Лойиҳа ғояси.
2. Муаммо таҳлили (мақсадлар, талаблар, вазифалар).
3. Концепцияни ишлаб чиқиш (ишлаб чиқишга қўйилган талаблар, амалга ошириш имкониятлари таҳлили, муқобил концепциялар).
4. Лойиҳани ишлаб чиқиш.
5. Лойиҳани амалга ошириш (иш ҳужжатлари, харид, синов, қабул қилиш).
6. Эксплуатация (натижалар синови, техник хизмат кўрсатиш).
7. Тугатиш (демонтаж, сотиш, ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилиш ва янги лойиҳа).

Лойиҳани ишлаб чиқишнинг турли босқичларида турли даражадаги аниқликка эришилади ва хатоликка, қалтисликка йўл қўйилади.

## **Мұхокама учун саволлар:**

- 2.1. Лойиха ҳаёт даврига характеристика беринг.
- 2.2. Инвестиция олди босқичига баҳо беринг.
- 2.3. Инвестиция босқичини тушунтириб беринг.
- 2.4. Эксплуатация босқичи ҳақида нималар биласиз?
- 2.5. ЛХДни харakterлайдиган күрсаткичларга тариф беринг.

**3-савол бүйіча дарс мақсады:** Талабаларда лойиха таҳлилиниң мөһияти ва вазифалари түғрисида түшунча қосил қилиш.

## **Идентив үқув мақсадлари:**

- 3.1. Лойиха таҳлилиниң мөһиятини түшунтира олади.
- 3.2. Лойиха таҳлилиниң вазифаларини ажратиб бера олади

**3-савол баёни:** Лойиха таҳлили — харажатлар ва даромадлар ҳамда лойиха билан боғлиқ бўлган қалтисликни (таваккалчиликни) тизимли баҳолаш ва очиб бериш асосида лойиҳаларни тайёрлаш, баҳолаш ва танлаб олиш усулидир. Лойиха таҳлилиниң катта қисми лойиха даврининг дастлабки босқичида, яъни уни қабул қилиш ёки қилмаслик түғрисида қарор қабул қилингунгача амалга оширилади.

Лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш лойиха таҳлилиниң вазифаси ҳисобланади. Даромадлилик эса лойиҳадан олинадиган даромад билан унга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Яъни лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш учун унинг барча натижаларини аниқлаш ҳамда лойиҳадан олинган даромадлар унга қилинган харажатлардан ортиш ёки ортмаслигини ҳисоблаб кўриш керак. Чунки лойиҳани амалга ошириш учун бугун қилинаётган харажатлар билан ундан қандайдир вақт ўтгандан кейин олинадиган даромадларни бевосита солиштириб бўлмайди. Лойиҳанинг кўпгина активлари ва иншоотлари узоқ муддат хизмат қилиши бунинг сабаби ҳисобланади. Лойиҳанинг айрим харажатлари ва натижаларини, масалан, қурилиш ишлари харажатларини ўлчаш ва баҳолаш осон. Бошқаларини эса ўлчаш осон, лекин баҳолаш анча қийин. Масалан, ходимларни ўқитиш харажатлари ва натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан ўлчаш осон, лекин реал натижаларини баҳолаш анча мураккаб.

Ниҳоят, айрим лойиҳалар натижаларини, масалан лойиҳаларнинг анъанавий фаолият турларига таъсирини ўлчаш ҳам, баҳолаш ҳам қийин.

Лойиха харажатлари турли хилда бўлиши туфайли лойиха ҳар хил нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

1. Лойиха техник жиҳатдан асосланганми?
2. Лойиха тижорат талабларига жавоб берадими?
3. Лойиха ўз-ўзини молиявий жиҳатдан қоплайдими?
4. У иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдими?
5. Лойиха атроф -муҳитга қандай таъсир ўтказади?
6. Лойиха маҳаллий ижтимоий - маданий хусусиятларни ҳисобга олганми?

7. Лойиҳани амалга оширишнинг институционал (ташкилий) имкониятлари борми?

Ижобий натижалар ялпи харажатлардан ортиш-ортмаслигини аниқлаш зарур. Харажатларни таҳлил қилиш учун қўйидаги саволларга жавоб олишимиз керак:

- Лойиҳанинг биз истаган натижаси қандай?

• Лойиҳа харажатларини ким кўтаради ва унинг ижобий натижаларидан ким фойдаланади?

• Лойиҳанинг ижобий натижалари қачон ва қаерда пайдо бўлади?

Лойиҳанинг якуний қиймати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун лойиҳага алоқадор бўлган кишиларнинг турли гуруҳлари олган фойда ва қилган йуқотишларни қандай таққослаш ва жамлаш керак?

Бу лойиҳанинг якуний ижобий натижаси бошқа мумкин бўлган лойиҳалар натижасидан нимаси билан фарқ қиласди?

Лойиҳа таҳлили лойиҳани шакллантириш жараёнининг ўзидаёқ унинг турли жиҳатлари таъсирини ва ролини ўзгартириш имконини беради. Ҳар қандай янги ахборот, агар фойдали бўлса, илгари қабул қилинган қарорларни ўзгартириш учун сабаб бўлиши мумкин.

Демак, лойиҳа-смета ҳужжатлари лойиҳа таҳлили жараёнида, яъни лойиҳанинг турли жиҳатларини кўриб чиқиш натижалари ва янги олинган ахборотлардан келиб чиқиб, илгари берилган баҳоларни тузатиш билан бирга ишлаб чиқилади.

### **Мухокама учун саволлар:**

3.1. Лойиҳа таҳлили тарифини беринг.

3.2. Лойиҳа таҳлили вазифаси нимадан иборат?

3.3. Нима учун лойиҳа таҳлили ҳар хил нуктai назардан кўриб чиқилади?

3.4. Лойиҳа харажатларини таҳлили қилишдан мақсад нима?

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳа таҳлили тузилмаси тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

4.1. Лойиҳа таҳлили тузилмасини била олади.

4.2. Лойиҳа таҳлили тузилмасини ҳар бирига характеристика бера олади.

**4-савол баёни:** Лойиҳа таҳлилида даромадлар ва харажатлар қўйидаги 8 нуктai назардан туриб баҳоланади ва улар лойиҳа таҳлилининг 7 бўлмини ташкил этади.

1. Техник таҳлил: лойиҳа техник жиҳатдан асосланганми?

2. Тижорат таҳлили: лойиҳа маҳсулотига бозорда талаб борми?

3. Молия: молиявий жиҳатдан лойиҳа яроқлими?

4. Лойиҳага қилинган харажатлар ундан фойдаланувчи (истеъмолчи)лар хисобига қопланадими?

5. Экология: лойиҳа атроф-муҳитга қандай таъсир кўрсатади?

6. Институционал ривожланиш: лойиҳа учун масъул бўлган ташкилотлар уни амалга ошириш ва эксплуатация қилишга қодирмилар?

7. Лойиҳанинг ижтимоий ва маданий талабларга мослиги: лойиҳа маҳаллий шароитларга мосланганми? Лойиҳа аҳолининг айrim гуруҳларига таъсир кўрсатадими?

8. Иқтисод: лойиҳанинг ижобий натижалари уни амалга ошириш ва эксплуатация қилиш харажатларидан ортиқми? Лойиҳада таваккалчилик даражаси қандай?

Лойиҳа таҳлилининг ҳар бир бўлими ўз услугига эга ҳамда кўрилаётган харажат, даромад ёки бошқа омиллар характеристига қўра миқдор ёки сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги фойдаланиладиган ахборот ҳажми ўзгариб туради. Ҳатто таҳлилнинг миқдорий жиҳатларига тегишли бўлган молиявий лойиҳалар

ҳам прогнозлашга хос бўлган ноаниқлик омилларидан келиб чиқувчи сифат элементларига эга. Яъни лойиҳа таҳлили лойиҳанинг келажак ҳолатлар тўғрисидаги фикрларнинг ўзгаришига таъсирчанлигини ҳисобга ола билиши керак.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 4.1. Лойиҳа таҳлили тузилмаси ҳақида нималар биласиз?
- 4.2. Лойиҳа таҳлилининг ҳар бир бўлими ўз услугига эга эканлигини исботлаб беринг.

**5-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестиция лойиҳалари хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 5.1. Давлатнинг иқтисодий фаолиятини тушунтира олади.
- 5.2. Давлатнинг инвестиция лойиҳаларини била олади.

**5-савол баёни:** Лойиҳа таҳлилининг турли бўлимлари доирасидаги тадқиқотлар лойиҳанинг ўзаро келишиб олинган вазифаларидан келиб чиқиб олиб борилиши лозим. Кўпинча бу вазифалар, худуддаги маҳаллий шароитлар лойиҳани амалга оширишга кўрсатадиган таъсирни ҳисобга олган ҳолда алоҳида секторларни ривожлантириш дастурларини акс эттиради. Бу вазифалар характеристига, шунингдек, қўйидагилар ҳам таъсир кўрсатади:

- турли тадбирларни ўтказишни кимга (давлат ёки хусусий секторга) топшириш тўғрисида жамиятнинг хоҳиш-иродаси;
- давлат лойиҳалари олдига қўйилган мақсадлар бўйича ижтимоий гурухларнинг ўзаро келишувга эришишига ёрдам берувчи жараёнлар.

Илмий тадқиқотлар якунлари ҳамда тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, давлатнинг фаоллилиги кўламларини қисқартириш ҳамда давлат дастурларини хусусий иқтисодий фаолият учун қулай сиёсий шароитлар яратишга йўналтириш фойдалари ёшар экан. Бозор иқтисодиётiga эга давлатларда ҳам, шунингдек, собиқ социалистик давлатларда ҳам сиёсатчилар ва иқтисодчилар давлатнинг нафақат бевосита давлат корхоналари фаолиятидаги ролига, шу билан бирга давлат анъанавий иштирок этиб келган инфратузилма ва ижтимоий хизматлар соҳасидаги ролига ҳам иккиланиш (шубҳа) билан қарашади.

Хусусий секторнинг бу соҳаларда иштирок этиш учун интилишига бош сабаб менежерлар шахсан жавобгар бўлган шароитда обьектлар фаолияти самарадорлигини ошириш имконияти мавжудлиги ҳисобланади. Хусусий инвесторлар майший хизматларга муваффақиятли жалб қилинган ҳолларда молиявий ресурсларга эга бўлиш имкониятлари кенгайишидан ҳам маълум маънода манфаатдорлик келиб чиқади.

Пухта ўйланган макроиктисодий сиёсат юритаётган мамлакатларда инвестицияланган капиталлардан келадиган даромад анча юқори. Иқтисодиётдаги хатоликлар нисбатан катта бўлмаган мамлакатларда инвестициялардан келадиган самара 10%дан анча ортиқ ва 20%гача ҳамда ундан ҳам кўпроққа етади. Нотўғри макроиктисодий сиёсат юритаётган (шунингдек, валюта мукофоти юқори бўлган) мамлакатларда инвестициялардан келадиган самара (қайтим) бор-йўғи 10% га етади ва кўпинча ундан ҳам паст бўлади.

Макроиктисодий сиёсатни тўғри ва нотўғри олиб бораётган ҳар иккала гурух давлатларида ҳам хусусий, ҳам давлат инвестицияларидан олинадиган

фойда жами инвестицияларнинг миллий ҳажмидаги давлат инвестициялари улушкига мутаносиб тарзда ўзгаради. Давлат инвестициялари улуси паст бўлган шароитда инвестиция самараси (қайтими) юқори бўлиши, бу улуш 40% гача ва ундан юқори бўлса кескин пасайиб кетиши кузатилади.

Кузатилган бу икки қонуният ҳам давлат фаолиятини ўзгартириш яъни макроиқтисодий хатоликларни қисқартириш ва иқтисодий фаолиятда давлат ролини пасайтириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида хусусий секторнинг макроиқтисодий сиёсат мақсадларини белгилашда ҳамда лойиҳаларда иштироки кенгайтирилганда гина бундай ўзгаришлардан ютукка эришиш мумкин.

Давлат лойиҳаларини танлашда ҳал қилувчи овозга эга бўлган тақдирда ҳам, хусусий инвестицияларни автоматик тарзда сиқиб чиқармаслиги лозим.

Хусусий капитал иштироки учун шароитларни яхшилаш зарурати лойиҳаларни ким амалга ошириши кераклиги ҳамда хусусий капитал иштироки кўзда тутилган лойиҳаларни ким ишлаб чиқиши кераклиги тўғрисида сўров ўтказишни, шунингдек, мавжуд давлат тузилмалари ва сиёсати иқтисодиётнинг янги секторларга хусусий капитални киритишга қай даражада ёрдам бериши ёки тўскинлик қилишини кўриб чиқиш зарур.

Лойиҳа мақсади, таҳлил чизмаси ва режалаштириш барча манфаатдор томонларнинг ҳамкорлиги жараёнида мунтазам мувофиқлаштириб борилсагина, давлат ихтиёрида қолган лойиҳалар муваффакиятли амалга оширилиши мумкин. Бу манфаатдор томонлар жумласига лойиҳа туфайли зарар кўрувчилар ҳам, фойда олувлар ҳам, лойиҳани амалга ошириш ва эксплуатация қилиш учун масъул бўлган ташкилот ходимлари ҳам, шунингдек, давлат бошқарув идоралари, сиёсатчилар ҳамда молиячилар ҳам киради.

Лойиҳа вазифалари ва кўламини белгилаш учун ҳамда лойиҳани тайёрлашда, бошқаришда, ишлаб чиқариш графигини ўрнатишда турли гуруҳларнинг ролини ва масъулиятини аниқлаш учун бу гуруҳлар иштирокида (ҳамкорлигига) режалар ишлаб чиқиш жараёнидан тобора кўп фойдаланилмоқда. Лойиҳа таҳлилининг етти бўлими лойиҳанинг барча жиҳатларини ҳар томонлама баҳолаш имконини беради. Бунга, шубҳасиз, лойиҳа таҳлили жараёнида ҳамкорлик қилаётган гуруҳлар таркиби ҳам таъсир кўрсатади.

Лойиҳаларни режалаштиришга бундай ёндашув икки томонлама устунликка эга. Биринчидан лойиҳаларни ҳамкорликда режалаштириш ўзаро келишувга эришишга ёрдам беради ҳамда иштирокчиларни лойиҳа мақсадлари ва вазифаларига тарафдорликларини таъминлайди. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай режалаштирилган лойиҳа муваффакиятли ва яшовчан бўлади.

Иккинчидан, турлича манфаатларга эга бўлган иштирокчиларнинг жалб қилиниши эксперtlар гуруҳлари ўртасида лойиҳа харажатлари ва натижаларининг нисбий қиймати тўғрисидаги тортишувларга нисбатан самаралироқдир.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг турли лойиҳалари шундай натижаларга олиб келадики, уларни объектив баҳолаб бўлмайди (масалан, ҳайвонот турларининг йўқолиб кетиши). Агар режалаштириш жараёнига манфаатдор томонлар, керак бўлса, махаллий аҳоли ва халқаро жамият жалб этилса, илгари ечилиши гумон бўлган муаммоларни ечиш учун ҳам имкон топилиши мумкин.

### **Мухокама учун саволлар:**

- 5.1. Давлатнинг фаоллиги кўламларини қисқартириш нима учун фойдалироқ бўлади?
- 5.2. Хусусий секторни давлат секторидан афзаллигини исботлаб берингн.

5.3. Макроиқтисодий сиёсати түгри ва нотүгри олиб бораётган давлатларда иқтисодий натижа қандай бўлади?

5.4. Нима учун лойиҳа мақсади, таҳлил чизмаси ва режалаштириш барча манфаатдор томонларнинг ҳамкорлиги жараёнида мувофиқлаштириб борилса муваффақияти катта бўлади?

5.5. Лойиҳаларни режалаштириши қандай устунликларга эга.

### **Назорат саволлари**

1. Лойиҳанинг асосий элементлари нималардан иборат?
2. Лойиҳаларнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.
3. Лойиҳа ҳаёт даври босқичларига изоҳ беринг.
4. Лойиҳа таҳлилининг моҳияти нима ва вазифаларига нималар киради?
5. Лойиҳа таҳлили жиҳатлари ва тузилмасини тушунтиринг.
6. Лойиҳаларда давлат иштироки қайси шакл ва йўналишда бўлиши мақсадга мувофиқ?

### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Лойиҳа ҳаёт даври босқичларини чуқурроқ таҳлил қилиш.
2. Лойиҳа таҳлили жиҳатларини ўрганиш ва замонавий тузилмасини яратиш.

### **Керакли адабиётлар:**

3. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-34-55 б.
4. Ишмухамедов А.Э., Қосимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –44-52 б.

**Мавзу V. ЛОЙИХАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ**  
**Фанни ўқитиши технологияси:**  
**“ЛОЙИХАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ” мавзусидаги маъруза машғулотининг**  
**технологик харитаси**

T/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда лойҳаларни тайёрлаш тўғрисида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1. «Лойиҳаларни тайёрлаш» тушунчасини била олади.</p> <p>1.2.2.Лойиҳаларни ким томонидан тайёрлашини ўргана олади.</p> <p>1.2.3.Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини тайёрлаш босқичларини била олади.</p> <p>1.2.4.Инвестиция олди босқичи йўналишларини тушунтира олади.</p> <p>1.2.5.Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қила олади.</p> <p>1.2.6.Инвестиция концепцияларини излаб топиш учун шартшароитларни топа олади.</p> <p>1.2.7.Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш масалалари била олади.</p> <p>1.2.8.Бизнес-режа бўлинмаларини тушунтириб бера олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> «лойиҳаларни тайёрлаш» тушунчаси, инвестиция лойиҳалари ҳужжатлари, инвестиция лойиҳалари босқичлари, инвестиция имкониятлари, лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш, лойиҳаларнинг охирги шаклланган варианти.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жихоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p><b>Гурухда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чакирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий холосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий холосага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба. 40 минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини тайёрлаш босқичларига тавсиф беринг.</li> <li>• Инвестиция олди босқичининг асосий вазифалари нималардан иборат?</li> <li>• Инвестиция концепцияларини излаб топиш учун асос</li> </ul>	Ўқитувчи, 10 минут

	<p>бўлувчи шарт-шароитларни санаб ўтинг.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Бизнес-режа нима ва унинг вазифалари нимадан иборат?</li> <li>• Бизнес-режа тузилмасига тавсиф беринг.</li> <li>• Лойиҳаларга якуний баҳо бериш учун жамланадиган мутахассислар гуруҳи қандай бўлиши керак?</li> <li>• Лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш босқичларига изоҳ беринг?</li> </ul> <p><b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	
5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгаришилар киритади.</p>	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. “Лойиҳаларни тайёрлаш” тушунчаси.
2. Инвестиция лойиҳалари хужжатларини тайёрлаш босқичлари.
3. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш.
4. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш масалалари.
5. Лойиҳаларнинг охирги шаклланган варианти ва уни техник-иқтисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллиги.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** «лойиҳаларни тайёрлаш» тушунчаси, инвестиция лойиҳалари хужжатлари, инвестиция лойиҳалари босқичлари, инвестиция имкониятлари, лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш, лойиҳаларнинг охирги шаклланган варианти.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

1. Корхонанинг инвестиция лойиҳасини корхона раҳбари ва унинг етук мутахассислари ишлаб чиқишиди. Бу фикрга қўшиласизми?
2. Инвестиция лойиҳалари учун ғояларни қидириш ва улар орасида мақбулини танлаб олиш жуда мураккаб ҳамда масъулиятли вазифадир. Сиз бу қарашга қандай баҳо берасиз?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда «Лойиҳаларни тайёрлаш» тушунчаси ҳақида тасаввурот пайдо қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. «Лойиҳаларни тайёрлаш» тушунчасини била олади.
- 1.2. Лойиҳаларни ким томонидан тайёрлашини ўргана олади.

**1-савол баёни:** Лойиҳалар маълум илмий тадқиқот, илмий изланишлар ва маркетинг тадқиқотлари натижасида тузилади ва илмий жиҳатдан асосланади. Изланишлар натижаси сифатида аниқ ғоя ва лойиҳанинг коцепцияси яратилади. Ғоя эса реал ва аниқ давр билан чегараланади. Лойиҳани амалга оширишда йўлбошчининг роли бениҳоя каттадир. Шу билан бирга лойиҳанинг муҳити кулаги ва рағбатлаштириш механизми самарали бўлиши керак. Лойиҳа йўлбошчиси ўз атрофига профессионал мутахассислардан иборат командани

туплай олсагина, ҳар томонлама асосланган лойиҳани яратишни таъминлаши мумкин.

Корхонанинг инвестиция лойиҳасини корхона раҳбари ва унинг етук мутахассислари ишлаб чиқишиади. Агар корхона мутахассисларининг билими ва тажрибаси етарли бўлмаса, профессионал маслаҳатчилар хизматидан фойдаланилади. Агар йирик лойиҳалар кўп компонентларга эга бўлса, бундай лойиҳаларни тайёрлашга ҳалқаро тажрибага эга бўлган эксперталар ва маҳаллий мутахассислар жалб этилади. Уларнинг билим ва тажрибалари тайёрланган лойиҳаларнинг реал ва илмий асослилигини таъминлайди. Лойиҳаларнинг реал бўлиши учун, шунингдек, уларни тайёрлаш жараёнида эксперталарнинг хуносасини олиш мақсадга мувофиқдир. Баъзи ҳолларда лойиҳаларни тайёрлаш жараёнида уларнинг самарадорлиги пастлиги ва амалиётга татбиқ этиш қийинлиги эксперталар томонидан исботланади. Натижада келгусидаги унумсиз харажатларнинг олди олинади.

### **Мухокама учун саволлар:**

- 1.1. Лойиҳалар қандай ва нималар натижасида тузилади?
- 1.2. Ғоя ва лойиҳанинг концепцияси нима ва қандай яратилади?
- 1.3. Инвестиция лойиҳасини кимлар ишлаб чиқишиади?
- 1.4. Лойиҳаларнинг реал бўлиши учун нима қилиш керак?

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини тайёрлаш босқичлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 2.1. Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини тайёрлаш босқичларини била олади.
- 2.2. Инвестиция олди босқичи йўналишларини тушунтира олади.

**2-савол баёни:** Инвестиция лойиҳаларини ҳалқаро тажрибада учта йирик босқичга бўладилар:

- инвестиция олди босқичи;
- инвестиция босқичи;
- янгидан вужудга келган обьектларни эксплуатация қилиш босқичи.

«Лойиҳалар таҳлили» фанининг асосий вазифаси биринчи босқич тўғрисида фикр юритишидир. БМТнинг ЮНИДО номли бўлими томонидан чиқарилган бюллетенда инвестиция олди босқичини тўртта йўналишга бўлиб ўрганиш тавсия этилади. Булар:

- инвестиция концепцияларини танлаш;
- дастлабки (бирламчи) лойиҳаларни вужудга келтириш;
- якуний лойиҳани вужудга келтириш ва унинг техник-иктисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллигини баҳолаш;
- лойиҳанинг якуний муҳокамаси ва у бўйича маълум қарорга келиш.

Инвестиция олди босқичини бундай йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки аввал корхонанинг ёки тармоқнинг инвестиция ёрдамида ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконияти бор ёки йўқлигини аниқлаш керак. Бундан кейин инвестиция ҳақидаги фикрларни чуқур ўрганиб чиқиш ва шу асосда бизнес-режани вужудга келтириш лозим. Агар бу режа инвестор ва буюртмачида қизиқиш уйғотса, ишни кейинги босқичларда давом эттириш лозим. Бу йўналиш бизнес-режани чуқур таҳлил қилиш ва уни иқтисодий-молиявий томондан баҳолашдан иборат. Агар бу изланишлар натижаси ижобий бўлса, лойиҳаларни вужудга келтириш билан боғлик бўлган

охирги хулоса чиқариш йўналишига ўтиш тавсия этилади. Индустрисал ривожланган мамлакатларда инвестиция олди босқичини вужудга келтириш лойиҳа қийматининг 1,5-5% ҳажмидаги харажатни талаб этади.

Албатта, бу ерда лойиҳа қиймати ҳажми асосий роль ўйнайди. Умумий инвестиция харажатларидаги инвестиция олди босқичининг йўналишлари бўйича харажатлар улуши қўйидагича: биринчи йўналишда 0,2 - 1,0%, иккинчи йўналишда 0,25 - 1,5 %, учинчى йўналишда катта лойиҳалар бўйича 0,2 - 1,2 %, кичиклари бўйича эса 1,0 - 3,0%.

Инвестиция олди босқичида муқобил вариантларга эга бўлган бир неча лойиҳалар ўрганилади ва улардан самарадорлиги пастлари ёки самара бермайдиганлари чиқариб ташланади. Бундай лойиҳалар келгуси йўналишларда кўрилмайди ва бу билан жуда катта маблағ тежаб қолинади.

Лойиҳаларнинг инвестиция олди босқичини қўйидаги схема кўринишида ифодалаш мумкин(5.1-чизма):

**Инвестиция олди босқичи**



### 5.1-чизма Лойиҳаларнинг инвестиция олди босқичи

#### Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Инвестиция лойиҳаларини учта йирик босқичини тушунтириб беринг.
- 2.2. Инвестиция олди босқичига нима учун эътибор бунча катта?
- 2.3. Инвестиция босқичи ҳақида нималар биласиз?
- 2.4. Янгидан вужудга келган объектларни эксплуатация қилиш босқичи ҳақида сўзлаб беринг.

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қила олади.
- 3.2. Инвестиция концепцияларини излаб топиш учун шарт-шароитларни топа олади.

**3-савол баёни:** Инвестиция лойиҳалари учун ғояларни қидириш ва улар орасида мақбулини танлаб олиш жуда мураккаб ҳамда масъулиятли вазифадир. Биринчидан, бу муаммони ечиш учун лойиҳани вужудга келтиришдан ким манфаатдор эканлигини билишимиз зарур. Агар бу лойиҳа ишлаб турган корхона учун бўлса, унда инвестиция концепцияси шу тармоқда йигилган тажриба, ундаги ходимларнинг малакаси, бозор муаммолари маълум маънода белгилангандир. Бу корхоналарни бошқарувчи идоралар ҳам инвестиция концепциясини вужудга келтиришда қийналмайдилар. Улар учун бундай лойиҳани амалга ошириш зарурати, корхона маҳсулотлари ҳозирча мавжуд талабни етарлича қондира олмаслиги ёки шу тармоқ шу даврда устувор тармоқ эканлиги ҳам белгилаб берилади.

Халқаро тажрибада турли соҳадаги корхоналар учун инвестиция концепцияларини излаб топиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган дастлабки шарт-шароитларнинг қўйидаги таснифи (классификацияси) қабул қилинган:

- ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш учун зарур бўлган фойдали қазилмалар ресурсларининг мавжудлиги;
- қишлоқ хўжалигининг агросаноат комплект доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар доираси ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш потенциалини белгилаб берувчи имкониятлари ва анъаналари;
- ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар таъсирида ёки бозорда янги товар вужудга келиши натижасида талаб ҳажми ва таркибида келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни баҳолаш (масалан, радиотехниканинг ривожланиши грампластиинкалар ишлаб чиқарувчи корхона учун инвестиция концепцияларини яратишида туртки бўлиб хизмат қиласи);
- импорт тузилмаси ва ҳажми. Бу кўрсаткичлар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни яратишга йўналтирилган лойиҳаларни вужудга келтиришга туртки бўлиши мумкин;
- ўхшаш ресурслар ва ижтимоий-иқтисодий даражага эга бўлган давлатларнинг ишлаб чиқариш тузилмасини ривожлантириш бўйича тажрибалари ва анъаналари;
- миллий ёки жаҳон иқтисодиёти доирасида истеъмолчи тармоқларда юзага келган ёки келиши мумкин бўлган эҳтиёжлар;
- истеъмолчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш режалари тўғрисидаги ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга жаҳон бозорида талабнинг ўзгаришини характерловчи ахборотлар;
- ягона хом ашё базасида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг маълум ва янгидан топилган имкониятлари;
- оммавий ишлаб чиқаришдан иқтисодий тежамкорликка эришиш мақсадида ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш;
- умумиқтисодий шарт-шароитлар (масалан, ҳукумат томонидан қулай инвестиция муҳитининг яратилиши, миллий валюта алмашинув курсининг ўзгарилиши натижасида экспорт имкониятларининг яхшиланиши ва х.к.).

Юқорида келтирилганлар лойиҳаларни инвестициялаш учун умуний шарт-шароитлар ҳисобланади. Бу шарт-шароитлар ҳали лойиҳаларни ташкил этиш учун тўлиқ асос бўла олмайди. У ёки бу лойиҳа концепциясининг кейинги босқичларини давом эттириш ёки эттирмаслик учун мутахассисларнинг чуқур таҳлили натижалари зарур бўлади. Молиявий манбалардаги ахборотлар етарли бўлишига қарамай, инвестор ўзича бирор қарорга келишдан хавфсирайди.

Бундан ташқари турли таҳлилларга сарф этиш учун унинг вақти ҳам йўқ. Шунинг учун инвестор ҳар хил консультантларга мурожаат этишни лозим кўради. Инвестиция бўйича консультантлар шундай шахс ёки фирмаларки, уларнинг асосий вазифаси ўз мижозларига маблағларни қайси лойиҳага сарф этишни тавсия этишдан иборат.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 3.1. Инвестиция лойиҳалари учун ғояни излаб топиш жараёнини гапириб беринг.
- 3.2. Инвестиция концепцияларини излаб топиш учун қандай шарт-шароитлар керак.
- 3.3. Импорт тузилмаси ва ҳажми лойиҳага қандай таъсир ўтказади.
- 3.4. Ягона ҳом ашё базасидан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳага таъсир кўрсатадими?
- 3.5. Инвестиция концепцияларини излаб топиш учун шарт-шароитлар лойиҳаларни ташкил этиш учун тўлиқ асос бўла оладими?

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш масалалари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 4.1. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш масалалари била олади.
- 4.2. Бизнес-режа бўлинмаларини тушунтириб бера олади.

**4-савол баёни:** Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш йўналишининг асосини бизнес - режа ташкил этади. Кичик лойиҳалар учун бизнес-режа биринчи даражали асословчи ҳужжат ҳисоблансада, катта лойиҳаларни тайёрлашда оралиқ ҳужжат вазифасини утайди, холос. Бундай бизнес-режанинг вазифаси қуидаги саволларга жавоб топишдан иборат:

\* Инвестиция лойиҳасининг концепцияси лойиҳа устида ишни давом эттириб, техник-иктисодий ва молиявий жиҳатдан фойдали эканлигини баҳолаш учун ҳужжатлар тайёрлашга арзидиган даражада қизиқарли ва фойдалими?

\* Бу концепцияда келажакдаги муваффақият учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган, шу сабабли алоҳида эътибор билан тадқиқ қилиниши шарт бўлган жиҳатлар борми?

Бизнес-режа — инвестиция лойиҳаларини асослайдиган, лойиҳаларнинг имкониятларини белгилайдиган, даромад ва харажатларни ҳисоблайдиган, маблағ оқимини кўрсатадиган муҳим ҳужжатdir. Бу ҳужжат орқали лойиҳалар бошқарилади. Бизнес - режанинг асосий вазифаси лойиҳаларга системали баҳо беришдан иборатdir.

Бизнес-режа иктисодчи ва ишбилармонларга қуидаги тўртта асосий масалани ечишда ёрдам бериши керак:

- бозор сифими ва унинг ривожланиш истиқболларини ўрганишда;
- бозорга зарур бўлган маҳсулотларни тайёрлаш учун кетадиган харажатларни баҳолаш ва бу харажатларни товарларни сотиш баҳолари билан солишириб, мўлжалланган ишнинг фойдалилиги даражасини аниқлашга;
- янги бизнеснинг биринчи йилларида бозорда кутилиши мумкин бўлган тўсиқларни аниқлашга;
- иш ривожланаётганлиги ёки орқага кетаётганлигини доимий баҳолаб бориш имконини берувчи сигнал-кўрсаткичларни аниқлашга.

Бизнес-режа истиқбол характерга эга бўлиб, уни камида 3 ёки 5 йил олдинга тузиш тавсия этилади. Бизнес-режада биринчи йил муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун режа кўрсаткичлари ойлар бўйича, иккинчи йили чорак (квартал)лар бўйича, кейинги йилларда эса йилда бир марта ифода этилади. Бизнес-режа маълум бир тузилмага эга бўлиши керак. Масалан, ЮНИДО маълумотномасида бу тузилмада қабул қилиниши мумкин бўлган қарорларни таҳлил қилишга бағишлиланган қуидаги бўлимларни ажратиб кўрсатиш тавсия этилган:

- товар ишлаб чиқариш ҳажми ва тузилмаси. Бозор сифимини ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш у учун асос ҳисобланади;
- маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ресурслар ассортименти ва ҳажми;
- янги ишлаб чиқариш обьектларини жойлаштириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг техник асослари: келгусидаги технологиялар ва уларни реализация қилишни таъминловчи ускуналар парки тавсифи;
- ишлаб чиқариш, бошқарув ва савдо ходимлари ишини таъминлаш учун сарфланадиган харажатлар ҳажми ва тузилмаси;
- ишлаб чиқариш ва бошқарув ходимлари иш фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, меҳнат ҳақи масалалари;
- лойиҳани амалга оширишни ташкилий-худудий жиҳатдан таъминлаш, шу жумладан, янги ташкил қилинган обьектларнинг худудий мақоми;
- лойиҳани молиявий таъминлаш, яъни зарур инвестиция суммалари, таҳминий ишлаб чиқариш харажатлари, шунингдек, инвестиция ресурсларини олиш имкониятлар ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш.

Маҳсулотлар реализация қилинадиган бозор ва рақобатни баҳолаш бизнес-режада катта ўрин тутади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз ниҳоятда сифатли, охирги техника ва технология талабларига жавоб берадиган бўлишининг ўзи ҳали ижтимоий натижа эмас. Энг муҳими, маҳсулотингиз истеъмолчига керакли бўлиши ва у реализация қилиниши лозим. Шунинг учун бу бўлимнинг асосий вазифаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотингиз ўз истеъмолчисини топа олиши ва рақобатга чидамлилигига инвесторни ишонтира олишдан иборатdir.

Маҳсулот реализация қилинадиган бозорларни ўрганиш даврида уларни тўрт гурухга бўладилар:

- ишлаб чиқарадиган маҳсулотингизни истеъмолчилар билмайдиган бозорлар;
- ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотингизни истеъмолчилар биладиган, лекин сотиб олмайдиган бозорлар;
- рақобатчингиз маҳсулотини сотиб оладиган бозорлар;
- истеъмолчилар сизнинг маҳсулотингизни сотиб оладиган бозорлар.

Ана шу бозор турлари чуқур таҳлил қилингандан кейин лойиҳа маҳсулотини қаерда ва неча сўмдан сотиш кераклиги аниқланади.

Бизнес - режадан ташқари, агар инвестиция асосий фондларни кенгайтириш ёки реконструкция қилишга сарф этилса, унга смета ҳам тузилади.

### **Мухокама учун саволлар:**

- 4.1. Инвестицион лойиҳалар учун бизнес-режа нима учун керак?
- 4.2. Бизнес-режа қандай саволларга жавоб беради?
- 4.3. Бизнес-режа муддати неча йил?
- 4.4. Нима учун маҳсулотлар реализация қилинадиган бозор ва рақобатни баҳолаш бизнес-режада катта ўрин тутади?

4.5. Маҳсулот реализация қилинадиган бозорларни ўрганиш даврида уларни қандай гурухларга бўлинади?

**5-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳаларнинг охирги шаклланган варианти ва унинг техник-иқтисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллиги тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

5.1. Лойиҳаларнинг охирги шаклланган вариантини тушунтира олади.

5.2. Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий ва молиявий жиҳатдан маъқуллигини била олади.

**5-савол баёни:** Лойиҳаларни техник-иқтисодий ва молиявий асослашда, унинг барча жиҳатлари (яъни техник, молиявий, тижорат жиҳатлари) билан боғлиқ бўлган муаммоларни муқобил суръатда кўриб чиқилади. Бу вазифани фақат иқтисодчиларнинг ўзларигина удалай олмайдилар, шу сабабли лойиҳаларни тайёрлашнинг бу босқичида турли соҳадаги мутахассислар гурухи иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Булар:

- шу тармоқда иш тажрибасига эга бўлган иқтисодчи (иложи бўлса мутахассислар гурухига иқтисодчи раҳбарлик қилиши керак);
- маҳсулот реализация қилинадиган бозорни таҳлил қиласидан мутахассис(маркетолог);
- маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини яхши биладиган бир ёки бир неча муҳандис-технолог;
- маҳсулот хусусиятларини, уни сотишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, хизмат кўрсатишини яхши биладиган муҳандис-конструктор;
- шунга ўхшаш ишлаб чиқаришларни барпо этиш билан шуғулланган курувчи-муҳандис;
- шу турдаги ишлаб чиқаришларда харажатлар ҳисобини юритиш бўйича мутахассис.

Доим ишловчи мутахассислар билан бир қаторда гурух ишида лойиҳанинг айрим муаммолари бўйича мутахассислар ҳам (масалан, экологлар) вақти-вақти билан жалб этилиши мумкин. Лойиҳани қабул қилишга, қандайдир омиллар таъсири кўрсатиши аниқланса, лойиҳа гурухи дарҳол бу тўсиқни бартараф этувчи муқобил ечимларни топиши лозим.

Лойиҳани якуний шакллантириш ва уни тўлиқ техник-иқтисодий ва молиявий асослашнинг мазмунини якуний қарорга келиш учун зарур бўлган барча турдаги маълумотларни тайёрлаш ташкил этади.

Лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш деганда уларнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ва стандартлигини кўрсатадиган, ҳисобланадиган ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш тушунилади.

Бу инвестиция олди ҳужжат бўлиб, унда лойиҳалар муҳандислик - конструкторлик, қурилиш-технологик томондан асосланади. Тажрибада бу жараёнга бир ёқлама ёндашиш унинг ҳамма лойиҳалар учун бир хил моделини топиш жуда қийин.

ТИА бўйимларининг тахминий тузилмаси қўйида келтирилган:

1. *Лойиҳаларни вужудга келтириши шарт-шароитлари ва гояси:*

1.1. Лойиҳа гоясининг мазмuni.

1.2. Лойиҳа ташабbusлари.

1.3. Лойиҳа бўйича маълумотлар.

2. *Бозор таҳлили ва маркетинг стратегияси:*

- 2.1. Умумиқтисодий таҳлил.
  - 2.2. Маркетинг бўйича изланишлар.
  - 2.3. Лойиҳа стратегияси асослари.
  - 2.4. Маркетинг концепцияси.
  - 2.5. Маркетинг тармоқлари ва харажатлари.
  - 3. Лойиҳани ресурслар билан таъминланганлиги:*
  - 3.1. Хом ашё ва материаллар таснифи (классификацияси).
  - 3.2. Материалларга бўлган талабнинг ўзига хос хусусиятлари.
  - 3.3. Материал ресурслар мавжудлиги ва уларни етказиб бериш.
  - 3.4. Материалларни етказиб бериш маркетинги.
  - 3.5. Бутловчи маҳсулотлар ва материал ресурслар харажатлари.
  - 4. Лойиҳалардаги объектларни жойлашадиган ўрни ва атроф-муҳит:*
  - 4.1. Объект жойлашадиган жой таҳлили.
  - 4.2. Табиий муҳит.
  - 4.3. Атроф-муҳитнинг таъсирини баҳолаш.
  - 4.4. Ижтимоий-иқтисодий сиёsat.
  - 4.5. Лойиҳаларнинг инфратузилмаси ҳолати.
  - 4.6. Лойиҳа учун жойни танлаш.
  - 5. Лойиҳалаши ва технология:*
  - 5.1. Ишлаб чиқариш дастури ва қувватлар.
  - 5.2. Лойиҳа учун технология танлаш.
  - 5.3. Лойиҳа учун технология сотиб олиш.
  - 5.4. Лойиҳа учун асосий ҳужжатларни тайёрлаш.
  - 5.5 Лойиҳа учун керакли машиналар ва ускуналарни танлаш.
  - 5.6. Аҳоли учун уй-жой қуриш.
  - 5.7. Техникавий хизмат кўрсатишга қўйиладиган талаблар.
  - 5.8. Умумий инвестиция харажатларини баҳолаш.
  - 6. Лойиҳалар кўрсатилган корхонани ташкил қилиши ва бошқа харажатлар:*
  - 6.1. Корхонани бошқаришни ташкил этиш.
  - 6.2. Лойиҳалашни ташкил этиш.
  - 6.3. Умумхўжалик ва умумишлиб чиқариш харажатлари.
  - 7. Мехнат ресурслари:*
  - 7.1. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳит.
  - 7.2. Ходимларнинг тоифа бўйича меҳнат ресурсларига талаби.
  - 7.3. Штат жадвали.
  - 7.4. Ходимларни ўқитиш-ўргатиш ва қайта тайёрлаш режаси.
  - 7.5. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини баҳолаш.
  - 8. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишини режалаштириши:*
  - 8.1. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишини режалаштиришнинг мақсади.
  - 8.2. Лойиҳаларни амалга ошириш босқичлари.
  - 8.3. Лойиҳаларни амалга ошириш графики.
  - 8.4. Лойиҳаларни амалга ошириш бюджети.
  - 9. Инвестиция лойиҳаларини молиявий таҳлили ва инвестицияларни баҳолаши:*
  - 9.1. Лойиҳалар молиявий таҳлилининг мақсади ва вазифалари.
  - 9.2. Лойиҳа харажатларини баҳолашнинг таҳлили.
  - 9.3. Лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услуби.
  - 9.4. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.
- Ижобий ТИАни вужудга келтириш учун лойиҳа ғояси мамлакат ва худуддаги умумиқтисодий шароитларга мос келиши керак.

Лойиҳа ғоясида инвестициянинг аниқ мазмунини ифода қилиш ва инвесторларнинг нима учун бу лойиҳага қизиқиши сабабларини белгилаб бериш зарур. Бу бўлимда лойиҳанинг тарихи, ғоянинг вужудга келиш сабаби, у бўйича олдин қилинган изланишлар баёноти берилади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 5.1. Лойиҳаларни техник-иқтисодий ва молиявий асослашда нималарга эътибор беради?
- 5.2. Лойиҳаларни тайёrlашининг охирги босқичида қандай мутахассислар қатнашиши керак?
- 5.3. Лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш деб нимага айтилади?
- 5.4. Лойиҳаларни вужудга келтириш шарт-шароитлари ва ғояси нималардан иборат?
- 5.5. Лойиҳани ресурслар билан таъминланганлиги аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.

### **Назорат саволлари**

1. Инвестиция лойиҳалари хужжатларини тайёrlаш босқичларига тавсиф беринг.
2. Инвестиция олди босқичининг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Инвестиция концепцияларини излаб топиш учун асос бўлувчи шарт-шароитларни санаб ўting.
4. Бизнес-режа нима ва унинг вазифалари нимадан иборат?
5. Бизнес-режа тузилмасига тавсиф беринг.
6. Лойиҳаларга яқуний баҳо бериш учун жамланадиган мутахассислар гуруҳи қандай бўлиши керак?
7. Лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш босқичларига изоҳ беринг?

### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш.
2. Лойиҳаларнинг охирги шакланган вариантини асослаш.

### **Керакли адабиётлар:**

Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув кўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-34-55 б.  
Ишмухамедов А.Э., Қосимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув кўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –53-63 б.

## 6-МАВЗУ. ТЕХНИК ТАҲЛИЛ

**Фанни ўқитиши технологияси:**

**“ТЕХНИК ТАҲЛИЛ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда техник таҳлилни аҳамияти ва моҳияти, уни тайёрлаш тўғрисида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1. Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифаларини била олади.</p> <p>1.2.2.Лойиҳаларни техник таҳлили таркибини фарқига бора олади.</p> <p>1.2.3.Лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг техник муаммоларини тушунтира олади.</p> <p>1.2.4.Мулк шакли ва лойиҳа кўламини аниқлаб олади.</p> <p>Лойиҳаларни жойлаштириш ўрнини била олади.</p> <p>1.2.5.Эксплуатациянинг биринчи йилида олинган даромад мезонини фарқлай олади.</p> <p>1.2.6.Харажатлардаги ўзгаришлар моҳиятини била олади.</p> <p>1.2.7.Харажатлар сметасини аниқлаб берса олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> техник таҳлили, лойиҳани жойлаштириш, лойиҳа ҳажми, лойиҳани амалга ошириш муддатлари, ресурсларни чекланганлиги, лойиҳа маҳсулоти учун бозор сифими, техник муаммолари, мулк шакли, лойиҳа кўлами, лойиҳа компонентлари, харажатлар сметаси, лойиҳани амалга ошириш графиги.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, бахс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p><b>Гурухда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба. 40 минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифаларини тушунтириб беринг.</li> <li>• Кўп компонентли лойиҳаларга мисол келтиринг. Кўп компонентли лойиҳаларда лойиҳа кўлами қандай аниқланади?</li> <li>• Бир вақтнинг ўзида бир-бирининг ўрнини босувчи ва</li> </ul>	Ўқитувчи, 10 минут

	<p>даромадларга кўра бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи компонентларда умумий СКҚ мустақил СКҚ йиғиндисидан каттами ёки кичикми?</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Лойиҳани жойлаштириш ўрни қайси мезонларга кўра танланади?</li> <li>Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари лойиҳага қандай таъсир кўрсатади?</li> <li>Лойиҳани амалга ошириш ишлари графигининг аҳамиятини очиб беринг.</li> </ul> <p><b>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</b></p>	
5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

- Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифалари ва таркиби.
- Лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг техник муаммолари. Мулк шакли. Лойиҳа кўлами.
- Лойиҳаларни жойлаштириш ўрни.
- Харажатлардаги ўзгаришлар.
- Лойиҳаларни амалга ошириш ишлари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** техник таҳлили, лойиҳани жойлаштириш, лойиҳа ҳажми, лойиҳани амалга ошириш муддатлари, ресурсларни чекланганлиги, лойиҳа маҳсулоти учун бозор сиғими, техник муаммолари, мулк шакли, лойиҳа кўлами, лойиҳа компонентлари, харажатлар сметаси, лойиҳани амалга ошириш графиги.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

- Инвестиция лойиҳаларини техник таҳлил қилишнинг вазифаси лойиҳа мақсади нуқтаи назаридан энг қулай бўлган технологиялар, лойиҳадан манфаат кўриши мумкин бўлган аҳоли контингенти, маҳаллий шароитлар, капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг баҳоси, бозор ҳажми, шунингдек, лойиҳани режалаштириш ҳамда амалга оширишнинг мавжуд ва потенциал имкониятларини аниқлаш ҳисобланади. Сизни фикрингиз қандай?
- Харажатлар сметаси лойиҳа тури ва мавжуд услубларнинг имкониятидан келиб чиқиб мумкин қадар максимал аниқликда баҳоланган бўлиши керак. Бу қарашга сиз қандай баҳо берасиз?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифалари ва таркиби ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифаларини била олади.
- Лойиҳаларни техник таҳлили таркибини фарқига бора олади.

**1-савол баёни:** Лойиҳанинг маркетинг нуқтаи назардан ижобий хulosаси олингач, унинг техник таҳлили амалга оширилади. Техник таҳлилда лойиҳа технологиясини ишлаб чиқарувчилардан шу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган тижорат таклифи олинади. Тижорат таклифи лойиҳа технологиясининг ҳар бир машина ва асбоб-ускунаси, уларнинг баҳоси, техник спецификацияси, техник-иктисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Лойиҳани амалга оширишда энг самарали бўлган технология танланади. Агар лойиҳа чет эл валютаси ҳисобига технология билан таъминланадиган бўлса, унда ҳалқаро кўламда шу технологияни ишлаб чиқарувчилар ўртасида танлов эълон қилинади. Мутахассислар тилида бундай танлов тендер деб аталади.

Инвестиция лойиҳаларини техник таҳлил қилишнинг вазифаси лойиҳа мақсади нуқтаи назаридан энг қулай бўлган технологиялар, лойиҳадан манфаат кўриши мумкин бўлган аҳоли контингенти, маҳаллий шароитлар, капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг баҳоси, бозор ҳажми, шунингдек, лойиҳани режалаштириш ҳамда амалга оширишнинг мавжуд ва потенциал имкониятларини аниқлаш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳалари устида ишлаш жараёнида техник таҳлил биринчи навбатда ўтказилади.

Техник таҳлилга қуйидагиларни кўриб чиқиш ва белгилаш киради:

- 1) Техник ва технологик жиҳатдан муқобил вариантлар.
- 2) Лойиҳани жойлаштириш ўрни бўйича муқобил вариантлар.
- 3) Лойиҳа ҳажми.
- 4) Лойиҳани амалга ошириш муддатлари.
- 5) Хом ашё, ишчи кучи ва бошқа ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг етарлилиги.
- 6) Лойиҳа маҳсулоти учун бозор сифими (ҳажми).
- 7) Кўзда тутилмаган омилларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳа харажатлари.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 1.1. Техник таҳлил нима учун маркетинг таҳлилидан кейин ўтказилади?
- 1.2. Лойиҳаларни техник таҳлил қилиш вазифалари нимадан иборат?
- 1.3. Инвестиция лойиҳалари устида ишлаш жараёнида техник таҳлил биринчи навбатда ўтказилади. Сабаби нимада?
- 1.4. Техник таҳлилга нималарни кўриб чиқиш ва белгилаш киради?
- 1.5. Лойиҳани амалга оширишда энг самарали бўлган технология қандай танланади?

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг техник муаммолари тўғрисида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 2.1. Лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг техник муаммоларини тушунтира олади.
- 2.2. Мулк шакли ва лойиҳа кўламини аниқлаб олади.

**2-савол баёни:** Турли лойиҳаларда учрайдиган техник муаммолар ўзига ҳос бўлади. Аммо айрим муаммолар (барча лойиҳаларга бўлмасада) қўпчилик лойиҳаларга ҳос ва уларни идентификация қилиш мумкин. Бу муаммолар қуйидаги категорияларга бўлинадилар: мулк шакли; лойиҳа кўлами; амалга ошириш муддатлари ҳамда технологияларни танлаш ва тўплаш.

Лойиҳанинг техник режаси, эксплуатацияси ва менежменти лойиҳани ким амалга оширишига боғлиқ. Қайси лойиҳаларни давлат сектори, қайсисини эса хусусий сектор амалга ошириши кераклилигини аниқлаш ҳозирда анча муаммо. Чунки хусусий инвесторлар инфратузилмалар ва коммунал хизмат сингари анъанавий давлат секторларига ҳам кириб боришашити. Лойиҳа қайси соҳага (тармоққа) тегишли эканлиги ҳам мулк шаклини танлашда муҳим роль ўйнайди. Мулк шакли масаласи шу билан бирга лойиҳанинг қандай техник режаси танланишини белгилаб беради.

Масалан, бир ҳудудни электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаси давлат секторида бажарилиши танланса, у ҳолда йирикроқ электростанция қурилиши танланади. Хусусий секторда эса бир неча кичик, ўзаро рақобат қилувчи электростанциялар қурилиши танланиши мумкин. Йирик электростанция қуриш қарори бундай инвестицияларда таваккалчилик даражаси юқори бўлгани учун хусусий инвесторлар иштирокини инкор этади. Шу сабабли хусусий инвесторларни лойиҳа устида ишлашга жалб қилиш қарори қандай технологиялар танланишини белгилаб беради ҳамда технологияларни олдиндан танлаш лойиҳа давлат секторидагина бажарилиши мумкин, деган холосага олиб келиши мумкин.

Лойиҳа кўлами ва масштаби деярли ҳар доим лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида аниқланадиган ўзгарувчан миқдорлар бўлиб келган. Қишлоқ хўжалиги ёки саноат ишлаб чиқариш лойиҳалари кўлами лойиҳа маҳсулотига бўлган талабга кўра белгиланади. Бошқа ҳолларда лойиҳа кўлами, аввало, уни амалга оширувчи муассасаларнинг ёки ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятларига боғлиқ. Айрим лойиҳалар кўлами фойдаланиш мўлжалланаётган ҳудудий ва табиий ресурсларнинг чекланганлиги билан белгиланади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам режалаштирувчи идораларнинг мавжуд шароитни ҳисобга олмасдан катта кўламларни афзал кўришларини чеклаш керак. Тажрибадан ўтган технологик ечимлар йўқ бўлса, босқичма-босқич ёндашувни танлашга мажбур бўлинади. Бундай ёндашув тадқиқотлар ва адаптация ишларидан бошланади. Шундан сўнг лойиҳанинг тажриба варианти яратилади ва у тўпланган тажриба билан тўлдира борилиб, тўлиқ лойиҳага келтирилади. Молиявий жиҳатлар, масалан, лойиҳа амалга оширилгандан сўнг уни эксплуатация қилишга харажатлар қилиш зарурати ҳам лойиҳа кўламини белгилаши мумкин.

Лойиҳа кўлами масаласига таҳлилий ёндашиш ҳам мумкин. Оддий қилиб айтганда лойиҳа учун соф келтирилган қиймат (СКҚ) максимал бўлишини таъминлайдиган кўлам оптimal бўлади. Бундай таҳлил ўтказилиши учун лойиҳа бир нечта алоҳида компонентларга бўлиб ташланади, сўнгра бу компонентлар (ўз харажатлари ва даромадлари билан бирга) технологик жиҳатдан энг кичик бўлган базис лойиҳага бирлаштирилади. Бундан кейин базис лойиҳа ҳамда компонентларнинг ҳар бир комбинацияси учун СКҚ ҳисобланади. Охирги қўшилган компонент учуй даромаднинг чекланган ички ставкаси дисконт ставкасига teng бўлмагунга қадар лойиҳанинг изланаётган кўлами катталаштириб борилаверади. Айни шу лаҳзада СКҚ бутун лойиҳа учун мусбат бўлади ва максимал даражага етади. Лойиҳа бундан кейин ҳам кенгайтирилганда қўшилган компонентлар учун даромаднинг чекланган ички ставкаси дисконт ставкасидан паст, СКҚ эса манфий бўлади.

Иқтисодиётни қайта қуриш шароитида кўламга нисбатан бундай ёндашув йирик корхона таркибида алоҳида бўлинмаларни ажратиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун кўлланилиши мумкин. Кўпгина ривожлантириш лойиҳалари турли секторларга ёки фаолият турларига тегишли компонентлардан ташкил топади. Масалан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаси суғориш тизими ва дренажлар, қишлоқ хўжалигида

қўлланиладиган турли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш, қишлоқ йўллари ва ижтимоий инфратузилманинг клублар, сув таъминоти тизими, мактаб ва тиббиёт муассасалари каби элементларини ўз ичига олиши мумкин.

Шу туфайли лойиҳанинг турли элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш биринчи навбатдаги вазифа хисобланади. Мактаблар, клублар ва тиббиёт муассасалари бир вазиятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан чамбарчас боғланган бўлса, бошқа вазиятда ҳеч қандай алоқага эга бўлмаслиги мумкин. Агар лойиҳа компонентлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлса, у ҳолда иқтисодий таҳлилда даромадлар ва харажатларни компонентлар бўйича тақсимлаш ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайди. Шу туфайли турли компонентлар бўйича даромад ставкасини аниқлаш керак эмас. Бундай ҳолда дастлаб бутун лойиҳанинг бир ёки бир неча компонентини ўзгартириб, айтилган кўрсаткичларни ошириш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш керак.

Агар лойиҳанинг алоҳида компонентлари бир-бiri билан деярли боғланмаган бўлса, улар алоҳида алоҳида таҳлил қилиниши керак.

### **Лойиҳа алоҳида компонентларининг иқтисодий таҳлили.**

Лойиҳанинг турли компонентлари ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган, бир-бирини тўлдирадиган ёки мустақил компонентлар бўлиши мумкин.

Агар лойиҳа компонентларини биргаликда амалга оширишдан олинадиган манфаат уларнинг ҳар бири алоҳида амалга оширилганда олинадиган манфаатлар йиғиндисидан кам бўлса, бундай компонентлар ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган компонентлар хисобланади.

Агар лойиҳанинг алоҳида компонентларидан манфаат кўрилса, улар ўзаро бир-бирини тўлдирувчи компонентлар дейилади.

Агар бутун лойиҳадан кўрилган манфаат алоҳида компонентлардан кўрилган манфаатлар йиғиндисига teng бўлса, бу компонентлар мустақил компонентлар дейилади.

Лойиҳа компонентлари, шунингдек, харажатларга кўра ҳам ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган, ўрнини тўлдирадиган ва мустақил компонентлар бўлиши мумкин. Бир-бирининг ўрнини босувчи компонентлар учун умумий харажатлар уларни алоҳида алоҳида амалга ошириш харажатлари йиғиндисидан катта бўлади. Бир-бирини тўлдирувчи компонентлар учун эса умумий харажатлар уларни алоҳида алоҳида амалга ошириш харажатлари йиғиндисидан кичик бўлади. Мустақил компонентлар учун харажатлар миқдори бошқа компонентлар бор-йўқлигига боғлиқ бўлмайди. Кўпгина кўп мақсадли лойиҳалар харажатларга кўра, бир-бирини тўлдирувчи, даромадларга кўра эса, бир-бирининг ўрнини босувчи хисобланади. Масалан, суғориш ва гидроэлектростанция учун умумий туғон қуриш алоҳида алоҳида туғон қуришга нисбатан кам харажат талаб этади. Лекин электр энергияси олиш учун қишида оқизилган сув суғориш учун фойдасиз бўлса, ёзда суғориш учун электр энергияси олиш эҳтиёжларидан кўпроқ сув оқизилади. Сув оқизиш миқдори ГЭС талаблари учун ҳам, қишлоқ хўжалиги талаби учун ҳам зарур бўлган оптимал миқдордан кўп бўлади. Оқибатда алоҳида лойиҳадагига нисбатан камроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳамда электр энергияси ишлаб чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолатда иқтисодий таҳлил чоғида «лойиҳасиз» вазият сифатида тегишли иншоотларни алоҳида қуриш варианти кўриб чиқилиши керак.

Алоҳида лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш асоси сифатида қўлланилиши лойиҳанинг алоҳида компонентларининг турли комбинациялари учун қўйидаги натижаларга олиб келади (6.1-чизма).

Лойиҳа компонентлари	Харажатларга кўра мустақил	Харажатларга кўра бир-бирини	Харажатларга кўра бир-бирининг
Даромадларга	Умумий СКК	Умумий СКК	Умумий СКК

Даромадларга кўра бир-бирини	Умумий СКҚ мустақил СКҚлар	Умумий СКҚ алоҳида СКҚлар	Аниқланмаган натижа. Бирма-бир
Даромадларга кўра бир-	Умумий СКҚ алоҳида СКҚлар	Аниқланмаган натижа. Бирма-бир	Умумий СКҚ алоҳида СКҚлар

## 6.1-чизма. Лойиҳаларнинг компонентлари бўйича турланиши

### Муҳокама учун саволлар:

- 2.1. Кўпчилик лойиҳаларга хос бўлган техник муаммолар хақида нималар биласиз?
- 2.2. Лойиҳани амалга оширишда мулк шакли қандай роль ўйнайди?
- 2.3. Лойиҳа кўламини тушунтириб беринг.
- 2.4. Лойиҳанинг турли элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлашни нима аҳамияти бор?
- 2.5. Лойиҳа алоҳида компонентларининг иқтисодий таҳлили қандай амалага оширилади?

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳаларни жойлаштириш ўрни тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Лойиҳаларни жойлаштириш ўрнини била олади.
- 3.2. Эксплуатациянинг биринчи йилида олинган даромад мезонини фарқлай олади.

**3-савол баёни:** Лойиҳанинг жойлашиш ўрнини белгиловчи омиллар турли-туман бўлиб, бу омилларни ҳам таҳлил қилиш мумкин. Лойиҳа учун СКҚни максималлаштирадиган жой энг яхши ҳисобланади. Куп ҳолларда жойлашиш ўрнини танлаш ҳам лойиҳа кўламини белгилашдаги каби бир қатор жиҳатларни ҳисобга олишни талаб этади. Масалан, саноат корхонаси хом ашё базаси яқинига ёки бошланғич энергия манбаи яқинига ёхуд маҳсулот бозори ёнига ё бўлмаса тегишли инфратузилмага яқин жойда қурилиши мумкин. Ҳар бир вариант ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Максимал СКҚни таъминлайдиган жойлашиш ўрни танланиши учун бу афзалликлар ва камчиликлар баҳоланиши ҳамда таққосланиши мумкин.

Лойиҳага капитал қўйилмалар муддатлари масаласи ҳам лойиҳани тайёрлаш босқичида алоҳида кўриб чиқилиши лозим. Капитал қўйилмалар муддатлари билан боғлиқ муаммоларнинг аҳамияти лойиҳа кўлами, жойлашиш ўрни билан боғлиқ муаммоларга нисбатан кам бўлиб кўриниши мумкин. Лойиҳалар баъзида инвестициялаш муддатларининг мақбул (оптимал) эканлиги тўлиқ асосланмасдан қабул қилинади. Лойиҳа иқтисодий ва молиявий жиҳатдан самарали бўлишини таъминлаш учун, унинг маҳсулотига бўлган талаб, технологиялар ҳолати, қўшимча капитал киритиш имкониятлари етарлича ривожланмаганлиги туфайли вақтидан эрта бўлиши мумкин.

Бошқа томондан лойиҳанинг иқтисодиётга ҳиссаси ва ундан келган манфаат анча юкори бўлиши, муддатидан кечикиши ҳам мумкин. Эксплуатациянинг биринчи йилидаги даромад даражаси, лойиҳанинг алоҳида компонентларидан олинадиган чекланган даромад сингари, лойиҳаларни амалга оширишнинг мақбул муддатларини баҳолаш мезони ҳисобланади. Агар шу йилги даромад ставкаси дисконт ставкасидан паст бўлса, у ҳолда лойиҳа

муддатини кечиктириш соф келтирилган қийматнинг (СКК) кўпайишига олиб келади. Оптимал (максимал СККни таъминловчи) муддатда эксплуатациянинг биринчи йили учун даромад ставкаси дисконт ставкасига тенг бўлади.

**Эксплуатациянинг биринчи йилида олинган даромад мезони.** Эксплуатациянинг биринчи йилида олинган даромад мезони биринчи йилда олинган манфаат етарли даромадлилик даражасини таъминлай олиш-олмаслигини аниқлаш орқали лойиҳа муддатлари тўғри танланганлигини текшириш имконини беради. Бунда эксплуатациянинг биринчи йилида олинган соф даромад лойиҳага қилинган (курилиш даврида йўқотилган % даромадини кўшган ҳолда) капитал харажатлар билан солиштирилади.

Агар даромадларнинг харажатларга нисбати капитал қўйилмаларнинг муқобил қийматидан юқори бўлса, лойиҳа муддатидан кечиккан ҳисобланади. Бу мезонни қўллаш СККни максималлаштириш лойиҳа режаси билан таъминланганлигини аниқлаш учун кенг кўламли текширув бошлашда биринчи қадам ҳисобланади. Соф даромад (манфаат) биринчи бор капитал қўйилмалар рентабеллиги таъминланган йил СКК кўрсатиш биринчи бор мусбат бўлган йилга мос келади.

#### **Мухокама учун саволлар:**

- 3.1. Лойиҳанинг жойлашиш ўрнини белгиловчи омиллар ҳақида сўзлаб беринг.
- 3.2. Лойиҳага капитал қўйилмалар муддатлари билан боғлиқ муаммолар борми?
- 3.3. Эксплуатациянинг биринчи йилида олинган даромад мезони нима учун керак?
- 3.4. Лойиҳа муддатидан кечикканини қандай ҳисобланади?

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда харажатлардаги ўзгаришлар тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 4.1. Харажатлардаги ўзгаришлар моҳиятини била олади.
- 4.2. Харажатлар сметасини аниқлаб бера олади.

**4-савол баёни:** Харажатларга ва лойиҳани амалга ошириш графигига реал баҳо бериш учун муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик ишланмаларининг аниқ бўлиши талаб этилади. Нотўғри берилган баҳо иқтисодий ва молиявий таҳлилда ҳам нотўғри ечимларга олиб келиши мумкин.

Харажатлар сметаси лойиҳа тури ва мавжуд услубларнинг имкониятидан келиб чиқиб мумкин қадар максимал аниқлиқда баҳоланганд бўлиши керак. Шунингдек, бундай смета лойиҳани молиялаштириш бошланишидан анча олдин тайёр бўлиши керак. Лойиҳа турларига қараб муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик ишлари ҳажми турлича бўлади, масалан, текис жойда йўл қуриш лойиҳаси ҳамда тоғли жойда йўл қуриш лойиҳасида. Агар лойиҳада стандарт ускуналарни бир неча бор харид қилиш ёки анъанавий ишларни бажариш кўзда тутилган бўлса, муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик ишларига кетадиган харажатлар минимал бўлади.

Лойиҳанинг ҳар бир компоненти учун алоҳида харажатлар сметаси тузилади. Ускуналар сотиб олиш харажатлари сметаси ускуналар тури, сони ва ҳар бирининг баҳосидан келиб чиқиб тузилади. Мамлакатда бажарилган ўхаш лойиҳалар тажрибаси ускуналар баҳосини аниқлашда мўлжал ҳисобланади. Агар бу тўғрида ахборот етарли бўлмаса (ёки ўхаш лойиҳалар яқин вақт ичida амалга оширилмаган бўлса), харажатлар сметасини тузишида ихтисослашган фирмалар, шахслар ёки пурратчилар хизматидан фойдаланилади.

Чет эл инвестициялари иштироқидаги лойиҳалар учун харажатлар сметалари ҳам миллий, ҳам хорижий валютада тузилади. Курилиш даврида

хисобланган фоизлар ва қўшимча айланма капиталга эҳтиёж ҳам харажатлар сметасида ҳисобга олиниши керак. Харажатлар сметаси молиявий (иктисодий эмас) кўринишида пул харажатларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Маҳаллий солиқлар ва импортга бож тўловлари сметага киритилиши, лекин алоҳида кўрсатилиши лозим. Чунки булар лойиҳани амалга оширувчи фирма харажатларига кирсада, мамлакат харажатларига кирмайди ва иктиносидий таҳлилдан чиқариб ташланади.

Харажатлар сметаси, одатда, икки қисмдан ташкил топади:

1. Асосий смета.

2. Кўзда тутилмаган харажатлар қўшимча сметаси.

Асосий смета дастлаб лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини асослаш учун тузилади ва тузатиб борилади. У тузилиш пайтида лойиҳанинг энг аниқ қийматини акс эттиради. Лекин у асосий смета тузилгандан лойиҳа тугаллангунга қадар рўй берадиган миқдор ва баҳо ўзгаришларини, масалан, етказиб бериш, қурилиш ишларини тугаллаш муддатларидаги ўзгаришларни ҳисобга олмайди. Бу ўзгаришлар кўзда тутилмаган харажатлар қўшимча сметасида ҳисобга олинади. Ҳар икки сметани ўз ичига олган харажатларнинг тўлиқ сметаси лойиҳанинг якуний қийматини энг аниқ баҳолайди. Қўшимча смета лойиҳа характеристига боғлиқ ва лойиҳанинг ҳар бир асосий компоненти учун алоҳида тузилади.

**Физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгариши.** Сотиб олинадиган ускуналар сони ва турида, бажариладиган ишлар ҳажми ёки лойиҳани амалга ошириш усулларида бўладиган ўзгаришлар туфайли лойиҳа харажатларининг ўзгариши физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгариши заҳирасида акс этади. Бундай ўзгаришлар миқдори ва характеристини доим ҳам олдиндан кўриб бўлмайди. Табиий ҳодисалар, сел, бўрон, қурғоқчилик, ер қимирлашлари кўзда тутилмаган шундай ҳодисаларга мисол бўла олади ва уларда ҳеч қайси лойиҳа тўлиқ ҳимояланмаган.

Бу ўзгаришларни акс эттирувчи заҳиралар турли лойиҳаларда турлича бўлади (масалан, фуқаро - муҳандислик иншоотлари учун материал ва хом ашё етказиб бериш ҳолларига нисбатан юқорироқ). Кўзда тутилмаган бундай харажатлар заҳираларининг Жаҳон банки томонидан қабул қилинган даражалари қўйидагича:

- лойиҳаларда доимий фойдаланиладиган ускуна турлари учун ёки асфальт ётқизиш каби енгил аниқланмайдиган иш турлари учун 5%;
- такрорланиб турувчи ва олдиндан кўрса бўладиган ноаниқлик омилларига эга бўлган умумий фуқаро қурилиши учун 10%, масалан, бинолар, электр узатиш линиялари, трубопроводлар, текис ерда йўл ётқизиш ишлари учун;
- қайта ишлаш корхоналари, ноқулай бино ва муҳандислик иншоотлари, кичик сугориш ва дренаж ҳамда тугонлар қурилиши учун 15%.

Агар физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгариши заҳиралари суммаси 15-20% дан ошиб кетса, лойиҳа режасини такомиллаштириш ҳамда (loyiҳa бўйича шартномалар тузилгунга қадар) ноаниқликларни камайтириш учун вазиятни жойнинг ўзида қўшимча ўрганиш зарур.

**Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари.** Баҳонинг кўзда тутилмаган ўзгариши билан боғлиқ тузатишлар асосий смета тузилганидан сўнг лойиҳанинг алоҳида компонентлари учун баҳолар ўзгариши туфайли лойиҳа қийматининг мумкин бўлган ўзгаришини акс эттиради. Бундай кўзда тутилмаган харажатлар валюта курси ўзгаришини ҳисобга олиш учун миллий ва хорижий валюталарда алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари лойиҳанинг молиялаштиришга бўлган эҳтиёжини таҳлил этишда фойдаланилсада, лойиҳа мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун ўтказиладиган иктиносидий ва молиявий

тахлилда қўлланилмайди, чунки бундай таҳлиллар барқарор баҳоларга асосланади. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришларининг вазиятга мос келувчи даражасини аниқлаш учун икки омилни кўриб чиқиш зарур:

1. Лойиҳани амалга ошириш муддатларида мамлакат ичида ва жаҳонда кутилаётган инфляция даражалари.

2. Умумий инфляция тенденцияларидан алоҳида турдаги ишлар ва хизматларга бўлган ички ва ташқи баҳолар фарқининг кутилаётган даражаси (масалан, йирик лойиҳанинг маҳаллий ресурслар баҳосига потенциал таъсири туфайли маҳаллий қурилиш саноатида талаб ва таклиф нисбатининг ўзгариши оқибатида.

Агар лойиҳа бўйича тузилган шартномаларда бажарилган ишлар ёки ускуналар баҳосини индексация қилишнинг маълум усууллари келишиб олинган бўлса, бундай ҳолат заҳира миқдорини аниқлашда ҳисобга олиниши керак. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари заҳираси ҳар бир йил учун ҳисобланиб, лойиҳани амал қилиш муддати бўйича қўшиб чиқилади.

### **Мухокама учун саволлар:**

4.1. Харажатларга ва лойиҳани амалга ошириш графигига реал баҳо сабабини тушунтириб беринг.

4.2. Нима учун лойиҳанинг ҳар бир компоненти учун алоҳида харажатлар сметаси тузилади?

4.3. Харажатлар сметаси қандай кўринишдаги пул харажатларини ҳисобга олган тузилади?

4.4. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари деб нимага айтилади?

4.5. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришларининг вазиятга мос келувчи даражасини аниқлаш учун қандай омилларни кўриб чиқиш зарур?

**5-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳани амалга ошириш ишлари графиги тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

5.1. Лойиҳани амалга ошириш ишлари графигини тушунтира олади.

5.2. Лойиҳани амалга ошириш ишлари графиги қандай тузилишини ўргана олади.

**5-савол баёни:** Лойиҳанинг техник жиҳатларини ишлаб чиқиш ҳеч бўлмаганда лойиҳани амалга оширишнинг ким, нимани ва қачон бажарилиши кўрсатиб ўтилган дастлабки режасини тузишни ўз ичига олиши керак. Бундай фаолият баъзида тармоқли таҳлил ёки критик йўл услубида таҳлил деб юритилади. Охирги атама дастурларни баҳолаш ва изоҳлаш услуби каби мураккаб тизимларни ўз ичига олади. Бу тизимлар бир тадбир бошланишидан олдин тугалланиши керак бўлган ёки белгиланган муддатда тугалланмай қолиши бутун лойиҳа бўйича ишларнинг кечикишига олиб келиши мумкин бўлган тадбирларни аниқлашга мўлжалланган. Бу тизимлар йирик фуқаро иншоотларини ўз ичига олган лойиҳаларни режалаштиришнинг самарали воситаси бўлсада, бошқа лойиҳалар учун тадбирлар кетма-кетлигини белгиловчи ва изоҳлар билан тўлдирилган оддий календарь режалари ҳам етарли ҳисобланади. Ҳар иккала ҳолда ҳам ўз вақтида бажарилиши лойиҳани амалга оширишга таъсир кўрсатувчи тадбирларни аниқлаш ва уларни тугаллашга етарли вақтни таъминлаши керак. Бу тадбирларни етарли даражада

режалаштирмаслик оқибатида лойиҳани режалаштириш муддатлари чўзилиб кетиши мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар графиги реал, яъни ташкилот ва шахсларнинг имкониятлари даражасига асосланган бўлиши шарт. Ҳаддан ортиқ оптимистик графиклардан фойдаланиш салбий натижаларга, оператив режалаштиришнинг издан чиқиши, ишлар режадан орқада қолганда турли ташкилотлар ўртасида келишмовчиликларга олиб келади. Бундан ташқари ишлар графиги нореал тузилганда иқтисодий ва молиявий таҳлилда нотўғри хуносаларга келишга сабаб бўлади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 5.1. Лойиҳани техник жиҳатлари нималарни ўз ичига олиши керак?
- 5.2. Критик йўл услибида таҳлил деб нимага айтилади?
- 5.3. Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар графиги қандай бўлиши керак?

### **Назорат саволлари**

1. Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Кўп компонентли лойиҳаларга мисол келтиринг. Кўп компонентли лойиҳаларда лойиҳа кўлами қандай аниқланади?
3. Бир вақтнинг ўзида бир-бирининг ўрнини босувчи ва даромадларга кўра бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи компонентларда умумий СҚҚ мустақил СҚҚ йиғиндисидан каттами ёки кичикми?
4. Лойиҳани жойлаштириш ўрни қайси мезонларга кўра танланади?
5. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари лойиҳага қандай таъсир кўрсатади?
6. Лойиҳани амалга ошириш ишлари графигининг аҳамиятини очиб беринг.

### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Лойиҳаларни ишлаб чиқишининг техник муаммоларини ечиш.
2. Лойиҳаларни жойлаштириш ўрнини тўғри аниқлаш муаммосини аниқлаш.

### **Керакли адабиётлар:**

Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-153-171 б.  
Ишмухамедов А.Э., Косимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –64-74 б.

## 7-МАВЗУ. ЭКОЛОГИК ТАҲЛИЛ

**Фанни ўқитиши технологияси:**  
**“ЭКОЛОГИК ТАҲЛИЛ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрловbosқичи:</b></p> <p><b>1.1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда экологик таҳлилни аҳамияти ва моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1.Экологик таҳлилнинг моҳиятини била олади.</p> <p>1.2.2.Экологик бошқаришнинг вазифасини аниқлаб олади.</p> <p>1.2.3.Экология бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни тушунтира олади.</p> <p>1.2.4.Экология бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлар таркибини била олади.</p> <p>1.2.5.Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлилини тушунтира олади.</p> <p>1.2.6.Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлил қила олади.</p> <p>1.2.7.Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлилини тушунтира олади.</p> <p>1.2.8.Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлил қила олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> экология, экологик таҳлил, ЭКОСАН, экосистема, атроф-муҳит.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш bosқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p><b>Гурӯҳда ишлаш bosқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба. 40 минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш bosқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Экологик таҳлилиниң моҳияти ва вазифасини тушунтириб беринг.</li> <li>• Лойиҳаларнинг салбий экологик оқибатларини бартараф қилишнинг қандай йўллари бор?</li> <li>• Атроф-муҳитга таъсири тўлиқ ва қисман таҳлил қилиниши зарур бўлган лойиҳаларнинг турларини санаб ўтинг.</li> </ul>	Ўқитувчи, 10 минут

	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лойиҳаларнинг экологик оқибатларини иқтисодий баҳолаш муаммолари нимада?</li> <li>Экологик лойиҳалар харажатларини қоплаш манбаларига изоҳ беринг.</li> <li>Нормативдан юқори бўлган чиқиндиларни сотиб олиш тажрибасининг моҳияти нимада?</li> </ul> <p><b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	
5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. Экологик таҳлилнинг моҳияти.
2. Экология бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.
3. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлили.
4. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш манбалари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** экология, экологик таҳлил, ЭКОСАН, экосистема, атроф-муҳит.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

1. Умуман олганда, лойиҳаларни экологик таҳлил қилиш учун сарф этилган харажатлар унчалик катта эмас, лекин уларни ўтказмаслик, яъни лойиҳада экологик хавфни эътиборга олмаслик кейинчалик жуда катта харажатларга олиб келиши мумкин. Сиз қандай деб ўйлайсиз?
2. Экологик лойиҳалар харажатини умумий лойиҳадан фойда кўрадиган шахслар қоплаши керак. Бу фикрга сизнинг муносабатингиз қандай?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда экологик таҳлилнинг моҳияти хақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Экологик таҳлилнинг моҳиятини била олади.
- 1.2. Экологик бошқаришнинг вазифасини аниқлаб олади.

**1-савол баёни:** Ҳозирги давр фан-техника тараққиётининг жадаллиги ва инсоннинг табиатга таъсири кучайганлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда микро ва макро кўламда тузилаётган лойиҳалардан ҳар бирининг экологик мувозанатга таъсири мустақил экологик экспертлар томонидан баҳоланиши шарт. Агар тижорат лойиҳалари экологик мувозанатга салбий таъсир этса, бундай лойиҳалар молиялаштирилмайди. Шу билан бирга давлат томонидан экологияни яхшилашга қаратилган нотижорат лойиҳалари ишлаб чиқилади. Бундай лойиҳаларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва аҳолининг саломатлигини мустахкамлашдан иборат.

Халқаро нодавлат ташкилотлари, мисол учун, ЭКОСАН каби ташкилотлар маълум грант лойиҳаларини амалга оширади. Умуман олганда, экологик лойиҳалар грантлар, давлат бюджети ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Инвестиция лойиҳалар ҳам экологик таҳлилдан ўтказилиши талаб этилади. Агар лойиҳада экологик вазиятга (сувга, ҳавога, ўсимлик дунёсига ва бошқаларга) таъсир этувчи цех ёки асбоб-ускуналар бўлса, уларнинг экологияга таъсирини йўқотиш учун қўшимча лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилади. Масалан, оддий транспорт воситаларини кўпайтириш янги трассалар қуришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида ландшафтнинг ўзгариши, аҳоли оқимининг ошишига олиб келади. Айрим ҳолларда шу жойнинг анъаналарига салбий таъсир кўрсатади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши атроф-муҳит ҳавоси заарли чиқиндилар билан ифлосланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда бу салбий натижаларни самара натижалари билан таққослаш ва бу нисбатни чуқур таҳлил қилиш зарур.

Экологик таҳлилнинг асосий вазифаси лойиҳа натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал заарни олдиндан белгилаш ва унинг таъсирини юмшатиш ёки батамом тугатиш йўлларини топишдир. Бу жараён лойиҳада кўзда тутилган натижаларга салбий таъсир кўрсатиши керак эмас. Ташқи муҳит «табиий капитал бўлиб», у иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради. Нотўғри режалаштирилган лойиҳалар эса унинг бузилишига, миллий капиталнинг емирилишига олиб келиши мумкин.

Экологик бошқаришнинг вазифаси аҳолининг табиий таъсирларга бўлган талаби билан атроф-муҳитнинг шу талабни қондира олиш имкониятлари орасидаги мувозанатни (балансни) топишдан иборат. Лойиҳаларни амалга ошириш «экологик сифим» потенциалини камайтириши керак эмас. Лойиҳаларни амалга оширишдан олдин уларнинг атроф-муҳитга муҳим таъсирларини белгилаш, лойиҳалар таъсири асосида муҳит бузилиб кетгандан кейин уни ўз ҳолига келтиришдан афзалроқdir.

Шунинг учун ҳар қандай лойиҳанинг экосистемага келтирадиган салбий оқибатларини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Агар лойиҳа экосистемага меъёрдан юқори салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, уни янгидан кўриб чиқиш, шундан кейин ҳам вазият ўзгармаса, ундан воз кечиш зарур. Экосистема битта давлат ҳудудидаги муаммо эмас, балки унинг ўзгариши бутун ер шарига таъсир кўрсатади (масалан, Орол муаммоси). Шунинг учун экосистемани таҳлил қилинганда бир мамлакат манфаатлари дайгина келиб чиқиш керак эмас.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 1.1. Фан-техника тараққиёти табиатга қандай таъсир кўрсатади?
- 1.2. Нима учун инвестиция лойиҳалари экологик таҳлилдан ўтиши лозим?
- 1.3. Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши атроф-муҳит ҳавоси заарли чиқиндилар билан ифлосланишига олиб келади. Бундай ҳолларда экологик таҳлил қандай ўтказилиши керак?
- 1.4. Экологик таҳлилнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
- 1.5. Экологик бошқаришнинг асосий вазифаси нимадан иборат?

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Экология бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Экология бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни тушунтира олади.

2.2. Экология бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлар таркибини била олади.

**2-савол баёни:** Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларини кўзлаш лойиҳа-смета харажатларида ўз аксини топади. Иқтисодий ривожланиш муаммоларини инсонлар томонидан илмий ўрганиш кучайиши билан, лойиҳаларнинг экосистемага таъсирини жуда бўлмагандан минимал хавфсизлик меъёри даражасига тушириш имкони пайдо бўлади. Бу меъёрларга инсон саломатлигига бўлган хавф даражаси, атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқариш меъёрлари ва бошқалар мисол бўлади. Лойиҳалар экосистемани муҳофаза қилиш бўйича чет эл мамлакатлари билан тузилган шартномалар бузилишига олиб келиши керак эмас.

Айрим ҳолларда лойиҳа таъсирида экологик ҳолат салбий томонга қараб ўзгариши ва бунга рухсат берилиши ҳам мумкин. Масалан, аҳоли жойлашган жой яқинига темир йўл қуриш лойиҳалаштирилса ва бу лойиҳа амалга ошса, шовқин кўпаяди ҳамда бу аҳоли яшаш тарзига салбий таъсир этиши мумкин. Лойиҳада бу салбий таъсирини бартараф қилиш йўллари бўлиши керак. Бунинг учун аҳолини бошқа жойга кўчириш (бу эса жуда қийин, чунки одамлар ўзлари ўрганиб қолган жойлардан, яхшироқ шароит яратиб берилишига қарамасдан, кўчишга розилик бермасликлари мумкин) ёки шовқинни камайтирадиган, яххиси, умуман йўқотадиган мосламаларни уйларга ўрнатиш керак. Бу, албатта, қўшимча харажатларга олиб келади. Ундан ташқари айрим вақтларда аҳолини компенсация бериш йўли билан ҳам рози қилиш мумкин. Масалан, электростанция қуриш лойиҳаси амалга ошса, компания эгалари атрофда яшовчи аҳолига электроэнергияни текинга беришни ўз бўйнига олади.

Айрим ҳолларда лойиҳаларни амалга оширишда вужудга келтириладиган экологик хавфи бартараф қилиш жуда осон, айрим ҳолларда эса жуда мураккаб кечади. 1970 йилдан бошлаб, Жаҳон банки ҳамма инвестиция лойиҳаларининг экосистемага салбий таъсирини таҳлил қила бошлади. 1971-1980 йиллар ичida 1342 лойиҳани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улардан 845 таси ёки 63 % и экологик жиҳатдан бехатар лойиҳалар, 365 таси ёки 27% и экологик муаммоларни енгил ҳал қилса бўладиган лойиҳалар экан. 22 лойиҳа бўйича лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш тавсия этилди ва 110 та лойиҳа экосистемага жуда катта салбий таъсир кўрсатади, деган хулоса берилди. Бу лойиҳалар бўйича махсус маслаҳатчиларнинг маслаҳати зарур. Экологик таъсирини бартараф қилиш муаммоси инвестиция олди босқичида ҳал қилиниши керак, шунда бу жараёнга қилинадиган харажатлар энг кам миқдорда бўлади. Умуман, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш харажатлари таҳминан 5% ини ташкил этади. Жаҳон банкининг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўлими лойиҳаларнинг турли категориялари учун махсус қўлланма яратган бўлиб, у лойиҳа таҳлили билан шуғулланадиган мутахассислар учун тавсия этилади. Тажрибада энг кўп содир бўладиган ва атроф-муҳит учун катта зиён етказадиган омиллар ҳавонинг бузилиши, сувга зарарли моддаларнинг оқизилиши ва бошқалар хисобланади. Умуман, экосистемага лойиҳаларнинг таъсири ҳар хил бўлади. Уларни қўйидагicha таърифлаш мумкин (7.1-жадвал):

### 7.1-жадвал

#### Экосистемага таъсирга кўра лойиҳаларнинг турланиши

Атроф-муҳитга таъсири тўлиқ таҳлил қилиниши зарур бўлган лойиҳалар	Атроф-муҳитга таъсирини қисман баҳолаш зарур бўлган лойиҳалар	Атроф-муҳитга таъсири баҳоланиши шарт бўлмаган лойиҳалар
--	---	--

<p>Платиналар, сув ҳавзалари, ўрмон билан боғлиқ лойиҳалар, катта саноат қурилиши, ирригация, зах кетказиш ишлари, сув тошқинга қарши тадбирлар, ерларни тозалаш, минералларни қазиб олиш, портлар қуриш, ер мелиорацияси, аҳолини бошқа жойга кўчириш, дарё ҳавзасини ўзгартириш, иссиқлик ва ГЭСлар ва улардан фойдаланиш, химикатлардан фойдаланиш, заррали чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳалари</p>	<p>АСМ тармоқларини, кичик корхоналарни, электроэнергияни узатиш тизимлари, кичик ирригация объектлари, қайтадан вужудга келадиган энергиядан фойдаланиш қурилмалари, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, туризм, қишлоқ аҳолисини сув билан таъминлаш, дарё оқимини тартибга солиш ва ҳоказо лойиҳалар</p>	<p>Аҳоли ресурслари лойиҳалари. Техник ёрдам лойиҳалари</p>
--	---	---

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 2.1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳа –смета харажатларида қандай ўз аксини топади?
- 2.2. Лойиҳа таъсирида экологик ҳолат салбий томонга қараб ўзгарса ҳам бунга ҳукумат томонидан рухсат берилиши мумкин. Нима учун?
- 2.3. Салбий таъсири бартараф қилиш йўллари борми ёки йўқми?
- 2.4. Жаҳон банки инвестиция лойиҳаларини экосистемага салбий таъсирини нима учун таҳлил қилишни бошлади?

**З-савол бўйича дарс мақсади:** Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлили тўғрисида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлилини тушунтира олади.
- 3.2. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлил қила олади.

**З-савол баёни:** Умуман олганда, лойиҳаларни экологик таҳлил қилиш учун сарф этилган харажатлар унчалик катта эмас, лекин уларни ўтказмаслик, яъни лойиҳада экологик хавфни эътиборга олмаслик кейинчалик жуда катта харажатларга олиб келиши мумкин. Экологик хавфни стандарт таҳлил қилиш услугияти мавжуд эмас. Экологик лойиҳа ва экологик тадбирларни ўз ичига олган лойиҳалар натижаси капитални бошқа муқобил лойиҳаларга жалб этишдан олинадиган натижалардан юкорироқ бўлиши керак. Дарҳақиқат, экологик лойиҳаларни иқтисодий таҳлил қилиш умуман лойиҳани иқтисодий таҳлил қилишдан фарқ қилмайди. Муаммо шундан иборатки, экологик лойиҳаларнинг натижаси жуда кеч намоён бўлади, шунинг учун уларни олдиндан башорат қилиш ва ўлчаш жуда мураккаб.

Табиий муҳит фақатгина табиий ресурсларнинг манбаи бўлиб қолмасдан, шу билан бирга у ҳар хил экологик хизматлар ҳам кўрсатади (тупроқни тиклаш, чиқиндиларни чиритиш ва х.к.). Табиатнинг бу вазифаларига кўпинча етарли эътибор берилмайди, чунки уларнинг бозор баҳоси мавжуд эмас. Сув ва ҳавонинг ифлосланиши натижасида одам организмидаги ўзгаришларнинг салбий оқибатларини статистик маълумотлар ёрдамида тахминий аниқлаш мумкин бўлсада, бу ҳам анча қийин кечади. Шунинг учун кўп ҳолларда бу заарларни аниқлаш услуби бўлмаганлиги сабабли бундай ҳолатдан заар кўрган одамлар товон пули ололмай қоладилар.

Айрим ҳолларда харажатларни ҳисоблаш вақтида билвосита услублардан фойдаланиш мумкин. Масалан, Бразилияда канализация тармоғини вужудга

келтириш атрофдаги ер ва бинолар баҳосини оширади, яъни бошқа маҳсулотлар баҳоси билан экологик тадбирларга кетган харажатлар аниқланади. Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида умуман тиклаб бўлмайдиган табиат ва унинг элементларини баҳолаш деярли амалга ошириб бўлмайдиган энг қийин ҳодисадир.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 3.1. Лойиҳада экологик хавфни эътиборга олмаслик кейинчалик жуда катта харажатларга олиб келиши мумкинми?
- 3.2. Экологик лойиҳаларни иқтисодий таҳлили ҳақида сўзлаб беринг.
- 3.3. Табиий муҳит экологик хизматлар кўрсатиши мумкинми?
- 3.4. Харажатларни ҳисоблашда билвосита усул қандай қўлланилади?

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш манбалари тўғрисида талабаларда тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 4.1. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш манбаларини била олади.
- 4.2. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш манбаларини таҳлил қила олади.

**4-савол баёни:** Экологик лойиҳалар харажатини умумий лойиҳадан фойда кўрадиган шахслар қоплаши керак. Агар лойиҳа давлат томонидан рўёбга чиқарилса, харажатлар манбаи давлат бюджети ҳисобланади. Лекин масалага бундай ёндашувнинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Масалан, пировардда экологик лойиҳа туфайли ким манфаатдор эканлигини аниқлаш жуда қийин, ундан ташқари лойиҳанинг мақсади йўқотилган ёки бузилган экологик элементларни тиклаш ёки хавф олдини олиш бўлиши мумкин. Бунда ютуқ тўғрисида фикр юритилмайди. Агар металлургия комбинати атроф-муҳитни бўлғаётган бўлса, экологик хавфни бартараф қилиш харажатларини ўз бўйнига олиши керак. Сел хавфидан сақланиш учун канал қурилиши харажатларининг манбаи давлат бюджетидир.

Атроф-муҳитни ифлосланишдан асраш учун кураш рухсатномалар ва лицензиялар олиш тартибини жорий этиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Корхоналар ташқи муҳитга маълум микдорда заарли моддалар чиқариши учун лицензия оладилар. Бунинг учун заҳарли моддаларни атмосферага чиқариш, вақт бирлигига сувларга оқаваларни ташлаш меъёрларини вужудга келтириш зарур.

Бу меъёрлар ҳамма турдаги корхоналар учун умумий қилиб тузилганлиги учун ҳам яхши самара бермайди. Шунинг учун тажрибада ҳар хил соҳадаги корхоналар учун алоҳида меъёрлар белгиланади. Индивидуал меъёрлар корхона турган районга қараб ўзгариши мумкин. Тадбирлардан яна бири атроф-муҳитнинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатган корхоналарга жарима солиш ҳисобланади. Жарималар тизимини пухта ўйлаб вужудга келтириш атроф-муҳитни ифлослантиришдан сақлаб қолади.

Жаҳон банки томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар асосан индивидуал меъёрларга асосланган. Айрим мамлакатлар тажрибасида меъёрдан юқори бўлган чиқиндилар савдо-сотиги амалга оширилади. Масалан, шаҳарларда хавога заҳарли моддалар чиқаришни камайтиришда ана шундай

тадбир қўлланилади ва бу ижобий натижага олиб келган. Шаҳарларда жойлашган корхоналарга ҳавога маълум миқдорда (шаҳарни ўртача ифлослаш даражасига унчалик таъсир этмайдиган миқдорда) заҳарли моддалар чиқариш учун рухсат берилган. Айтайлик, ё бир корхона янги технология жорий қилиши йўли билан ҳавога заҳарли моддалар чиқаришни маълум миқдорда камайтириди. Колган корхоналар бу корхонадан ортиқча чиқарилган заҳарли моддаларни сотиб олишлари керак. Бундай ҳол бошқа корхоналарни ҳам янги, илғор технологияларни татбиқ қилишга ундейди.

### **Мұхокама учун саволлар:**

- 4.1. Экологик лойиҳалар харажатини кимлар қоплаши керак?
- 4.2. Атроф-муҳитни асраш қандай йўллар билан амалга оширилади?
- 4.3. Заҳарли чиқинди моддаларни ташлаш меъёрлари ҳақида нималар биласиз.
- 4.4. Жаҳон банки атроф-муҳитни тозалаш бўйича қандай чора-тадбирлар ўтказяпти?

### **Назорат саволлари**

1. Экологик таҳлилиниг моҳияти ва вазифасини тушунтириб беринг.
2. Лойиҳаларнинг салбий экологик оқибатларини бартараф қилишнинг қандай йўллари бор?
3. Атроф-муҳитга таъсири тўлиқ ва қисман таҳлил қилиниши зарур бўлган лойиҳаларнинг турларини санаб ўтинг.
4. Лойиҳаларнинг экологик оқибатларини иқтисодий баҳолаш муаммолари нимада?
5. Экологик лойиҳалар харажатларини қоплаш манбаларига изоҳ беринг.
6. Нормативдан юқори бўлган чиқиндиларни сотиб олиш тажрибасининг моҳияти нимада?

### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг замонавий иқтисодий таҳлил методикасини яратиш.
2. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш манбаларини аниқлаш услубиятини яратиш.

### **Керакли адабиётлар:**

Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-68-83 б.  
Ишмухамедов А.Э., Қосимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –75-82 б.

## 8-МАВЗУ. ИЖТИМОИЙ ТАҲЛИЛ

**Фанни ўқитиши технологияси:**  
**“ИЖТИМОИЙ ТАҲЛИЛ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

T/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда ижтимоий таҳлилни аҳамияти ва моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1. Ижтимоий таҳлилнинг моҳиятини била олади.</p> <p>1.2.2.Ижтимоий таҳлилнинг таркибий қисмлари билан танишиб олади.</p> <p>1.2.3.Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари билан таниша олади.</p> <p>1.2.4.Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятларини таҳлил қила олади.</p> <p>1.2.5.Лойиҳа ва маҳаллий маданият талабларини била олади.</p> <p>1.2.6.Лойиҳа ва маҳаллий маданият талабларини таҳлил қила олади.</p> <p>1.2.7.Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш масалалари билан танишиб олади.</p> <p>1.2.8.Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш масалаларини таҳлил қила олади.</p> <p>1.2.9.Ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда хотин-қизларнинг ролини била олади.</p> <p>1.2.10.Ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда хотин-қизларнинг ролини таҳлил қила олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> ижтимоий таҳлил, аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари, маҳаллий маданият, лойиҳадан манфаатдорлик, хотин-қизлар роли, мутахассислар масаласи.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сұхбат, маъруза-хикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	<b>Ўқитувчи</b>
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	<b>Ўқитувчи, 20 минут</b>
3	<p><b>Гуруҳда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хulosага келинади.</p>	<b>Ўқитувчи-талаба. 40 минут</b>
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ижтимоий таҳлилнинг вазифаси ва аҳамиятини</li> </ul>	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>

	<p>тушунтириб беринг.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Ижтимоий таҳлилнинг тўрт асосий соҳасига (вазифаларига) изоҳ беринг.</li> <li>Маҳаллий аҳоли маданий хусусиятлари эътиборга олинмаслигининг лойиҳа учун салбий оқибатлари нималарда кўринади?</li> <li>Аҳолининг демографик хусусиятлари ва лойиҳа самараси ўзаро қандай боғланган?</li> <li>Нима учун маҳаллий аҳоли ахборот манбаи ҳисобланади?</li> <li>Хотин-қизларнинг лойиҳалар муваффақиятидаги ролини тушунтириб беринг.</li> </ul> <p><b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	
5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<p><b>Ўқитувчи, 10 минут</b></p>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

- Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари.
- Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари.
- Лойиҳа ва маҳаллий маданият талаблари.
- Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш масалалари.
- Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда хотин-қизлар роли.
- Ижтимоий таҳлилда мутахассислар роли.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** ижтимоий таҳлил, аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари, маҳаллий маданият, лойиҳадан манфаатдорлик, хотин-қизлар роли, мутахассислар масаласи.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

- Ижтимоий таҳлил қилинмаган лойиҳа мазмунига уни ишлаб чиқарувчиларнинг маданий қарашлари лойиҳа мўлжалланган кишиларнинг маданий қарашларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади. Бу фикр тўғрими?
- Кўп сонли аҳолига таъсир этувчи лойиҳалар муваффақиятли бўлиши учун уларнинг қўпчилиги лойиҳа мақсадини тушинишлари ва уни қўллаб-куватлашлари керак. Бунга сиз нима дейсиз?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- Ижтимоий таҳлилнинг моҳиятини била олади.
- Ижтимоий таҳлилнинг таркибий қисмлари билан танишиб олади.

**1-савол баёни:** Ҳар қандай лойиҳа самарали амалга оширилиши учун ижтимоий таҳлилнинг аҳамияти катта. Лойиҳанинг таклиф этилаётган у ёки бу варианти аҳолининг мақсадли гурухи манфаати талабларига жавоб бериши ёки

бермаслигини аниқлаш ижтимоий таҳлилнинг вазифаси ҳисобланади. Ижтимоий таҳлил лойиҳа ва у йўналтирилган ижтимоий гуруҳнинг ўзаро мувофиқ келишини яхшилаш бўйича тадбирларни таклиф этади. Шунингдек, ижтимоий таҳлил аҳоли томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳамда жамоатчилик фикри ва қарашларидаги ўзгаришларни рағбатлантириш йўли билан лойиҳа мақсадларига эришишни таъминлайдиган лойиҳа стратегиясини белгилайди.

Ижтимоий таҳлил қилинмаган лойиҳа мазмунига уни ишлаб чиқарувчиларнинг маданий қарашлари лойиҳа мўлжалланган кишиларнинг маданий қарашларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади. Ижтимоий таҳлил лойиҳа таҳлилининг бошқа турлари билан бирга ўтказилиши керак. Лойиҳа таҳлилининг бошқа турлари сингари ижтимоий таҳлил ҳам индентификация босқичида бошланиб, лойиҳа даврининг кейинги ҳар бир босқичида давом этиши керак.

Ижтимоий таҳлил тўрт асосий соҳага эътиборни жамлайди. Булар:

1. Лойиҳага таъсир кўрсатадиган аҳолининг ижтимоий-маданий тавсифи, миқдорий тавсифи ва ижтимоий тузилмаси бўйича таҳлил.

2. Лойиҳа амал қиладиган худуддаги аҳоли томонидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, шу жумладан, оиласалар, уй хўжаликлари тузилмаси, ишчи кучининг мавжудлилиги, ерга эгалик қилиш шакллари, ресурслардан фойдаланиш имконияти ва улардан фойдаланишни тартибга солиш масалалари таҳлили.

3. Лойиҳанинг маҳаллий маданият нуқтаи назаридан талабга жавоб бериши, хусусий лойиҳанинг мавжуд ижтимоий меъёрларга мослашувчанлиги, кишиларнинг қарашларида, ўз эҳтиёжларини англашларида зарур ўзгаришлар ясашга қобиллиги.

4. Лойиҳадан уни амалга оширувчи ташкилот ҳамда маҳаллий аҳоли манфаатдорлигини таъминлаш стратегияси. Бундан мақсад аҳоли ва ташкилотларнинг лойиҳанинг барча босқичларида узлуксиз иштирокини таъминлашdir.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 1.1. Ижтимоий таҳлилнинг аҳамияти нимада?
- 1.2. Ижтимоий таҳлил вазифаси хақида нима дейсиз.
- 1.3. Ижтимоий таҳлил қайси соҳаларга эътиборни жамлайди?
- 1.4. Лойиҳанинг маҳаллий маданиятига қандай таъсири бор?
- 1.5. Лойиҳадан уни амалга оширувчи ташкилот ҳамда маҳаллий аҳоли манфаатдорлигини таъминлаш стратегияси қандай амалга оширилади?

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари билан таниша олади.
2. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятларини таҳлил қила олади.

**2-савол баёни:** Ижтимоий таҳлилнинг биринчи босқичи лойиҳа йўналтирилган аҳоли гурухи, унинг миқдори ва таркибини аниқдашдан иборат.

Лойиҳа йўналтирилган аҳолининг турмуш тарзи кўпинча уни ишлаб чиқувчи кишиларнинг турмуш тарзидан фарқ қиласди. Шу туфайли

режалаштириш жараёнларига маҳаллий аҳоли жалб этилмаса, лойиха маҳаллий шароитга мос келмаслиги мумкин. Маҳаллий шароитларни билмаслик, бу тўғрида бир гурух шахслар, хусусан, йўлбошчиларнинг интервью ўйли билан олинган фикрига кўра иш юритиш аҳоли кўпчилик табақалари қарашларининг эътиборидан четда қолишига олиб келади.

Шаҳар ҳамда қишлоқ жойларидағи оиласи ҳўжаликлар таркиби тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлиш ҳам катта куч талаб этади. Шаҳар жойлари учун мўлжалланган айрим лойиҳаларда бу ерларда оила аъзолари қишлоқ жойларида муҳим роль ўйновчи ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидан бутунлай алоқасини узган деб қаралган. Аслида кам таъминланган шаҳар оиласи тез ўзгариб турувчи ижтимоий коалиция ҳисобланади. Иқтисодий ва сиёсий шароитлар ўзгариши таъсирида бу оила болалари бир уй ҳўжалигидан бошқасига ўтиб турадилар, бошқа аъзолари эса бойроқ қариндошлариникига кўчиб ўтадилар. Бундай ўзгаришлар оила аъзолари сонининг ўзгариб туришига мослаша оладиган уй-жой майдонини талаб этади.

Кўпчилик шаҳар оиласи ўз даромадларининг каттагина қисмини қариндошларидан ёрдам тариқасида оладилар. Шундай йул билан ижтимоий химоя тизими яратилади ва минимал зарур истеъмол даражаси таъминлаб турилади. Уй-жой қурилиши лойиҳалаштирилганда бу жиҳатлар эътиборга олиниши керак. Агар лойиҳа аҳолини кўчиришни кўзда тутса, уларнинг ижтимоий маданияти ва демографик хусусиятларини эътиборга олиши зарур. Мажбурий кўчириш ўзига хос ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. У ожизлик, бегоналик туйғуларини туғдиради ҳамда ижтимоий бирдамлик ва гурух ишлаб чиқариш потенциали пасайишига олиб келади.

Кўчириш дастурлари уй-жой билан таъминлаш, товон пули тўлаш, ишга жойлаштириш тадбирлари билан бир қаторда, кишиларга уларнинг турмуш даражалари яхшиланишини кафолатлаши керак.

Кўп ҳолларда лойиҳа таъсир кўрсатадиган аҳоли (айниқса, қишлоқ жойларида) ресурслар ва мавжуд чекловларни ҳисобга олган ҳолда уюшган бўладилар. Бунда мулк ҳуқуқи ва ер ҳамда сувдан фойдаланиш ҳуқуқлари муҳим аҳамиятга эга. Уюшмаларнинг бошқа бир ташкилий элементи ресурсларни биргаликда ва индивидуал бошқариш усуллари, капиталга эга бўлиш характери, ишчи кучини мавсумий таклиф этиш, меҳнат тақсимоти, рағбатлантириш тизими, маҳаллий ишлаб чиқариш уюшмаларининг типлари, савдо ва ҳуқумат муассасалари билан ўзаро муносабатлар ҳисобланади. Бир қанча камчиликларга эга бўлишига қарамасдан бу ташкилий элементларни доимо ҳисобга олиб бориш керак, чунки улар лойиҳа тузиш учун асос бўлади

### **Мухокама учун саволлар:**

- 2.1. Ижтимоий таҳлилнинг биринчи босқичи нимани аниқлашдан иборат?
- 2.2. Нима сабабдан лойиҳа маҳаллий шароитга мос келмаслиги мумкин?
- 2.3. Шаҳар оиласи даромади қайси манбалардан ташкил топади?
- 2.4. Агар лойиҳа аҳолини кўчиришни кўзда тутса, унинг оқибатлари ҳақида сўзлаб беринг.
- 2.5. Кўчириш дастури нималарни кафолатланиши керак?

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳа ва маҳаллий маданият талаблари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талабларини била олади.

### 3.2. Лойиха ва маҳаллий маданият талабларини таҳлил қила олади.

**3-савол баёни:** Кўп сонли аҳолига таъсир этувчи лойихалар муваффақиятли бўлиши учун уларнинг кўпчилиги лойиха мақсадини тушинишлари ва уни қўллаб-қувватлашлари керак. Шу туфайли лойҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида маҳаллий қадриятлар тизимини, урф-одатлар, анъаналар, аниқланган эҳтиёжлар ва мақсадларни ҳисобга олиш зарур.

Миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан самарали бўлган лойихалар мақсади маҳаллий аҳоли учун тушунарсиз ёки улар фикрига кўра, аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Оқибатда лойихалар маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмайди. Ижтимоий таҳлил маҳаллий шароитларга асосланган ҳолда лойиха вазифалари ва умумий мақсадларни маҳаллий аҳолининг индивидуал мақсадлари билан боғлаш йўлларини кўрсатиб беради.

Оилани режалаштириш масаласида ҳам маҳаллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари лойиха мақсадига ёки умумий мақсадларга эришишга таъсир кўрсатади. Лойиха натижалари одамларнинг лойиха ва ундан келадиган фойда ўртасидаги боғлиқликни қанчалик тушунишига алоқадор бўлган яна бир соҳа соғлиқни сақлаш соҳасидир.

#### Муҳокама учун саволлар:

- 3.1. Лойихалар муваффақиятли бўлиши учун нима қилиш керак?
- 3.2. Лойихаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида нималарни ҳисобга олиш зарур?
- 3.3. Миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан самарали бўлган лойихалар мақсади маҳаллий аҳоли учун тушунарлisisiz бўлиши мумкини?
- 3.4. Қайси ҳолатларда лойихалар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмайди?
- 3.5. Оилани режалаштириш масаласи лойиха мақсадига таъсир кўрсатадими?

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойихалардан манфаатдорликни таъминлаш масалалари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

#### Идентив ўқув мақсадлари:

- 4.1. Лойихалардан манфаатдорликни таъминлаш масалалари билан танишиб олади.
- 4.2. Лойихалардан манфаатдорликни таъминлаш масалаларини таҳлил қила олади.

**4-савол баёни:** Лойиха муваффақиятининг яна бир шартидан мақсад гурухнинг лойихада манфаатдорлигини, уни қўллаб-қувватлаш ва иштирокини таъминлашдир. Бу, лойихани самарали эксплуатация қилиш гаровидир. Кишилар ўзгаришлар қилиш учун таваккалчиликка боришлиари ва лойиха мақсадларига эришишлари учун сарфлаган куч-ғайратлари ўзини оқлашига ишонч ҳосил қилишлари керак. Лойихада иштирок этиш барча босқичларда ва шаклларда бўлиши мумкин:

1. Инвестицияларни танлаш ва режалаштириш борасида маслаҳат.
2. Ишчи кучи билан иштирок этиш.
3. Моддий ва пул ресурслари билан иштирок этиш.
4. Лойиха бажарилишини қузатиб бориш ва ҳоказо.

Маҳаллий аҳолининг лойихада иштирок этиши лойиха раҳбарларига жами ҳаражатларни ўзгартирмаган ҳолда кўпроқ сонли аҳолига лойихадан

манфаат етказиш имконини беради. Қарор қабул қилингунга қадар маҳаллий аҳолидан маслаҳат олиш лойиҳаларга кўрсатиладиган қаршиликни минималлашириш, ундан келадиган манфаатни кўпайтириш, хизмат муддатини узайтириш имконини яратади. Масалан, фермерлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари учун бу ишлаб чиқариш технологиялари бозорларининг ҳолати, лойиҳанинг мумкин бўлган экологик оқибатлари тўғрисида муҳим ахборот манбаи ҳисобланадилар. Сув иншоотлари қуриш ва қишлоқ хўжалигига тегишли бошқа лойиҳаларда бу ахборотлар жуда муҳим роль ўйнайди.

Маҳаллий аҳолининг лойиҳада иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш стратегияси муваффақияти аҳолининг уюшмаларга бирлаша олиш қобилиятига боғлик. Бу уюшмалар орқали улар ўз манфаатларини аниқлайдилар ва ҳимоя қиласидилар. Ташкилий ва техник имкониятлар тажриба орттириш билан кенгайтириб борилади. Аммо лойиҳани эксплуатация қилиш бошлангунга қадар маҳаллий аҳолини ўқитиб, бу жараёнларга тайёрлаш кўпроқ самара беради (ЎзДэуАвто лойиҳасида бўлгани каби).

Маҳаллий институционал тизимларни яратиш учун вақт талаб қилиниши сабаби кўп лойиҳаларда илгарида мавжуд бўлган ташкилотларга таянилади. Аммо бу ташкилотларга янги вазифалар юқлатилганда улар олдиндан бажариб келган вазифаларни кескин эмас, балки аста-секин кенгайтириб бориши керак.

Мавжуд маҳаллий ташкилотлардан фойдаланиш ўз афзалликларига эга бўлсада, бу янги ташкилотлар муваффакиятсиз ишлашини англатмайди. Янги ташкилотлар фаолиятининг муваффақияти бошқа омиллар қаторида янги гурух мавжуд эҳтиёжларни лозим даражада қондира олишига, ходимларнинг тайёргарлиги даражасига, муддатларнинг реаллигига ҳам боғлик.

#### **Мухокама учун саволлар:**

- 4.1. Гурухнинг лойиҳада манфаатдорлиги нима натижага олиб келиши мумкин?
- 4.2. Лойиҳада иштирок этиш деб нимага айтилади?
- 4.3. Қарор қабул қилингунга қадар маҳаллий аҳолидан маслаҳат олиш нима яратади?
- 4.4. Маҳаллий аҳолининг лойиҳада иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш нима учун керак?
- 4.5. Маҳаллий институционал тизимларини яратиш аҳамияти нимада?

**5-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда хотин-қизларнинг роли тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 5.1. Ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда хотин-қизларнинг ролини била олади.
- 5.2. Ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда хотин-қизларнинг ролини таҳлил қила олади.

**5-савол баёни:** Кўпинча лойиҳалар мухокама этилаётганда бутун дунёда хотин-қизлар аҳолининг ярмидан кўпчилигини ташкил этиши эътибордан четда қолади. Лойиҳаларда иштирок этиш ва улардан манфаат кўришда, жинслар ўртасида фарқ борлиги, аёлларнинг иқтисодий манфаатлари лойиҳаларда ҳисобга олиниши шарт, чунки бу лойиҳа муваффақияти гаровларидан биридир. Кўпроқ аёллар меҳнатига таянадиган енгил саноат корхоналари лойиҳаларида бу алоҳида аҳамият касб этади. Аёллар дунё бўйича қишлоқ хўжалигига ишчи кучининг 50%дан 80%гача қисмини ташкил этади. Оилаларда қишлоқ

хўжалигида банд аёллар сони эркакларнидан кўп. Улар иш кунининг узоқлиги эркакларники билан бир хил.

Оиладаги ишларнинг катта қисми улар зиммасида. Шу сабабли қиз болалар таълими учун қилинган сарфлар энг яхши капитал қўйилма бўлиши мумкин. Чунки аёллар маълумотининг яхшиланиши соғлиқни сақлаш, овқатланиш, болалар соғлиғи яхшиланиши, болалар ўлимининг, туғилиш суръатларнинг пасайишига олиб келади. Ривожлантириш жараёнларида аёллар иштирокини кенгайтириш учун лойиҳани ишлаб чиқувчилар аҳоли ўртасида аёлларнинг лойиҳада иштирок этишига ҳамда ундан манфаат кўришига маданий, хуқуқий, жисмоний, молиявий тусиқлар бор-йўқлигини аниқлашлари керак. Бундай тадқиқотлар ўтказишда мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фарқ эътиборга олиниши лозим.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 5.1. Нима учун лойиҳада хотин-қизларга эътибор бериш керак?
- 5.2. Қайси тармоқлар бўйича лойиҳада хотин-қизлар роли катта?
- 5.3. Қишлоқ хўжалигида нима учун аёллар улуши кўп?
- 5.4. Қиз болалар учун энг яхши капитал қўйилма нима экан?
- 5.5. Ривожлантириш жараёнида аёллар иштирокини кенгайтириш учун қандай ишлар бажариш керак?

**6-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласи тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 6.1. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласини била олади.
- 6.2. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласини таҳлил қила олади.

**6-савол баёни:** Ижтимоий муаммолар лойиҳа даврининг турли босқичларида юзага чиқади. Лойиҳа нафақат салбий оқибатларнинг олдини олиш учун, шунингдек, ижтимоий ўзгаришларни бошлаш мақсадида кишилар куч-ғайратларини сафарбар этиши учун ҳам аҳоли урф-одатлари, анъаналарига мосланган бўлиши керак. Кўпгина ижтимоий муаммоларни аниқлаб, моҳиятига етишнинг ўзиёқ уларнинг лойиҳага салбий таъсирини кескин камайтириш имконини беради.

Профессионал тайёргарлик ва ижтимоий таҳлил тажрибаси потенциал ижтимоий муаммоларни аниқлаш учун ўта зарур. Шу сабабли лойиҳа таҳлилида социолог, антрополог каби мутахассислар иштирокини таъминлаш керак. Турли қишлоқ хўжалиги муассасаларининг чорвачилик бўлимларида чорва билан шуғулланувчи мутахассислар бўлгани ҳолда чорвани етиштириш (чорвадорлар) билан шуғулланувчи мутахассисларнинг йўқлиги кўпгина мамлакатлarda чорвачилик лойиҳалари самарадорлигининг пастлиги сабабларидан биридир.

Лойиҳани самарали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қўйидан маҳаллий аҳоли иштироки ва юқоридан ҳукумат томонидан раҳбарлик қилинишини талаб этади. Муваффақиятли ва иқтисодий самарали лойиҳалар кишиларни ўзларининг бир ёки бир неча мақсадларига эришиш йўлида сафарбар этади ва уларни ўз қучларига таянишга ўргатади. Ривожлантириш лойиҳаларида қўпинча бир-бирига зид келувчи ва ўзаро боғланган бу икки шарт бир вақтда бажарилиши керак. Ижтимоий таҳлил улар ўртасида муҳим боғловчи бўғин сифатида хизмат қиласди.

Ижтимоий таҳлил бошқа лойиҳалар тажрибасига, мутахассислар тажрибаси ва малакасига таянган ҳолда кишиларнинг эҳтимол бўлган хатти-ҳаракатларини объектив баҳолаш орқали лойиҳаларни ишлаб чиқишини такомиллаштириш ва амалга оширишга ёрдам беради.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 6.1. Ижтимоий муаммолар лойиҳада қачон пайдо бўлади?
- 6.2. Потенциал ижтимоий муаммоларни аниқлаш учун нима зарур?
- 6.3. Лойиҳани самарали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш нимани талаб этилади?
- 6.4. Ижтимоий таҳлил лойиҳаларни ишлаб чиқишини такомиллаштириш ва амалга оширишига қандай ёрдам беради?
- 6.5. Бир-бирига зид ва ўзаро боғланган лойиҳаларда ижтимоий таҳлилиниг хизмати нимада?

### **Назорат саволлари**

1. Ижтимоий таҳлилнинг вазифаси ва аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Ижтимоий таҳлилнинг тўрт асосий соҳасига (вазифаларига) изоҳ беринг.
3. Маҳаллий аҳоли маданий хусусиятлари эътиборга олинмаслигининг лойиҳа учун салбий оқибатлари нималарда кўринади?
4. Аҳолининг демографик хусусиятлари ва лойиҳа самараси ўзаро қандай боғланган?
5. Нима учун маҳаллий аҳоли ахборот манбаи ҳисобланади?
6. Хотин-қизларнинг лойиҳалар муваффақиятидаги ролини тушунтириб беринг.

### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

1. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талабларини мослаштириш.
2. Лойиҳаларда манфаатдорликни таъминлаш масалалари аниқ ҳал этиш.

### **Керакли адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.:2009.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожланишишнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг йиғилишидаги маърузаси.
3. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-11-33 б.
4. Ишмуҳамедов А.Э., Қосимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –83-89 б.

## 9-МАВЗУ. ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ

**Фанни ўқитиши технологияси:**  
**“ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ” мавзусидаги маъруза машғулотининг**  
**технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда институционал таҳлилни аҳамияти ва моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1.Институционал таҳлилнинг моҳиятини била олади.</p> <p>1.2.2.Институционал таҳлилнинг мақсадларини аниқлаб олади.</p> <p>1.2.3.Институционал таҳлил тузилмаси билан таниша олади.</p> <p>1.2.4. Институционал таҳлил тузилмаси таҳлил қила олади.</p> <p>1.2.5.Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммоларни била олади.</p> <p>1.2.6.Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммоларни ечиш йўлларини била олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> институционал таҳлил, институционал таҳлил тузилмаси, лойиҳа иштирокчилари, зарурӣ институтлар, сиёсий омиллар, мақсадлар мураккаблиги, мувофиқлаштириш муаммолари, инвестициялардан кейинги босқич.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p><b>Гуруҳда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба. 40 минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Институционал таҳлилнинг моҳиятини тушунтириб беринг.</li> <li>• Институционал таҳлилнинг вазифалари нималардан иборат, яъни тузилмаси қандай?</li> <li>• Лойиҳалар учун зарур институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?</li> <li>• Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизлик.</li> <li>• Институционал таҳлил лойиҳа таҳлилиниң бошқа</li> </ul>	Ўқитувчи, 10 минут

	турлари билан қандай боғланган? <b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	
5	Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи: <b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади. <b>5.2.</b> Мустақил иш топшириқлари берилади. <b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

- Институционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадлари.
- Институционал таҳлил тузилмаси.
- Лойиха иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммолар.
- Зарурий институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар.
- Лойихаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизлик.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** институционал таҳлил, институционал таҳлил тузилмаси, лойиха иштирокчилари, зарурий институтлар, сиёсий омиллар, мақсадлар мураккаблиги, мувофиқлаштириш муаммолари, инвестициялардан кейинги босқич.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

- Иқтисодий ислоҳотлар, шубҳасиз, ишсизлик ва бошқа ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Бу фикр тӯғрими?
- Молиявий фаолиятни назорат қилишда юзага келган қийинчиликларни эса кўпинча бухгалтерияда персонал компютерларнинг йўқлиги билан изоҳлашади, ходимлар ва маъмуриятнинг қониқарсиз иши эса, ходимларда етарли малака йўқ, деб осонгина изоҳлаб қўйилади. Бунга сиз нима дейсиз?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда институционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- Институционал таҳлилнинг моҳиятини била олади.
- Институционал таҳлилнинг мақсадларини аниқлаб олади.

**1-савол баёни:** Институционал таҳлил лойиха устида бажариладиган ишларнинг энг муҳимларидан бирига айланди. Инвестиция лойихалари натижалари кўп жиҳатдан ташкилий тузилма сифатига ҳам боғлиқ. Лойихани амалга оширувчи ташкилотларни ўрганиш уларнинг бошқарув имкониятлари, шунингдек, марказий ҳокимиятнинг лойиха учун мутасадди бўлган ташкилотларга ёрдам беришга қанчалик тайёр эканликларини баҳолашга имкон беради. Яхши шаклланмаган, такомиллашмаган бошқарув тузилмасига, малакали мутахассислар, ахборот тизимлари ва ҳоказоларга эга бўлмаган ташкилотлар зиммасига лойихаларни амалга оширишни топшириш ёки улар таклиф этган лойихаларни молиялаштириш муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин (ёки ҳеч бўлмагандан қўшимча харажатларни келтириб чиқаради).

Институционал таҳлил лойихаларни самарали амалга ошириш ва эксплуатация қилишга, шунингдек, мавжуд ташкилотларни мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар билан тўлдиришга кўмак бериши лозим. Кучли

институтларни ташкил этиш лойиҳага кўра, фойдаланиладиган миллий ҳамда халқаро ресурсларни муҳофаза қилган ҳолда лойиҳаларни самарали амалга ошириш имконини беради. Инвестиция лойиҳалари институционал таҳлили (ИТ)дан мақсад лойиҳа амалга оширилаётган макондаги ташкилий, ҳудудий, сиёсий ва маъмурий вазият (мухит)га баҳо бериш ҳамда лойиҳага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Тавсиялар қуидаги масалаларни қамраб олади:


- а) менежмент услублари ва усуллари, шу жумладан, мониторинг ва баҳолаш;
- б) ташкилий тузилма, ундаги ўзгаришлар;
- в) режалаштириш, шу жумладан, инвестицияларни жойлаштиришни режалаштириш;
- г) ходимлар таркибини тўлдириш, ўқитиш, малакасини ошириш;
- д) молиявий фаолият, шу жумладан, молиявий фаолиятни бошқариш, сметалар тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва тафтиш;
- е) лойиҳаларнинг моддий-техник таъминоти;
- ж) эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш тизимлари;
- з) ташкилотлараро мувофиқлаштириш;
- и) алоҳида секторларга нисбатан сиёsat масалалари.

Бу вазифалар нафақат лойиҳаларни амалга ошираётган ва эксплуатация қилаётган ташкилотлар, шунингдек, лойиҳа муваффақиятига таъсир кўрсатувчи ҳукумат ва тармоқ тузилмаларига, яъни вазирликлар, идоралар, банклар, тадқидот муассасаларига ҳам тегишли.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда институционал таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири эски давлат ташкилотларини бозор иқтисодиётидаги бошқачароқ вазифаларни бажаришга мослашган янги ташкилотлар, агентликлар ва корхоналарга айлантиришни режалаштиришдан иборат. Бу муаммонинг нақадар муҳимлиги бир қатор мамлакатларда оммавий хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чоғида яққол намоён бўлди. Бунга Ўзбекистонда жаҳон банкининг пахтачилик индустрисини такомиллаштириш бўйича лойиҳаси мисол бўла олади.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда лойиҳада иштирок этаётган совхозлар ва колхозлар хусусийлаштирилиб, очик турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Колхоз ва совхозларнинг мулклари қийматига тенг миқдорда акциялар чиқарилди ва улар эркин сотилиши ва олиниши учун республика фонд биржасига жойлаштирилди. Бундан асосий мақсад колхоз ва совхозларни хусусийлаштириш, хиссадорлик жамиятларига айлантириш ва хусусий секторни ривожлантиришга таъсир кўрсатиш бўлган эди. Шу вазифаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистан Республикаси Пахтачилик лойиҳасини амалга ошириш агентлиги ташкил этилди. Унинг бошқарув тузилмаси қуидаги чизмада (9.1-чизма) соддалаштирилган ҳолда келтирилган.

Иқтисодиётни қайта қуриш шароитида лойиҳага мутасадди бўлган ташкилотлар учун "мулкчилик" концепцияси ўта муҳим ҳисобланади. Лойиҳани амалга оширувчи ташкилотлар унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги учун масъулиятни ўз зиммаларига олгандагина ижобий натижага эришилади. Мулк ҳуқуки мутасадди ташкилотлар менежерлари лойиҳа мақсадларини англашлари ва бу мақсадларга эришиш учун зарур қарор қабул қилиш ваколатига эга эканликларини англатади. Бундай вазиятда уларда ҳам шахсий манбаатдорлик, ҳам лойиҳага раҳбарлик қилиш имконияти мавжуд бўлади. Институционал таҳлилнинг каттагина қисми "мулкчилик" омили лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга қанчалик таъсир этишини аниqlашга қаратилган.



#### 9.1-чизма. Ўз.Р. Пахтачилик лойиҳасини амалга ошириш агентлиги

##### Мухокама учун саволлар:

- 1.1. Институционал таҳлил моҳиятини тушунтириб беринг.
- 1.2. Институционал таҳлил нимага кўмак бериши мумкин?
- 1.3. Инвестиция лойиҳалари институционал таҳлилидан мақсад нима?
- 1.4. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида институционал таҳлилнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
- 1.5. «Мулкчилик» концепцияси лойиҳага мутасадди бўлган ташкилотларга нима учун муҳим ҳисобланади?

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда институционал таҳлил тузилмаси тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

##### Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Институционал таҳлил тузилмаси билан таниша олади.
- 2.2. Институционал таҳлил тузилмаси таҳлил қила олади.

**2-савол баёни:** Инвестиция лойиҳаларини институционал таҳлил учун конкрет шароитларга тезда мослаштиrsa бўладиган стандарт ечимлар ёки моделлар деярли йўқ. Институтларни ривожлантириш узок давом этувчи экспериментлар ва адаптация (мослашув) жараёнларидан иборат. Бу жараёнлар эса кўпинча сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг салбий ўзгаришлари туфайли муваффақиятсизликка учрайди. Умуман олганда, институционал таҳлилга қуйидаги вазифаларни бажариш киради:

- лойиҳа амалга ошириладиган институционал шарт-шароитларни (ташкилотлар, меъёрий ҳужжатлар ва сиёсий омилларни) аниқлаш ва тасвиirlаб бериш;

- лойиҳада иштирок этувчи ташкилотларнинг моддий ва меҳнат ресурслари, техник малакаси, ташкилий тузилмаси, бошқарув ва маъмурий имкониятлари, молиявий аҳволи нуқтаи назаридан кучли ва заиф томонларини баҳолаш;

- қонунлар, сиёsat ва йўриқномалар ўзгаришининг лойиҳани амалга ошириш ва эксплуатация қилишга (айниқса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иш ҳақи, баҳолар, субсидиялар, ташқи савдо, валюта курси ва ҳоказоларга) эҳтимол бўлган таъсирини баҳолаш;

- лойиҳада қатнашувчи ташкилотларнинг заиф жиҳатларини бартараф қилишнинг муқобил йўлларини ҳамда қонунлар, сиёsat ва йўриқномаларнинг лойиҳага кўрсатиши мумкин бўлган потенциал салбий таъсирига қарши чоратадбирларни илгари суриш (тегишли такомиллаштириш ишлари лойиҳа амалга оширилаётган ва эксплуатация қилинаётган вақтда ҳамда бундан олдин лойиҳа бўйича иш графигига кўра амалга оширилади);

- тавсия қилинаётган ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш учун керак бўлиши мумкин бўлган техник ёрдам бўйича таклифларни илгари суриш ҳамда зарур ишларни ўтказиш графикини ишлаб чиқиш.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 2.1. Институтларни ривожлантириш хусусиятлари нималардан иборат?
- 2.2. Институционал таҳлил қандай вазифаларни бажаради?
- 2.3. Лойиҳа амалга ошириладиган институционал шарт-шароитлар ҳақида гапириб беринг.
- 2.4. Қонунлар ўзгариши лойиҳага қандай таъсир кўрсатади?
- 2.5. Лойиҳада қатнашувчи ташкилотларнинг заиф жиҳатларини қандай бартараф қилиш мумкин?

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммолар тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммоларни била олади.
- 3.2. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммоларни ечиш йўлларини била олади.

**3-савол баёни:** Иқтисодиётни қайта қуриш жараёнида икки муҳим институционал муаммо кузатилади. Биринчидан, бу мавжуд хукumat муассасаларини ислоҳ қилиш зарурати, иккинчидан, эски тузумда мавжуд бўлмаган янги институтларни ташкил этиш. Масалан, собиқ Совет Иттифоқи Республикаларида банк тизими, биржалар ва бошқа бир қатор институтлар мавжуд эмас эди. Иқтисодий ислоҳотлар, шубҳасиз, ишсизлик ва бошқа ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусий сектор ва бандликнинг бошқа муқобил соҳалари ишга тушгунига қадар эса анча узилиш юзага келади. Шу туфайли ўтиш даври иқтисодиётида институционал ислоҳотлар ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш билан бирга бормаса, амалга ошириб бўлмайдиган вазифага айланади.

Институционал муаммоларни характерлаш учун қўпинча зарур ечимларни топишга халақит берувчи юзаки атамалар қўлланилади. Масалан, қийинчиликка учраган лойиҳа ҳақида, унинг "раҳбарлари заиф" дейилса, лойиҳа муваффақиятини «ложиҳанинг ҳаракатчан менежери» билан боғлашади. Молиявий фаолиятни назорат қилишда юзага келган қийинчиликларни эса

кўпинча бухгалтерияда персонал компьютерларнинг йўқлиги билан изоҳлашади, ходимлар ва маъмуриятнинг қониқарсиз иши эса, ходимларда етарли малака йўқ, деб осонгина изоҳлаб қўйилади.

Аммо бу кўриниб турган камчиликларни тузатиш бўйича таклиф қилинган қарорлар кўпинча навбатдаги муаммолар қатламини аниқлашнинг анча қиммат турадиган йўлидир. Албатта, яхши менежер керак. Лекин менежерлар аслида ишга лаёкатли бўлсалару бир-бирига зид талабларга дуч келишса ҳамда бу зиддиятни ечиш ваколатига эга бўлишмаса менежерларни ўзгартиришдек кўп вақт талаб қилувчи ва қиммат турувчи жараён ҳеч қандай ижобий натижа бермайди. Шу сингари ҳақиқий муаммо бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш эмас, балки аниқ ахборотнинг келиб туриши бўлса, компьютер ўрнатиш билан масала ечилиб қолмайди.

Кўпгина давлатларда вазирликлардаги бюджет ҳисоб-китобларида персонал компьютерларни қўллаш нафақат ахборотларни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ва тезлигини ошириш туфайли, шунингдек, вазирликлар раҳбарларига ахборот тизимининг ўзини ўзгартириш имконини бергани учун ҳам муваффақиятли бўлди. Натижада ҳисботларни топшириш тартиби соддалашди ва шу қадар тезлашди, топшириш муддатлари хафта ва ойлар ўрнига кунларгача қисқарди ҳамда турли хилдаги ва ҳажмдаги харажатлар оқибатини анча аниқроқ баҳолаш тизимини ўрнатишга эришилди.

Худди шунингдек, айрим холларда ходимлар малакасининг етишмаслиги улар қониқарсиз ишлашининг вазифаларини белгилаш ва стимуллар тизимида аниқлик етишмаслиги, хизматда кўтарилиш имкониятлари чекланганлиги каби омилларга нисбатан иккинчи даражали сабаби бўлиши мумкин. Бу омилларда ўзгариш ясамасдан туриб, ходимларни ўқитиш борасидагиchora-tadbirlar кутилган натижани бермайди.

Қисқача қилиб айтганда, одатда, лойихаларни амалга ошираётганда пайдо бўладиган кўпгина институционал муаммолар жуда чуқур сабабларга эга. Бу сабабларни аниқламасдан туриб эса узоқ муддатли қарорлар қабул қилиш қийин. Санаб ўтилган қийинчиликлардан кўпини ҳал этиш ўнлаб йилларни талаб қилиши мумкин. Чунки улар чуқур иқтисодий, техник, ижтимоий ва маданий чекланишларни акс эттиради. Янги институтлар ўз жамиятида илдиз отиши ва ўз маданий муҳитига мослашиши керак. Техник ва бошқарув лаёкати сиёсатни самарали режалаштириш, ишларни дастурлаш, молия ва кадрларни бошқариш ва ҳозирги замон ташкилотининг бошқа муҳим вазифаларини бажаришни таъминлаши учун аста-секин яхшиланиб бориши керак.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 3.1. Иқтисодиётни қайта қуриш жараёнида қандай икки муҳим институционал муаммо мавжуд?
- 3.2. Институционал муаммоларни характерлаш учун қандай юзаки атамалар мавжуд?
- 3.3. Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш ахборот муаммоларини ечадими?
- 3.4. Ходимлар малакасини ошириш муаммоларни ечишга олиб келадими?
- 3.5. Институционал муаммолар пайдо бўлиш сабаблари нимада?

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда зарурий институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

4.1. Зарурий институтларни ташкил этишга таъсири этувчи омилларни аниқлаб олади.

4.2. Зарурий институтларни ташкил этишга таъсири этувчи омилларни таҳлил қила олади.

**4-савол баёни:** Зарурий институтларни ташкил этиш (айниқса, ривожлантириш лойиҳалари билан боғлиқ ҳолларда) уч гурӯх омиллар таъсирида мураккаблашади. Булар:

- а) нокулай сиёсий шарт-шароитларнинг салбий таъсири;
- б) лойиҳа олдига кўйилган мақсадларнинг мураккаблиги;
- в) лойиҳанинг инвестициядан кейинги босқичига эътиборсизлик.

Шу туфайли институционал муаммоларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда ечиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш учун (бу борада умумий моделлар, андозалар йўқлигини ҳам эътиборга олган ҳолда) санаб ўтилган омилларни эътиборга олиш зарур.

### ***Сиёсий омиллар таъсири***

Барча ривожлантириш лойиҳалари у хоҳ давлат секторида, хоҳ хусусий секторда бўлсин, ҳукумат макроиктисодий сиёсатининг ҳамда бу сиёсатни ўзида мужассамлаштирган қонунлар ва меъёрий хужжатлар кучли таъсири остида бўлади. Агар ташкилий тузилмалар ўз куч ва ресурсларини сиёсий қарорларининг салбий таъсирига қарши курашга сарфлашга мажбур бўлсалар, бу тузилмалар узоқ истиқболга муваффақият билан ишлай олмайдилар. Ҳукумат сиёсати лойиҳа амалга оширилаётган иқтисодий шарт-шароитларни (жиддий суръатда) бузиб кўрсатса, институционал муаммолар сони ортиб кетади. Асосланмаган валюта алмашув курси ёки савдо сиёсати нафақат лойиҳа бўйича олинадиган даромадлар даражасига таъсири кўрсатади, шунингдек, эҳтиёт қисмларни қидириб топиш, экспорт-импорт операциялари йўлидаги бюрократик тўсиқларни енгиш кабиларга ортиқча куч сарфлашга сабаб бўлади. Давлат баҳо ва солиқ сиёсати бозор сигналларини бузиб кўрсатиб, менежерларнинг адашишига олиб келиши мумкин.

Айниқса, давлат баҳо ва бюджет сиёсатининг лойиҳанинг иқтисодий ва молиявий фаолиятига таъсири катта. Шунингдек, бунинг таъсирида лойиҳа менежерлари ҳамда ходимлар фаолиятини баҳолаш мумкин бўлмай қолади. Чунки ташкилотнинг қониқарсиз ишига доимо яхши ишлашга халақит бераётган сиёсий вазиятни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Давлат томонидан тартибга солиш, назорат қилиш ва бевосита аралашувнинг мураккаб тизими мавжудлиги таъсирида сиёсий вазиятнинг салбий таъсири янада чуқурлашиши мумкин.

### ***Мақсадлар мураккаблиги***

Кўпчилик истеъмолчилар ва манфаат кўрувчилар талабини ифода этувчи ийрик, ижтимоий йўналтирилган ривожлантириш лойиҳаларида кўп ҳолларда лойиҳа мақсади ва унга эришиш воситаларини белгилаш қийин бўлади. Бунга мисол тариқасида таълим дастури ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга инвестиция сарфлари лойиҳаларини таққослашимиз мумкин. Маълумотли ва ўзгарувчан шароитларга тез мослашувчан кишиларни тайёрлаш вазифасини маълум миқдордаги ўғит ишлаб чиқариш вазифасига кўра баҳолаш қийин. Ўқитиши дастурида мақсадга эришиш усувлари ҳам анча мураккаб ва ноаниқдир.

Айрим лойиҳаларда мақсадлар аниқ-равшан бўлсада, улар шунчалик кўпки, уларнинг ҳаммасига бир текис эришишни таъминлаб бўлмайди. Масалан, қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий

хизматларни кенгайтириш, маданий анъаналарни ўзгартириш каби мақсадларга дуч келди.

Ижтимоий йўналтирилган лойиҳалар кўп сонли аҳоли билан иш кўрадики, лойиҳа агентлиги уларга доим ҳам бевосита таъсир кўрсата олмайди (электростанция директори ўз ходимларига таъсир кўрсатишига ўхшаб).

Лойиҳани ўраб турган муҳитга нисбатан уни бошқаришнинг уч жиҳатига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур:

1. Стандарт ва экспериментал лойиҳалардан фойдаланиш.
2. Ишларни мувофикаштириш услублари.
3. Бошқарув назоратини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар.

Инфратузилмалар, коммунал иншоотлар ва йирик саноат корхоналари қуриш лойиҳалари ташкилий жиҳатдан бирмунча афзалликка эгалар. Яъни улар учун зарур ташкилий тадбирлар ва технологиялар, стандарт ечимлар мавжуд. Кўпчилик лойиҳалар учун эса стандарт ечимлар, технологияларни қўллаб бўлмайди. Бундай шароитда мослаштириш қобилияти ташкилий тузилманинг муваффақият гарови бўлиши мумкин. Мослаштирув иши бюрократик муассасалар учун айниқса қийин кечади. Бунга уларнинг режали харажатлар ҳакида доимий ҳисобот беришга мажбурликлари ва ҳар қандай хавфдан қочишлари сабабки, бу ҳол уларни консерватив қилиб қўяди. Айрим ҳолларда лойиҳани амалга оширувчи ташкилотга мураккаб институционал ва моддий-техник талаблар қўйиладиган битта йирик лойиҳадан кўра, ўрнатилган график бўйича бир нечта экспериментал лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Экспериментал лойиҳаларга муқобил вариант - кичик дастурларни субпуратчи ташкилотларга топширишdir. Бунда бош пуратчи бундай дастурларни молиялаштириш, техник ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олади.

### ***Мувофикаштириш муаммолари***

Йирик лойиҳаларга хос бўлган ташкилий муаммоларни ҳал этишнинг яна бир йўли лойиҳанинг бош мақсадига эришиш учун қайси фаолият турлари асосий эканлигини аниқлаб, чекланган ташкилий ресурсларни шу фаолиятга жамлаш ҳамда иккинчи даражали вазифаларни кейинроқда қолдиришdir. Шундай ёндашувни лойиҳа бўйича ишларни мувофикаштиришга нисбатан ҳам қўллаш мумкин, чунки кўп сонли ижрочилар фаолиятини мувофикаштириш кўп вақт талаб этади ва керакли натижа бермаслиги мумкин. Мувофикаштиришни инкор этиб бўлмайдиган шароитларда турли ижрочилар вазифалари аниқ-равshan белгиланиши керак. Иккинчи даражали ресурсларни назорат этувчилар фаолиятини мувофикаштирувчи комитет тузгандан кўра, уларни кичик ишчи гурухларга бирлаштириш мувофикаштиришнинг самаралироқ механизми бўлиши мумкин.

### ***Бошқарув назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари***

Лойиҳа натижаларини баҳолашдаги қийинчиликларни лойиҳа фаолиятининг мумкин қадар кичикроқ, назорат ва бошқарув осон бўлган вазифаларга бўлиш йўли билан камайтириш мумкин. Таълим ва ижтимоий масалалар бўйича лойиҳаларда молия фаолиятини бошқаришга катта эътибор берилади. Молиявий оқимларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш эса бу лойиҳалардаги ноаниқликларни камайтирган ва уларни бошқаришни яхшилаган, молиявий тартибни мустаҳкамлаган бўлар эди. Шунингдек, замонавий бошқарув ахборот тизимини яратиш имкониятини берадики, бу, ўз навбатида, лойиҳани самарали бошқаришнинг асосий унсуридир. Патент бериш ёки коммунал хизмат кўрсатиш бўйича хусусий корхоналар билан контракт тузиш услублари бошқарув назоратини такомиллаштириш усули сифатида кейинги

йилларда алоҳида эътибор жалб этаяпти. Турли сабабларга кўра, хукумат идоралари билан шартнома асосида ишловчи хусусий корхоналар томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш транспорт, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда хизмат сифатини оширишга, харажатлар қисқартирилишига олиб келади.

#### **Муҳокама учун саволлар:**

- 4.1. Зарурий институтларни ташкил этишни қандай мураккаблашиши бор?
- 4.2. Сиёсий омиллар таъсири ҳақида нима биласиз?
- 4.3. Мақсадлар мураккаблиги нимадан келиб чиқади?
- 4.4. Мувофиқлаштириш муаммолари нималардан иборат?
- 4.5. Бошқарув назоратини такомиллаштириш учун қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин?

**5-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизлик тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 5.1. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизликни била олади.
- 5.2. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизликни таҳлил қила олади.

**5-савол баёни:** Лойиҳаларни амалга оширишдан кейинги босқичга доим ҳам етарлича эътибор берилавермайди. Кўпинча бу ҳолат қарор қабул қилувчи шахсларнинг асосий эътибори инвестициялаш босқичига жамлангани ҳолда, эксплуатация ва жорий хизмат масалалари эътибордан четда қолишида намоён бўлади. Бунинг оқибатида лойиҳадан олинаётган даромад камаяди, асосий фонdlар қисқариб кетади ҳамда ташкилий тузилма ривожланишида жиддий молиявий ва бошқарув муаммолари келиб чиқади. Лойиҳани амалга оширишдан манфаатдор бир қанча ташкилотлар ва шахсларни санаб ўтиш мумкин Масалан, хорижий инвесторлар, сиёsatчилар, компаниялар ва касаба уюшмалари. Лекин лойиҳа тугалланиши биланоқ уни самарали эксплуатация қилиш учун зарур бўлган ресурлар билан таъминлаш ҳамда маъмурий бошқарув тизими томонидан етарлича эътибор бериш борасида муаммолар пайдо бўлади.

Лойиҳани эксплуатация қилиш босқичига эътиборсизликнинг кўринишларидан бири техник хизмат кўрсатиш харажатлари ва ундан келадиган даромадларга кам аҳамият берилишидир. Бу соҳага етарли эътибор берилиши лойиҳадан кутилаётган самарани янада оширади. Лойиҳани эксплуатация қилиш босқичига эътиборсизлик оқибатларидан бири қайтарилиб турувчи инвестиция харажатлари етарли даражада таҳлил қилинмаслигидир. Бунинг устига, бу харажатларни қоплаш манбалари зарур даражада режалаштирилмайди.

#### **Муҳокама учун саволлар:**

- 5.1. Нима учун лойиҳадан кейинги босқичига кам эътибор берилади?
- 5.2. Эксплуатация босқичига эътиборсизлик оқибати нимага олиб келади?
- 5.3. Лойиҳани эксплуатация қилиш босқичига эътиборсизликларга мисол келтиринг.
- 5.4. Қайтариб турувчи инвестиция харажатлари етарли даражада таҳлил қилинмаслиги нимага олиб келиши мумкин?

### **Назорат саволлари:**

- Институционал таҳлилнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
- Институционал таҳлилнинг вазифалари нималардан иборат, яъни тузилмаси қандай?
- Лойиҳалар учун зарур институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?
- Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизлик.
- Институционал таҳлил лойиҳа таҳлилиниң бошқа турлари билан қандай боғланган?

### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

- Замонавий институционал таҳлил тузилмасини яратиш.
- Зарурий институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

### **Керакли адабиётлар:**

- Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-11-33 б.
- Ишмухамедов А.Э., Қосимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –90-100 б.

## **10-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ**

### **Фанни ўқитиши технологияси:**

### **“МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда молиявий таҳлилни аҳамияти ва моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1.Молиявий таҳлилнинг моҳиятини била олади.</p> <p>1.2.2.Молиявий таҳлилнинг турларини аниқлаб олади.</p> <p>1.2.3.Молиявий рентабеллилик тушунчасини била олади.</p> <p>1.2.4.Молиявий рентабеллиликни таҳлил қила олади.</p> <p>1.2.5.Молиялаштиришга эҳтиёжни била олади.</p> <p>1.2.6.Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлил қила олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> молиявий таҳлил, молиявий рентабеллик, молиялаштиришга эҳтиёж, лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотлар, харажатлар қопланиши, пул оқимлари, молиявий режа, молиявий ҳисоб, молиявий ҳисобот.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуслар:</b> сұхбат, маъруза-хикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p>	Ўқитувчи

	<b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.	
<b>2</b>	<b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b> <b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади. <b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	<b>Ўқитувчи, 20 минут</b>
<b>3</b>	<b>Гурухда ишлаш босқичи:</b> <b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради. <b>3.2.</b> Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади. <b>3.3.</b> Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. <b>3.4.</b> Умумий хulosага келинади.	<b>Ўқитувчи- талаба. 40 минут</b>
<b>4</b>	<b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b> <b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none"><li>• Лойиҳаларнинг молиявий таҳлили нима мақсадда ўтказилади?</li><li>• Молиявий рентабеллик таҳлилиниң моҳияти нимада?</li><li>• Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили қандай амалга оширилади?</li><li>• Харажатларнинг қопланиши таҳлилига тавсиф беринг.</li><li>• Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлилида қўлланиладиган</li><li>• ҳисобот шаклларини изоҳлаб беринг.</li><li>• Лойиҳа таҳлили турлари бўйича қўлланиладиган мезонларни тушунтириб беринг.</li><li>• Молиявий таҳллилда қўлланиладиган қайси коэффициентларни биласиз?</li><li>• Молиявий таҳллилда айланма маблағларга талаб сўмда ва валютада ҳисбланиши</li><li>• сабаби нимада?</li></ul> <b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>
<b>5</b>	<b>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</b> <b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади. <b>5.2.</b> Мустақил иш топшириклари берилади. <b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>

#### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. Молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турлари.
2. Молиявий рентабеллик таҳлили.
3. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили.
4. Лойиҳанинг эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили.
5. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усули.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** молиявий таҳлил, молиявий рентабеллик, молиялаштиришга эҳтиёж, лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотлар, харажатлар қопланиши, пул оқимлари, молиявий режа, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисобот.

## **Мавзуга оид муаммолар:**

- Харажатлар ва даромадлар оқимларини лойиҳалаштириш учун ишлаб чиқариш фаолиятининг техник даражасини белгилаб олиш, инвестициялардан кўзда тутилган техник ресурсларнинг лойиҳага кириш ва чиқишдаги оқимини, лойиҳаларнинг бозор ва маъмурий ўрнатиладиган баҳоларда ҳисобланган натижаларини аниқлаб олиш талаб этилади. Бу фикрга сиз кўшиласизми?
- Молиявий режада лойиҳани эксплуатация қилиш даври харажатлари ўз аксини топмаса, эксплуатация қилиш, жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун фондлар йўқлиги туфайли лойиҳа ускуналари эскириб, тезда яроқсиз ҳолга келиб қолади. Бу фикрга сиз қарашингиз қандай?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- Молиявий таҳлилнинг моҳиятини била олади.
- Молиявий таҳлилнинг турларини аниқлаб олади.

**1-савол баёни:** Лойиҳани молиявий таҳлил қилиш бир неча кўринишга эга бўлиб, лойиҳа турига қараб, икки ёки ундан кўпроқ турдаги молиявий таҳлил амалга оширилиши мумкин. Молиявий таҳлил қуидаги турларни ўз ичига олади:

- Молиявий рентабеллилик таҳлили.
- Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили.
- Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили.
- Харажатларнинг қопланиши таҳлили.

Молиявий таҳлилнинг санаб ўталган турлари қайси вазифаларга эга бўлиши, лойиҳанинг молиявий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги у қайси нуқтаи назардан туриб кўриб чиқилаётганинг боғлиқ.

Буни қуидаги жадвалда кўрамиз (10.1-жадвал):

Молиявий таҳлилнинг ҳар хил турлари лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, лойиҳа иштирокчилари учун рағбатларни, молиявий режаларнинг асосланганлигини, молиявий бошқарувнинг лаёқатлилиги даражасини ҳамда лойиҳани амалга ошириш натижасида кутилаётган фойда даражасини баҳолаш учун кўлланилади.

У ёки бу турдаги таҳлилни ўтказиш зарурати лойиҳанинг мураккаблик даражасига, унинг хусусий сектордаги ёки давлат лойиҳаси эканлилигига ҳамда иқтисодиётнинг қайси тармоғига тааллуклигига боғлиқ.

Молиявий таҳлилда даромад ва харажатларни ҳисоблашда:

- факат алоҳида бозор баҳолари кўлланилади;
- капитал харажатлар лойиҳанинг бутун хизмат даврига тақсимлаб чиқилади (амортизация);
  - солиқлар ва турли гурухлар ўртасидаги бир томонлама тўловлар ҳисобога олинади;
  - хусусий дисконт ставкаси кўлланилади.

## Молиявий таҳлил турлари

10.1-жадвал.

<b>Таҳлил тури</b>	Молиявий рентабеллик таҳлили	Молиялаштир ишга эхтиёж таҳлили	Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотни молиявий таҳлил	Харажатлар қопланиши таҳлил
Таҳлил мақсади	Лойиҳага қўйилган капитал маблағлар самарадорли гини аниқлаш	Лойиҳани амалга ошириш учун маблағ билан таъминлашни режалаштириш	Лойиҳани эксплуа-тация қилувчи таш-килотнинг молиявий аҳволи ва бошқарув сифатини аниқлаш	Давлат лойиҳаларида фойдаланувчилардан тушадиган тўловлар ҳисобига харажатлар қопланиши таҳлили
Лойиҳа таҳлили қайси позициядан туриб амалга оширилади	Лойиҳа позициясида н туриб	Ҳукумат лойиҳа-дан фойдаланувчилар ва ундан манфаат кўрув-чилар позициясидан туриб	Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилот позициясидан туриб	Ҳукумат, лойиҳадан фойдаланувчилар, ундан манфаат кўрувчилар ҳамда лойиҳани бошқариш позициясидан туриб
Фойдалан иладиган молиявий ҳисботлар тизими	Дисконтланг ан пул тушумлари ва чиқимлари оқими ҳисботи	Молиявий режа	Фойда ва зарарлар ҳисботи. Пул маблағлари тушумлари ва чиқимлари оқими ҳисботити, баланс ҳисботи	Харажатларни қоплаш кўрсаткичлари, тўлов ҳажми ёки фойдаланувчилардан олинадиган солиқ ҳажми
Мезонлар	Ички фойда меъёри. Соф келтирилган қиймат	Қарзларни ва улар бўйича фоизларни тўлаш учун қилинган харажатларни қоплаш даражаси	Самарадорлик меъёри, молиявий кўрсаткичлар	Тўлов ҳажми ва таркиби
Қайси объектга нисбатан қўлланилди	Хусусий сектор-даги лойиҳаларга, давлат секторида-ги тижорат лойиҳаларига, нисбатан	Ҳамма лойиҳаларга нисбатан	Фирмалар ва давлат лойиҳаларига нисбатан	Давлат секторидаги таълим, соғлиқни сақлаш, сув таъминоти, транспорт каби хизмат кўрсатишига йўналтирилган лойиҳаларга нисбатан

## **Мухокама учун саволлар:**

- 1.1. Лойиҳани молиявий таҳлил қилиш неча кўринишга эга?
- 1.2. Молиявий таҳлил қандай турларга бўлинади?
- 1.3. Молиявий таҳлилнинг ҳар хил турлари нима учун қўлланилади?
- 1.4. Молиявий таҳлил турини танлаш нималарга боғлиқ?
- 1.5. Молиявий таҳлилда даромад ва харажатларни ҳисоблашда нималар қўлланилади?

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда молиявий рентабеллилик таҳлили тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

## **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 2.1. Молиявий рентабеллилик тушунчасини била олади.
- 2.2. Молиявий рентабеллиликни таҳлил қила олади.

**2-савол баёни:** Молиявий рентабеллилик таҳлилиниң мақсади лойиҳанинг ҳаёт даври давомида инвестициялардан келадиган самарани баҳолашдан иборат. Бу таҳлилни баъзида лойиҳанинг молиявий мақсадга мувофиқлиги таҳлили деб ҳам юритилади. Бу таҳлилни ўтказишнинг услубий асослари иккинчи ва учинчи мавзуларда кўриб чиқилган. Шу асосга таянилган ҳолда рентабеллилик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

Бу таҳлил лойиҳадаги пул тушумлари ва чиқимлари оқимига асосланган ҳолда ўтказилади. Бунда эътибор лойиҳани амалга оширувчи ташкилотларга (уларнинг молиявий ҳолатига) эмас, балки лойиҳанинг ўзига қаратилади. Молиявий рентабеллилик таҳлили товарлар ва хизматлар савдосини амалга оширувчи лойиҳалар учун ўта муҳим, лекин коммунал хизмат кўрсатувчи ва давлатдан қисман дотация олиб ишловчи ташкилотлар учун унча ҳам муҳим эмас.

Харажатларни қоплаш таҳлили рентабеллилик таҳлилиниң деярли худди ўзи бўлиб, давлат харажатлари фойдаланувчилар тўловлари ва солиқлар ҳисобига қопланадиган лойиҳалар учун қўлланилади.

Молиявий рентабеллилик таҳлилида харажатлар ва даромадлар қўйилган мақсаддан келиб чиқиб аниқланади. Харажатларни фирма ёки ижрочи ташкилотнинг фойдасини камайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этса, даромадларни фойда ёки даромадни кўпайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этади.

Харажатлар ва даромадлар оқимларини лойиҳалаштириш учун ишлаб чиқариш фаолиятининг техник даражасини белгилаб олиш, инвестициялардан кўзда тутилган техник ресурсларнинг лойиҳага кириш ва чиқишдаги оқимини, лойиҳаларнинг бозор ва маъмурий ўрнатиладиган баҳоларда ҳисобланган натижаларини аниқлаб олиш талаб этилади.

Тушумлар оқими маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) ҳажмини уларнинг харид баҳоларига, харажатлар оқими эса ишлаб чиқаришда фойдаланилган моддий ресурслар ва хизматлар миқдорини уларни сотиб олиш баҳосига кўпайтириб топилади. Бундай баҳолаш лойиҳанинг бутун яшаш даврига, ҳар бир йил учун ўтказилади.

Лойиҳа учун зарур ресурслар ва ундан кутилаётган натижаларни баҳолашда биринчидан, ички ва ташқи бозорда яқинда бўлиб ўтган битимларда қўлланилган амалдаги баҳолар асосида реал бозор баҳоларини; иккинчидан, келгусидаги баҳоларни прогноз қилиш лозим.

Одатда, иқтисодий ва молиявий таҳлилни ўтказишда инфляция таъсиридан тозаланган доимий баҳолар, шунингдек, инфляция таъсиридан тозаланган дисконт коэффициенти қўлланилади.

Лойиха бўйича ишлаб чиқарилган товар (кўрсатилган хизмат)лар учун тушган барча тўловлар, дебиторлик қарзлари, субсидиялар ва бошқа даромадлар (ижара ҳақи ва бошқалар) лойиха бўйича тушумларга киритилади ва унинг умумий самарасини кўрсатади.

Харажатлар ўз ичига эксплуатация ва капитал харажатларини олади. Эксплуатация харажатларига иш ҳақи, материал, ёқилғи харажатлари, ижара ҳақи тўловлари, коммунал тўловлар, умумий ва маъмурӣ харажатлар, солиқлар, жорий таъмирлаш харажатлари, ҳали тўланмаган, аммо ҳисобга олинган кредиторлик қарзлари ва бошқалар киради. Капитал харажатларга эса инвестициялар, лойиха фондларини алиштириш, модернизация қилиш ва капитал таъмирлаш харажатлари киради.

Пул оқимлари баҳолаб бўлингандан сўнг рентабеллилк кўрсаткичлари калькуляция қилинади, лойиҳалаштирилаётган тушумлар ва харажатлар дисконтланади ва иловада келтирилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Молиявий эҳтиёжни таҳлил қилишда лойиҳани амалга оширишга кетадиган айланма маблағлар алоҳида валютада ҳамда сумда ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида айланма маблағларни валютада шакллантириш айниқса катта амалий аҳамиятга эга. Агар лойиҳада айланма маблағлар валютада тўғри режалаштирилмаса, лойиҳа муаммога дуч келади. Мисол учун, лойиҳа маҳсулотининг ингредиентлари импорт қилинса, уни сотиб олиш учун валюта кўринишидаги айланма маблағлар етарли бўлиши керак. Шунда маҳсулот ингредиентларни сотиб олишда муаммога дуч келинмайди. Баъзи лойиҳаларда айланма маблағлар сўмда етарли бўлсада, валютада етарли бўлмагани учун корхоналар ингредиентларни импорт қила олмайди. Натижада ишлаб чиқариш тўхтаб қолади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 2.1. Молиявий рентабеллик таҳлиллининг мақсади нимадан иборат?
- 2.2. Молиявий рентабеллик таҳлилли нимага асосланган ҳолда ўтказилади?
- 2.3. Харажатлар ва даромадлар оқимларини лойиҳалаштириш учун нима талаб этилади?
- 2.4. Лойиҳа учун зарур ресурслар ва ундан кутилаётган натижаларни баҳолашда нималарни прогноз қилиш лозим.
- 2.5. Харажатлар ўз ичига нималарни олади?

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 3.1. Молиялаштиришга эҳтиёжни била олади.
- 3.2. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлил қила олади.

**3-савол баёни:** Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили лойиҳани инвестициялаш ва уни эксплуатация қилиш учун керак бўлган барча молиявий эҳтиёжларни прогноз қилишни ўз ичига олади.

Бу эса зарур ресурслар келиб тушишини таъминлайдиган молиявий режа тузиш имконини беради. Молиявий режани тайёрлашда хорижий кредиторлар

талабарини бажаришни енгиллаштириш учун хорижий валютага бўлган эҳтиёж алоҳида кўрсатилади.

Молиявий режада, шунингдек, молиялаштиришнинг маҳаллий манбалари, лойиҳа учун масъул бўлган ташкилотнинг ўз маблағлари ва фондлари, давлат ва тижорат ташкилотларидан олиниши мумкин бўлган қарзлар ҳам эътиборга олинади.

Молиявий режада лойиҳани эксплуатация қилиш даври харажатлари ўз аксини топмаса, эксплуатация қилиш, жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун фондлар йўқлиги туфайли лойиҳа ускуналари эскириб, тезда яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Молиявий режа лойиҳадан манфаат кўрувчиларнинг у таклиф этаётган маҳсулотни сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олиши зарур.

Молиявий режа жорий баҳоларда тузилиши ҳамда йиллар бўйича лойиҳанинг бутун амал қилиш даврига қўйидагиларни кўрсатиши керак:

- мўлжалланаётган капитал маблағлар ва эксплуатация харажатлари (шу жумладан, баҳо ва физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгаришлари ҳисобга олиб киритилган тузатишлар);

- лойиҳа маҳсулотини сотиш ва бошқа манбалардан келадиган даромад;

- қарзларни, инвестицияларни ва лойиҳанинг бошқа эҳтиёжларини қоплашнинг бошқа манбалари.

Лойиҳани молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағлари қанча кўп бўлса, унинг инвестор томонидан баҳоланиши шунча енгил бўлади.

### **Мухокама учун саволлар:**

- 3.1. Молиялаштиришга эҳтиёж нималарни ўз ичига олади?
- 3.2. Молиявий режа тузиш нимани таъминлайди?
- 3.3. Молиявий режада нималарни кўрсатиши керак?
- 3.4. Молиявий режа қандай баҳоларда тузиш керак?
- 3.5. Лойиҳани молиялаштиришда ўз маблағлари қандай роль ўйнайди?

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 4.1. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг била олади.
- 4.2. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлил қила олади.

**4-савол баёни:** Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотни молиявий таҳлилга учта молиявий ҳисботни тайёрлаш, таҳлил этиш ва прогноз қилиш киради:


- даромадлар(фойда ва заарлар) ҳисботи;
- пул маблағлари тушумлари ва чиқимлари ҳисботи;
- баланс ҳисботи.

Бу ҳисботлар лойиҳанинг бутун амалда бўладиган даври ёки ҳеч бўлмаганда уни эксплуатация қилишнинг дастлабки бир неча йилига тузилади.

Кўрсатилган молиявий ҳисботларни прогноз қилиш уларнинг барча компонентларини чукур таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисби ва молиявий ҳисботларнинг умумий қабул қилинган қоидаларини билишни талаб этади. Шу туфайли бу ишни тажрибали бухгалтер аудиторларга ёки молиявий таҳлилчига топшириш керак.

Фойда ва заарлар ҳисоботи корхонанинг маълум даврдаги (чорак, йил) ишлаб чиқариш фаолиятидан олган даромадларини шу даврдаги қилинган ва даромад олиш билан боғлиқ бўлган харажатлари ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Бу ҳисбот жорий хўжалик фаолияти самарадорлиги, лойиҳанинг ўз капиталини ошириш захираларини баҳолаш учун зарур. Бу шаклнинг яна бир вазифаси турли солик тўловлари ва дивидендер миқдорини аниқлашдан иборат.

### Корхонанинг молиявий ҳисоб тизими маълумотлари



Бу ҳисботлар қўйидагиларга тақдим қилинади:

1. Ички групҳо:

- таъсисчилар;
- бошқарувчилар;
- ички аудиторлар.

2. Ташқи групҳо:

- инвесторлар;
- касаба уюшмалари;
- солик инспекцияси;
- кредиторлар;
- жамоат ташкилотлари;
- ташки аудиторлар.

Қўйида ушбу ҳисботларнинг халқаро стандартарга мос келувчи намуналарини келтирамиз(рақамлар шартли) (10.2, 10.3, 10.4 жадваллар):

### 10.2-жадвал. Бухгалтерия баланси

<b>Баланс 2003 йил 31 декабр</b>	
<b>Воситалар</b>	
<b>Айланма воситалар</b>	
Пул воситалари	1 449
Бозордаги қимматбаҳо қофозлар	246
Дебитор ҳисоблари (соф)	9 944
Товар-материал воситалари	10 623
Пули тўланган харажатлар	389
Жами айланма маблағлар	22 651
Бино, иншоот, асбоб-ускуналар	26 946
Жами амортизация йифиндиси	-13 534
Бино, иншоот, асбоб-ускуналар (соф)	13 412
Инвестция	1 110
Патент ва савдо белгиси	403
Гудвилл	663
<b>Жами воситалар</b>	<b>38 239</b>
<b>Капитал ва мажбуриятлар</b>	
<b>Қисқа муддатли мажбуриятлар</b>	
Кредиторлар ҳисоблари	5 602
Банкга ссуда тўлаш	1 000
Жами мажбуриятлар	876

Кутилаётган солиқ тұловлари	1 541
Узоқ муддатли қарзнинг жорий қисми	500
Қиска муддатли мажбуриятларнинг жами	9 519
<b>Узоқ муддатли мажбуриятлар</b>	
Узоқ муддатли қарзнинг қолдиғи	2 000
Фойда солиғининг кечиктирилган қисми	824
Жами мажбуриятлар	12 343
<b>Капитал</b>	
Оддий акциялар	1 000
Бошқа тұланған хиссадорлик капитали	11 256
Жами тұланған хиссадорлик капитали	12 256
Тақсимланмаган фойда	13 640
Жами капитал	25 896
Жами мажбуриятлар ва капитал	38 239

### 10.3-жадвал. ФОЙДА ҲИСОБОТИ

<b>Товарларни сотишдан тушум</b>	2 200 000
Сотилған товарларнинг таннархи	1 300 000
Умумий фойда	900 000
Бошқарув ва сотиши харажатлари	420 000
Амортизация харажатлари	150 000
Солиқ ва кредит тұловларидан олдинги фойда	330 000
Кредит қарз фоизлари тұловлари	90 000
Солиқ тұлашдан олдинги фойда	240 000
Солиқ тұлови	80 000
Соф фойда	160 000
Имтиёзли акциялар дивидендлари	10 000
Тақсимланмаган фойда	150 000
Муомаладаги акциялар сони	120 000
Хар дона акцияга фойда	1,25

Юқоридаги молиявий ҳисботлардан фойдаланиб, корхонанинг молиявий соғломлиги ҳақида хулоса қилинади. Молиявий таҳлилнинг биринчи босқичи ана шу ҳисботлардан келиб чиқади.

Пул маблағлари түшуми ва харажати ҳисботи ҳисбот даврида пул маблағларини бошқаришни характерлайди ва ҳисбот йилида ташкилотнинг пул түшумлари ва чиқымларини ҳисоблаш учун хизмат қиласы. Баъзда бу ҳисбот ликвидлийкнинг ҳаракати ҳисботи, пул маблағлари ҳаракати ҳисботи деб ҳам юритилади.

### 10.4-жадвал. Пул маблағлари ҳаракати ҳисботи

	Режапаптириш интервали тартиб		
	1	2	n
1. Ыз капиталининг күпайиши			
2. Қарздорликнинг күпайиши			
3. Жорий пассивларнинг күпайиши			
4. Сотишдан олинган тушум			
5. Бошқа даромадлар			

Жами тушум				
1. Доимий активларнинг кўпайиши				
2. Жорий активлари инг кўпайиши				
3. Операцион харажатлар				
4. Кредитлар учун тўловлар				
5. Соликлар				
б. Дивидендлар				
Жами чиқимлар				
Пул маблағлари баланси				
Пул маблағлари баланси ўсиб бориш				

Бундай ҳисоботни тайёрланиш зарурати шу билан изоҳланадики, фойда ва зааррлар, пул маблағларининг шу давридаги ҳаракати тўлиқ ҳисоботида акс эттирилмайди.

Баланс ҳисоботи бошқа ҳисоботлардан фарқли равишда корхонанинг маълум бир давр учун эмас, балки аниқ санадаги ҳолатини акс эттиради.

Баланс ҳисоботи ёки анъанавий бухгалтерия ҳисоботи маълум санада корхона ихтиёрида нималар борлиги ва унинг манбаларини кўрсатиб боради.

Лойиха амалиётида умумлаштирилган қўринищдаги балансдан фойдаланилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳисобот шаклларидан фойдаланган ҳолда зарур молиявий коэффициентлар ҳисобланади ва йиллар бўйича бу коэффициентлар ўзгариши таҳлил қилиниб, муаммо ва заҳиралар аниқланади (10.5-жадвал):

### 10.5-жадвал. Молиявий баҳолаш коэффициентлари

Кўрсаткичлар номи	Ҳисоблаш формуласи
Молиявий ҳолатни баҳолаш	
1. Умумий (жорий) ликвидлик коэффициенти	ЖА/ЖП
2. Шу муддатдаги ликвидлилик коэффициенти	ЛА/ЖП
3. Критик баҳолаш коэффициенти	(НП + ДҚ) / ҚММ
4. Умумий тўлов қобилияти коэффициенти	ҚМ/УА
Инвестициялардан фойдаланишни баҳолаш	
5. Активларнинг айланувчанлиги коэффициенти	Сотишдан тушум / УА
6. Доимий капиталнинг айланувчанлиги коэффициенти	Сотишдан тушум /ДҚ
7. Акциядорлик капитали айланувчанлиги коэффициенти	Сотишдан тушум /АК
8. Айланма капиталнинг айланувчанлиги коэффициенти	Сотишдан тушум /Айланма капитал
Рентабеллийлик кўрсаткичлари	
9. Умумий активлар рентабеллилиги	(СФ+ Ф)/ УА
10. Доимий капиталнинг рентабеллилиги	(СФ+ Ф)/ ДҚ
11. Акциядорлик капитали рентабеллилиги	СФ/АК
12. Сотиш рентабеллилиги	СФ/Сотишдан тушум
13. Ўз капитали рентабеллилиги	СФ/(АК+ТФ)
14. Капиталнинг даромадлилиги	(СФ+Ф) / Ўз капиталининг узоқ муддатли қарзлар

Бу ерда: А-юқори ликвидли активлар;

ЖП-жорий пассивлар;  
ЖА-жорий активлар;  
ТФ-тақсимланмаган фойда;  
ЛА-ликвидли активлар;  
Ф- кредит(қарз) учун фоиз;  
УА-умумий активлар;  
НП-нақд пуллар;  
ДК-дебиторлик қарзлари;  
ҚММ-қисқа муддатли мажбуриятлар;  
ДК-доимий капитал;  
АК -акциядорлик капитали;  
СФ- соф фойда;  
ҚМ-қарз мажбуриятлар.

### **Мухокама учун саволлар:**

- 4.1. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотни молиявий таҳлилига қандай молиявий ҳисоботлар киради?
- 4.2. Бу ҳисоботлар неча даврга тузилади?
- 4.3. Бу ҳисоботларни таҳлил қилиш учун қандай умумий қоидаларни билишни талаб этилади?
- 4.4. Корхонанинг молиявий ҳисоб тизими нималардан иборат?
- 4.5. Бухгалтерия балансини таҳлил қилинг.
- 4.6. Фойда ҳисоботини таҳлил қилинг.
- 4.7. Пул маблағлари харакати ҳисоботини таҳлил қилинг.

**5-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усули тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 5.1. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усулини била олади.
- 5.2. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усули билан таҳлил кила олади.

**5-савол баёни:** Лойиҳани биринчи ҳисобда ҳисоб-китоблар билан самарадорлигини ҳисоблашда содда фойда ҳисботи моделидан фойдаланишимиз мумкин (10.6-жадвал).

Бу жадвалдан кўриниб турибдики лойиҳанинг фойдалилик даражаси солик ва кредит фоизини тўлашдан олдинги фойда кўрсаткичидаги кўринади. Кўп ҳолларда тижорат банклари лойиҳанинг самарадорлик даражасини ҳамда кредитни қайтариб бериш қувватини аниқлашда бу кўрсаткич 30% дан юқори бўлишини хоҳлади. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, кредитни қайтариш коэффициенти шунча юқори деб тушунилади. Шу билан биргаликда умумий фойда кўрсаткичининг коэффициенти ҳам 50% дан юқори бўлса, мақсадга мувофик деб тушенилади. Ўзбекистондаги тижорат банклари лойиҳа харажатларининг камидаги 25%ни мижозлар тамонидан қопланишини талаб этади. Агар мижозлар 30-35 ва ундан кўп фоизда лойиҳани молиялаштиурса, унда лойиҳалар тижорат банклари тамонидан янада енгилроқ молиялаштирилиши мумкин.

**10.6-жадвал. Фойда ҳисоботи моделидан фойдаланиб, лойиҳанинг оддий усулда самарадорлигини аниқлаш**

Кўрсаткичлар	Халқаро стандарт бўйича	Махаллий стандарт бўйича
Товар сотилишидан тушум	100\$	60\$
Сотилган товарларнинг таннархи	40\$	40\$
Умумий фойда (3қ1-2)	60\$	20\$
Бошқарув харажатлари		
Маркетинг харажатлари		
Бошка харажатлар	15\$	15\$
Солиқ ва кредит фоизини тўлашдан олдинги фойда (7қ3-4-5-6)	45\$	5\$

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу лойиҳада халқаро стандарт бўйича кутилаётган соф фойда 60%ни, солиқ ва кредит тўлашдан олдинги фойда 45% ни ташкил этади. Демак, бу лойиҳани биринчи содда усул билан таҳлил қилганимизда унга ижобий баҳо беришимиз мумкин. Жадвалдан яна қўйидаги хуносага келиш мумкин: лойиҳадаги солиқ ва кредит фоизини тўлашдан олдинги фойда 45%ни ташкил этгани учун корхона умумий тушумнинг 45% гача миқдорида инвестиция олиш мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, агар корхонанинг умумий тушумлари бир млн. доллар миқдорда кутилаётган бўлса, корхонага максимум 450 минг доллар миқдорда кредит бериши мумкин. Бунда тижорат банкининг кредитлаш коэффициенти умумий фойдага нисбатан 1:0,5 қилиб белгиланган. Шуни айтиш керакки, ривожланган мамлакатларда бу коэффициент 1:1, 1:3, 1:4 ва ҳоказо қилиб белгиланган. Амалиётда кредит олиш ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам осон эмас. Шунинг учун ғарб мамлакатларида шундай муҳит мавжуд: инвестицияни олиш инвестиция керак бўлмаган компаниялар учун осон, чунки уларнинг активлари ва соф фойдаси юқори, банклар учун эса уларнинг кафолати етарли, аммо уларнинг кредитга зарурати йўқ. Ўрта ва кичик бизнес корхоналари учун тузилган лойиҳалар юқори миқдорда қўшилган қиймат яратса, уларнинг инвестиция олиш икониятлари кўпаяди.

**Муҳокама учун саволлар:**

- 5.1. Содда фойда ҳисоботи моделидан нима учун ва қаерда фойдаланилади?
- 5.2. Лойиҳанинг фойдалилик даражаси қаедай кўрсаткичда кўринади?
- 5.3. Юқорида келтирилган жадвалга баҳо беринг.

**Назорат саволлари**

1. Лойиҳаларнинг молиявий таҳлили нима мақсадда ўтказилади?
2. Молиявий рентабеллик таҳлилининг моҳияти нимада?
3. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили қандай амалга оширилади?
4. Харажатларнинг қопланиши таҳлилига тавсиф беринг.
5. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлилида қўлланиладиган ҳисобот шаклларини изоҳлаб беринг.
6. Лойиҳа таҳлили турлари бўйича қўлланиладиган мезонларни тушунтириб беринг.
7. Молиявий таҳллилда қўлланиладиган қайси коэффициентларни биласиз?

8. Молиявий таҳлилда айланма маблағларга талаб сўмда ва валютада ҳисобланиши сабаби нимада?

**Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

Молиявий рентабелликни аниқлаш услубларини яратиш.  
Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлилини ўтказиш.

**Керакли адабиётлар:**

Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойихалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-56-67 б.

Ишмухамедов А.Э., +осимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев +.Х. Лойиха таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –101-113 б.

## 11-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

**Фанни ўқитиши технологияси:**  
**“ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда иқтисодий таҳлилни аҳамияти ва моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1.Иқтисодий таҳлилнинг моҳиятини англаб олади.</p> <p>1.2.2.Иқтисодий таҳлилнинг мақсадига тушуна олади.</p> <p>1.2.3. Иқтисодий таҳлилнинг вазифаларини била олади.</p> <p>1.2.4.Лойиҳанинг мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаб олади.</p> <p>1.2.5.Иқтисодий таҳлилда яширин баҳоларни била олади.</p> <p>1.2.6.Иқтисодий таҳлилда яширин баҳоларнитаҳлил қила олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> иқтисодий таҳлил, таҳлил чизмаси, иқтисодий таҳлилда яширин баҳолар, ФОБ, СИФ, манфаатлар ва харажатлар, истеъмол тежами, ташқи самаралар.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланилайдиган метод ва усуллар:</b> сұхбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p><b>Гурӯҳда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба. 40 минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Иқтисодий таҳлил вазифаларини тушунтириб беринг.</li> <li>• Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва молиявий таҳлилдан фарқи нимада?</li> <li>• Яширин баҳолар нима? Иқтисодий таҳлилда нима учун яширин баҳолардан</li> <li>• фойдаланилади?</li> <li>• Манфаат ва харажатларни ўлчаш муаммоларига изоҳ беринг.</li> <li>• Истеъмол тежами нима?</li> <li>• Ташқи самара, жумладан, халқаро самаранинг моҳияти нимада?</li> </ul>	Ўқитувчи, 10 минут

	<b>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</b>	
5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<b>Ўқитувчи, 10 минут</b>

### **Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсади.
2. Иқтисодий таҳлил вазифалари. Лойиҳа мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаш.
3. Иқтисодий таҳлилда яширин баҳолар.
4. Манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари ва муаммолари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** иқтисодий таҳлил, таҳлил чизмаси, иқтисодий таҳлилда яширин баҳолар, ФОБ, СИФ, манфаатлар ва харажатлар, истеъмол тежами, ташқи самаралар.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

Лойиҳанинг экологик жиҳатлари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар ҳисобга олинганда кўп ҳолларда у самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Бу фикрга сиз розимисиз?

Жамият нуқтаи назаридан қараганда лойиҳа маҳсулотини сотиш ёки ресурсларини сотиб олиш баҳолари доим ҳам харажатлар ва даромадларнинг мақбул даражасини кўрсата олмайди. Бу идеяга сиз қандай баҳо берасиз?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсади ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Иқтисодий таҳлилнинг моҳиятини англаб олади.
- 1.2. Иқтисодий таҳлилнинг мақсадига тушуна олади.

**1-савол баёни:** Лойиҳа Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг устувор йўналишларига ва иқтисодий хавфсизлигига жавоб бериши керак. Шунинг учун иқтисодий таҳлил инвестиция лойиҳасини умумжамият манфаати нуқтаи назаридан ўрганади. Иқтисодий таҳлил лойиҳаларга кенгроқ ёндашиб, даромад ва харажатларни баҳолашда молиявий таҳлилдан фарқ қиласи. Умуман, бу таҳлилда даромадлар-харажатлар оқимини баҳолашда молиявий таҳлилга қараганда икки катта ўзгаришга йўл қўйилади.

Биринчидан, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқарувчилар олган субсидиялар солиқ тўловчиларнинг йўқотишлари билан қопланиб кетса, айrim шахслардан тушадиган тўловлар умуммиллий даражада ресурслар миқдорини ўзгартирмайди. Иккинчидан, бир лойиҳани амалга ошириш иккинчи бир лойиҳа учун ресурслар миқдори камайишига олиб келиши мумкин. Мисол учун, Самарқанд вилоятида 15000 тонна помидор етиштирилади. Европа технологиясида қайта ишланган помидор томат пастаси, агар 220 кг лик ассептек қопларга қадоқланса ва Европанинг

150- 9001 сертификати билан кафолатланса, лойиҳа валюта келтирувчи лойиҳага айланади.

Агар шундай завод мавжуд бўлсаю, унинг талаби 12000 тонна помидорни қайта ишлашга мўлжалланган бўлса, демак, кейинги лойиҳага фақат 3000 тонна помидор қоляпти. Қўшимча заҳиралар билан яна 5000 тонна помидор етиширилса ҳам иккинчи турдош корхонанинг лойиҳасига хом ашё тақчил бўлади. Бу ҳолда иккинчи лойиҳа ўзи билан бир хил бўлган биринчи лойиҳага конфликтли лойиҳа деб баҳоланиши мумкин. Бундан хулоса шуки, биринчи лойиҳанинг амалга оширилиши иккинчи лойиҳани молиялаштиришни самарасиз қилиб қўяди. Бу ҳолда умумжамият нуқтаи назаридан иқтисодий даромад молиявий даромаддан паст бўлади ва буни лойиҳа бўйича иш бошлашдан олдин ҳисобга олиш зарур. Молиявий таҳлилда фойдали деб баҳоланган лойиҳа ўзининг салбий экологик ёки ижтимоий оқибатлари туфайли иқтисодий таҳлилда фойдасиз деб баҳоланиши мумкин.

Лойиҳанинг экологик жиҳатлари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар ҳисобга олинганда қўп ҳолларда у самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Лойиҳанинг экологияга салбий таъсирини олдини олиш учун тозалаш иншоотлари куришга тўғри келади. Бу ҳолда инвестиция харажатлари кўпаяди ва лойиҳанинг самарадорлиги пасаяди. Натижада лойиҳа самарасиз деб ҳисобланиши мумкин. Молиявий таҳлил ва иқтисодий таҳлил ўртасидаги фарқларни қуидагича келтириш мумкин:

1. Молиявий таҳлилда даромад ва харажатларга нисбатан алоҳида бозор баҳолари қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилда муқобил ижтимоий қийматлар (даромадлар ва харажатларга нисбатан яширин баҳолар, экологик даромад ва харажатлар, фойдаланилмаётган ёки тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш омиллари) қўлланилади.

2. Молиявий таҳлилда капитал харажатлар лойиҳа хизмат муддатига тақсимлаб чиқилади (амортизация).

Иқтисодий таҳлилда эса капитал харажатлар фойдаланиш (ишлатилиш) йилидаги бир маротабалик харажат суммаси сифатида ҳисобга олинади.

3. Молиявий таҳлилда солиқлар ва турли гуруҳлар ўртасидаги бошқа бир томонлама тўловлар ҳисобга олинади. Иқтисодий таҳлилда эса бу тўловлар ва солиқлар жамият ичида трансферт тўловлари бўлгани учун ҳисобга олинмайди.

4. Молиявий таҳлилда дисконтнинг хусусий ставкаси қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилда лойиҳалар бўйича даромадлар ва харажатлар оқимларини даромад даражаларига кўра гуруҳлар бўйича ўрганилади.

Умуман олганда, иқтисодий таҳлил лойиҳанинг ҳомийларига ҳам, бошқаларга ҳам таъсирини ўрганган ҳолда у жамият учун қанчалик фойдали эканлигини, уни амалга ошириш учун жамият нуқтаи назаридан ресурс ажратиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини текширади.

Даромадлар ва харажатларни иқтисодий таҳлил қилиш ресурслардан самаралироқ фойдаланиш мақсадида иқтисодий танлаш муаммосини қулай ва тушунарли изоҳлаш усулидир. Ҳар бир мамлакат у ёки бу маҳсулотни қўп ишлаб чиқара олади. Лекин бир йўла ҳамма маҳсулотни қўп ишлаб чиқариб бўлмайди. Шу сабабли ресурслардан фойдаланишнинг турли вариантларидан бирини танлашга тўғри келади. Минимал харажатлар билан максимал натижаларга эришишни таъминлайдиган қилиб инвестициялашга эришган мамлакатгина ўз ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлай олади.

Иқтисодий таҳлил мақсади лойиҳа билан боғлиқ барча самараларни кўриб чиқиш учун умумий асос яратишдир. Бунга:

1. Бозор битимларидан ўз аксини топадиган иқтисодий ўзгарувчиларни аниқлаш (масалан, уй баҳоси у жойлашган худуд сифатини - транспорт, мактаб кабиларнинг яқинлигини, уй-жой архитектурасининг урф бўлган турини, хоналар сонини акс эттиради);

2. Лойиҳанинг турли белгиларини баҳолашга аҳоли муносабатини аниқлаш учун лойиҳанинг фойдали томонларини характерловчи кўрсаткичларга пулда ифодаланмайдиган қийматларни киритиш;

3. Лойиҳаларни бевосита ўлчанадиган бошқа харажатлари хамда натижаларини таққослаш имконини берувчи чизмаларни ишлаб чиқиш йўли билан эришилади.

Булар асосида лойиҳадан олинадиган манфаат унга сарфланган харажатдан ошиш-ошмаслиги тўғрисида мураккаб қарорга келинади. Бунда манфаат (даромад) ва харажатлар ягона ўлчов бирлигida ифодаланади.

Лойиҳани қабул қилиш, лойиҳа бўйича истеъмол қилинадиган ресурслардан фойдаланиш борасидаги муқобил варианлардан хеч бири мамлакат олдида турган вазифалар нуқтаи назаридан бундан юқорироқ натижа бермаслигини англаатади.

Иқтисодий таҳлил, яъни даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиш усуллари 3-бобда акс эттирилган. Бунда NPV, PI, IRR, CC, PP, ROI каби ксрсаткичлари ҳисобланади.

### **Мухокама учун саволлар:**

1.1. Иқтисодий таҳлили инвестиция лойиҳасини қайси нуқтаи назардан ўрганади?

1.2. Молиявий ва иқтисодий таҳлил ўртасида фарқлар борми?

1.3. Иқтисодий таҳлилда лойиҳалар бўйича даромадлар ва харажатлар қандай ўрганилади?

1.4. Иқтисодий таҳлил мақсади нимадан иборат?

1.5. Даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиш усуллари ҳақида сўзлаб беринг.

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда иқтисодий таҳлилнинг вазифалари ва мақсадлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1.Иқтисодий таҳлилнинг вазифаларини била олади.

2.2.Лойиҳанинг мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаб олади.

**2-савол баёни:** Даромадлар ва харажатларнинг таҳлили қўйидаги тадбирларни ўтказишдан иборат:

1. Лойиҳа мақсадларини аниқлаш ва бош мақсаднинг иқтисодий мазмуни, оқибатларини англаш;

2. Лойиҳани баҳолаш чизмасини ва босқичларини аниқлаш;

3. Лойиҳа натижалари бўйича талабни прогноз қилиш;

4. Даромад ва харажатларнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

5. Рентабеллийлик кўрсаткичларини баҳолаш;

6. Таъсирчанлик ва таваккал хавфи (қалтислик) даражасини таҳлил қилиш.

Лойиҳа мақсадлари уни молиялаштирувчи ташкилотнинг оператив вазифаларини акс эттиради. Масалан, транспорт соҳаси бўйича лойиҳа мақсади транспорт қатнови самарадорлигини таъминлаш, саноат лойиҳасининг мақсади

эса маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўлиши мумкин.

Муқобил вариантларни кўриб чиқиш лойиҳани тайёrlаш ва уни ишлаб чиқишининг муҳим қисми ҳисобланади. Техник, муқобил вариантлар (яъни ёқилги учун ё кўмир ёки газни қўллаш, темир йўлни узайтириш ёки янги автомобил шоссесини қуриш)ни бир-бири билан таққослаш ва энг мақбулини танлаб олиш керак. Агар ҳамма вариантлар миқдор ва сифат жиҳатдан бир хил натижа берса, ҳам инвестиция, ҳам эксплуатация харажатларини ҳисобга олганда энг кам харажат талаб этиладиган лойиҳа танланади.

Иқтисодий таҳлил чизмаси турлича бўлиши мумкин. Бунда лойиҳа мақсадларига салбий таъсир этувчи ҳамма нарса харажатларга, ижобий таъсир этувчи ҳамма нарса даромадларга киритилади.

Лойиҳа таҳлили даромад ва харажатларни ресурслардан фойдаланишнинг бошқа вариантлари бўйича эришилиши мумкин бўлган даромад ва харажатлар билан қиёслайди. Кўпинча лойиҳасиз ва лойиҳа билан деган чизма қўлланилади.

Масалан, цемент заводи қурилиши бўйича лойиҳа бор бўлса, инвесторлар бошқа лойиҳаларга сармоя қўйиш имкониятидан маҳрум бўлади. Аммо цемент ишлаб чиқаришнинг кўпайиши натижасида унинг нархи тушиб кетиши, харидорлар учун цементга камроқ пул тўлаш, айрим харидорлар учун эса бошқа қурилиш материаллари ўрнига цемент ишлатиш имкониятини пайдо қилиши мумкин.

Лойиҳа билан ва лойиҳасиз вазиятларни солишириш лойиҳани амалга ошириш натижасида олинадиган қўшимча ва ўсган даромадларни ҳисоблашнинг асосий услубидир. Лойиҳасиз вазиятларни истиқболга баҳолашда харажатларнинг таҳмин қилинаётган усули ёки даромадларнинг пасайишига нисбатан реакцияни ҳисобга олиш керак. Бу лойиҳани амалга ошириш юзага келтирадиган ўзгаришларни тўлиқ акс эттириш имконини беради.

Лойиҳа натижаларига талабни таҳлил ва прогноз қилиш киритиладилган ресурслар ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот бозорларини таҳлил қилишни ўз ичига олади ҳамда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни билишни, лойиҳага тааллукли ресурслар ва маҳсулотлар маркетинги ҳақида маълумотга эга бўлишни талаб этади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

Даромадлар ва харажатлар таҳлили қандай тадбирлар ўтказишдан иборат?

Лойиҳада муқобил вариантларни кўриб чиқиш нима учун муҳимлигини тушунтириб беринг.

Иқтисодий таҳлил чизмаси ҳақида нималар биласиз?

Лойиҳа билан ва лойиҳасиз вазиятларни солишириш лойиҳани амалга ошириш натижасида олинадиган қўшимча ва ўсган даромадларни ҳисоблашнинг асосий услубидир. Бошқа услублар ҳам борми?

Лойиҳа натижаларига талабни таҳлил ва прогноз қилиш нимани талаб этади?

**3-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда иқтисодий таҳлилда яширин баҳолар ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

3.1. Иқтисодий таҳлилда яширин баҳоларни била олади.

3.2. Иқтисодий таҳлилда яширин баҳоларнитаҳлил қила олади.

**3-савол баёни:** Жамият нуқтаи назаридан қараганда лойиҳа маҳсулотини сотиш ёки ресурсларини сотиб олиш баҳолари доим ҳам харажатлар ва даромадларнинг мақбул даражасини кўрсата олмайди. Масалан, баҳолар уларга солик тўлашга кетган харажатлар қўшиб юборилиши натижасида ошириб юборилиши ёки давлат субсидияси таъсирида пасайтириб юборилиши мумкин. Иқтисодий таҳлил учун, икки ёқлама ҳисоблашга йўл қўймаслик мақсадида, баҳоларни бу элементлардан тозалаш керак.

Икки ёқлама ҳисоблаш шу туфайли рўй берадики, жамият, дастлаб, ишлаб чиқарувчига сотиб олинаётган маҳсулот баҳосига солиқлар (субсидиялар) қўшилиши натижасида оширилган (камайтирилган) нархда ҳақ тўлайди, кейин эса ишлаб чиқарувчи даромадининг бир қисмини солик сифатида олиб қўяди (ишлаб чиқарувчига субсидия кўринишида қўшимча даромад беради), яъни бу билан солик ва субсидияларни икки бор ҳисобга олади. Бошқа ҳолатларда баҳолар монополистик амалиёти таъсирида, уларнинг давлат томонидан тартибга солиниши, бож тўловлари ҳамда бошқалар таъсирида мувозанат даражасидагидан фарқ қилиши, яъни хатоли бўлиши мумкин.

Иқтисодий таҳлилда баҳоларни тозалаш учун ҳисоблаб топилган, яъни бошқача айтганда, яширин (соядаги) баҳолардан фойдаланилади. Яширин баҳоларни аниқлашда ички бозорда баҳолар юқорида келтириб чиқарувчи омиллар мавжуд бўлмаган пайтда қандай бўлар эди, деган шартга асосланилади. Яширин баҳоларни аниқлашнинг энг оддий услуби жаҳон баҳоларини олиб, бир неча усувларни қўллаган ҳолда, сумда қайта ҳисоблаб чиқишидир.

Буни мисолда тушунтирамиз.

Мисол: Айтайлик, инвестицион лойиҳанинг муҳим элементи экспорт товари бўлган дизель ёқилғиси бўлсин. Унинг 1 тоннасининг биржа баҳоси Ўзбекистонда т даврда 20000 сўмни ташкил этсин. Дизель ёқилғисининг «яширин» баҳосини аниқлаймиз.

1. 1 тонна дизель ёқилғиси учун ФОБ (Франко-борт, ингл. Free on board) жаҳон баҳосини оламиз ва уни жорий алмашинув курси (айтайлик 1\$ қ 86 сўм) бўйича сўмга айлантирамиз  $250 \text{ \$} \times 86 \text{ қ} 21500 \text{ сўм}$ .

2. Алмашинув курсини белгилаш пайтида унга (солик шаклларидан бири бўлган) бож тўловлари катта таъсир ўтказганини ҳисобга олиб, ҳисоб-китобимизга тузатиш киритамиз. Бундай тузатиш тузатиш ўтказиш коэффициенти деб юритилади. Уни товарлар гурухи бўйича (бу маҳсус ўтказиш коэффициенти дейилади) ҳамда барча товарлар бўйича (ўтказишнинг стандарт коэффициенти) ҳисоблаб топиш мумкин. Соддалик учун ўтказишнинг стандарт коэффициентидан фойдаланамиз:

$$R_{ct} = \frac{(I_{cif} + E_{fob})}{(I_{cif} + C_t) + (E_{fob} + C_E)}$$

Бу ерда:  $I_{cif}$  - импорт СИФ (Қиймат, суғурта, фрахт –ингл. cost, insurance, freight);

$E_{fob}$  – экспорт ФОБ;

$C_t$  - импорт божи;

$C_E$  - экспорт божи.

Агар ўтказишнинг ҳисоб-китоб йўли билан аниқланган стандарт коэффициенти т давр учун 0,8 га тенг бўлса, у ҳолда бизнинг мисолимизда:

$$21500 \times 0,8 = 17200 \text{ сўм}$$

3. 1 тонна дизель ёқилғисини ташиб келтириш харажатларини 8000 сўм деб олсак:

$$17200 + 8000 = 25200 \text{ сўм}$$

Бу ўта соддалаштирилган мисол бўлиб, амалиётда яширин баҳоларни аниқлаш анча мураккаб ҳисоб-китобларни талаб қиласи.

Лекин шу мисолнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, яширин баҳони ҳисоблаб топишда биз мамлакат олдида дизель ёқилғисидан бизнинг инвестицион лойиҳамиз учун фойдаланишга муқобил бўлган йўл, яъни уни экспорт қилиш имконияти бор, деган шартга таяндик.

Бу муқобилликка асосланган ёндашувни (лекин юқорида келтирилган услугни эмас) жаҳон баҳоси бўлмаган товарларнинг, яъни ер, ишчи кучи, турли хизматлар ва ҳоказоларнинг «яширин» баҳоларини ҳисоблаб топишда ҳам кўллаш мумкин.

Агар фирма лойиҳани ўз ерида амалга ошираётган бўлса ва шунинг учун ҳам молиявий таҳлил жараёнида ернинг қиймати харажатларга деярли киритилмаса, у ҳолда иқтисодий таҳлилда «яширин» баҳони:

а) маҳаллий ер бозоридаги шунга ўхшаш майдонларнинг қиймати асосида;

б) агар бундай бозор бўлмаса, у ҳолда шунга ўхшаш майдонларнинг ижара баҳоси асосида;

в) ижарага берилган шунга ўхшаш майдонлар бўлмаса, у ҳолда шу ердан олиниши мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати асосида аниқланади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

Нима учун жамият нуқтаи назаридан қараганда лойиҳа маҳсулотини сотиш ёки ресурсларини сотиб олиш баҳолари доим ҳам харажатлар ва даромадларнинг мақбул даражасини кўрсата олмайди?

Иқтисодий таҳлилда яширин (соядаги) баҳолардан фойдаланишадан мақсад нима?

Яширин баҳоларни аниқлашнинг энг оддий услубини тушунтириб беринг.

Агар фирма лойиҳани ўз ерида амалга ошираётган бўлса ва шунинг учун ҳам молиявий таҳлил жараёнида ернинг қиймати харажатларга деярли киритилмаса, у ҳолда иқтисодий таҳлилда «яширин» баҳони нима асосда аниқланади?

**4-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари ва муаммолари хақида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

Манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услубларини била олади.

Манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари ва муаммоларини тушунтира олади.

**4-савол баёни:** Лойиҳадан олинадиган манфаат (фойда)ни доим ҳам тўлиқ миқдорий баҳолаш мумкин эмас. Масалан, лойиҳа натижасида йўл ҳаракати хавфсизлиги ёки тиббиёт хизмати яхшиланиши туфайли аҳоли соғлиғи яхшиланишини баҳолаш жуда қийин. Агар лойиҳа умумий фойдаланиш учун қулайлик яратса (тозалаш иншоотлари, жамоат марказлари), олинадиган манфаатни алоҳида истеъмолчининг тўлашга тайёрлиги тўғрисидаги маълумотга асосланиб баҳолаб бўлмайди. Ресурслар худудий тақсимланишининг яхшиланиши, мамлакат ичидаги (миллий) интеграциянинг кучайиши каби лойиҳадан олинадиган бир қанча ўлчаб бўлмайдиган манфаатлар мамлакат ичida ресурсларни жойлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Олинадиган фойдани миқдорий ўлчаш мумкин бўлмаган, ёки уларни сифат жиҳатдан қисмангина баҳолаш мумкин бўлган ҳолларда бошқача ёндашувлар қўлланилади. Бундай ёндашувлардан бирига лойиҳа натижасида унинг яроқлилигини таъминлайдиган фойда-манфаатлар минимумини олиш эҳтимолини таҳлил қилиш керак. Иккинчи ёндашув у ёки бу хизматни кўрсатиши учун бажарилиши шарт деб ҳисобланган, илгаридан ўрнатилган физик ёки қиймат меъёрларига асосланиш ҳисобланади (масалан, йўлга асфалт ётқизиш харажатлари 1 км га X сўмдан ортмаслиги керак, биринчи ёрдам кўрсатувчи пунктгача бўлган масофа У км. дан ошмаслиги зарур).

Ўлчаш муаммолари тармоқлар бўйича фарқ қиласди. Масалан, таълим, соғлиқни сақлаш ва умумий овқатланиш соҳаларида даромадга асосланган манфаат мезонлари яроқсиз бўлиб қолади, яъни улардан фойдаланиб бўлмайди.

Бу ҳолларда ёки энг кам харажатлар услубидан ёки техник кўринишдаги муаммолар учун (масалан, мактаб қуриш учун қулай меъёрларни аниқлашда) харажатлар самарадорлиги услубидан фойдаланиш мумкин.

Харажатлар самарадорлиги таҳлили бир неча муқобил варианлардан қўйилган вазифа бажарилишини таъминлайдиган энг арzon лойиҳани танлаб олиш учун қўлланилади.

Баъзи ҳолларда манфаатлар фақат физик кўринишда бўлади ва шу сабабли уларни молиявий харажатлар билан таққослаб бўлмайди. Бундай ҳолларда юкоридаги услубларни қўллашдан бошка имкон ҳам бўлмайди.

Харажатлар самарадорлиги таҳлили қўйилган вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўлини танлаш учун қўлланилади. Бу таҳлилга лойиҳага қилинадиган барча харажатларни тегишли яширин баҳолар асосида калькуляция қилиш ва уларнинг келтирилган қийматини топиш учун олинган харажатлар оқимини дисконтлаш киради.

Бу тадбир лойиҳани амалга оширишнинг барча варианлари бўйича ўтказилади. Кўзда тутилган натижаларга энг ки чик дисконтланган харажатлар билан ёки маҳсулот бирлигига энг кам харажатлар билан эришишни таъминлайдиган лойиҳа энг яхши ҳисобланади. Бу мезон барча лойиҳалар лойиҳа мақсадини сифат жиҳатларидан бир хилда қондиради, деган шартга асосланади. Агар лойиҳа бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатида фарқ бўлса, энг маъқул вариантни аниқлашда бу ҳол кўзда тутилмоғи лозим.

### ***Истеъмол тежами***

Кўпгина инвестиция лойиҳалари натижасида истеъмол товарлари ва хизматларининг баҳолари пасаяди. Чунки бундай лойиҳалар таъминотни яхшилайди ва товарлар тақчиллигига барҳам беради (масалан, йўлларнинг яхшиланиши йўл харажатларини пасайтиради). Баҳолар пасайишидан истеъмолчилар манфаат кўрадилар, чунки лойиҳани амалга ошириши натижасида тежалган ресурслардан бошка мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Истеъмол тежами — истеъмолчи товар ва хизмат учун тўлашга тайёр бўлган сумма – ҳақиқатдан сарфланган сумма. Истеъмол тежами қўшимча маҳсулот фақат унинг баҳоси пасайтирилган шароитда сотилгандагина пайдо бўлади. Бундай вазият кўпроқ тартибга солинадиган бозорлар учун хос. Масалан, коммунал хизмат, электр таъминоти ва ҳоказо. Айрим ҳолларда пайдо бўлган истеъмол тежамини аниқлаш осон бўлсада, кўпинча буни (масалан, умумий электр тармоғига уланган завод учун ўз электростанциясидан олинган қиммат электр энергиясидан воз кечиши ҳисобига олган тежамни) ҳисоблаш анча қийин бўлади.

Амалиётда олинган истеъмол тежами эътиборга олинмайди ва лойиҳадан олинган манфаат (ҳисоблаш осон бўлган) истеъмолчилардан олинадиган

тўловларга тейглаштирилади. Аммо истеъмол тежами тақисодий манфаатнинг муҳим қисми бўлганлиги туфайли, уни ҳисобга олмаслик лойиҳадан олинадиган самарани анча кам қилиб кўрсатишга олиб келади.

Агар истеъмол тежами инг такрибий миқдорини олишга ҳам имкон бўлмаса, лойиҳа вариантларини таққослаётганда бу ҳол эътиборда тутилиши керак. Айрим лойиҳаларни амалга ошириш натижасида «ЛОЙИҲАСИЗ» ҳолатга нисбатан маҳсулот ҳажми шунчалик кўпаядики, у баҳоларнинг пасайишига олиб келади. Бундай ҳолларда пасайган баҳолардан фойдаланиш қўшимча маҳсулотдан келадиган иқтисодий манфаат етарлича баҳоланмаслигига сабаб бўлади (чунки истеъмолчилар у учун кўпроқ тўлашга тайёр эдилар). «ЛОЙИҲАСИЗ» ҳолатга нисбатан лойиҳа натижасида баҳолар пасайиши истеъмол тежамини оширади ва бу ҳол иқтисодий таҳлилда эътиборга олиниши лозим. Одатда, бу фикрлар товарлар ва хизматлар умумий тақлифини кескин ўзгартиришга қодир бўлган жуда йирик лойиҳаларга нисбатан тегишли бўлгандагина аҳамиятга эга бўлади.

### ***Ташқи самаралар***

Лойиҳанинг лойиҳа доирасида харажатларга ҳам, манфаатларга ҳам кирмайдиган, шу туфайли молиявий ҳужжатларида акс этмайдиган натижалари ташқи самаралар, деб аталади. Аммо бундай самаралар жамиятнинг бошқа аъзоларига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатса ёки мамлакат олдида турган мақсадларга эришишга хизмат қилса, уларни иқтисодий таҳлилда ҳисобга олиш зарур.

Ташқи харажатларга мисол тариқасида тўғонлар қурилиши натижасида экин майдонларининг сув остида қолиши, атроф-муҳитнинг ифлослантирилиши, сугориш тизимининг аҳоли соғлиғига ва балиқчилик хўжаликларига таъсирини, ташқи манфаатларга — ўқитиш жараёнида олинган билимларни келтириш мумкин.

Янги технологияларни қўллаш учун бир лойиҳа бўйича ускуналарни импорт қилиш иккинчи лойиҳа учун бу жараёнлар арzon ва осон кечишига олиб келиши мумкин. Бунга биринчи лойиҳада иштирок. этган мутахассисларни жалб этиш орқали эришилади. Ташқи манфаатларга, шунингдек, таълим даражаси ортиши натижасида туғилиш суръатларининг пасайишини, транспорт тизимининг ривожланиши натижасида ишчи кучи харакатчанлигининг кучайишини ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Лойиҳаларнинг барча ташқи самараларини ҳисобга олиб ўлчаб бўлмайди, шу сабабли уларнинг энг муҳимларини ҳисобга олиш ҳамда ички самаралар қаторига киритишга ҳаракат қилиш зарур. Масалан, тўғон қурилиши ер ости сувлари сатҳи кўтарилишига олиб келса, лойиҳага дренажлар қуриш вазифасини ҳам киритиш зарур.

Айрим лойиҳаларнинг ташқи самараси таркибига халқаро самара ҳам киради. Масалан, экспортни оширишга қаратилган лойиҳа натижасида маҳсулот баҳоси жаҳон бозорида пасайиши мумкин. Бундан импорт қилувчилар манфаат кўрса, шу турдаги маҳсулотни экспорт қилувчи бошқа давлатлар зарар кўрадилар ва ҳоказо. Иқтисодий таҳлилда асосан мамлакат ичидағи манфаат ва харажатларгина кўриб чиқилади. Халқаро лойиҳаларда эса барча иштирокчи давлатларнинг фойда-заарлари ҳисобга олиниши лозим.

### ***Муҳокама учун саволлар:***

1. Нима учун лойиҳадан олинадиган манфаат (фойда)ни доим ҳам тўлиқ миқдорий баҳолаш мумкин эмас?

2. Олинадиган фойдани миқдорий ўлчаш мумкин бўлмаган, ёки уларни сифат жиҳатдан қисмангина баҳолаш мумкин бўлган ҳолларда қандай ёндашувлар кўлланилади?
3. Ўлчаш муаммолари тармоқлар бўйича қандай фарқ қиласди?
4. Харажатлар самарадорлиги таҳлили нима учун қўлланилади?
5. Истеъмол тежами нима?
6. Ташқи самаралар ҳақида сўзлаб беринг.

#### **Назорат саволлари:**

1. Иқтисодий таҳлил вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва молиявий таҳлилдан фарқи нимада?
3. Яширин баҳолар нима? Иқтисодий таҳлилда нима учун яширин баҳолардан фойдаланилади?
4. Манфаат ва харажатларни ўлчаш муаммоларига изоҳ беринг.
5. Истеъмол тежами нима?
6. Ташқи самара, жумладан, халқаро самаранинг моҳияти нимада?

#### **Мавзуу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

Иқтисодий таҳлилда яширин баҳоларни аниқлаш.  
Манфаат ва харажатларни ўлчаш.

#### **Керакли адабиётлар:**

Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўкув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-56-67 б.  
Ишмухамедов А.Э., +осимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев +.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўкув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –114-124 б.

## 12-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИДА ТАВАККАЛ ХАВФИ ТАҲЛИЛИ

**Фанни ўқитиши технологияси:**  
**“ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИДА ТАВАККАЛ  
ХАВФИ ТАҲЛИЛИ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик  
харитаси**

Т/р	Босқичлар ва баҳариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p><b>Тайёрлов босқичи:</b></p> <p><b>1.1.Дарс мақсади:</b> Талабаларда инвестиция лойихаларида таваккал хавфи таҳлилни аҳамияти ва моҳияти тўғрисида тушунча ҳосил қилдириш</p> <p><b>1.2.Идентив ўқув мақсадлари:</b></p> <p>1.2.1.Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини била олади.</p> <p>1.2.2.Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини таҳлил қила олади.</p> <p>1.2.3.Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолашни таҳлил қила олади.</p> <p><b>1.3.Асосий тушунча ва иборалар:</b> таваккал хавфи, иш билан боғлиқ таваккал хавфи, молиявий бозор тасодифи хавфлари, аҳолининг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлган молиявий хавф, фоиз хавфи, ижтимоий хавфлар, техник хавфлар, экологик хавфлар.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> маъруза.</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> сухбат, маъруза-хикоя, баҳс, тақдимот ва видеоусул.</p> <p><b>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> расмлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p><b>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p><b>2.1.</b> Мавзу эълон қилинади.</p> <p><b>2.2.</b> Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 20 минут
3	<p><b>Гурухда ишлаш босқичи:</b></p> <p><b>3.1.</b> Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p><b>3.2.</b> Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p><b>3.3.</b> Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p><b>3.4.</b> Умумий хulosага келинади.</p>	Ўқитувчи-талаба. 40 минут
4	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p><b>4.1.</b> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Инвестиция лойихалари билан боғлиқ таваккал хавфи деганда нимани тушунасиз?</li> <li>• Таваккал хавфи турларини изоҳлаб беринг.</li> <li>• Оддий ва мураккаб хавфларни тушунтириб беринг.</li> <li>• Таваккал хавfinи босқичма-босқич баҳолаш тартиби қандай?</li> <li>• Иқтисодий ва молиявий хавфга изоҳ беринг.</li> <li>• Социал хавф ва техниковий хавф моҳияти нимада?</li> </ul> <p><b>4.2.</b> Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

5	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p><b>5.1.</b> Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p><b>5.2.</b> Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p><b>5.3.</b> Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	<p><b>Ўқитувчи, 10 минут</b></p>
---	---	--------------------------------------

### **Кўриб чикиладиган асосий саволлар:**

- 1.Инвестицияларда таваккал хавфи даражаси.
- 2.Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолаш

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** таваккал хавфи, иш билан боғлиқ таваккал хавфи, молиявий бозор тасодифи хавфлари, аҳолининг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлган молиявий хавф, фоиз хавфи, ижтимоий хавфлар, техник хавфлар, экологик хавфлар.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

Инвестиция учун қанчалик кўп четдан қарз жалб этилса, молиявий шунчалик хавф кўпаяди. Бу фикрни асослаб беринг.  
Ҳар бир босқичда ўзига хос таваккал хавфи бўлиб, уларни босқичма-босқич баҳолаш ва барчасининг йифиндисини топиш керак. Буни қандай амалга оширилади?

**1-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестицияларда таваккал хавфи даражаси ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини била олади.
- 1.2. Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини таҳлил қила олади.

**1-савол баёни:** Инвестициялашда таваккал хавфи деганда инвестиция даромадларининг кўзда тутилган миқдоридан камайиш ҳолати тушунилади. Даромадларнинг ўзгариши шкаласи қанчалик кенг бўлса, инвестициялашда таваккал хавфи даражаси шунчалик юқори бўлади. Инвестициялашда таваккал хавфи манбалари бир-бири билан жуда боғлиқ бўлганлиги сабабли уларнинг қайси бири даромадга қанчалик таъсир этганлигини аниқлаш жуда мушкул. Инвестициялашда таваккал хавфининг (кейинчалик хавф деб юритилади) асосий турлари: иш билан боғлиқ таваккал хавфи, молиявий бозор тасодифи хавфлари, аҳолининг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлган молиявий хавф, фоиз хавфи ва бошқалар хисобланади.

Иш билан боғлиқ таваккал хавфи келаётган даромадларнинг ҳамма инвесторлар билан ҳисоб-китоб қилишга етиши кафотланганлигидир. Бундай ҳолатда жами даромад инвестиция харажатларини қоплай олмайди. Албатта, давлат (айрим мамлакатларда) бундай ҳолатда харажатларнинг маълум бир қисмини ўз зиммасига олади. Асосан бу хавф бизнес билан боғлиқ бўлади. Молиявий хавф деганда ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлар компенсациялари натижасида келиб чиқадиган хавф тушунилади.

Инвестиция учун қанчалик кўп четдан қарз жалб этилса, молиявий шунчалик хавф кўпаяди. Бу хавфнинг ошиши асосан корхоналар қарз берувчи инвесторлар ўз вақтида фоиз тўловлари тўлашга иложсизлиги оқибатидан келиб

чиқади. Белгиланган, яъни вақти аниқ кўрсатилган қарзлар ёки қарз фоизлари лойиҳа ишга тушмасдан, даромад ҳали келмаган вақтдан бошлаб тўланиши керак. Корхоналарнинг бундай қарзларни тўлай олиш қобилияти йўқлиги молиявий хавфни туғдиради.

Аҳолини товарлар сотиб олиш қобилиятининг пасайиши билан боғлик бўлган хавф асосан таклиф инфляцияси вақтида бўлади. Бу даврда пул бирлигининг харид қобилияти пасаяди. Айrim қимматбаҳо қоғозлар белгиланган вақтда инвесторга фойда келтиришни кўзда тутганлиги учун айrim ҳолларда фоиз хавфига эга бўлади. Кўп ҳолларда қимматбаҳо қоғозларнинг курслари олдинги курсларга нисбатан ўзгариб туради. Натижада қимматбаҳо қоғозлар чиқарган компаниялар белгилаб қўйилган фоизларни бера олмайдилар. Бу жараён қимматбаҳо қоғозларнинг бозор баҳолари тез-тез ўзгариб турishi натижасида вужудга келади.

Ликвидлик хавфи корхоналарнинг акцияларни керакли вақтда кўзда тутилган суммага сотишга имконияти бўлмай қолишини англатади. Агар кеча 1000 долларга акция сотиб олган бўлсангиз, бугун уни 800 долларга сотасиз, бундай акция юқори ликвидли эмас.

Бозор хавфи деганда бу даромадларни қимматбаҳо қоғозлар курси ўзгариши эмас, балки иқтисодий-ижтимоий воқеалардан келиб чиқадиган хавф тушунчаларидир. Масалан, Яқин Шарқда уруш келиб чиқиш хавфи қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган акциялар ҳамда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришга боғланган акциялар курсига таъсир этади. Тасодиф хавфи тўсатдан вужудга келадиган хавф бўлиб, инвестиция натижаларига жуда тез таъсир этади. Бунга иккита йирик компаниянинг бирбирига кўшилиши ва бошқалар мисол бўла олади.

Умуман, хавфларни баҳолашга уч хил йўналишда ёндашиш мумкин. Анъянавий ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартирадиган ёки унинг тузилмасига салмоқли ўзгартириш киритадиган инвестицияларни жорий этиш билан боғлик лойиҳаларни қабул қилишда айrim ҳолларда старт даврини мукаммал таҳлил қилмаслик натижасида яратиладиган маҳсулотга етарли харидор топа олмаслик ҳоллари вужудга келиши мумкин. Бунда, албатта, мукаммал вариантларни чуқур ўрганиш керак.

Ҳар хил муқобил вариантлар мавжуд бўлмаган ҳолларда олдиндан маълум тадбирларни амалга ошириш керакки, улар хавфни йўқотишга қаратилган бўлсин. Навбатдаги ёндашув асосан оддий лойиҳаларни ўз ичига олади. Бу лойиҳаларда маълум хавф мавжуд. Масалан, лойиҳани вужудга келтириш даврида ўртacha кўрсаткичлардан фойдаланамиз, лекин кейинчалик бу кўрсаткичлардан маълум чекиниши вужудга келиши мумкин. Мана шу йўналишларни мисолда кўриб чиқамиз.

Лойиҳада темир-бетон заводи қуриш кўзда тутилган дейлик. Завод аҳоли яшайдиган микрорайонда бўлиб, у ердан автотрасса ўтиши кўзда тутилган. Завод қурилиши трассага яқин жойда бўлади. Завод қурилиши учун 5 млрд. сўм маблағ ажратилган. Бу завод ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажми 2 млрд. билан 4 млрд.сўм орасида бўлади. Лойиҳанинг яшаш даври 5 йил, бу вақтдан сўнг завод сотиб юборилади. Заводнинг қолдиқ баҳоси автотрасса қурилиши даври билан боғлик бўлиб, 1 млрд. билан 3 млрд. сўм орасидадир. Агар завод қурилгандан кейинги биринчи йили автотрасса қурилиши ҳақида қабул қилинмаса, унинг қолдиқ қиймати 3,5 млрд. сўм. Дисконтнинг қабул қилинган ставкаси 10% ва иккита вариантда маҳсулот сотиши ҳажми 0,5 млрд ёки 1,5 млрд. сўм бўлади. Буни вариантлар бўйича аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$NPV = [ \sum NP_t / (1+k) + RV / (1+k) ] - I$$

Бу ерда:  $NP_t$  - соф фойда ва амортизация суммаси;

$RV$ - қолдиқ қиймат.

Қўйилган масала бир неча вариантда ечилиши мумкин:

- йўл қурилишининг иккита варианти (1-қурилди, 0-қурилмади);
- маҳсулот ҳажмининг иккита варианти (2 млрд. сўм ва 4 млрд. сўм).

Биринчисининг эҳтимоллиги 0,3, иккичисиники эса 0,7;

- заводни сотишнинг икки варианти (1-биринчи йилдан кейин ёки 2-беш йилдан кейин);

- 5 йилдан сўнгги заводнинг тугатилиш баҳоси (1 млрд. сўм ва 3 млрд. сўм), эҳтимоллиги мос равиша 0,4 ва 0,6 ни ташкил этади.

Агар айтайлик, шу вариантларни комбинация қилсак, 720 вариант вужудга келади. Йўл қурилишининг мавжуд ҳолдаги вариантларини 4 рақамли сонлар билан кодлаб чиқамиз. Коднинг ҳар бир позициясидаги рақам вариантнинг тавсифини билдиради. 1 рақами билан бошланувчи барча кодлар йўл қурилишини кўзда тутувчи вариантлардир. Маълум сабабларга кўра, 0 рақами билан бошланувчи биргина вариант мавжуд. Бу вариантга кўра, йўл қурилмайди ва завод бир йилдан сунг сотилиши керак. Шу сабабларга кўра, қўйида йўл қурилиши билан боғлиқ беш вариант кўрсатилган:

1. 1210 - маҳсулот сотиш ҳажми 2 млрд. сўм - завод биринчи йилдан сўнг сотилади.

2. 1251 - маҳсулот сотиш ҳажми 2 млрд. сўм - завод 5 йилдан кейин сотилади, қолдиқ баҳоси 1 млрд. сўм.

3. 1253 - маҳсулот сотиш ҳажми 2 млрд. сўм - завод 5 йилдан сўнг сотилади, қолдиқ баҳоси 3 млрд. сўм.

4. 1410 - маҳсулот сотиш ҳажми 4 млрд. сўм - завод биринчи йил сотиб юборилади.

5. 1451 - маҳсулот сотиш ҳажми 4 млрд. сўм - завод беш йилдан кейин сотилади, қолдиқ баҳоси 1 млрд. сўм.

6. 1453 - маҳсулот сотиш ҳажми 4 млрд. сўм - завод 5 йилдан кейин сотилади, қолдиқ баҳоси 3 млрд. сўм.

#### **Ҳар бир вариантни баҳолаш учун соф жорий қиймат формуласидан фойдаланамиз.**

##### **1251- вариант бўйича соф жорий қиймат ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	Жами
1. Фойда	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	
2. Қолдиқ қиймати	-	-	-	-	1,0	
3. Дисконт коэффициенти	1,1	1,21	1,331	1,464	1,61	
4. Соф фойда	0,454	0,413	0,375	0,341	0,310	1,893
5. Келтирилган қолдиқ сумма СІ					0,621	0,621
6. Келтирилган сумма						2,514
7. Соф жорий қиймат (6-катор)						-2,486
Инвестициялар) 2,514—5 қ - 2,486						

Шунга ўхшаш бошқа беш вариант учун ҳам соф келтирилган қиймат ҳисобланади.

#### **Лойиҳани амалга ошириш вариантлари бўйича маълумотлар**

Вариантлар коди	Соф жорий қиймат	Эҳтимоллик
1210	- 1,364	0,3

1251	- 2,486	0
1253	- 1,245	0
1410	- 0,454	0
1451	1,307	0,28
1453	2,546	0,42
0	0	1

Жадвалда кўрсатилган манфий варианtlарнинг барчаси зарар кўриладиган варианtlардир. Дастлабки уч варианtnинг барчасида сотиш ҳажми 2 млрд. сўм. 141-вариантда эса сотиш ҳажми 4 млрд. сўм ва агар шу вақтгача йўл қурилиши тўғрисида қарор қабул қилинмаса, завод ишга тушгандан бир йил сўнг сотилади. Сотиш ҳажми 4 млрд. сўмдан ортгандан сўнггина лойиҳа самарали бўлади. 1451 ва 1453-варианtlарни амалга оширилиш эҳтимоли юқоридаги жадвалда кўрсатилган ва қўйидагicha:

1451 учун:  $0,7 \times 0,4 = 0,28$ ;

1453 учун:  $0,7 \times 0,6 = 0,42$  да.

Жадвалдаги маълумотлар ёрдамида, ушбу лойиҳага маблағ сарфлашда ҳисобга олиниши зарур бўлган барча варианtlар бўйича соф келтирилган қийматни топиш мумкин.

$$NPV = 0,3 * (-1,364) + 0,28 * 1,307 + 0,42 * 2,546 = 1,026$$

### **Муҳокама учун саволлар:**

Инвестициялашда тавакkal хавфини тушунтириб беринг.

Иш билан боғлиқ тавакkal хавфи ҳақида маълумот беринг.

Нима учун инвестиция учун қанчалик кўп четдан қарз жалб этилса, молиявий шунчалик хавф кўпаяди?

Аҳолини товарлар сотиб олиш қобилиятиning пасайиши билан боғлиқ бўлган хавфни тушунтириб беринг.

Ликвидлик хавфи деб нимага айтилади?

Бозор хавфи деганда нимани тушунамиз?

Хавфларни баҳолашга қандай йўналишда ёндашиш мумкин?

**2-савол бўйича дарс мақсади:** Талабаларда инвестицияларда тавакkal хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолаш тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Инвестицияларда тавакkal хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолаш услугуни ўргана олади.

2.2. Инвестицияларда тавакkal хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолашни таҳлил қила олади.

**2-савол баёни:** Лойиҳа амалга киргунга қадар ҳар хил босқичлардан ўтади. Ҳар бир босқичда ўзига хос тавакkal хавфи бўлиб, уларни босқичма-босқич баҳолаш ва барчасининг йиғиндисини топиш керак. Олдинги мавзулардан маълумки, лойиҳа қўйидаги босқичлардан иборат:

- лойиҳани вужудга келтиришдан олдинги, тайёрлаш босқичи;
- қурилиш: иншоот, ускуналар қуриш, қурилиш учун зарур бўлган материалларни сотиб олиш ва уларни монтаж қилиш;
- лойиҳа асосида вужудга келтирилган объектни ишга тушуриш ва уни тўлиқ кувватга олиб чиқиш ҳамда шу асосда фойда олиш.

Ҳамма ҳисоб-китоблар икки мартадан, яъни:

- 1) лойиҳани вужудга келтириш пайтида;
- 2) лойиҳанинг хавфли элементлари аниқлангандан кейин амалга оширилади.

Ўз таъсир кучи бўйича таваккал хавф (риск)лари оддий ва мураккаб бўлади. Оддий хавфлар бир-бири билан боғлиқ бўлмаган хавфлардир. Лойиҳани вужудга келтириш даврида ҳамма хавфларнинг рўйхатини тузиб улардан ҳар бирининг хавфлардаги салмоғини аниқлаб олиш керак. Айтилган ҳолларни қўйидаги бир мисолда кўриб чиқамиз:

Ҳар бир экспертга эҳтимолли хавфлар устида чуқур таҳлил ишларини олиб бориш топширилади ва уларга қўйидаги баҳолаш тизимидан фойдаланиш тавсия этилади:

- 0 - хавф йўқ деб қабул қилинган;
- 25 - хавф асосан юзага чиқмайди;
- 50 - бу ҳолат ҳали ҳеч қандай мулоҳаза юритишга асос бўла олмайди;
- 75 - ҳар қалай хавф ўз кучини кўрсатса керак;
- 100 - хавф юзага чиқса керак.

Экспертлар баҳоларининг бир-бирига зид келмаслиги қўйидаги қоидаларга кўра таҳлил қилинади:

1- қоида: иккита экспертнинг фикри орасидаги фарқ 50 дан ошиши керак эмас.  $\text{Max } |a_i - b_i| \leq 50$

Бу ерда: а ва б иккита экспертнинг фикри.

Агар экспертлар сони учта бўлса, биринчи ва иккинчи, биринчи ва учинчи, иккинчи ва учинчи экспертлар фикрининг натижаси олинади. Масалан, алоҳида оддий хавф бўйича учта эксперт қўйидагича фикр берди  $a=0, b=25, c=50$ , бунда  $ab=25; ac=50; bc=25$  бу натижалар биринчи қоида талабларини қониқтиради.

2 - Қоида. Агар экспертлар қўп бўлса ҳамда уларнинг фикрлари бир-биридан тубдан фарқ қилса, қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\sum_{i=1}^n |a_i - b_i| / N \leq 25$$

Мисол: 3 та эксперт А,В,С қўйидаги лойиҳа баҳосини берди: А (100,75,50,25); В (75,75,75,75); С(25,50,75,100).

$$AB[(100-75) + ((75-75) + 50 - 75) + (25-75) / 4 = 100 / 4 = 25.$$

Худди шундай  $AC=50$  ва  $BC=25$  топилади. Агар юқоридагидек экспертларнинг фикри бир-биридан фарқ қилса, унда маҳсус мутахассислар йиғилишида бу масала ўрганилади. Айтилик, лойиҳа мақсади жамоа хўжалиги ҳудудида акциядорлик жамияти сутни қайта ишлайдиган корхона вужудга келтиришдан иборат. Хом ашё базаси корхона атрофидаги фермер хўжалиги хисобланади. Корхона ўз маҳсулотини яқинда жойлашган шаҳарда сотади. Корхонада йирик музлатгич бўлиб, у авария бўлса атроф-муҳитни аммиак билан ифлослашга олиб келиш эҳтимоли бор. Хавф даражасини аниқлаш учун 3 та эксперт чақирилган. 1-эксперт акционерлик жамияти директори; 2-эксперт маҳаллий раҳбар; 3-эксперт пенсионер.

### Таваккал хавфини босқичма-босқич баҳолаш

Оддий хавфлар	1 – эксперт	2- эксперт	3- эксперт	Ўртача $V_i$	Аҳамият-лилик $P_i$
1	2	3	4	5	6
<b>ТАЙЁРЛОВ БОСКИЧИ</b>					
1. Муҳандислик тармокларидан ложиҳанинг узок-якинлиги	25	0	25	17	3

2. Маҳаллий раҳбарларнинг лойиҳага муносабати	25	0	50	25	1
3. Кўшимча ишларнинг мавжудлиги	0	0	0	0	3
<b>ҚУРИЛИШ БОСҚИЧИ</b>					
1. Буюртмачининг ҳақ тўлаш имконияти	0	25	50	25	1
2. Кўзда тутилмаган харажатлар, шу жумладан, инфлация натижасида	75	75	100	78	1
3. Қурилишга зарур бўлган ускуналарни ўз вақтида етказмаслик хавфи	50	50	50	50	3
4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб бермаслик хавфи	50	75	75	67	3
5. Муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчиларни ўз вақтида тайёрлашнинг	0	0	0	0	2
6. Қурилишни бажарадиган пурратчиларнинг ишга лоқайдилик	75	25	50	50	3
<b>ЭКСПЛУАТАЦИЯ БОСҚИЧИ</b>					
Иқтисодий ва молиявий хавф					
1. Маҳсулотга бўлган талабнинг барқарор эмаслиги	25	25	50	33	3
2. Муқобил маҳсулотнинг пайдо бўлиши	75	25	50	50	3
3. Рақобатчилар томонидан маҳсулот баҳосининг пасайтирилиши	75	50	25	50	3
4. Рақобатчилар маҳсулот миқдорини	25	0	0	8	3
5. Соликларнинг оширилиши хавфи	25	25	50	33	3
6. Истемолчиларнинг ҳақ тўлолмаслик	25	0	0	8	1
7. Хом ашёни ва транспорт хизмати баҳоларининг ошиши хавфи	100	75	100	90	3
8. Етказиб берувчиларга боғлиқлик хавфи	25	0	25	17	3
9. Ўз айланма маблағларининг етмаслиги	100	100	100	100	1
<b>ИЖТИМОИЙ ХАВФЛАР</b>					
1. Малакали ишчилар билан таъминлашни	0	0	25	8	3
2. Иш ташлаш хавфи	100	75	75	83	1
3. Маҳаллий раҳбарларнинг муносабати	50	25	100	58	3
4. Иш ҳақи етарли эмаслиги хавфи	100	50	75	75	2
5. Кадрлар малакаси	25	25	50	33	3
<b>ТЕХНИК ХАВФЛАР</b>					
1. Хом ашё ва материаллар сифатининг барқарор эмаслиги	25	0	25	17	3
2. Технологиянинг янгилик даражаси	50	25	50	41	3
3. Технология етарли даражада ишончли	75	50	75	67	2
4. +ўшимча қувватларнинг йўқлиги хавфи	25	0	0	8	3
<b>ЭКОЛОГИК ХАВФЛАР</b>					
1. Атроф-мухитга чиқинди чиқариш хавфи	50	75	50	58	3
2. Ишлаб чиқаришнинг заарлиги хавфи	0	25	0	8	3

Биринчи босқич бўйича, яъни тайёрлов давридаги хавфлар бўйича маълум бўладики, иккинчи эксперт оптимист, учинчи эксперт эса пессимист. Бу, албатта, келгусида тўғри қарор қабул қилишга ижобий таъсир кўрсатади. Юқоридаги келтирилган хавфлардан ташқари қуидаги хавфлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни тайёрлов босқичига киритиш мумкин:

- транспортдан узоқда жойлашганлиги;
- муқобил хом ашё манбалариға эга ёки эга эмаслиги;
- қурилишга доир бўладиган юридик ҳужжатларни тайёрлаш;
- обьектни бошқаришни ташкил этиш билан боғлик бўлган хавфлар.

Буларни юқоридаги хавфларга қўшиш учун муқобил жавоблар бўлиши керак. Агар экспертларнинг фикрлари бир жойдан чиқса, унда буларни қўшиш шарт эмас. Юқоридаги жадвалда экспертлар томонидан баҳолангандек хавф даражасининг дастлабки натижалари қайд этилган. Ҳар бир хавфнинг жами хавфдаги вазни ёки бошқача айтганда аҳамияти эксперталар томонидан эмас, балки лойиҳани вужудга келтирувчилар томонидан белгиланган. Бизнинг мисолимизда таваккал хавфини туғдирувчи сабаблар аҳамиятига кўра, учга бўлинган. Бир босқичга кирувчи ҳамда турли устуворликларга тегишли таваккал хавфларининг жами таваккал хавфида ҳисобга олинадиган вазни турлича бўлади. Бир босқичга кирувчи 1- ва 3-аҳамиятлилик орасидаги нисбат 10 га teng деб олсак ва учинчи аҳамиятлиликни x билан белгиласак, биринчи аҳамиятлилик  $10x$  га, иккинчи аҳамиятлилик эса  $5,5 * x = (10+1) * x / 2$  га teng бўлади.

Шу асосда юқоридаги жадвални қўшимча материаллар ёрдамида қўйидаги шаклга келтирамиз:

### **Таваккал хавфини босқичма-босқич ҳисоблаш**

Оддий хавфлар	Ўртач а Vi	Аҳамият- лилик	Wi	Pi
<b>Тайёрлов босқичи</b>				
1. Муҳандислик тармоқларидан лойиҳанинг узоқ-яқинлиги	17	3	0,01	0,2
2. Маҳаллий раҳбарларнинг лойиҳага муносабати.	25	1	0,10	2,5
3. Кўшимча ишларнинг мавжудлиги	0	3	0,01	0
Ўртacha эҳтимоллик				2,7
1. Буюртмачининг ҳақ тўлаш имконияти	25	1	0,10	2,5
2. Кўзда тутилмаган харажатлар, шу жумладан, инфляция натижасида	78	1	0,10	8,3
3. Курилишга зарур бўлган ускуналарни ўз вақтида етказмаслик хавфи	50	3	0,01	0,7
4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб бермаслик хавфи	67	3	0,01	0,5
5. Муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчиларни ўз вақтида тайёрлашнинг кечикиши хавфи	0	2	0,055	0
б. Курилишни бажарадиган пурратчиларнинг ишга	50	3	0,01	0,5
Ўртacha эҳтимоллик				12,5

### **ЭКСПЛУАТАЦИЯ БОСҚИЧИ**

Иқтисодий ва молиявий хайф				
1. Маҳсулотга бўлган талабнинг барқарор змаслиги	33	3	0,01	0,3
2. Муқобил маҳсулотнинг пайдо бўлиши	50	3	0,01	0,6
3. Рақобатчилар томонидан маҳсулот баҳосининг	50	3	0,01	0,4
4. Рақобатчилар маҳсулот миқдорини ошириши хавфи	8	3	0,01	0,1
5. Соликланнинг оширишиши хавфи	33	3	0,01	0,3
б. Истеъмолчиларнинг ҳақ тўйломаслик хавфи	8	1	0,10	0,8
7. Хом ашё ва транспорт хизмати баҳоларининг ошиши	90	3	0,01	0,9

8. Етказиб берувчиларга боғлиқлик хавфи	17	3	0,01	0,2
9. Ўз айланма маблағларининг етмаслиги хавфи	100	1	0,1	10
Ўртacha эҳтимоллик				13,6

### **ИЖТИМОЙ ХАВФЛАР**

1.Малакали ишчилар билан таъминлашни эплай	8	3	0,01	0,1
2. Иш ташлаш хавфи	83	1	0,10	8,3
3. Маҳаллий раҳбарларнинг муносабати	67	3	0,01	0,7
4. Иш ҳақи етарли эмаслиги хавфи	75	2	0,055	4,1
5. Кадрлар малакаси	33	3	0,1	0,3
Ўртacha эҳтимоллик				13,5

### **ТЕХНИК ХАВФЛАР**

1. Хом ашё ва материаллар сифатининг барқарор	17	3	0,01	0,2
2. Технологиянинг янгилиги даражаси	41	3	0,01	0,4
3. Технология етарли даражада ишончли эмаслиги	67	2	0,055	3,7
4. Қўшимча қувватларнинг йуқлиги хавфи	8	3	0,01	0,1
Ўртacha эҳтимоллик				4,4

### **ЭКОЛОГИК ХАВФЛАР**

1. Атроф-муҳитга чиқинди чиқариш хавфи	58	3	0,01	0,6
2. Ишлаб чиқаришнинг заарлиги хавфи	8	3	0,01	0,1
Ўртacha эҳтимоллик				0,7

Жадвал таҳлили шуни кўрсатадики лойиҳани тайёрлов даврида вужудга келадиган хавф 2,7% ни ташкил этди. Ижтимоий хавф даражаси 14 фоиз экан.

Таваккал хавфини комплекс баҳолашдан олдинэксплуатация босқичидаги хавфларни бирлаштириб оламиз.

### **Эксплуатация босқичи таваккал хавфи**

Таваккал хавфи тури	Таваккал хавфи
Молиявий-иқтисодий	<b>13,6</b>
Социал	<b>13,5</b>
Техник	<b>4,4</b>
Экологик	<b>0,7</b>
<b>ЖАМИ</b>	<b>32,2</b>

Энди барча босқичлар бўйича таваккал хавфини бир жадвалга тўплаймиз.

### **Босқичлар бўйича хавфлар даражаси**

Босқичлар бўйича хавфлар даражаси	Хавф
Лойиҳанинг тайёрлов босқичига хос хавфлар	2,7
Қурилиш босқичидаги хавфлар	12,5
Эксплуатация босқичидаги хавфлар	32,2
<b>ЖАМИ</b>	<b>47,4</b>

Бу лойиҳа хавфи 47,4 фоизни ташкил этди. Шунинг учун таваккал қилишдан олдин чукур ўйлаб кўриш керак. Таваккал хавфларининг

аҳамиятлилиги орасидаги нисбат ўзгартирилса ҳам натика тахминан шундай чиқади:

Нисбат	100	10	5	3
Хавф өхтимоллиги	52,7	47,4	47	44,9

Хавф асосан жуда муҳим бўлган омиллардан ташкил топади. Бизнинг мисолимизда булар қуидагилар:

Ўз айланма маблағи етишмаслилиги хавфи - 10,0%; иш ташлаш хавфи 8,3%; кузда тутилмаган харажатлар шу жумладан инфляция 8,3%. Бу учта омилга ярмидан қўпроқ - 26,6% хавф тўғри келади. Агар шу хавфларни бартараф қила олсак, унда лойиҳани инвестициялаш мумкин бўлади. Юқорида қайд этилган хавфлардан ташқари белгиланиши қийин бўлган ёки умуман аниқлаб бўлмайдиган хавфлар ҳам мавжуд. Бунга ҳар хил табиий оғатлар, ҳукумат сиёсатининг ўзгариши кабилар киради.

### **Мухокама учун саволлар:**

Ҳар бир босқичда қандай хавфлар бўлиши мумкин?

Ўз таъсир кучи бўйича таваккал хавфлари қандай гуруҳларга бўлинади?

Экспертлар баҳоларининг бир-бирига зид келмаслиги учун қандай қоидаларга риоя қилиш керак?

Мисолда эксперт фаолиятини кўрсатиб беринг.

Таваккал хавфини қандай босқичма-босқич ҳисобланади?

### **Назорат саволлари:**

1. Инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ таваккал хавфи деганда нимани тушунасиз?
2. Таваккал хавфи турларини изоҳлаб беринг.
3. Оддий ва мураккаб хавфларни тушунтириб беринг.
4. Таваккал хавфини босқичма-босқич баҳолаш тартиби қандай?
5. Иқтисодий ва молиявий хавфга изоҳ беринг.
6. Социал хавф ва техникавий хавф моҳияти нимада?

### **Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:**

Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини аниқлаш.

Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолаш.

### **Керакли адабиётлар:**

1. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили (Ўқув қўлланма). –Т.: «Шарқ», 2003.-133-152 б.
2. Ишмуҳамедов А.Э., Қосимов М.С., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2004. –125-136 б.

## **1-амалий машғулот: ЛОЙИХА ТАҲЛИЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР**

**Дарс мақсади:** Лойиха таҳлили билан боғлиқ иқтисодий концепциялар тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Инвестицияларнинг моҳияти, асосий турлари ва тузилишини била олади.
- 1.2. Макроиқтисодий назарияда инвестицияларнинг талқинини тушунтира олади.
- 1.3. Инвестициялар таҳлилида асосланадиган асосий иқтисодий концепцияларни аниқлаб олади.
- 1.4. Инвестиция сиёсатининг моҳияти ва йўналишларини била олади.
- 1.5. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишларини фарқлай олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф тахтаси.

### **Ишни бажариш тартиби:**

1. Инвестицияларнинг моҳияти, асосий турлари ва тузилишини билиш.
2. Макроиқтисодий назарияда инвестицияларнинг талқинини тушунтириш.
3. Инвестициялар таҳлилида асосланадиган асосий иқтисодий концепцияларни аниқлаш.
4. Инвестиция сиёсатининг моҳияти ва йўналишларини таҳлил қилиш.
5. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишларини фарқига бориш.

### **Мустақил иш топшириклари**

#### **1-топшириқ. Қуйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга тегишилигини аниқланг:**

- А.** Инвестициялар деганда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаётган қувватларни сақлаб туриш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш, фойда олиш ҳамда (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий каби) бошқа якуний натижаларга эришиш мақсадида турли дастурлар ёки алоҳида тадбирга (лойиха)ларга сарфланадиган маблағ тушунилади.
- Б.** Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қилинадиган инвестициялар.
- В.** Инвестициялар хажмидаги у ёки бу манба улуси мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, мамлакатдаги даромадлар даражасига, ижтимоий тузилмага, амалга оширилаётган иқтисодий вазифалар, иқтисодий сиёsat стратегиясига боғлиқ.
- Г.** Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан даромадлар.
- Д.** Бунда чет эллик ҳамкор мамлакатга кредит беради ва шу кредит ҳисобига қуриладиган обьектлар учун лицензия, ускуналар ва машиналар сотиб олади.
- 2-топшириқ. Тестларни ечиш**
1. Инвестиция тушинчаси Ўзбекистон Республикаси қайси қонунида таъриф бериб ўтилган.

- А) «Инвестиция түғрисида»ги қонун  
 Б) «Ижара түғрисида»ги қонун  
 В) «Хусусийлаштириш түғрисида»ги қонун  
 Г) «Инвестиция фаолияти түғрисида»ги қонун
2. Молиявий моҳиятига кўра инвестиция- бу
- А) даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланган ва жалб қилинган пул  
 Б) даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланган пул  
 В) даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланган барча турдаги воситалар  
 Г) ҳамма жавоблар тўғри
3. \_\_\_\_\_ портфель инвестициялари дейилади.
- А) Қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицилар  
 Б) Физик активларга қилинадиган инвестициялар  
 В) Асосий воситаларгга қилинадиган инвестициялар  
 Г) Ҳамма жавоблар тўғри
4. \_\_\_\_\_ реал инвестициялар дейилади.
- А) Қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицилар  
 Б) Физик активларга қилинадиган инвестициялар  
 В) Асосий воситаларгга қилинадиган инвестициялар  
 Г) Ҳамма жавоблар тўғри
5. Ишлаб чиқариши кенгайтиришга қилинган инвестицияларда тавваккал хавфи янги ишлаб чиқаришга қилинган инвестицияларга қараганда \_\_\_\_\_
- А) пастроқ              Б) юқорироқ              В) teng              Г) тўғри жавоб йўқ
6. Инвестициялар манбаларига кўра
- А) ички ва ташқи        Б) давлат        В) ички ва давлат        Г) ташқи ва давлат
7. Макроқтисодий мувозанатга эришишнинг муҳим шарти
- Бунда: Е-фоиз ставкаси; I-Инвестициялар; R- банк фоиз ставкаси;
- S- Жамғармалар
- А)  $E=RI$               Б)  $I=S$               В)  $R=IS$               Г)  $SI=ER$
8. Инвестицияларга талаб функцияси
- А)  $I=E-dR+ny$               Б)  $I=dR+ny$               В)  $I=E-dR$               Г)  $I=ny+R$
9. Пул тушумлари ўз ичига қайсиларни олади.
- А) Асосий фаолият бўйича              Б) Инвестициялар бўйича  
 В) Молиявий операциялар бўйича        Г) Ҳамма жавоблар тўғри
10. Пул тушумларини аниқлаш формуласи
- А)  $PT=MPT-(ЖХ-А)-FT-Стул$               Б)  $PT=MPT-FT-Стул$   
 В)  $PT=MPT-(ЖХ-А)$               Г)  $PT=MPT-Стул$
11. Лицензия турлари
- А) Оддий лицензиялар              Б) Фавқуллодда лицензиялар  
 В) А-Б              Г) Тўлиқ лицензиялар
12. Инвестиция сиёсати бу,
- А) Инвестиция манбаларини шакллантириш  
 Б) Инвестицияларни устувор соҳаларга жалб қилиш  
 В) Инвестицияларни самарали ўзлаштириш учун кўриладиган чора тадбирлар мажмууаси  
 Д) Ҳамма жавоблар тўғри
13. Реал активларга маблағ сарф қилишнинг мақбул варианtlарини танлаш ва асослаб бериш
- А) Асосий фаолият бўйича  
 Б) Инвестициялар бўйича  
 В) Инвестицияларни самарали ўзлаштириш учун кўриладиган чора тадбирлар мажмууаси

Д) Ҳамма жавоблар тұғри

**3-топшириқ. Тушириб қолдирилған сүзларни түлдириңг.**

а) Бухгалтер ёндашувига кўра, фирма фаолиятининг якуний натижасини солиқлар түлагандан кейин фирмада ихтиёрида қолган\_\_\_\_\_ ташкил этади.

- А) соф даромад
- Б) ялпи даромад
- В) реализациядан тушум
- Г) тақсимланмаган фойда

б) Молиячи ва иқтисодчи ёндашувига кўра, якуний натижага на фақат фирмада ихтиёрида қолган\_\_\_\_\_, балки фойдаланилиши меъёрий хужжатлар билан чеклаб қўйилган, аммо пировардидаги фирманинг умумий бойлигига кўшилиб, уни кўпайтирадиган пул маблағлари ҳам киради.

- А) соф даромад
- Б) ялпи даромад
- В) реализациядан тушум
- Г) тақсимланмаган фойда

**4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг**

А) Пул тушумлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

Б) Фирманинг пул чиқимлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- нақд пул эвазига сотишдан олинган пул тушуми;
- (ссудалар ва облигациялар бўйича мажбуриятларни сўндиришга;
- пул ўтказиш йўли билан сотишдан олинган пул тушумлари;
- фоизлар ва дивидендлар тўлашга;
- қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан даромадлар;
- асосий капитални монтаж қилишга.
- шуъба корхоналар ва хориждан тушумлар;
- асосий капитални сотиб олишга;
- активларни сотишдан келадиган тушумлар.
- суғурта тўловлари.
- қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушумлар;
- солик тўловлари;
- қарзлар;
- хом ашё ва материаллар учун тўловлар;
- иш ҳақи тўловлари;
- хом ашё ва материаллар учун тўловлар;

**5-топшириқ. Тўғри/нотўғри**

1. Инвестициялар деганда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаётган қувватларни сақлаб туриш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш, фойда олиш ҳамда (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий каби) бошқа якуний натижаларга эришиш мақсадида турли дастурлар ёки алоҳида тадбирга (лойиха)ларга сарфланадиган маблағ тушунилади.

- Инвестициялар ўз ичига фойда (даромад) олиш ва ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига сарфланган пул маблағларини олади.
- Қимматбаҳо қоғозларга қилинадиган инвестициялар реал инвестициялари, физик активларига қилинадиган инвестициялар эса портфель инвестициялар, деб аталади.
- Инвестициялар ҳажмидаги у ёки бу манба улуши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, мамлакатдаги даромадлар даражасига, ижтимоий тузилмага, амалга оширилаётган иқтисодий вазифалар, иқтисодий сиёsat стратегиясига боғлик.
- Пул тушумлари ва чиқимлари ўртасидаги фарқ, яъни соф пул тушумлари фирма бойлиги ошишини таъминловчи соф пул қолдигидир.
- Молиячи ва иқтисодчи ёндашувига кўра, фирма фаолиятининг якуний натижасини солиқлар тўлагандан кейин фирма ихтиёрида қолган соф даромад ташкил этади.
- Бухгалтер ёндашувига кўра, якуний натижага нафақат фирма ихтиёрида қолган соф даромад, балки фойдаланилиши меъёрий хужжатлар билан чеклаб қўйилган, аммо пировардида фирманинг умумий бойлигига қўшилиб, уни қўпайтирадиган пул маблағлари ҳам киради.

## **2-амалий машғулот: ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**Дарс мақсади:** инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг услугий асослари тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- Инвестиция лойиҳаларини танлашда молиявий-иқтисодий баҳолашнинг ролини била олади.
- Дисконтлаш ҳақида тушунча пайдо қила олади.
- Аннуитетнинг келгуси қиймати бўйича мисоллар еча олади.
- Аннуитетнинг жорий қийматига доир масаллар ечимини била олади.
- Рента қийматини тушунтира олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф тахтаси.

### **Ишни бажариш тартиби:**

- Инвестиция лойиҳаларини танлашда молиявий-иқтисодий баҳолашнинг ролини тушунтириш.
- Дисконтлаш ҳақида тушунча пайдо қилиш.
- Аннуитетнинг келгуси қийматини аниқлаш.
- Аннуитетнинг жорий қийматини ҳисоблаш.
- Рента қийматини тушуниш.

**Мустақил иш топшириқлари**

## **1-топшириқ. Қуйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга**

### **тегишлилигини аникланг:**

- A.** Лойиханы маблағ билан таъминлайдиган инвестор ўртача фойда меъридан кам бўлмаган рентабеликка эришса.
- B.** Инвестиция лойихаларини баҳолашнинг маҳсус услублари вужудга келишига сабаб, пул маблағлари қийматининг вақт давомида ўзгариб туришидир.
- В.** Бугун инвестиция қилинаётган маблағларнинг келгусидаги қийматини ҳисоблаш жараёни дисконтлаш деб юритиладиган молиявий ҳисоб-китобларнинг бир кўринишидир.
- Г.** Инвестиция лойихаларини асослаб бериш ва таҳлил қилишнинг асосини бугун қилинадиган (жорий) харажатлар билан келгусида олинадиган пул тушумлари (пул оқимлари)ни таққослаш ташкил этади

## **2-топшириқ. Тестларни ечиш**

1. Жорий қиймат формуласи тўғри кўрсатилган жавобни топинг
  - A) жорий қиймат\*(1+k)<sup>n</sup>
  - Б) (1+k)<sup>n</sup>\*CF<sub>t</sub>
  - В) келгуси қиймат1/(1+k)<sup>n</sup>
  - Г) (1- 1/(1+k)<sup>n</sup>)
3. 2. Келгуси қиймат формуласи тўғри кўрсатилган жавобни топинг
  - A) жорий қиймат\*(1+k)<sup>n</sup>
  - Б) (1+k)<sup>n</sup>\*CF<sub>t</sub>
  - В) келгуси қиймат\*1/(1+k)<sup>n</sup>
  - Г) (1- 1/(1+k)<sup>n</sup>)
4. 3. Оддий аннуитетнинг келгуси қиймати формуласи тўғри кўрсатилган жавобни топинг
  - A) жорий қиймат\*(1+k)<sup>n</sup>
  - Б) (1+k)<sup>n</sup>\*CF<sub>t</sub>
  - В) келгуси қиймат\*1/(1+k)<sup>n</sup>
  - Г) (1+k)<sup>n</sup>-1/k
5. 4. Оддий аннуитетнинг жорий қиймати формуласи тўғри кўрсатилган жавобни топинг
  - A) (1- 1 /(1+k)<sup>n</sup>) / k
  - Б) (1+k)<sup>n</sup>\*CF<sub>t</sub>
  - В) келгуси қиймат\*1/(1+k)<sup>n</sup>
  - Г) (1- 1/(1+k)<sup>n</sup>)
6. 5. Қуйидаги кўрсатилган формулалардан қайси бири дисконтлаш формуласига тегишили
  - A) PV<sub>n</sub> = FV<sub>n</sub>/(1+k)<sup>n</sup>
  - Б) (1+k)<sup>n</sup>\*CF<sub>t</sub>
  - В) келгуси қиймат\*1/(1+k)<sup>n</sup>
  - Г) (1- 1/(1+k)<sup>n</sup>)
7. 6. Рента қийматини кўрсатинг
  - A) PV<sub>n</sub>=FV<sub>n</sub> / (1+k)<sup>n</sup>
  - Б) (1+k)<sup>n</sup>\*CF<sub>t</sub>
  - В) келгуси қиймат\*1/(1+k)<sup>n</sup>
  - Г) PMT=PV \* k
8. 7. Чекланмаган инвестицияларнинг жорий қиймати
  - A) PV<sub>n</sub>=FV<sub>n</sub> / (1+k)<sup>n</sup>

- Б)  $(1+k)^n * CF_t$   
 В)  $PV = PMT_1 / (k-q)$   
 Г)  $PMT = PV * k$

### 3-топшириқ. Тушириб қолдирилган сўзларни тўлдиринг.

а) Инвестиция натижасида бунёд бўлган объект неча йил амал қилишига қарамасдан бу ҳисоблаш усулининг мазмуни \_\_\_\_\_.

- А) ўзгаради  
 Б) ўзгармайди  
 В) ўсади  
 Г) камаяди  
 б) Инвестиция лойҳаларини \_\_\_\_\_ жараёнида, баъзида, энг кўп қанча миқдорда маблағ сарфлаш мумкин, деган саволга жавоб беришга тўғри келади.  
 А) баҳолаш  
 Б) тайёрлаш  
 В) тасдиқлаш  
 Г) эксплуатация

### 4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.

- Жорий қиймат формуласи тўғри кўрсатилган жавобни топинг  
 - Келгуси қиймат формуласи тўғри кўрсатилган жавобни топинг  
 А) жорий қиймат $*(1+k)^n$   
 Б) жорий қиймат $*(1+k)^n$   
 В)  $(1+k)^n * CF_t$   
 Г) келгуси қиймат $1/(1+k)^n$   
 Д) келгуси қиймат $1/(1+k)^n$   
 Е)  $(1 - 1/(1+k)^n)$   
 Г)  $(1 - 1/(1+k)^n)$

### 5-топшириқ. Тўғри/нотўғри

Товарларнинг реализация қилинишидан келган даромадлар сарф этилган харажатларни қопламаса.

Лойиҳани маблағ билан таъминлайдиган инвестор ўртacha фойда меъёридан кам бўлмаган рентабеликка эришмаса.

Инвестор учун маъқул келадиган давр ичida харажатлар қопланмаса.

### 6-топшириқ. Масалалар.

**А)** Сиз 5 йилга \$12 000 ни 12% йиллик ставка билан мураккаб фоизлар билан ҳисобланадиган қарз олдингиз. Фоизлар қарз қолдиғига ҳисобланади. Қарзни бир хил суммада ҳар йилни охирида қайтариш керак. Биринчи икки йил давомида асосий қарздан қанча суммасини қайтариш мумкин.

**Б)** Сиз 6 йилга \$15 000 ни 10% йиллик ставка билан мураккаб фоизлар билан ҳисобланадиган қарз олдингиз. Фоизлар қарз қолдиғига ҳисобланади. Қарзни бир хил суммада ҳар йилни охирида қайтариш керак. Аниқланг: учинчи йилда қанча фоиз тўланади?

**В)** Сиз 5 йилга \$10 000 ни 8% йиллик ставка билан мураккаб фоизлар билан ҳисобланадиган қарз олдингиз. Фоизлар қарз қолдиғига ҳисобланади. Қарзни бир хил суммада ҳар йилни охирида қайтариш керак. Тўланадиган фоизларни умумий суммасини аниқланг.

### **З-амалий машғулот: ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ**

**Дарс мақсади:** Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг асосий усуслари тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг моҳияти ва услубларини била олади.
- 1.2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган услублари ҳисоблаб олади.
- 1.3. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услубларини қўллаб олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф тахтаси.

#### **Ишни бажариш тартиби:**

1. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг моҳияти ва услубларини билиш.
2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган услублари ҳисоблаш.
- 1.3. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услубларини қўллаш.

#### **Мустақил иш топшириқлари**

##### **1-топшириқ. Қуйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга тегишлилигини аниқланг:**

- A. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда инвестицияларни баҳолашнинг турли лойиҳаларга қўйилган маблағларнинг фойдалилигини таққослашга асосланган усуслари кўп қўлланилади.
- B. Ҳар қандай корхона ёки фирма ўз бойликларини оширишга ҳаракат қиласди.
- B. Ҳар хил вақтда сарфланган маблағлар бир хил қийматга эга бўлмайди.
- Г. Лойиҳаларнинг ҳаёт даври чекланмаган ҳолатларда NPVни ҳисоблашда Горден формуласидан фойдаланилади.
- Д. IRR лойиҳа бўйича инвестициялашдан олинган соф тушумларнинг дисконтланган қиймати инвестицияларнинг дисконтланган қийматига teng бўлишини таъминловчи коэффициентdir.

##### **2-топшириқ. Тестларни ечиш**

1. Агар инвестицион лойиҳани бошланғич инвестицияси 1 000 000 сўм. Унинг ҳаёт цикли давридаги соф молиявий тушумларини келтирилган (дисконтлаштирилган) қиймати 1000000 сўм ва капитал қиймати 20% ни ташкил этса, лойиҳа даромадини ички ставкаси (IRR)ни ҳисобланг?
- А) 15%                    Б) 20%                    В) 11%                    Г) 15,5%            Д) 10%
2. Қуйидаги масала шартидан 2,3,4,5 ва 6 тестларга жавоб б ериш учун фойдаланинг. Инвестицион лойиҳага асосий ва айланма маблағларига 2 000 000 сўм микдорида бошланғич инвестиция талаб қиласди. Ундан икки йил мобайнида йилига 1 500 000 сўмдан соф молиявий тушум келиши режалаштирилмоқда. Капитал қиймати 10%. Соф келтирилган қиймати нечага teng бўлади?

- A) 607 000      Б) 706 000      В) -2 000 000      Г) 0      Д) 1
3. Ўзини оқлаш даври неча йил эканлигини ҳисобланг?  
 А) 2,33      Б) 1      В) 1,33      Г) 4      Д) 2
4. Рентабеллик индексини ҳисобланг?  
 А) 2,3      Б) 1,3      В) 2      Г) 0,3      Д) 0
- 5. Даромадни ички ставкасини ҳисобланг?**  
 А) 35%      Б) 10%      В) 32%      Г) 50%      Д) 1
- 6. Даромадини ҳисоб ставкасини ҳисобланг?**  
 А) 20%      Б) 25%      В) 40%      Г) 50%      Д) 10%
7. Қуидаги масала шартидан 7,8,9,10,11,12 ва 13 тестларга жавоб бериш учун фойдаланинг. Қандалотчилик фирмасини очиш учун 10 000 000 сўм микдорида бошланғич инвестиция талаб қилинади. Бунда 30дан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш режалаштирилган. Сотишдан уч йил мобайнида йилига 4 000 000 сўмдан соф молиявий тушум олиш мўлжалланмоқда. Агар капитал қиймати 10% бўлса, соф келтирилган қийматини аниқланг?  
 А) 2 679 462      Б) 2 435 874      В) 2 400 000      Г) 3 000 000      Д) 4 000 000
8. Ўзини оқлаш даврини аниқланг?  
 А) 3 йил      Б) 4 йил      В) 2 йил      Г) 2,5 йил      Д) 1 йил
9. Даромадини ҳисоб ставкасини аниқланг?  
 А) 10%      Б) 20%      В) 30%      Г) 40%  
 Д) 50%
10. Даромадини ички ставкасини аниқланг?  
 А) 10%      Б) 32%      В) 22%      Г) 33%  
 Д) 44%
11. Рентабеллик индексини ҳисобланг?  
 А) 1,37      Б) 1,47      В) 1,57      Г) 1,27      Д) 1,0
12. Агар қўшимча равишда 2 000 000 сўм микдорида атроф муҳитни ифлосланишини камайтирувчи ускуналар талаб қилинса, унда соф келтирилган қиймат қандай ўзгарилиши мумкин?  
 А) 679 462      Б) 435 874      В) 400 000      Г) 1 000 000      Д) 2 000 000
13. Агар ҳар йилги соф молиявий тушумлар 3 154 708 сўмгача камайса, унда соф келтирилган қиймат қанчагача ўзгариши мумкин?  
 А) 500      Б) 0      В) -500      Г) 700      Д) 1 000

### 3-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.

Аммо бунда берилган минимал фоиз меъёрида (дисконт ставкасида) пул оқимларини дисконтлаш ўрнига фоиз меъёри (дисконт)нинг \_\_\_\_\_ни нолга тенг бўлишини таъминловчи микдори топилади.

- A) PI
- B) NPV
- C) IRR
- D) PP
- E) ROI

### 4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.

- A) IRR
- B) PP
- C) ROI
- D) PI

E) NPV

$$A) \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0$$

Б)

$$\left[ \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} \right] / I_0$$

$$B) 0 = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0$$

$$G) I_0 / \sum_{t=1}^n CF_t$$

$$D) EBIT (1 - C) / [(Ka.y.b.-Ka.y.o):2]$$

### 5-топшириқ. Тұғри/нотұғри

- Хар қандай инвестиция лойиҳасини молиявий-иктисодий баҳолаш мазмунини жуда содда саволга, яғни келгусидаги пул тушумлари ҳозирги қилинган харажатларни қоплайдими ёки йүқми, деган саволга жавоб топиш ташкил этади.
- Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда инвестицияларни баҳолашнинг турли лойиҳаларга қўйилган маблағларнинг фойдалиигини таққослашга асосланган усуллари кўп қўлланилмайди.
- Бунда у ёки бу лойиҳага инвестиция қилишнинг муқобил варианти бошқа обьектларга маблағ сарфлаш, шунингдек, маблағларни маълум фоиз билан банкка қўйиш ёки уларни қимматли қофозларга айлантириш имкониятлари ҳисобланади.
- Шу нуқтаи назардан қараганда, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш услублари деганда харажатларнинг қопланилмаслиги нуқтаи назаридан турли обьектларга (loyiҳalарга, тадбирларга) инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш усуллари тушунилади.
- Инвестициялар самарадорлигини аниқлашда, уларнинг айрим жиҳатларинигина характерлайдиган алоҳида кўрсаткичлардан фойдаланиш етарли бўлмайди.
- Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш учун бир неча услублар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

### 6-топшириқ. Масалалар.

- Номинали \$1000 ва купон ставкаси йиллик 9% ли облигацияни жорий қийматини аниқланг. Қоплаш муддати 3 йил, бозор фоиз меъёри 7%.
- Икки лойиҳа бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Лойиҳа А		Лойиҳа Б	
Даромадлилик,%	Эҳтимоллик	Даромадлилик,%	Эҳтимоллик
12	0,2	12	0,4
15	0,3	15	0,3
18	0,4	16	0,2
19	0,1	35	0,1

- Инвестор портфели қуйидаги қимматбаҳо қофозлардан иборат:

Актив	Умумий бозор қиймати
Бета	
A	\$50 000

B	10 000	
0,9		
C	25 000	1,1
D	8 000	1,2
E	7 000	1,7

Таваккалчиликсиз қимматбаҳо қоғозларни даромадлилиги 7%, бозор даромадлилиги ўртача – 14%. Ҳисобланг: (а) бета портфель; (б) портфель даромадлилиги.

4. Муддатсиз облигацияни жорий қийматини ҳисобланг, агар унга тўланадиган йиллик даромад 100 минг сўм ва бозор даромадлилиги – 12%.
5. Сиз купонсиз давлат облигациясини номинали \$5000 сотиб олдингиз. Қоплаш муддати 25 йил. Унинг жорий қийматини ҳисобланг, агар банк фоиз ставкаси 15% бўлса.
6. Купони ноль бўлган облигацияни жорий қийматини аниқланг, номинали 100 000 сўм, қоплаш муддати 12 йил, агар фоиз меъёри 12% бўлса.
7. Номинали 100 000 сўм ва дивиденд фоизи 9% бўлган имтиёзли акцияни жорий қийматини аниқланг, агар бозор фойда меъёри 12% бўлса.
8. «А» компаниясини охирги тўланган дивиденди \$7 тенг, дивиденларни йиллик ўсиш суръати 3%. Компания акциясини жорий қиймати қанча, агар дисконтлаш коэффициенти 12% бўлса.
9. Номинали \$500, ҳар ярим йилда фоиз ҳисобланадиган, купон ставкаси 10% бўлган облигацияни қоплаш муддати 6 йилдан кейин. Уни жорий қиймати қанча, агар бозор фойда меъёри 12% бўлса.

#### **4-амалий машғулот: ЛОЙИХА ТАҲЛИЛИ КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Дарс мақсади:** Лойиҳа таҳлили концепцияси тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

##### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. “Лойиҳа” тушунчаси, лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари била олади.
- 1.2. Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичлари фарқига бора олади.
- 1.3. Лойиҳа таҳлилиниң моҳияти ва вазифалари аниқлаб олади.
- 1.4. Лойиҳа таҳлили тузилмасини била олади.
- 1.5. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестиция лойиҳалари билан танишиб олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф тахтаси.

##### **Ишни бажариш тартиби:**

1. “Лойиҳа” тушунчаси, лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятларини ўрганиш.
2. Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичларини кўриб чиқиш.
3. Лойиҳа таҳлилиниң моҳияти ва вазифаларини тушиниб олиш.
4. Лойиҳа таҳлили тузилмасини аниқлаш.
5. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестиция лойиҳалари.

##### **Мустақил иш топшириқлари**

## **1-топшириқ. Қуйидаги таърифлар қайси асосий түшунчаларга тегишлилигини аникланг:**

- А.** Тармоқларда яратилаётган объектлар шу қадар мураккабки, уларни амалга ошириш ишлари лойиха эмас, балки дастур доирасида олиб борилади.
- Б.** Кичик лойиха — кўламига кўра катта бўлмаган содда ва чекланган ҳажмдаги лойиха (қиймати 15 млн. АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар).
- В.** Мегалойиҳалар мақсадли дастурлар бўлиб, мақсадлар умумийлиги, ресурслар ва вақт бўйича ўзаро боғланган бир неча лойиҳани ўз ичига олади. Бундай лойиҳанинг қиймати 15 млн. доллардан 1 млрд. гача ёки меҳнат сиғими 20 млн. киши-соатидан кўп бўлади.
- Г.** Пухта ўйланган макроиқтисодий сиёsat юритаётган мамлакатларда инвестицияланган капиталлардан келадиган даромад анча юқори.
- Д.** Лойиҳа таҳлилининг етти бўлими лойиҳанинг барча жиҳатларини ҳар томонлама аҳолаш имконини беради.

## **2-топшириқ. Тестларни ечиш**

1. Лойиҳа таҳлилининг жабҳаларини кўрсатинг?

А) техникавий, тижорат, экологик, институционал, ижтимоий, молиявий ва иқтисодий

Б) техникавий ва тижорат

В) экологик ва институционал

Г) ижтимоий ва молиявий

Д) фойда ва харажатларнинг иқтисодий таҳлили

2. Инвестицион лойиҳани техник-иқтисодий асосланганлиги таҳлилни қайси бўлимини предмети хисобланади?

А) молиявий таҳлил

Б) иқтисодий таҳлил

В) техникавий таҳлил

Г) экологик таҳлил

Д) институционал

3. Лойиҳа маҳсулотига нарх ўрнатиш, сотиш бозорларини ўрганиш ва сотиш ҳажмини аниқлаш каби масалалар билан қайси таҳлил шуғулланади?

А) молиявий таҳлил

Б) иқтисодий таҳлил

В) техникавий таҳлил

Г) тижорат таҳлили

Д) институционал

4. Инвестицион лойиҳани атроф-муҳитга бўлган таъсирини аниқлаш ва уни камайтириш муаммоларини қайси таҳлил ўрганади?

А) молиявий таҳлил

Б) иқтисодий таҳлил

В) техникавий таҳлил

Г) экологик таҳлил

Д) институционал

5. Инвестицион лойиҳани хаёт цикли давридаги соф молиявий тушумларини келтирилган қийматини уни бошланғич инвестициясидан айирмаси қандай кўрсаткични ифодалайди?

А) даромадни ички ставкасини

Б) соф келтирилган қийматини

В) ўзини оқлаш даврини

Г) рентабеллик индексини

Д) даромадни хисоб ставкасини

6. Агар бўш пул маблағларини бирон бир инвестицион лойиҳага сарфлаш натижасида ушбу пулларни бошқа лойиҳага инвестициялашдан олиш мумкин бўлган фойдани йўқотиш қандай тушунча билан ифодаланади?

- А) йўқотилган имконият
- Б) муқобил қиймат
- В) қайтмас харажатлар
- Г) ўзгарувчан харажатлар
- Д) самарасиз харажатлар

7. Лойиҳани маҳаллий аҳолини урф-одатлари, динига ва эътиқодига тўғри келишини ўрганувчи бўлим бу . . .

- А) молиявий таҳлил
- Б) иқтисодий таҳлил
- В) техниковий таҳлил
- Г) экологик таҳлил
- Д) ижтимоий таҳлил

8. Инвестицион лойиҳани ташқи ва ички самарасини ўрганувчи таҳлил бўлими . . . хисобланади.

- А) молиявий таҳлили
- Б) фойда ва харажатларнинг иқтисодий таҳлили
- В) техниковий таҳлили
- Г) экологик таҳлили
- Д) институционал таҳлили

9. Лойиҳани амалдаги қонунчиликка мувофиқ келишини ўрганувчи таҳлил бу-?

- А) молиявий таҳлил
- Б) иқтисодий таҳлил
- В) техниковий таҳлил
- Г) экологик таҳлил
- Д) институционал таҳлил

10. Лойиҳани молиявий ҳолатини ва молиялаштириш манбаларини таҳлили . . . да ўтказилади.

- А) молиявий таҳлил
- Б) иқтисодий таҳлил
- В) техниковий таҳлил
- Г) экологик таҳлил
- Д) институционал таҳлил

### **3-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.**

Лойиҳа мақсади, таҳлил чизмаси ва режалаштириш барча манфаатдор томонларнинг ҳамкорлиги жараёнида мунтазам мувофиқлаштириб борилсагина, \_\_\_\_ ихтиёрида қолган лойиҳалар муваффакиятли амалга оширилиши мумкин.

- А) давлат
- Б) хусусий сектор
- В) кичик бизнес
- Г) якка тадбиркор
- Д) акционерлик жамият

### **4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.**

- 1) Инвестиция олди босқичи.
- 2) Инвестиция босқичи.
- 3) Эксплуатация босқичи.
  - а) дастлабки техник-иктисодий асослаш;

- б) инвестиция имкониятлари тўғрисида доклад.
- в) лойихалаштириш;
- г) маркетинг;
- д) қабул қилиш ва ишга тушириш;
- е) кенгайтириш, инновация.
- ж) инвестиция имкониятларининг таҳлил;
- з) техник-иктисодий асослаш;
- и) музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш;
- к) қуриш(қурилиш ишларини амалга ошириш);
- л) ходимларни ўқитиши.
- м) ускуналарни алмаштириш (янгилаш);

### **5-топшириқ. Тўғри/нотўғри**

Лойиха — чекланмаган вақт давомида ҳамда белгиланган бюджет билан олдинга қўйилган мақсадларга эришишга хизмат қилувчи ўзаро боғланган тадбирлар мажмуидир.

Тармоқларда яратилаётган объектлар шу қадар мураккабки, уларни амалга ошириш ишлари лойиха эмас, балки дастур доирасида олиб борилади.

Вақт бўйича чекланганлиги — лойихани ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муддатларининг чекланганлиги.

Лойиханинг концепциясини ишлаб чиқиш лойиханинг якуний мақсадлари ва бу мақсадларга эришиш йўлларини белгилашни ўз ичига олмайди.

Лойиха таҳлилининг етти бўлими лойиханинг барча жиҳатларини ҳар томонлама баҳолаш имконини беради.

### **5-амалий машғулот: ЛОЙИХАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ**

**Дарс мақсади:** Лойихаларни тайёрлаш тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. “Лойихаларни тайёрлаш” тушунчасига эга бўла олади.
- 1.2. Инвестиция лойихалари хужжатларини тайёрлаш босқичларини била олади.
- 1.3. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қила олади.
- 1.4. Лойихаларни бирламчи тайёрлаш масалаларини ўргана олади.
- 1.5. Лойихаларнинг охирги шаклланган варианти ва уни техник-иктисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллигини тушунтира олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойихалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф тахтаси.

#### **Ишни бажариш тартиби:**

1. “Лойихаларни тайёрлаш” тушунчасини билиш.
2. Инвестиция лойихалари хужжатларини тайёрлаш босқичларини ўрганиш.

3. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш.
4. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш масалаларини кўриб чиқиш.
5. Лойиҳаларнинг охирги шаклланган варианти ва уни техник-иктисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллигини аниқлаш.

### **Мустақил иш топшириқлари**

#### **1-топшириқ. Қўйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга тегишлилигини аниқланг:**

- А.** Корхонанинг инвестиция лойиҳасини корхона раҳбари ва унинг етук мутахассислари ишлаб чиқишиади.
- Б.** БМТнинг ЮНИДО номли бўлими томонидан чиқарилган бюллетенда инвестиция олди босқичини тўртта йўналишга бўлиб ўрганиш тавсия этилади.
- В.** Инвестиция олди босқичида муқобил варианtlарга эга бўлган бир неча лойиҳалар ўрганилади ва улардан самарадорлиги пастлари ёки самара бермайдиганлари чиқариб ташланади.
- Г.** Инвестиция лойиҳалари учун ғояларни қидириш ва улар орасида мақбулини танлаб олиш жуда мураккаб ҳамда масъулиятли вазифадир.
- Д.** Бизнес-режа истиқбол характерга эга бўлиб, уни камида 3 ёки 5 йил олдинга тузиш тавсия этилади.

#### **2-топшириқ. Тестларни ечиш**

1. Лойиҳа таҳлилининг турли бўлимлари доирасидаги тадқиқотлар лойиҳанинг ўзаро белгилаб олинган \_\_\_\_\_ларидан келиб чиқиб олиб борилиши мумкин.
  - А) қарор
  - Б) вазифа
  - В) усул
  - Г) назария
2. Лойиҳа таҳлилини ўрганаётганда неча бўлимга бўлиб ўрганилади?
  - А) 5
  - Б) 6
  - В) 7
  - Г) 8
3. Инвестиция лойиҳалари босқичи:
  - 1.Инвестиция олди босқичи
  2. Янгидан вужудга келган объектларни эксплуатация босқичи
  - 3.Инвестиция босқичи
  - А) 2 1 3
  - Б) 1 2 3
  - В) 1 3 2
  - Г) 3 2 1
4. БМТ нинг ЮНИДО номли бўлими томонидан ишлаб чиқарилган инвестиция олди босқичини нечта йўналишга бўлиб ўрганиш тавсия этилган?
  - А) 1
  - Б) 2
  - В) 3
  - Г) 4
5. Лойиҳани инвестициялаш учун умумий шарт шароитлар берилган қаторни топинг.
  - А) умумий иқтисодий шароитлар
  - Б) ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш

- В) импорт тузулмаси ва ҳажми  
Г) ҳамма жавоблар тўғри
6. Лойиҳаларнинг бирламчи тайёрлаш йўналишининг асосини қайси хужжат ташкил этади.
- А) концессия  
Б) бизнес режа  
В) лойиҳа режаси  
Г) техник иқтисодий режа
7. Қуйидаги фикрлардан қайси бири Бизнес режага тегишли?
- А) пул оқимини кўрсатадиган хужжат  
Б) инвестиция лойиҳаларини асослайдиган хужжат  
В) даромад ва харажатларни ҳисоблайдиган хужжат  
Г) ҳамма жавоблар тўғри
8. Лойиҳа бизнес режаси қуйидаги кўрсатилган масалалардан қайси бирини ечишга қаратилган
- А) кадрлар кўнимсизлигини баҳолаш ва ўрганишда  
Б) бозор сиғими ва унинг ривожланиш истиқболларини ўрганишда  
В) бозор кўламини ўрганишда  
Г) лойиҳа ҳаёт даврини ўрганишда
9. Лойиҳа бизнес режаси неча йилга тузилади?
- А) 3-5  
Б) 3-4  
В) 3-6  
Г) 3-7
10. Лойиҳада инвестиция асосий фондларини кенгайтириш ва реконструкцияга қилишга сарф этилишини кўрсатадиган режа
- А) лойиҳа кўлами  
Б) бизнес режа  
В) смета  
Г) калькуляция
11. Лойиҳанинг техник иқтисодий ва молиявий асослашдаги жиҳатини кўрсатинг.
- А) ахборот  
Б) тижорат  
В) харбий  
Г) саноат
12. Лойиҳанинг техник иқтисодий асослаш деганда нимани тушунасиз?
- А) лойиҳани якуний шакллантириш хусусиятлари  
Б) лойиҳани тайёрлаш ҳужжатларини мажмууни тайёрлаш  
В) лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлигини ва стандартлигини кўрсатадиган ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш  
Г) лойиҳа бўлимларининг тахминий тузилишини кўрсатадиган хужжат
13. Инвестиция олди ҳужжати бўлиб нима ҳисобланади?
- А) Бизнес режа  
Б) Техник иқтисодий асослаш  
В) Молиявий асослаш  
Г) Смета
14. Лойиҳани вужудга келтириш шарт шароитлари ва ғоясига нима киради?
- А) инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш  
Б) лойиҳаларни амалга ошириш графиги  
В) лойиҳанинг ташаббускорлиги  
Г) штат жадвали
15. Лойиҳани меҳнат ресурслари таркибига нима киради?
- А) инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш

Б) лойиҳаларни амалга ошириш графиги

В) лойиҳанинг ташаббускорлиги

Г) штат жадвали

16. Инвестиция лойиҳаларини молиявий таҳлили ва инвестицияларни баҳолашнинг таркибиға нима киради?

А) инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш

Б) лойиҳаларни амалга ошириш графиги

В) лойиҳанинг ташаббускорлиги

Г) штат жадвали

17. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг режалаштириш босқичига нима киради?

А) инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш

Б) лойиҳаларни амалга ошириш графиги

В) лойиҳанинг ташаббускорлиги

Г) штат жадвали

### **3-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.**

Лойиҳаларни \_\_\_\_\_ асослаш деганда уларнинг мақсадга мувофик эканлиги ва стандартлигини кўрсатадиган, ҳисобланадиган ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш тушунилади.

А) иқтисодий-ижтимоий

Б) молиявий

В) техник-иқтисодий

Г) техник

Д) молиявий-иқтисодий

### **4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.**

ТИА бўйлимларининг тахминий тузилмаси қўйида келтирилган:

1) Лойиҳаларни вужудга келтириши шарт-шароитлари ва гояси.

2) Бозор таҳлили ва маркетинг стратегияси:

3) Лойиҳани ресурслар билан таъминланганлиги:

4) Лойиҳалардаги объектларни жойлашадиган ўрни ва атроф-муҳит:

5) Лойиҳалаш ва технология:

6) Лойиҳалар кўрсатилган корхонани ташкил қилиши ва бошқа харажатлар:

7) Мехнат ресурслари:

8) Инвестиция лойиҳасини амалга оширишини режалаштириши:

9) Инвестиция лойиҳаларини молиявий таҳлили ва инвестицияларни баҳолаш:

1. Лойиҳа ташабbusлари.

2. Умумиқтисодий таҳлил.

3. Лойиҳа стратегияси асослари.

4. Маркетинг тармоқлари ва харажатлари.

5. Материалларга бўлган талабнинг ўзига хос хусусиятлари.

6. Материалларни етказиб бериш маркетинги.

7. Объект жойлашадиган жой таҳлили.

8. Атроф-муҳитнинг таъсирини баҳолаш.

9. Лойиҳаларнинг инфратузилмаси ҳолати.

10. Ишлаб чиқариш дастури ва қувватлар.

11. Лойиҳа учун технология сотиб олиш.

12. Лойиҳа учун керакли машиналар ва ускуналарни танлаш.

13. Техниковий хизмат кўрсатишга қўйиладиган талаблар.

14. Корхонани бошқаришни ташкил этиш.
15. Умумхўжалик ва умушишлаб чиқариш харажатлари.
16. Ходимларнинг тоифа бўйича меҳнат ресурсларига талаби.
17. Ходимларни ўқитиш-ўргатиш ва қайта тайёрлаш режаси.
18. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштиришнинг мақсади.
19. Лойиҳаларни амалга ошириш графиги.
20. Лойиҳалар молиявий таҳлилиниң мақсади ва вазифалари.
21. Лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услуги.

## **5-топшириқ. Тўғри/нотўғри**

Лойиҳаларнинг реал бўлиши учун, шунингдек, уларни тайёрлаш жараёнида эксперктарнинг хулосасини олиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан кейин инвестиция ҳақидаги фикрларни чукур ўрганиб чиқиш ва шу асосда бизнес-режани вужудга келтириш лозим.

Улар учун бундай лойиҳани амалга ошириш зарурати, корхона маҳсулотлари ҳозирча мавжуд талабни етарлича қондира олиши ёки шу тармоқ шу даврда устувор тармоқ эканлиги ҳам белгилаб берилади.

Молиявий манбалардаги ахборотлар етарли бўлишига қарамай, инвестор ўзича бирор қарорга келишдан хавфсирайди.

Бизнес-режа — инвестиция лойиҳаларини асосланмайдиган, лойиҳаларнинг имкониятларини белгиланмайдиган, даромад ва харажатларни ҳисоблайдиган, маблағ оқимини кўрсатадиган муҳим ҳужжатdir.

Лойиҳаларни техник-иқтисодий ва молиявий асослашда, унинг барча жиҳатлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни муқобил суръатда кўриб чиқиш фақат иқтисодчиларнинг қўлидан келади.

## **6-амалий машғулот: ТЕХНИК ТАҲЛИЛ**

**Дарс мақсади:** Техник таҳлил тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифалари ва таркибини била олади.
2. Лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг техник муаммолари. Мулк шакли. Лойиҳа кўлами билан танишиб олади.
3. Лойиҳаларни жойлаштириш ўрнини аниқлаб олади.
4. Харажатлардаги ўзгаришларни тушинтира олади.
5. Лойиҳаларни амалга ошириш ишларини била олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф тахтаси.

### **Ишни бажариш тартиби:**

1. Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифалари ва таркибини билиш.
2. Лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг техник муаммолари. Мулк шакли. Лойиҳа кўлами билан танишиш.

3. Лойиҳаларни жойлаштириш ўрнини аниқлаш.
4. Харажатлардаги ўзгаришларни тушинтириш.
5. Лойиҳаларни амалга ошириш ишларини билиш.

### **Мустақил иш топшириқлари**

#### **1-топшириқ. Қўйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга тегишлилигини аниқланг:**

- A. Лойиҳани амалга оширишда энг самарали бўлган технология танланади.
- B. Лойиҳани жойлаштириш ўрни бўйича муқобил вариантлар.
- C. Лойиҳа ҳажми.
- D. Хом ашё, ишчи кучи ва бошқа ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг етарлилиги.
- E. Лойиҳа маҳсулоти учун бозор сиғими (ҳажми).
- F. Кўзда тутилмаган омилларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳа харажатлари.

#### **2-топшириқ. Тестларни ечиш**

5. 1. Тижорат таклифи лойиҳа \_\_\_\_\_ кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.
  - A) технологиясининг ҳар бир машина ва асбоб-ускунаси, уларнинг баҳоси, техник спецификацияси, техник-иктисодий
  - B) технологиясининг ҳар бир машина ва асбоб-ускунаси, техник спецификацияси, техник-иктисодий
  - C) технологиясининг ҳар бир машина ва асбоб-ускунаси, уларнинг баҳоси, техник спецификацияси
  - D) уларнинг баҳоси, техник спецификацияси, техник-иктисодий
5. 2. Лойиҳани амалга оширишда энг самарали бўлган \_\_\_\_\_ танланади.
  - A) техника
  - B) технология
  - C) техника ва технология
  - D) асбоб ускуналар
5. 3. Агар лойиҳа чет эл валютаси ҳисобига технология билан таъминланадиган бўлса, унда халқаро кўламда шу технологияни ишлаб чиқарувчилар ўртасида \_\_\_\_\_ эълон қилинади.
  - A) конкурс
  - B) танлов
  - C) тендер
  - D) Б ва В
5. 4. Инвестиция лойиҳаларини техник таҳлил қилишнинг вазифаси \_\_\_\_\_ ҳисобланади.
  - A) лойиҳадан манфаат кўриши мумкин бўлган аҳоли контингенти, маҳаллий шароитлар, капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг баҳоси,
  - B) капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг баҳоси, бозор ҳажми, шунингдек, лойиҳани режалаштириш ҳамда амалга оширишнинг мавжуд ва потенциал имкониятларини аниқлаш
  - C) вазифаси лойиҳа мақсади нуқтаи назаридан энг қулай бўлган технологиялар, лойиҳадан манфаат кўриши мумкин бўлган аҳоли контингенти, маҳаллий шароитлар, капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш
  - D) вазифаси лойиҳа мақсади нуқтаи назаридан энг қулай бўлган технологиялар, лойиҳадан манфаат кўриши мумкин бўлган аҳоли контингенти, маҳаллий шароитлар, капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш

имкониятлари ва уларнинг баҳоси, бозор ҳажми, шунингдек, лойиҳани режалаштириш ҳамда амалга оширишнинг мавжуд ва потенциал имкониятларини аниқлаш

9. 5. Инвестиция лойиҳалари устида ишлаш жараёнида \_\_\_\_\_ таҳлил биринчи навбатда ўтказилади.

- А) иқтисодий
- Б) техник
- В) экологик
- Г) ижтимоий

10. 6. Техник таҳлилга қўйидагиларни кўриб чиқиш ва белгилаш киради:

А) техник ва технологик жиҳатдан муқобил вариантлар, лойиҳа маҳсулоти учун бозор сифими (ҳажми)

Б) лойиҳани жойлаштириш ўрни бўйича муқобил вариантлар, кўзда тутилмаган омилларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳа харажатлари.

В) лойиҳа ҳажми, лойиҳани амалга ошириш муддатлари, хом ашё, ишчи кучи ва бошқа ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг етарлилиги

- Г) ҳамма жавоблар тўғри

11. 7. Лойиҳа \_\_\_\_\_ деярли ҳар доим лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида аниқланадиган ўзгарувчан миқдорлар бўлиб келган.

- А) кўлами ва масштаби
- Б) масштаби
- В) кўлами
- Г) кўлами ва масштаби ҳамда нархи

### **3-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.**

Бир-бирининг ўрнини босувчи компонентлар учун умумий харажатлар уларни \_\_\_\_\_ амалга ошириш харажатлари йиғиндисидан катта бўлади.

- А) алоҳида
- Б) алоҳида-алоҳида
- В) жами
- Г) йиғиндиси

### **4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.**

Лойиҳаларнинг компонентлари бўйича турланиши:

2. а) харажатларга кўра мустакил
3. б) харажатларга кўра бир-бирини тўлдирувчи
4. в) харажатларга кўра бир-бирини ўрнини босувчи
  - Умумий СҚҚ мустакил СҚҚлар йиғиндисига тенг
  - Умумий СҚҚ мустакил СҚҚлар йиғиндисидан катта
  - Умумий СҚҚ алоҳида СҚҚлар йиғиндисидан кичик
  - Умумий СҚҚ алоҳида СҚҚлар йиғиндисидан катта
  - Аниқланмаган натижа. Бирма-бир солишириб кўриш талаб этилади
  - Умумий СҚҚ мустакил СҚҚлар йиғиндисидан кичик

### **5-топшириқ. Тўғри/нотўғри**

Инвестиция лойиҳалари устида ишлаш жараёнида техник таҳлил иккинчи навбатда ўтказилади.

Лойиҳа қўлами ва масштаби деярли ҳар доим лойиҳани ишлаб чиқиши жараёнида аниқланадиган ўзгарувчан миқдорлар бўлиб келган.

Қишлоқ хўжалиги ёки саноат ишлаб чиқариш лойиҳалари қўлами лойиҳа маҳсулотига бўлган талабдан белгиланмайди.

Агар лойиҳа компонентларини биргаликда амалга оширишдан олинадиган манфаат уларнинг ҳар бири алоҳида амалга оширилганда олинадиган манфаатлар йиғиндисидан кам бўлса, бундай компонентлар ўзаро бир-бирини тўлдирувчи компонентлар ҳисобланади.

Агар лойиҳанинг алоҳида компонентларидан манфаат кўрилса, улар ўзаро бир-бирини ўрнини босадиган компонентлар дейилади.

Агар бутун лойиҳадан кўрилган манфаат алоҳида компонентлардан кўрилган манфаатлар йиғиндисига тенг бўлса, бу компонентлар мустақил компонентлар дейилади.

## **7-амалий машғулот: ЭКОЛОГИК ТАҲЛИЛ**

**Дарс мақсади:** Экологик таҳлил тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Экологик таҳлилнинг моҳиятига тушуна олади.
2. Экология бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни била олади.
3. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлил қила олади.
4. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш манбаларини аниқлаб олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф тахтаси.

### **Ишни бажариш тартиби:**

1. Экологик таҳлилнинг моҳиятига тушуниш.
2. Экология бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.
3. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий таҳлил қилиш.
4. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишга сарфланадиган маблағларни қоплаш манбаларини аниқлаш.

### **Мустақил иш топшириқлари**

#### **1-топшириқ. Қўйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга тегишлилигини аниқланг:**

- А.** Ҳозирги давр фан-техника тараққиётининг жадаллиги ва инсоннинг табиатга таъсири кучайганлиги билан ажralиб туради.
- Б.** Бундай лойиҳаларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.
- В.** Умуман олганда, экологик лойиҳалар грантлар, давлат бюджети ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширади.
- Г.** Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши атроф-муҳит ҳавоси заарли чиқиндилар билан ифлосланишига олиб келиши мумкин.

Д. Ташқи муҳит «табиий капитал бўлиб», у иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради.

Е. Экологик бошқаришнинг вазифаси аҳолининг табиий таъсирларга бўлган талаби билан атроф-муҳитнинг шу талабни қондира олиш имкониятлари орасидаги мувозанатни (балансни) топишдан иборат.

**2-топшириқ. Тестларни ечиш**

1. Инвестицион лойиҳани атроф-муҳитга бўлган таъсирини аниқлаш ва уни камайтириш муаммоларини қайси таҳлил ўрганади?

- А) молиявий таҳлил
- Б) иқтисодий таҳлил
- В) техникавий таҳлил
- Г) экологик таҳлил
- Д) институционал

2. Экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва соғломлаштиришни мустаҳкамловчи халқаро нодавлат ташкилот. . .

- А) ЮНИДО
- Б) ЮНЕСКО
- В) ЭКОСАН
- Г) БМТ

3. Экологик таҳлилнинг асосий вазифасини кўрсатинг.

А) Лойиҳа натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал зарарни олдиндан белгилаш

- Б) Заарини ва унинг таъсирини юмшатиш
- В) Заарни батомом тугатиш йўлларини тошиш
- Г) ҳамма жавоблар тўғри

4. Экологик бошқарувнинг вазифасини кўрсатинг.

А) аҳолининг табиий таъсирларга бўлган талаби билан атроф муҳитнинг шу талабини қондира олиш имкониятлари орасидаги мувозанатни тошиш

- Б) «экологик потенциал»ни камайтиришдан иборат
- В) лойиҳани янгидан кўриб чиқиши
- Г) ҳамма жавоблар тўғри

5. Лойиҳада атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларини кўзлаш нимада ўз аксини топади?

- А) лойиҳа – смета харажатларида
- Б) лойиҳа – инсон саломатлиги
- В) лойиҳанинг инсон хавфсизлиги
- Г) ҳамма жавоблар тўғри

6. Нечанчи йилдан бошлаб Жаҳон Банки инвестиция лойиҳаларининг экосистемага таъсирини таҳлил қила бошлади?

- А) 1974 йил
- Б) 1970 йил
- В) 1978 йил
- Г) 2004 йил

7. Экосистемага таъсирига кўра лойиҳаларнинг турланиши тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- А) атроф муҳитга таъсири тўлиқ таҳлил қилиниши зарур бўлган лойиҳалар
- Б) қисман баҳоланиши зарур бўлган лойиҳалар
- В) баҳоланиши шарт бўлмаган лойиҳалар
- Г) ҳамма жавоблар тўғри

8. Атроф муҳитга таъсири тўлиқ таҳлил қилиниши зарур бўлган лойиҳаларга нималар киради?

- А) техник ёрдам лойиҳалари
- Б) электрлаштириш лойиҳалари

В) ерларни тозалаш лойиҳалари

Г) ҳамма жавоблар тўғри

9. Атроф муҳитга таъсири қисман баҳоланиши зарур бўлган лойиҳаларга нималар киради?

А) техник ёрдам лойиҳалари

Б) электрлаштириш лойиҳалари

В) ерларни тозалаш лойиҳалари

Г) ҳамма жавоблар тўғри

10. Атроф муҳитга таъсири баҳоланиши шарт бўлмаган лойиҳаларга нималар киради?

А) техник ёрдам лойиҳалари

Б) электрлаштириш лойиҳалари

В) ерларни тозалаш лойиҳалари

Г) ҳамма жавоблар тўғри

11. Табиий муҳит фақатгина табиий ресурсларнинг манбаи бўлиб қолмасдан, шу билан бирга у хар хил экологик хизматлар ҳам кўрсатади.

А) тупроқни тиклаш

Б) чиқиндиларни чиритиш

В) ҳаво фильтрилизацияси

Г) барча жавоблар тўғри

### **3-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.**

Атроф-муҳитни ифлосланишдан асраш учун кураш \_\_\_\_\_ олиш тартибини жорий этиш йўли билан ҳам амалга оширилади.

А) рухсатномалар

Б) лицензиялар

В) рухсатномалар ва лицензиялар

Г) рухсатномалар, лицензиялар ва гувоҳномалар

### **4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.**

#### **Экосистемага таъсирга кўра лойиҳаларнинг турланиши**

А. Атроф-муҳитга таъсири тўлиқ таҳлил қилиниши зарур бўлган лойиҳалар.

Б. Атроф-муҳитга таъсирини қисман баҳолаш зарур бўлган лойиҳалар.

В. Атроф-муҳитга таъсири баҳоланиши шарт бўлмаган лойиҳалар.

- Ахоли ресурслари лойиҳалари.

- Техник ёрдам лойиҳалари

- Платиналар, сув ҳавзалари, ўрмон билан боғлиқ лойиҳалар, катта саноат қурилиши, ирригация, зах кетказиш ишлари, сув тошкинга қарши тадбирлар, ерларни тозалаш, минералларни қазиб олиш, портлар қуриш, ер мелиорацияси, ахолини бошқа жойга кўчириш, дарё ҳавзасини ўзгартириш, иссиқлик ва ГЭСлар ва улардан фойдаланиш, химикатлардан фойдаланиш, заррали чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳалари;

- АСМ тармоқларини, кичик корхоналарни, электроэнергияни узатиш тизимлари, кичик ирригация объектлари, қайтадан вужудга келадиган энергиядан фойдаланиш қурилмалари, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, туризм, қишлоқ ахолисини сув билан таъминлаш, дарё оқимини тартибга солиш ва ҳоказо лойиҳалар

### **5-топшириқ. Тўғри/нотўғри**

Хозирги давр фан-техника тараққиётининг жадаллиги ва инсоннинг табиатга таъсири кучайганлиги билан ажralиб туради.

Тижорат лойиҳалари экологик мувозанатга салбий таъсир этса, бундай лойиҳалар молиялаштирилади.

Халқаро нодавлат ташкилотлари, мисол учун, ЭКОСАН каби ташкилотлар ҳамма грант лойиҳаларини амалга оширади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши атроф-муҳит ҳавоси заарали чиқиндилар билан ифлосланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда бу салбий натижаларни самара натижалари билан таққослаш ва бу нисбатни чукур таҳлил қилиш зарур.

Экологик таҳлилнинг асосий вазифаси лойиҳа натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал заарни олдиндан белгилаш ва унинг таъсирини юмшатиш ёки батамом тугатиш йўлларини топишдир.

Ташқи муҳит «табиий капитал бўлиб», у иқтисодий ривожланишни пасайтиради.

Лойиҳаларни амалга оширишдан олдин уларнинг атроф-муҳитга муҳим таъсирларини белгилаш, лойиҳалар таъсири асосида муҳит бузилиб кетгандан кейин уни ўз ҳолига келтиришдан афзалроқдир.

Экосистема битта давлат ҳудудидаги муаммо эмас, балки унинг ўзгариши бутун ер шарига таъсир кўрсатади (масалан, Орол муаммоси). Шунинг учун экосистемани таҳлил қилинганда бир мамлакат манфаатлари дайгина келиб чиқиш керак эмас.

## **8-амалий машғулот: ИЖТИМОИЙ ТАҲЛИЛ**

**Дарс мақсади:** Ижтимоий таҳлил тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмларини била олади.
2. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятларини аниқлаб олади.
3. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талабларини тушунтира олади.
4. Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш масалаларини аниқлаб олади.
5. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда хотин-қизлар ролини била олади.
6. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар ролини аниқлаб олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф таҳтаси.

### **Ишни бажариш тартиби:**

1. Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмларини ўрганиш.
2. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятларини аниқлаш.
3. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талабларини билиш.
4. Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш масалаларини аниқлаш.
5. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда хотин-қизлар ролини белгилаш.
6. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар ролини тушунтириш.

### **Мустақил иш топшириклари**

#### **1-топшириқ. Қуйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга тегишлилигини аниқланг:**

- А.** Лойиҳага таъсир кўрсатадиган аҳолининг ижтимоий-маданий тавсифи, миқдорий тавсифи ва ижтимоий тузилмаси бўйича таҳлил.
- Б.** Лойиҳа амал қиласидиган ҳудуддаги аҳоли томонидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, шу жумладан, оиласлар, уй хўжаликлари тузилмаси,

ишли кучининг мавжудлилиги, ерга эгалик қилиш шакллари, ресурслардан фойдаланиш имконияти ва улардан фойдаланишни тартибга солиш масалалари таҳлили.

**В.** Лойиҳанинг маҳаллий маданият нуқтаи назаридан талабга жавоб бериши, хусусий лойиҳанинг мавжуд ижтимоий меъёрларга мослашувчанлиги, кишиларнинг қарашларида, ўз эҳтиёжларини англашларида зарур ўзгаришлар ясашга қобиллиги.

**Г.** Лойиҳадан уни амалга оширувчи ташкилот ҳамда маҳаллий аҳоли манфаатдорлигини таъминлаш стратегияси. Бундан мақсад аҳоли ва ташкилотларнинг лойиҳанинг барча босқичларида узлуксиз иштирокини таъминлашдир.

**Д.** Кўп сонли аҳолига таъсир этувчи лойиҳалар мувафақиятли бўлиши учун уларнинг қўпчилиги лойиҳа мақсадини тушинишлари ва уни қўллаб-куватлашлари керак.

**Е.** Миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан самарали бўлган лойиҳалар мақсади маҳаллий аҳоли учун тушунарсиз ёки улар фикрига кўра, аҳамиятсиз бўлиши мумкин.

**Ж.** Оилани режалаштириш масаласида ҳам маҳаллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари лойиҳа мақсадига ёки умумий мақсадларга эришишга таъсир кўрсатади.

## **2-топшириқ. Тестларни ечиш**

1. Ижтимоий таҳлил қуидаги соҳалардан қайси бирига эътибор қаратилади?

- А) аҳолининг маданий ижтимоий тавсифи
- Б) аҳолининг миқдорий тавсифи
- В) ижтимоий тузилмаси
- Г) ҳамма жавоблар тўғри

2. Лойиҳага таъсир кўрсатадиган аҳолининг ижтимоий-маданий тавсифи, миқдорий тавсифи ва ижтимоий тузилмаси бўйича таҳлил.

- А) техник таҳлил
- Б) ижтимоий таҳлил
- В) молиявий таҳлил
- Г) экологик таҳлил

3. Лойиҳа амал қиласидаган худуддаги аҳоли томонидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, шу жумладан, оилалар, уй хўжаликлари тузилмаси, ишли кучининг мавжудлилиги, ерга эгалик қилиш шакллари, ресурслардан фойдаланиш имконияти ва улардан фойдаланишни тартибга солиш масалалари таҳлили.

- А) молиявий таҳлил
- Б) техник таҳлил
- В) ижтимоий таҳлил
- Г) экологик таҳлил

4. Лойиҳанинг маҳаллий маданият нуқтаи назаридан талабга жавоб бериши, хусусий лойиҳанинг мавжуд ижтимоий меъёрларга мослашувчанлиги, кишиларнинг қарашларида, ўз эҳтиёжларини англашларида зарур ўзгаришлар ясашга қобиллиги.

- А) техник таҳлил
- Б) ижтимоий таҳлил
- В) молиявий таҳлил
- Г) экологик таҳлил

5. Кўп сонли аҳолига таъсир этувчи лойиҳалар мувафақиятли бўлиши учун уларнинг кўпчилиги лойиҳа мақсадини \_\_\_\_\_ ва уни қўллаб-куватлашлари керак.
- А) жорий қилишлари
  - Б) кенгайтиришлари
  - В) тушинишлари
  - Г) аниқлашлари

6. Миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан самарали бўлган лойиҳалар мақсади маҳаллий аҳоли учун \_\_\_\_\_ бўлиши мумкин.
- А) тушунарсиз ва аҳамиятсиз
  - Б) тушунарсиз
  - В) аҳамиятсиз
  - Г) тушунарли ёки аҳамиятли

7. Оилани режалаштириш масаласида ҳам маҳаллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари лойиҳа мақсадига ёки умумий \_\_\_\_\_ эришишга таъсир кўрсатади.
- А) хулосага
  - Б) мақсадларга
  - В) натижага
  - Г) маблағга

8. Лойиҳада иштирок этиш қайси босқичларда ва шаклларда бўлиши мумкин?
- А) инвестицияларни танлаш ва режалаштириш борасида маслаҳат
  - Б) ишчи кучи билан иштирок этиш
  - В) моддий ва пул ресурслари билан иштирок этиш
  - Г) барча жавоблар тўғри

### **3-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.**

- а) Кўпчилик шаҳар оиласида ўз даромадларининг каттагина қисмини \_\_\_\_\_ дан ёрдам тариқасида оладилар.
- А) ер
  - Б) ойлик
  - В) қариндош
  - Г) давлат
  - Д) нафака
  - Е) стипендия
- б) Лойиҳани самарали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қўйидан \_\_\_\_\_ аҳоли иштироки ва юқоридан ҳукумат томонидан раҳбарлик қилинишини талаб этади.
- А) маҳаллий
  - Б) қишлоқ
  - В) шаҳар
  - Г) чет эл
  - Д) қишлоқ ва шаҳар

### **4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.**

- А. Босқич
  - Б. Шакл
1. Инвестицияларни танлаш ва режалаштириш борасида маслаҳат.
  2. Ишчи кучи билан иштирок этиш.
  3. Моддий ва пул ресурслари билан иштирок этиш.
  4. Лойиҳа бажарилишини кузатиб бориш.
  5. Инвестиция олди.

6. Инвестиция.
7. Эксплуатация.

## **5-топшириқ. Тұғри/нотұғри**

- а) лойиҳанинг таклиф этилаётган у ёки бу варианти аҳолининг мақсадли гурухи манфаати талабларига жавоб бериши ёки бермаслигини аниқлаш ижтимоий таҳлилнинг вазифаси ҳисобланади;
- б) ижтимоий таҳлил қилинмаган лойиҳа мазмунига уни ишлаб чиқарувчиларнинг маданий қарашлари лойиҳа мүлжалланган кишиларнинг маданий қарашларига нисбатан күпроқ таъсир күрсатади;
- в) аслида кам таъминланган шаҳар оиласи тез ўзгариб турувчи ижтимоий коалиция ҳисобланади;
- г) күпчилик шаҳар оилалари ўз даромадларининг каттагина қисмини қариндошларидан ёрдам тариқасида оладилар;
- д) күп сонли аҳолига таъсир этувчи лойиҳалар мувафаққиятли бўлиши учун уларнинг күпчилиги лойиҳа мақсадини тушинишлари ва уни қўллаб-куватлашлари керак;
- е) миллӣ иқтисодиёт нуқтаи назаридан самарали бўлган лойиҳалар мақсади маҳаллий аҳоли учун тушунарсиз ёки улар фикрига кўра, аҳамиятсиз бўлиши мумкин.

## **9-амалий машғулот: ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ**

**Дарс мақсади:** Институционал таҳлил тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Институционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадларини била олади.
2. Институционал таҳлил тузилмасини аниқлаб олади.
3. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммоларга тушуна олади.
4. Зарурий институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олади.
5. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизлик сабабларини била олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслік, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф таҳтаси.

### **Ишни бажариш тартиби:**

1. Институционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадларини билиш.
2. Институционал таҳлил тузилмасини аниқлаш.
3. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммоларни билиш.
4. Зарурий институтларни ташкил этишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш.
5. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизликга тушуниш.

## **Мустақил иш топшириклари**

### **1-топшириқ. Қуйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга**

**тегишлилигини аниқланг:**

- А.** Иқтисодиётни қайта куриш шароитида лойиҳага мутасадди бўлган ташкилотлар учун "мулкчилик" концепцияси ўта муҳим ҳисобланади.
- Б.** Лойиҳани амалга оширувчи ташкилотлар унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги учун масъулиятни ўз зиммаларига олгандагина ижобий натижага эришилади.
- В.** Мулк хуқуқи мутасадди ташкилотлар менежерлари лойиҳа мақсадларини англашлари ва бу мақсадларга эришиш учун зарур қарор қабул қилиш ваколатига эга эканликларини англаатади.
- Г.** Бундай вазиятда уларда ҳам шахсий манфаатдорлик, ҳам лойиҳага раҳбарлик қилиш имконияти мавжуд бўлади.
- Д.** Институционал таҳлилнинг каттагина қисми "мулкчилик" омили лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга қанчалик таъсир этишини аниқлашга қаратилган.
- Е.** Лойиҳага таъсир кўрсатадиган аҳолининг ижтимоий-маданий тавсифи, миқдорий тавсифи ва ижтимоий тузилмаси бўйича таҳлил.

### **2-топшириқ. Тестларни ечиш**

1. Инвестиция лойиҳалари институционал таҳлили (ИТ)дан мақсад лойиҳа амалга оширилаётган макондаги \_\_\_\_\_ вазият (муҳит)га баҳо бериш ҳамда лойиҳага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат:
- А) ташкилий, худудий, сиёсий ва миллий  
Б) ташкилий, худудий, сиёсий ва ижтимоий  
В) ташкилий, худудий, сиёсий ва тарихий  
Г) ташкилий, худудий, сиёсий ва маъмурий
2. Лойиҳага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқиш қўйидагилардан иборат:
- А) менежмент услублари ва усуллари, шу жумладан, мониторинг ва баҳолаш  
Б) ташкилий тузилма, ундаги ўзгаришлар  
В) режалаштириш, шу жумладан, инвестицияларни жойлаштиришни режалаштириш  
Г) барча жавоблар тўғри
3. Лойиҳага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқиш қўйидагилардан иборат:
- А) ходимлар таркибини тўлдириш, ўқитиш, малакасини ошириш  
Б) молиявий фаолият, шу жумладан, молиявий фаолиятни бошқариш, сметалар тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва тафтиш  
В) лойиҳаларнинг моддий-техник таъминоти  
Г) барча жавоблар тўғри
4. Лойиҳага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқиш қўйидагилардан иборат:
- А) эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш тизимлари

- Б) ташкилотлараро мувофиқлаштириш  
В) алоҳида секторларга нисбатан сиёсат масалалари  
Г) барча жавоблар тўғри
5. Зарурий институтларни ташкил этиш (айниқса, ривожлантириш лойиҳалари билан боғлиқ ҳолларда) айрим омиллар таъсирида мураккаблашади. Булар:  
А) ноқурай сиёсий шарт-шароитларнинг салбий таъсири  
Б) лойиҳа олдига қўйилган мақсадларнинг мураккаблиги  
В) лойиҳанинг инвестициядан кейинги босқичига эътиборсизлик  
Г) барча жавоблар тўғри
6. Барча ривожлантириш лойиҳалари у хоҳ давлат секторида, хоҳ хусусий секторда бўлсин, ҳукумат \_\_\_\_\_ сиёсатининг ҳамда бу сиёсатни ўзида мужассамлаштирган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар кучли таъсири остида бўлади.  
А) макроиктисодий  
Б) микроиктисодий  
В) миллий  
Г) маҳаллий
7. Кўпчилик истеъмолчилар ва манфаат кўрувчилар талабини ифода этувчи \_\_\_\_\_ лойиҳаларида кўп ҳолларда лойиҳа мақсади ва унга эришиш воситаларини белгилаш қийин бўлади.  
А) йирик, ижтимоий йўналтирилган  
Б) ижтимоий йўналтирилган ривожлантириш  
В) йирик, ижтимоий йўналтирилган ривожлантириш  
Г) йирик, маҳаллий, ижтимоий йўналтирилган ривожлантириш
8. Шундай ёндашувни лойиҳа бўйича ишларни \_\_\_\_\_ га нисбатан ҳам қўллаш мумкин, чунки кўп сонли ижроилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўп вақт талаб этади ва керакли натижа бермаслиги мумкин.  
А) мувофиқлаштириш  
Б) сиёсий омиллар таъсири  
В) мақсадлар мураккаблиги  
Г) бошқарув назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари
9. Лойиҳа натижаларини баҳолашдаги қийинчиликларни лойиҳа фаолиятининг мумкин қадар кичикроқ, назорат ва бошқарув осон бўлган вазифаларга бўлиш йўли билан камайтириш мумкин.  
А) мувофиқлаштириш  
Б) сиёсий омиллар таъсири  
В) мақсадлар мураккаблиги  
Г) бошқарув назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари
10. Маълумотли ва ўзгарувчан шароитларга тез мослашувчан кишиларни тайёрлаш вазифасини маълум миқдордаги ўғит ишлаб чиқариш вазифасига кўра баҳолаш қийин.  
А) мувофиқлаштириш  
Б) сиёсий омиллар таъсири  
В) мақсадлар мураккаблиги  
Г) бошқарув назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари

### **З-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.**

а) \_\_\_\_\_ бериш ёки коммунал хизмат кўрсатиш бўйича хусусий корхоналар билан контракт тузиш услублари бошқарув назоратини такомиллаштириш усули сифатида кейинги йилларда алоҳида эътибор жалб этаяпти.

- А) лицензия
  - Б) патент
  - В) рухсатнома
  - Г) субсидия
  - Д) ёрдам
- б) Инфратузилмалар, коммунал иншоотлар ва йирик саноат корхоналари куриш лойихалари \_\_\_\_\_ жиҳатдан бирмунча афзалликка эгалар.
- А) сиёсий
  - Б) иқтисодий
  - В) ташкилий
  - Г) маъмурий
  - Д) ижтимоий

#### **4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.**

- А. Тавсиялар
  - Б. Омиллар
  - В. Жиҳатлар
- 1) менежмент услублари ва усуллари, шу жумладан, мониторинг ва баҳолаш
  - 2) ташкилий тузилма, ундаги ўзгаришлар
  - 3) режалаштириш, шу жумладан, инвестицияларни жойлаштиришни режалаштириш
  - 4) ноқулай сиёсий шарт-шароитларнинг салбий таъсири
  - 5) лойиха олдига қўйилган мақсадларнинг мураккаблиги
  - 6) лойиханинг инвестициядан кейинги босқичига эътиборсизлик
  - 7) ходимлар таркибини тўлдириш, ўқитиш, малакасини ошириш
  - 8) молиявий фаолият, шу жумладан, молиявий фаолиятни бошқариш, сметалар тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва тафтиш
  - 9) лойихаларнинг моддий-техник таъминоти
  - 10) стандарт ва экспериментал лойихалардан фойдаланиш
  - 11) ишларни мувофиқлаштириш услублари
  - 12) бошқарув назоратини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар
  - 13) эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш тизимлари
  - 14) ташкилотлараро мувофиқлаштириш
  - 15) алоҳида секторларга нисбатан сиёсат масалалари

#### **5-топшириқ. Тўғри/нотўғри**

- а) институционал таҳлил лойиха устида бажариладиган ишларнинг энг муҳимларидан бирига айланди;
  - б) иқтисодиётни қайта қуриш шароитида лойиҳага мутасадди бўлган ташкилотлар учун "мулкчилик" концепцияси ўта муҳим ҳисобланади;
  - в) институтларни ривожлантириш узоқ давом этувчи экспериментлар ва адаптация (мослашув) жараёнларидан иборат;
  - г) институционал муаммоларни характерлаш учун кўпинча зарур ечимларни топишга ҳалақит берувчи чуқур атамалар қўлланилади;
  - д) зарурий институтларни ташкил этиш (айниқса, ривожлантириш лойиҳалари билан боғлиқ ҳолларда) уч гурух омиллар таъсирида осонлашади.
- Булар:
- ноқулай сиёсий шарт-шароитларнинг салбий таъсири;
  - лойиҳа олдига қўйилган мақсадларнинг мураккаблиги;
  - лойиҳанинг инвестициядан кейинги босқичига эътиборсизлик;

е) ҳукумат сиёсати лойиҳа амалга оширилаётган иқтисодий шартшароитларни (жиддий суръатда) бузиб кўрсатса, институционал муаммолар сони ортиб кетади.

ж) йирик лойиҳаларга хос бўлган ташкилий муаммоларни ҳал этишнинг яна бир йўли лойиҳанинг бош мақсадига эришиш учун қайси фаолият турлари асосий эканлигини аниқлаб, чекланган ташкилий ресурсларни шу фаолиятга жамлаш ҳамда иккинчи даражали вазифаларни кейинроқда қолдиришdir.

## 10-амалий машғулот: МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ

**Дарс мақсади:** Молиявий таҳлил тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

Молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турларини била олади.

Молиявий рентабелликни таҳлил қила олади.

Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлилини аниқлаб олади.

Лойиҳанинг эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили билан танишиб олади.

Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усулини аниқлаб олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф тахтаси.

### Ишни бажариш тартиби:

1. Молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турларини билиш.
2. Молиявий рентабелликни таҳлил этиш.
3. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлилини бажариш.
4. Лойиҳанинг эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлилини қилиш.
5. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усулидан фойдаланиш.

### Мустақил иш топшириқлари

#### 1-топшириқ. Қўйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга тегишилигини аниқланг:

**А.** Молиявий таҳлил қўйидаги турларни ўз ичига олади: 1) молиявий рентабеллий таҳлили; 2) молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили; 3) лойиҳанинг эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили; 4) харажатларнинг қопланиши таҳлили.

**Б.** Бу таҳлилни баъзида лойиҳанинг молиявий мақсадга мувофиқлиги таҳлили деб ҳам юритилади.

**В.** Харажатларни фирма ёки ижрочи ташкилотнинг фойдасини камайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этса, даромадларни фойда ёки даромадни кўпайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этади.

Г. Молиявий режа лойиҳадан манфаат кўрувчиларнинг у таклиф этаётган маҳсулотни сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олиши зарур.

## 2-топшириқ. Тестларни ечиш

**Қуйидаги масала шартидан 1,2,3,4 ва 5 тестларга жавоб бериш учун фойдаланинг. Агар лойиҳа маҳсулотини йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 10 000 дона бўлиб, сотиш нархи 1000 сўм ва бир донасига ўзгарувчан харажатлари 600 сўм бўлса ҳамда йиллик доимий харажатлари 2000 000 сўмни ташкил қиласа 6 000 дона маҳсулот сотишдан оладиган маржинал даромади неча сўмни ташкил қиласа?**

А) 2 3000 000      Б) 2 700 000      В) 2 400 000      Г) 3 000 000      Д) 4 000 000

**Лойиҳани заарсизлик нуқтасини донада аниқланг?**

А) 4 500      Б) 4 400      В) 5 500      Г) 5 000      Д) 0

**Лойиҳани маржинал даромади коэффициенти (CSR) ни аниқланг?**

А) 0,6      Б) 0,7      В) 0,8      Г) 0,4      Д) 1

**Инвестицион лойиҳани хавфсизлик маржасини аниқланг?**

А) 80%      Б) 40%      В) 50%      Г) 65%      Д) 45%

**Лойиҳа маҳсулотини заарсиз сотиш ҳажмида даромадни (сўмда) аниқланг?**

А) 4 000 000      Б) 5 000 000      В) 4 500 000      Г) 2 000 000      Д) 0

Компанияни молиявий ҳолатини таҳлил қилишда маълумот манбаси сифатида нима олиниши мумкин?

- А) бухгалтерия ҳисоби маълумотлари
- Б) бухгалтерия баланси
- В) молиявий натижалари тўғрисида ҳисбот
- Г) пул оқимлари тўғрисида ҳисбот
- Д) молиявий ҳисботи.

Агар компаниянинг активлари 100 000 сўм ва пассивлари 30 000 сўм, ҳамда узоқ муддатли активлари 40 000 сўм бўлган ҳолатда унинг жорий ликвидлик кўрсаткичини ҳисобланг?

А) 1      Б) 3      В) 4      Г) 2      Д) 0

Компаниянинг айланма маблағлари 200 000 сўм, пул маблағлари ва пул эквивалентлари 50 000 сўм, ҳамда пассивлари 100 000 сўм бўлса унинг мутлақ ликвидлик кўрсаткичи нечани ташкил қиласа?

А) 1      Б) 0,5      В) 0,6      Г) 2      Д) 0,4

Компанияни айланма маблағларидан товар-моддий захираларини айрмасини пассивларга бўлиш орқали қандай молиявий кўрсаткичини олиш мумкин?

- А) жорий ликвидлик
- Б) мутлоқ ликвидлик
- В) тез ликвидлик
- Г) молиявий барқарорлик
- Д) тўғри жавоб йўқ.

Агар корхонани маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг муайян ҳажмида унинг фойдаси нолга teng бўлса, ушбу ҳажм қандай номланади?

- А) фойдасизлик нуқтаси
- Б) фойда нолга teng бўлган нуқта
- В) харажатлар қопланадиган нуқта
- Г) заарсизлик нуқтаси
- Д) тўғри жавоб йўқ.

Лойиҳани молиявий левереджи қандай нисбатда ҳисобланади?

- А) активларни пассивларга нисбати
- Б) пассивларни хусусий капиталга нисбати
- В) хусусий капитални пассивларга нисбати

Г) узоқ муддатли активларни пассивларга нисбати

Д) айланма маблағларини пассивларга нисбати

Операцион левередж қандай таърифланади?

А) ўзгарувчан харажатларни доимий харажатларга нисбати

Б) ўзгарувчан ва доимий харажатлар ўртасидаги фарқ

В) маҳсулот нархи ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ

Г) доимий харажатларни ўзгарувчан харажатларга нисбати

Д) фойдани доимий харажатларга нисбати

Лойиха айланма маблағларини унинг қисқа муддатли пассивларига нисбати қандай кўрсаткични беради?

А) мутлақ ликвидлик

Б) тез ликвидлик

В) молиявий барқарорлик

Г) жорий ликвидлик

Д) ишчи капитал

Рентабеллик нима?

А) бир сўм харажатга тўғри келадиган соф фойда

Б) бир сўм даромадга тўғри келадиган соф фойда

В) бир сум инвестицияга тўғри келадиган соф фойда

Г) бир сум асосий воситаларга тўғри келадиган соф фойда

Д) бир сум айланма маблағларга тўғри келадиган соф фойда

### 3-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.

а) \_\_\_\_\_ га эҳтиёж таҳлили лойиҳани инвестициялаш ва уни эксплуатация қилиш учун керак бўлган барча молиявий эҳтиёжларни прогноз қилишни ўз ичига олади.

А) молия

Б) молиялаштириш

В) кредит

Г) кредитлаштириш

Д) облигация

б) Кўрсатилган молиявий ҳисоботларни прогноз қилиш уларнинг барча компонентларини чукур таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг умумий қабул қилинган \_\_\_\_\_ ини билишни талаб этади.

А) қоидалар

Б) проводкалар

В) счёtlар

Г) принциплар

Д) элементлар

### 4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.

А. Молиявий таҳлил турлари

Б. Даромад ва харажатларни ҳисоблаш

В. Молиявий режа таркиби

1) мўлжалланаётган капитал маблағлар ва эксплуатация харажатлари (шу жумладан, баҳо ва физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгаришлари ҳисобга олиб киритилган тузатишлар);

2) лойиха маҳсулотини сотиш ва бошқа манбалардан келадиган даромад;

3) қарзларни, инвестицияларни ва лойиҳанинг бошқа эҳтиёжларини қоплашнинг бошқа манбалари;

4) молиявий рентабеллилик таҳлили;

- 5) молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили;
- 6) лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили;
- 7) харажатларнинг қопланиши таҳлили;
- 8) фақат алоҳида бозор баҳолари қўлланилади;
- 9) капитал харажатлар лойиҳанинг бутун хизмат даврига тақсимлаб чиқилади (амортизация);
- 10) солиқлар ва турли гурухлар ўртасидаги бир томонлама тўловлар ҳисобога олинади;
- 11) хусусий дисконт ставкаси қўлланилади.

## **5-топшириқ. Тўғри/нотўғри**

А. Молиявий таҳлилнинг ҳар хил турлари лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, лойиҳа иштирокчилари учун рағбатларни, молиявий режаларнинг асосланганлигини, молиявий бошқарувнинг лаёқатлииги даражасини ҳамда лойиҳани амалга ошириш натижасида кутилаётган фойда даражасини баҳолаш учун қўлланилади.

Б. Харажатларни қоплаш таҳлили рентабеллилик таҳлилининг деярли худди ўзи бўлиб, давлат харажатлари фойдаланувчилар тўловлари ва солиқлар ҳисобига қопланадиган лойиҳалар учун қўлланилади.

В. Лойиҳа учун зарур ресурслар ва ундан кутилаётган натижаларни баҳолашда биринчидан, ички ва ташқи бозорда яқинда бўлиб ўтган битимларда қўлланилган амалдаги баҳолар асосида реал бозор баҳоларини; иккинчидан, олдинги баҳоларни прогноз қилиш лозим.

Г. Фойда ва заарлар ҳисоботи корхонанинг маълум даврдаги (чорак, йил) ишлаб чиқариш фаолиятидан олган даромадларини шу даврдаги қилинган ва даромад олиш билан боғлиқ бўлган харажатлари ўртасидаги нисбатни кўрсатади.

Д. Харажатлар ва даромадлар оқимларини лойиҳалаштириш учун ишлаб чиқариш фаолиятининг техник даражасини белгилаб олиш, инвестициялардан кўзда тутилган техник ресурсларнинг лойиҳага кириш ва чиқишдаги оқимини, лойиҳаларнинг режа ва маъмурий ўрнатиладиган баҳоларда ҳисбланган натижаларини аниқлаб олиш талаб этилади.

## **11-амалий машғулот: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ**

**Дарс мақсади:** Иқтисодий таҳлил тўғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсадини била олади.

Иқтисодий таҳлил вазифалари. Лойиҳа мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаб олади.

Иқтисодий таҳлилда яширин баҳоларни таҳлил қила олади.

Манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари ва муаммоларига баҳо бера олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тўғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойиҳалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф тахтаси.

### **Ишни бажариш тартиби:**

1. Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсадини билиш.
2. Иқтисодий таҳлил вазифалари. Лойиҳа мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаш.
3. Иқтисодий таҳлилда яширин баҳоларни таҳлил қилиш.
4. Манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари ва муаммоларини аниқлаш.

## Мустақил иш топшириклари

### 1-топшириқ. Қуйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга тегишлилигини аниқланг:

- А.** Умуман, бу таҳлилда даромадлар-харажатлар оқимини баҳолашда молиявий таҳлилга қараганда икки катта ўзгаришга йўл қўйилади.
- Б.** Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқарувчилар олган субсидиялар солиқ тўловчиларнинг йўқотишлари билан қопланиб кетса, айрим шахслардан тушадиган тўловлар умуммиллий даражада ресурслар миқдорини ўзgartирмайди.
- В.** Бир лойиҳани амалга ошириш иккинчи бир лойиҳа учун ресурслар миқдори камайишига олиб келиши мумкин.
- Г.** Лойиҳанинг экологияга салбий таъсирини олдини олиш учун тозалаш иншоотлари қуришга тўғри келади. Бу ҳолда инвестиция харажатлари кўпаяди ва лойиҳанинг самарадорлиги пасаяди. Натижада лойиҳа самараасиз деб ҳисобланиши мумкин.
- Д.** Лойиҳаларни бевосита ўлчанадиган бошқа харажатлари ҳамда натижаларини таққослаш имконини берувчи чизмаларни ишлаб чиқиш йўли билан эришилади.
- Е.** Жамият нуқтаи назаридан қараганда лойиҳа маҳсулотини сотиш ёки ресурсларини сотиб олиш баҳолари доим ҳам харажатлар ва даромадларнинг мақбул даражасини кўрсата олмайди.
- Ж.** Икки ёқлама ҳисоблаш шу туфайли рўй берадики, жамият, дастлаб, ишлаб чиқарувчига сотиб олинаётган маҳсулот баҳосига солиқлар (субсидиялар) қўшилиши натижасида оширилган (камайтирилган) нархда ҳақ тўлайди, кейин эса ишлаб чиқарувчи даромадининг бир қисмини солиқ сифатида олиб қўяди (ишлаб чиқарувчига субсидия кўринишида қўшимча даромад беради), яъни бу билан солиқ ва субсидияларни икки бор ҳисобга олади.

### 2-топшириқ. Тестларни ечиш

Иқтисодий таҳлил инвестиция лойиҳасини \_\_\_\_\_ манфаати нуқтаи назаридан ўрганади.

- А) умумбашарият
- Б) умуммиллий
- В) умумжамият
- Г) умумиқтисодиёт

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқарувчилар олган \_\_\_\_\_ солиқ тўловчиларнинг йўқотишлари билан қопланиб кетса, айрим шахслардан тушадиган тўловлар умуммиллий даражада ресурслар миқдорини ўзgartирмайди.

- А) субсидиялар
- Б) субвенциялар
- В) субпудратчилар
- Г) субмаҳсулотлар

Лойиҳанинг \_\_\_\_\_ жиҳатлари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар ҳисобга олинганда кўп ҳолларда у самарасиз бўлиб қолиши мумкин.

- А) ижтимоий
- Б) сиёсий
- В) институционал
- Г) экологик

Лойиҳанинг экологияга салбий таъсирини олдини олиш учун \_\_\_\_\_ куришга тўғри келади.

- А) қўшимча омборлар
- Б) тозалаш иншоотлари
- В) қўшимча оғислар
- Г) поликлиникалар

Иқтисодий таҳлилда \_\_\_\_\_ ижтимоий қийматлар (даромадлар ва харажатларга нисбатан яширин баҳолар, экологик даромад ва харажатлар, фойдалинилмаётган ёки тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш омиллари) қўлланилади.

- А) ялпи
- Б) миллий
- В) муқобил
- Г) давлат

Даромадлар ва харажатларни иқтисодий таҳлил қилиш ресурслардан самаралироқ фойдаланиш мақсадида \_\_\_\_\_ муаммосини қулай ва тушунарли изоҳлаш усулидир.

- А) иқтисодий танлаш
- Б) молиявий танлаш
- В) иқтисодий баҳолаш
- Г) иқтисодий туркумлаш

Минимал харажатлар билан максимал натижаларга эришишни таъминлайдиган қилиб \_\_\_\_\_ га эришган мамлакатгина ўз ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлай олади.

- А) ривожланиш
- Б) инвестициялаш
- В) молиялаш
- Г) кредитлаш

Иқтисодий таҳлил чизмаси турлича бўлиши мумкин. Бунда лойиҳа мақсадларига салбий таъсир этувчи ҳамма нарса \_\_\_\_\_ га, ижобий таъсир этувчи ҳамма нарса \_\_\_\_\_ га киритилади.

- А) харажатлар, даромадлар
- Б) даромадлар, харажатлар
- В) даромадлар, даромадлар
- Г) харажатлар, харажатлар

Лойиҳа натижаларига талабни \_\_\_\_\_ қилиш киритиладилган ресурслар ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот бозорларини таҳлил қилишни ўз ичига олади ҳамда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни билишни, лойиҳага тааллукли ресурслар ва маҳсулотлар маркетинги ҳақида маълумотга эга бўлишни талаб этади.

- А) таҳлил
- Б) прогноз
- В) таклиф, маркетинг ва харажат
- Г) таҳлил ва прогноз

Жамият нуқтаи назаридан қараганда лойиҳа маҳсулотини сотиш ёки ресурсларини сотиб олиш баҳолари доим ҳам харажатлар ва даромадларнинг мақбул даражасини \_\_\_\_\_.

- А) кўрсата олади

Б) кўрсата олмайди

В) баҳолайди

Г) таклиф этади

Жамият, дастлаб, ишлаб чиқарувчига сотиб олинаётган маҳсулот баҳосига соликлар (субсидиялар) қўшилиши натижасида оширилган (камайтирилган) нархда ҳақ тўлайди, кейин эса ишлаб чиқарувчи даромадининг бир қисмини солик сифатида олиб қўяди (ишлаб чиқарувчига субсидия кўринишида қўшимча даромад беради).

А) транзит баҳолаш

Б) иқтисодий муомалалар

В) молиявий натижалар

Г) икки ёқлама ҳисоблаш

\_\_\_\_\_ ни аниқлашнинг энг оддий услуги жаҳон баҳоларини олиб, бир неча усусларни қўллаган ҳолда, сумда қайта ҳисоблаб чиқишидир.

А) Яширин баҳолар

Б) Сотиш нархи

В) Сотиб олиш нархи

Г) Улгуржи баҳолар

### **3-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.**

а) Харажатлар самарадорлиги таҳлили \_\_\_\_\_ ни ҳал этишнинг энг самарали йўлини танлаш учун қўлланилади.

А) белгилangan мақсад

Б) қўйилган мақсад

В) қўйилган вазифа

Г) захира ҳажми

б) Кўпгина инвестиция лойиҳалари натижасида истеъмол товарлари ва хизматларининг \_\_\_\_\_.

А) баҳолари кўпаяди

Б) баҳолари пасаяди

В) баҳолари ўзгармайди

Г) микдори ўзгаради

### **4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.**

А. Молиявий таҳлил

Б. Иқтисодий таҳлил

1) даромад ва харажатларга нисбатан алоҳида бозор баҳолари қўлланилади;

2) муқобил ижтимоий қийматлар (даромадлар ва харажатларга нисбатан яширин баҳолар, экологик даромад ва харажатлар, фойдаланилмаётган ёки тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш омиллари) қўлланилади;

3) капитал харажатлар лойиҳа хизмат муддатига тақсимлаб чиқилади (амортизация);

4) капитал харажатлар фойдаланиш (ишлатилиш) йилидаги бир маротабалик харажат суммаси сифатида ҳисобга олинади;

5) соликлар ва турли гурухлар ўртасидаги бошқа бир томонлама тўловлар ҳисобга олинади;

6) бу тўловлар ва соликлар жамият ичидаги трансферт тўловлари бўлгани учун ҳисобга олинмайди;

7) дисконтнинг хусусий ставкаси қўлланилади.

## **5-топшириқ. Тұғри/нотұғри**

А. Лойихадан олинадиган манфаат (фойда)ни доим ҳам тұлық миқдорий баҳолаш мүмкін эмас.

Б. Ресурслар ҳудудий тақсимланишининг яхшиланиши, мамлакат ичидаги (миллий) интеграциянинг кучайиши каби лойихадан олинадиган бир қанча ўлчаб бўлмайдиган манфаатлар мамлакат ичидаги ресурсларни жойлаштиришда мухим роль ўйнайди.

В. Олинадиган фойдани миқдорий ўлчаш мүмкін бўлмаган, ёки уларни сифат жиҳатдан қисмангина баҳолаш мүмкін бўлган ҳолларда бошқача ёндашувлар қўлланилади.

Г. Ўлчаш муаммолари тармоқлар бўйича фарқ қиласи.

Д. Харажатлар самарадорлиги таҳлили бир неча мукобил варианлардан қўйилган вазифа бажарилишини таъминлайдиган энг арzon лойихани танлаб олиш учун қўлланилади.

Е. Лойиханинг лойиха доирасида харажатларга ҳам, манфаатларга ҳам кирмайдиган, шу туфайли молиявий ҳужжатларида акс этмайдиган натижалари ташки самаралар, деб аталади.

## **12-амалий машғулот: ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИДА ТАВАККАЛ ХАВФИ ТАҲЛИЛИ**

**Дарс мақсади:** Инвестиция лойихаларида таваккал хавфи таҳлили тұғрисида талабаларда тушунчалар ҳосил қилиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

Инвестицияларда таваккал хавфи даражаси била олади.

Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолашни қила олади.

**Керакли жиҳозлар:** инвестиция тұғрисида Ў.Р. қонунлари, инвестицион лойихалар, дарслик, маъруза матни, дафтар, қалам, калькулятор, компьютер, синф таҳтаси.

### **Ишни бажариш тартиби:**

1. Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини билиш.

Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолаш.

### **Мустақил иш топшириклари**

#### **1-топшириқ. Қуйидаги таърифлар қайси асосий тушунчаларга тегишлилигини аникланып:**

А. Иш билан боғлиқ таваккал хавфи келаётган даромадларнинг ҳамма инвесторлар билан ҳисоб-китоб қилишга етиши кафотланғанлигидир.

Б. Асосан бу хавф бизнес билан боғлиқ бўлади.

В. Бу хавфнинг ошиши асосан корхоналар қарз берувчи инвесторлар ўз вақтида фоиз тўловлари тўлашга иложсизлиги оқибатидан келиб чиқади.

Г. Белгиланган, яъни вақти аниқ кўрсатилган қарзлар ёки қарз фоизлари лойиха ишга тушмасдан, даромад ҳали келмаган вақтдан бошлаб тўланиши керак.

Д. Ахолини товарлар сотиб олиш қобилиятынинг пасайиши билан боғлиқ бўлган хавф асосан таклиф инфляцияси вақтида бўлади.

Е. Агар кеча 1000 долларга акция сотиб олган бўлсангиз, бугун уни 800 долларга сотасиз, бундай акция юқори ликвидли эмас.

Ж. Яқин Шарқда уруш келиб чиқиш хавфи қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган акциялар ҳамда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришга боғланган акциялар курсига таъсир этади.

И. Тасодиф хавфи тўсатдан вужудга келадиган хавф бўлиб, инвестиция натижаларига жуда тез таъсир этади.

## 2-топшириқ. Тестларни ечиш

1. Лойиҳани таваккалчилиги деганда нима тушунилади?

- А) унга киритилган пулларни ўзини оқламай қолиш эҳтимоли
- Б) келажакни ноаниқлиги
- В) лойиҳани муваққиятли амалга оширилишига кафолотни йўқлиги
- Г) муқобил қийматни мавжудлиги
- Д) тўғри жавоб йўқ

2. Инвестицион лойиҳа билан боғлиқ бўлган ноаниқлик қандай тавсифланади?

- А) унга киритилган пулларни ўзини оқламай қолиш эҳтимоли
- Б) келажакни ноаниқлиги
- В) лойиҳани муваққиятли амалга оширилишига кафолотни йўқлиги
- Г) муқобил қийматни мавжудлиги
- Д) тўғри жавоб йўқ

3. Инвестицион лойиҳани таваккалчилик даражасини молиявий таҳлилда қайси кўрсаткич тавсифлайди?

- А) операцион левередж
- Б) молиявий левередж
- В) хусусий капитални пассивларга нисбати
- Г) пассивларни активларга нисбати
- Д) тўғри жавоб йўқ

4. Инвестиция учун қанчалик кўп четдан қарз жалб этилса қайси хавф шунчалик кўпаяди?

- А) иқтисодий
- Б) молиявий
- В) техник
- Г) сиёсий

5. Ахолини товарлар сотиб олиш қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ бўлган хавф асосан \_\_\_\_\_ вақтида бўлади.

- А) талаб инфляцияси
- Б) таклиф инфляцияси
- В) талаб ва таклиф инфляцияси
- Г) ҳамма жавоблар тўғри

6. Корхоналар акцияларни керакли вақтда кўзда тутилган суммага сотишга имконияти бўлмай қолишиша қандай хавфга айтилади?

- А) бозор хавфи
- Б) инфляция хавфи
- В) тасодиф хавфи
- Г) ликвидлик хавфи

7. Иқтисодий-ижтимоий воқеалардан келиб чиқадиган хавф қайси хавф ҳисобланади?

- А) бозор хавфи
- Б) инфляция хавфи
- В) тасодиф хавфи
- Г) ликвидлик хавфи

8. Инвестиция натижаларига жуда тез таъсир этадиган хавф қуидагилардан қайси бири?

- А) бозор хавфи
- Б) инфляция хавфи
- В) тасодиф хавфи
- Г) ликвидлик хавфи

9. Ҳар хил муқобил варианктар мавжуд бўлмаган ҳолларда хавфни йўқотиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш керак?

- А) олдиндан маълум
- Б) олдиндан номаълум
- В) режали
- Г) хақиқий

10. Маҳсулотга бўлган талабнинг барқарор эмаслиги қандай хавф?

- А) қурилиш хавфи
- Б) эксплуатация хавфи
- В) ижтимоий хавфи
- Г) техник хавфи
- Д) экологик хавфи

11. Кўшимча қувватларнинг йўқлиги хавфи – бу:

- А) бозор хавфи
- Б) инфляция хавфи
- В) тасодиф хавфи
- Г) ликвидлик хавфи

12. Кадрлар масаласи – бу:

- А) бозор хавфи
- Б) инфляция хавфи
- В) тасодиф хавфи
- Г) ликвидлик хавфи

13. Ишлаб чиқаришнинг зарарлиги хавфи – бу:

- А) бозор хавфи
- Б) инфляция хавфи
- В) тасодиф хавфи
- Г) ликвидлик хавфи

14. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вактида етказиб бермаслик хавфи – бу:

- А) бозор хавфи
- Б) инфляция хавфи
- В) тасодиф хавфи
- Г) ликвидлик хавфи

### **3-топшириқ. Тушириб қолдирган сўзларни тўлдиринг.**

1) Лойиҳа амалга киргунга қадар \_\_\_\_\_ босқичлардан ўтади.

- А) бир хил
- Б) икки хил
- В) уч хил
- Г) тўрт хил
- Д) ҳар хил
- Е) турли

2) Оддий хавфлар бир-бири билан боғлиқ \_\_\_\_\_ хавфлардир.

- А) бўлмаган
- Б) бўлган
- В) мутаносиб
- Г) номутаносиб

#### **4-топшириқ. Мосликни ўрнатинг.**

- А. Тайёрлов босқичи
- Б. Қурилиш босқичи
- В. Эксплуатация босқичи
- Г. Ижтимоий хавфлар

- 1) Мұхандислик тармоқларидан лойиҳанинг узоқ-яқинлиги
- 2) Қўшимча ишларнинг мавжудлиги
- 3) Маҳаллий раҳбарларнинг муносабати
- 4) Иш ҳақи етарли эмаслиги хавфи
- 5) Рақобатчилар томонидан маҳсулот баҳосининг пасайтирилиши
- 6) Буюртмачининг ҳақ тўлаш имконияти
- 7) Истеъмолчиларнинг ҳақ тўлолмаслик хавфи
- 8) Муқобил маҳсулотнинг пайдада бўлиши
- 9) Кўзда тутилмаган харажатлар, шу жумладан, инфлция натижасида
- 10) Лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб бермаслик хавфи
- 11) Мұхандис-техник ходимлар ва малакали ишчиларни ўз вақтида тайёрлашнинг кечикиши хавфи
- 12) Маҳсулотга бўлган талабнинг барқарор эмаслиги
- 13) Солиқларнинг оширилиши хавфи
- 14) Иш ташлаш хавфи

#### **5-топшириқ. Тўғри/нотўғри**

А. Инвестициялашда таваккал хавфи деганда инвестиция даромадларининг кўзда тутилган миқдоридан камайиш ҳолати тушунилади.

Б. Даромадларнинг ўзгариши шкаласи қанчалик кенг бўлса, инвестициялашда таваккал хавфи даражаси шунчалик юкори бўлади.

В. Инвестициялашда таваккал хавфи манбалари бир-бири билан жуда боғлиқ бўлганлиги сабабли уларнинг қайси бири даромадга қанчалик таъсир этганлигини аниқлаш жуда мушкул.

Г. Инвестициялашда таваккал хавфининг асосий турлари: иш билан боғлиқ таваккал хавфи, молиявий бозор тасодифи хавфлари, аҳолининг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлган молиявий хавф, фоиз хавфи ва бошқалар ҳисобланади.

Д. Иш билан боғлиқ таваккал хавфи келаётган даромадларнинг ҳамма инвесторлар билан ҳисоб-китоб қилишга этиши кафотланганлигидир.

Е. Молиявий хавф деганда ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлар компенсациялари натижасида келиб чиқмайдиган хавф тушунилади.

Ж. Инвестиция учун қанчалик кўп четдан қарз жалб этилса, молиявий шунчалик хавф камаяди.

З. Аҳолини товарлар сотиб олиш қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ бўлган хавф асосан талаб инфляцияси вақтида бўлади.

## **1-МОДУЛ БҮЙИЧА ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР:**

1. Мамлакатнинг иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узок муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантифи мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқенини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади.

3. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишdir.

4. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

## **ИНФОРМАЦИОН – УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартарф этиш йўллари ва чоралари”. - Ўзбекистон, 2008 й
2. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
3. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Инвестиция фаолияти тўғрисида». Солиқ тўловчининг журнали №2, 1999.
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Чет эллик инвесторларни хуқуқларининг кафолотлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида». Солиқ тўловчининг журнали №9, 1998.
5. Гулямов С.С. и др. Проектный анализ инвестиций.-Т.: ТГЭУ,1997.
6. Друри К.. «Введение в управлеченческий и производственный учёт». - М.: «Аудит», 1994.
7. Жўраев А.С. ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма/ Муал.: А.С.Жўраев, Д.Ю.Хўжамқулов, Б.С.Маматов; Акад. М.Шарифхўжаев таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2003. - 256 с.

8. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили: (С.С.Гуломов, Х.К.Мамарасулов, М.И.Тошниёзов). -Тошкент.: ТошДАУ,1998.
9. Ишмухаммедов А.Э. ва бошқ. Лойиҳа таҳлили: Ўқув қўлланма/Муал.: А.Э.Ишмуҳаммедов, М.С.Қосимов, З.А.Жумаев, Қ.Х.Жумаев. - Т.:ТДИУ, 2004. –160 б.
10. Ковалев В.В. Методы инвестиционных проектов. – М.: 2003. – 623 с.
11. Крылов Э.И., Власова В.М., Журакова И.В. Анализ эффективности и инновационной инвестиционной деятельности предприятия.-М.: 2004.- 378 с.
12. Царев В.В. Оценка экономической эффективности инвестиций.-М.: 2004.- 306 с.
13. Шарп У., Г.Александр, Дж.Бейли. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2000. – 279 с.

### **Лойиҳа таҳлили фанига оид мақолалар эълон қилинадиган илмий журналлар рўйхати ва интернет сайтлари:**

- Бозор , пул ва кредит. Илмий-амалий ойлик журнал. <http://www.finance.uz>. 2010/
- Uzbekistan: main economik indicators <http://www.cer.uz>. 2011. №1-2.

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Ўзбекистон Республикаси Олий ва махсус таълим вазирлиги ахборот ресурс маркази.

2. [www.gulduportal.uz](http://www.gulduportal.uz) – Гулистон давлат университети Ахборот ресурс маркази.
3. [tashkent.marketcenter.ru](http://tashkent.marketcenter.ru) - Базы данных по предприятиям, товарам и услугам Узбекистана. –
4. [www.uzreport.uz](http://www.uzreport.uz) - Ўзбекистон бизнес информацион портали
5. [www.uzex.com](http://www.uzex.com) - Узбекская товарно-сырьевая биржа - глобальная торговая система охватывающая всю территорию Узбекистана
6. [www.informer.ru](http://www.informer.ru)
7. [www.rusimpex.ru](http://www.rusimpex.ru) - Внешнеэкономический сервер России
8. [www.ixbt.com/export.shtml](http://www.ixbt.com/export.shtml) - Экспорт информационно-технических оборудований
9. [www.wto.org](http://www.wto.org) - Жаҳон савдо ташкилоти
10. [www.spoto.ru](http://www.spoto.ru) - Международнӯе перевозки - таможенное оформление
11. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
12. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
13. [www.ceep.uz](http://www.ceep.uz)
14. [www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz)
15. [www.pca.uz](http://www.pca.uz)
16. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com),
17. [www.tdiu-makro.narod.ru](http://www.tdiu-makro.narod.ru),
18. [www.micro-macroiqtis0diyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtis0diyout.fan.uz).

## ГЛОССАРИЙ

**"Пакетдаги" лизинг.** Мавжуд ишлаб чи=ариш иншоатлари ва бинолар кредитга берилиб, зарур былган машина ва ускуналар эса ижарачига ижара шартномаси асосида берилади.

**+имматли =о\озлар.** +имматли =о\озлар молиявий бозорда савдо предмети былиб щисобланади. +имматли =о\озлар бу меъёрий щу=у=ий талабларга мувофи= расмийлаштирилган, щужжат былиб, унинг эгасига (ёки социбига) муайян мулкий щу=у=ларни таъминлайди ва шу билан бирга =ийматга эга былади.

**+имматли =о\озларни келтириб чи=арувчиilar.** +имматли =о\озларни келтириб чи=арувчиilar сифатида асос деб айтиладиган баъзи реал ёки молиявий активлар быйича тызиладиган келишувлар, щу=у=лар ва мажбуриятлар =абул =илинган.

**Акционер =имматбашо =о\озлари** (equity securities) - бозор мумомаласидаги пул щужжати былиб, щужжат эгасининг ушбу щужжатни чи=арган шахсга нисбатан мулкий ху=у=га эгалигини тасди=лайди;

**Алмашадиган (конвертранадиган) акциялар.** Алмашадиган облигациялар-уни эгаларига ушбу корпорацийи акцияларини олиш щу=у=ини таъминловчи корпоратив облигацияларни алошида туридир.

**Андеррайтерлар** вазифасини ривожланган бозорларда одатда, йирик инвестиция компаниялари, брокер фирмалари, щамда кыпгина мамлакатларда тижорат банклари щам бажарадилар.

**Андеррейтингнинг турлари.** «+атъий мажбуриятлар асосидаги» андеррейтинг. Бундай шароитда андеррайтер акцияларнинг бутун нашрини ёки унинг бир =исмини =атъий нархларда жойлаштириш быйича =атъий мажбуриятларга эга былади.

**Аннуитет.** (ингл. Annuite — йиллик тўлов) деб номланадиган бу турдаги операцияларга амортизация фондини жамғариш, яъни астасекин эскирган асосий фондлар ўрнига янгисини сотиб олишга етарли бўлган пул суммасини жамғариш мисол бўла олади.

**Банклар ва молия.** Мамлакатда жащон савдоси ва инвестиция сощасида фойдаланиладиган барча молиявий инструментлар мавжудлиги ушбу сощадаги хизматлар сифатини англатади.

**Бевосита инвестициялар** – бу капитални ты\ридан-ты\ри экспорти былиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат =илиш щу=у=ини беради.

**Бевосита лизинг.** Бунда лизинг компанияси мижоз учун унинг буюртмаси асосида машина ва ускуналарни уларни ишлаб чи=араётган корхоналардан сотиб олади.

**Бирламчи ва иккиламчи бозор.** Бирламчи бозор =имматли =о\озларни эммитенти (яъни, инвесторларга эркин сотиш учун =имматли =о\озларни чи=арувчи хусусий ёки давлат муассаси (ташкилоти) томонидан бирламчи жойлаштириш быйича операцияларни ыз ичига олади.

**Бозорлар ва усуллар.** Щозирги замон бозор и=тисодиётидаги молиявий бозорнинг устивор йыли и=тисодий агентларнинг жам\армаларини йи\иши ва ушбу мабла\ларни янгидан капитал яратиш учун фойдаланишдир.

**Буюртмачилар** - инвесторлар томонидан инвестицион лойищаларни амалга ошириш учун вакил этилган юридик ва жисмоний шахслар.

**Варрант** (warrant) – опционнинг бир тури былиб, эгасига белгиланган муддат ичида эмитентдан имтиёзли шароитда маълум бир ми=дордаги акцияларни сотиб олиш имконини беради.

**Векселлар.** Вексел меъёрий талабларга мувофи= расмийлаштирилган щужжатларни ифода =илади, унга мувофи= бир томон бош=асига муайян пул суммасини тылаш мажбуриятини олади.

**Девиденд** деб аталувчи даромад акционерларга уларнинг =ылидаги акциялар сонига мувофи= тыланади.

**Диверсификация портфелини шакллантириш.** Инвестиция портфели – бу бир ёки бир =анча ма=садларга эришишни мылжаллаб танланадиган молиявий =уроллар йи\индисидир.

**Дисконтлаш.** Бугун инвестиция қилинаётган маблағларнинг келгусидаги қийматини ҳисоблаш жараёни дисконтлаш деб юритиладиган молиявий ҳисоб-китобларнинг бир кўринишидир.

**Жам\арма сертификатлари.** Жам\арма сертификати-бу банк томонидан чи=ариладиган ва уни эгасига олдиндан шартлашилган ва=тда белгиланган суммани олиш щу=у=ини берувчи =имматли =о\оздир.

**Заём =имматбащо =о\озлар** (debt securities) - бозор муомаласидаги пул щужжати былиб, заём эгасининг ушбу щужжатни чи=арган шахсга нисбатан муносабатини тасди=лайди.

**Заём олиш усуллари.** Заём олиш усуллари олди-берди муносабатларини расмийлаштиради ва =имматли =о\оз эммитентини уни эгасига (кредитларга) белгиланган пул суммасини =ыллашни ифода =илади.

**Имтиёзли акциялар.** Имтиёзли акциялар, оддий акциялар сингари фирмани, корхонанинг капиталини бир =исмига эгалик =илиш щу=у=ини беради, аммо унинг эгаси бош=арувда иштирок этиш щу=у=ини бермайди.

**Инвестиция** бу барча турдаги миллий ва интелектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йыналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришишидир.

**Инвестиция жараёни** – пул таклиф =илувчилар (ва=тинча быш мабла\ларга эга былганлар) ни пул талаб =илаётганлар (уларга эштиёж сезаётганлар) билан учрашириш механизмидир.

**Инвестиция жараёни иштирокчилари.** Инвестиция жараёнининг бош иштирокчилари – давлат, компаниялар ва хусусий шахслар былиб, уларни щар бири инвестиция жараёнида талаб томонида, ёки щамда таклиф томонида туриб иштирок этиши мумкин.

**Инвестиция институтлари** – бу =имматли =о\озлар билан ыз фаолиятини асосий фаолият сифатида амалга оширувчи =имматли =о\озлар бозорининг профессионал иштирокчилариидир.

**Инвестиция компанияси** – бу =имматли =о\озларни чи=ариш, =имматли =о\озларга мабла\лар сарфлаш, =имматли =о\озларни ыз номидан ва ызи щисобидан олиш–сотиш ишларини амалга оширувчи юридик шахседир.<sup>1</sup>

**Инвестиция маслащатчиси** – бу маслащат фаолияти билан шу\улланувчи инвестиция институтидир.

**Инвестиция мукофоти.** Бу инвестициялаш жараёни бир текис кетиши учун пул етказиб берувчилар мукофот олиши лозим, пул щаридорлари эса ушбу мукофотни таъминлашлари лозим. Мукофот ми=ёси ва шакли =имматли =о\озлар билан битишувларни хилма-хиллигига бо\ли=.

**Инвестиция мушити** объект категорияси былиб, шар бир алоцида олинган ва=т доирасида инвесторлар учун ща=и=атда мавжуд былган шарт-шароитлар мажмуасини акс эттиради.

**Инвестиция субъектлари** – инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкий ва интеллектуал бойликларга эга былган жисмоний, щу=у=ий шахслар ва давлатдир.

**Инвестиция талаби.** Корхоналар томонидан инвестицияга былган талаб ягона эмас, аммо заём мабала\ларига былган талаб пировард талабнинг асосий омили былиб щисобланади.

**Инвестиция фондлари** – бу жисмоий ва юридик шахслар мабла\ларини тыпловчи щамда фойда олиш, акциядорлар хатарини камайтириш ма=садида ушбу мабла\ларни фонд номидан =имматли =о\озларга, банк щисоб ра=амларига ва омонатларга жойлаштирувчи ташкилотдир.<sup>2</sup>

**Инвестициялаш ма=садларини белгилаш.** Инвестор дастлабки шартларни бажариш ва молиявий вазифаларни ани= белгиланган зашоти, у инвестициялашни ма=садларни даромадлиликни щошлаган даражаси билан бо\ли= ва=тини ми=ёсларни, шаклларни ва тавакалликни ани= даражасини белгилаши лозим..

**Инвестициялаш.** Махсус танланган молиявий =уролларга пулни =ийматини кыпайтириш ёки ижобий даромад олиш ма=садида жойлаштириш жараёнини инвестициялаш деб аталади.

**Инвестициялашда щаражатлар кетма-кетлиги.** Амалда инвестициялашга хилма-хил ёндашувлардан фойдаланилади. Улардан бири ани= ма=садларга эришишга йыналтирилган щаражатларни чу=ур режалаштиришдан иборат.

**Инвестициялашни ижодий ащамияти.** бу хусусий шахслар пулларни етказиб берувчилар былиб щисобланар экан, давлат ва компаниялар уларни соф щаридорлари щисобланадилар, инвестициялаш жараёни жуда салмо=ли натижаларга эга былди.

**Инвесторлар типи.** Икки типдаги инвесторлар бор: улар институционал ва якка инвесторлар.

<sup>1</sup> Биз инвестиция компанияси, деб атайдиган муассаса америка амалиётида инвестиция банки, деб номланади.

<sup>2</sup> Биз инвестиция фонди, деб атайдиган муассаса америка амалиётида инвестиция компанияси, деб номланади.

**Инвесторлар** ыз мабла\и ёки жалб =илингандан мабла\ ёрдамида капитал =ыйилмаларни амалга оширади. Юридик ва жисмоний шахслар, ёки уларнинг бирлашмаси, давлат органлари ва чет эллик юридик ва жисмоний шахслар инвестор былишлари мумкин.

**Институционал инвесторлар** - мутахассислар былиб, уларга бегоналарнинг пулини бош=аргани учун ща= тылайдилар.

**Капитал =ыйилма объектларидан фойдаланувчилар** - булар юридик ва жисмоний шахслар, щамда давлат органлари, мащаллий щокимият, хорижий давлатлар, хал=аро ташкилотлар былиб, ушбу объектлар улар учун яратилади.

**Компаниялар.** Амалда кыргина йирик компаниялар на=д пулларини бош=аришни фаол ва мураккаб стратегиясини амалга оширадилар ва =ис=а муддатли =иматли =о\озларни асосий щаридорлари щисобланадилар.

**Леведж-лизинг.** Бунда ижарага берилаётган ускуна ва жищозлар нархининг катта ми=дори учинчи томондан, яъни инвестордан =арзга олинади.

**Моддий инвестициялар** бу асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан бо\ли= былиб, кыргичлик щолларда инвестицион лойищалар доирасида амалга оширилади.

**Молиявий =уролларни бащолаш.** Молиявий =уролни танлашда олдин, уни =ыйиш ма=садни ну=таи назаридан бащолаш зарур. Бащолаш жараёни натижаси муайян =уролни ани= даромадлилик таваккаллилик ва бащоси ми=ёслари былиши лозим.

**Молиявий бозорлар** – молиявий ресурсларни таклиф =илувчиларни ва уларга эштиёж сезаётлар оддатда фонд биржаларига ыхшаш воситачилар ёрдамида битим тызиш учун бирлаштириш механизмидир.

**Молиявий бозорлар.** Щозирги замон тушунчасида молиявий бозорлар деганда молиявий активларни савдоси тушунилиб, унда савдони ани= =оидалари, бозор иштирокчиларини машкорати ва ривожланган бозор инфратартиби, камчи=им ва битишувларни амалга оширишини мустацкамлиги мавжуд былади.

**Молиявий дериватлар** (financial derivatives) – бозор нархига эга былган пулли дастак былиб, унинг социбига бирламчи =имматбашо =о\озларни сотиши ёки сотиб олиш шу=у=ини беради. Буларга опционлар, фьючерслар, варрантлар, своплар киради.

**Молиявий институтлар** – масалан, банклар ва ссуда омонат ассоциациялари – оддатда омонатларни =абул =иладилар ва кейин пулни кредитга берадилар ёки бош=a пул билан мабла\ларни инвестициялайдилар.

**Молиявий лизинг.** Бу лизинг асосида ызаро томонлар имзоланган шартномага биноан, шартнома муддати тугагандан синг ижараби лизингга олинган ускуналарни =олди= =иймати быйича сотиб олиши мумкин.

**Мулкий щу=у=лар.** Агарда фирмани барпо =илиш учун кыпчилик мулкдорларни мабла\лари фойдаланиладиган былса ундай корхонани корпорация деб аталади.

**Нота** (=арз мажбурияти) (note) - =ис=а муддатли (3-6 ой) пулли дастак былиб, банк билан келишув асосида =арз олувчининг ыз номига чи=арилади, бозорда жойлаштирилиши кафолатланади ва сотилмаган ноталар сотиб олинади, резерв кредитлар билан таъминланади. Кенг тар=алган ноталар – Евроноталардир.

**Облигация** (bond) (оддий вексель, =арз мажбурияти) пулли дастак былиб, унинг сошибига кафолатланган ва =атъий белгиланган пул даромади ёки шартнома асосида белгиланган ызгарувчан пул даромадини олиш щу=у=ини беради;

**Облигациялар.** Облигациялар заём олувчиларни (эммитентини)ва кредитларни (инвесторни) муносабатларини расмийлаштирувчи =имматли =о\оз былиб, эммитентини белгилаб пул суммасини келишилган ва=тда тылаш шартини ифода =илади.

**Оддий акциялар.** Оддий акциялар корпорациянинг мулкини бир =исмига эгалик =илиши ва фирмани фойдасини бир =исмини олиш щу=у=ини бериш билан бирга корпорацияни бош=аришда иштирок этиш щу=у=ини беради.

**Оператив лизинг.** Лизингнинг бу турида ижарага берилаётган техника ускуналарининг ижара муддати уларнинг хизмат =илиш муддатига =араганда =ис=а былади.

**Опцион** (option)- шартнома (=имматбащо =о\оз) былиб, щаридорга маълум бир =имматбащо =о\оз ёки товарни белгиланган муддатдан сунг ёки маълум бир давр ичида =атъий белгиланган нархларда сотиб олиш ёки сотиш щу=у=ини беради.

**Пенсия фондлари.** Пенсия фонdlарини инвестиция фонdlарининг маҳсус турлари сифатида =араш мумкин.

**Портфелни бош=ариш.** бу фа=атгина молиявий =уролларни ма=бул ци\индисини яратиш эмас, балки унинг ор=асидан у ёки бу =уролларни ща=и=й динамикасига мувофи= портфель таркибини ызгартириш щамдир.

**Портфель инвестициялар** (portfolio investments) - шундай инвестицияларки, бунда капитални даромад олиш ма=садида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бош=а =имматли =о\озларини сотиб олиш учун сарфланади.

**Пудратчилар** - юридик ва жисмоний шахслар былиб, улар буюртмачилар тызган шартномалар асосида ишларни бажарадилар.

**Пул бозори дастаклари** - пулли дастак былиб, унинг сошибига маълум бир давр ичида кафолатланган ва =атъий белгиланган пул даромади олиш щу=у=ини беради.

**Реал инвестициялар** (капитал =ыйилмалар) – пул мабла\ларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

**Рентинг.** Мулкни бир кундан то бир йилгача былган =ис=а муддатга ижарага беришни назарда тутади.

**Своп** (swap) – савдо =оидаларига амал =илган щолда битта =арзни тылаш быйича маълум бир муддат ытгандан сынг шартларни ызгартириш быйича битим

**Соли==а тортиш.** Меъёрий тартибга солиш вазифаларидан таш=ари молиявий бозорни амал =илишига давлатни таъсир =илиш омили былиб соли==а тортиш щисобланади.

**Соф лизинг.** Бунда ижарага берилётган мулк ва уларни ишлатишга сарфланадиган барча =ышимча щаражатлар ижарачи зиммасига юклатилади.

**Су\урта компаниялари.** Су\урта компаниялари фаолияти мазмунини =ис=ача таваккал билан савдо =илиш деб тушунтириш мумкин.

**Таклиф** фоиз ставкаларининг щар =андай даражасида инвестицияларни =анча ми=дорда мабла\ бера олишига тайёр эканлигини кырсатади.

**Талаб** деганда корхона ва уй хыжаликларини турли бащо даражасида-фоиз ставкасида =арамай жами мабла\ ми=дорини =арзга олишга рози былган щолатни назарда тутади.

**Фоизлар** – одатда бажариш муддати ызайтирилган олди-сотди битишувлариdir.

**Форвард битимлари.** Форвард битимлари-келгуси битимда белгиланган олдиндан гаплашилган нарх быйича маълум ми=дордаги баязи асосий активларни сотиш, бош=а томон эса сотиб олиш мажбуриятига мувофи=тызилган келишувлариdir.

**Форвард кырси** (forward rate)- асосий =арз суммасининг маълум бир ызгармас =исмига нисбатан белгиланган ва=tда тыланадиган фоиз ставкасининг щажми ты\рисида келишув былиб, у ыша кундаги фоиз ставкасидан паст ёки ю=ори былиши мумкин.

**Фьючерс** (futures) –=имматбащо =о\зларни, валюта ёки товарларни белгиланган нарх ва келажакдаги белгиланган муддатда сотиш ёки сотиб олиш борасидаги бажарилиши мажбур былган =ис=а муддатли стандарт шартномалардир.

**Хайринг.** Бунда мулк 1 йилдан 3 йилгача муддатга ижарага берилади.

**Хусусий шахслар.** Хусусий шахслар инвестиция жараёнига турли усулар билан: масалан, омонат щисобларга пул жойлаштириш, облигация ва акциялар сотиб олиш, су\урта полислари олиш билан пул етказиб беришлари мумкин.

**Хусусийлаштириш инвестиция фондлари.** Хусусийлаштириш инвестиция фонд(ХИФ)лари инвестиция фондларининг бир тури щисобланади. Улар ащолининг кенг =атламини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш ма=садида ташкил этилади.

**Чатишган усуллар.** +имматли =о\зларни бир =анча турлари мавжуд былиб, улар заём ва эгалик щу=лари усулларининг хусусиятларини

бирлаштиради. Улар имтиёзли акциялар ва конвертранадиган (алмашадиган) облигациялар.

**Шахсий инвестициялар** бу тадбиркорлар, хусусий фирмалар, концернлар ва акционер ташкилотлар томонидан та=и=ланмаган фаолиятларга сарфланадиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларни англатади.

**Якка инвесторлар** ыз молиявий манфаатлари учун шахсий мабла\ларини тасарруф этадилар. Якка инвестор кыпинча пенсияга